

Д.ТОЖИБОЕВА, Н. ХУЖАЕВ,
Г. АВАЛОВА

ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**УМУМИҚИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

Д.ТОЖИБОЕВА, Н. ХЎЖАЕВ, Г. АВАЛОВА

ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2008

Д. Тожибоева, Н. Хўжаев, Г. Авалова. Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. Т., «Fan va texnologiya», 2008, 256 бет.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртлирининг давлат таълим стандартлари ва «Иқтисодий педагогика» фани намунавий ўқув дастурига мувофиқ равишда яратилди. Унда иқтисодий таълим-тарбия, унинг ривожланиши, ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш ва иқтисодий педагогиканинг бошқа масалалари баён қилинган. Олий таълимнинг 140000 «Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани» таълим соҳасидаги 5140900 «Касб таълими» бакалаврият таълим йўналишлари учун.

Ўқув қўлланмадан олий ўқув юртлирининг талабалари, шунингек, профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтисодий таълим бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Данный учебное пособие создано на основе требований государственных образовательных стандартов и в соответствии типовой учебной программы по курсу «Экономическая педагогика». В ней изложены экономическое воспитание-образование, их развитие, формирование экономического мышления и другие вопросы экономического воспитания молодежи.

Учебное пособие предназначено для студентов экономических ВУЗов, им могут пользоваться преподаватели, а также исследователи, занимающийся в области экономического образования.

This textbook is created on the basis of state educational standard requirements and in accordance with the typical education programme on «Pedagogic of Economics». It is dedicated to economic education of growing youths development, the formation of economic thinking and other problems of economic growing up youth.

This textbook is designed for the students of the economical institutes, it can be used by teachers, as well as by researchers studying the field of economic education.

Тақризчилар: Х. Омонов - п.ф.д., профессор;
К. Умаров - и.ф.н., доцент;
П. Хошимов - и.ф.н., доцент.

ISBN 978-9943-10-102-9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008 й.

КИРИШ

Ижтимоий ҳаётда янги сифат ўзгаришлари юз бериши учун фарзандларимизда ёшлигидан фаннинг турли соҳаларига, хусусан, иқтисодий билимларга катта қизиқиш уйғотишимиз зарур. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан одамларнинг иқтисодий билими ва таҷрибаси, иқтисодий идрок кучига боғлиқ.

Республикамизда иқтисодийetni эркинлаштириш ва бу соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодийет сирасорларини, шу билан бирга, фанни чуқур ўрганишга бўлган ҳаракат ва талабларни ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнинггина эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларида иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ҳам талаб қилади. Иқтисодий фикрлашни шакллантириш эса, таълим-тарбия орқали амалга оширилади.

Таълим-тарбия ҳар доим ҳам баркамол инсонни вояга етказишга, унинг маънавий ва моддий маданиятини шакллантиришга қаратилади. Таълим-тарбия жараёни бир-биридан фарқли равишда ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлишига қарамасдан, улар моҳияти жиҳатидан бир ижтимоий мақсад жамият аъзоларининг қонунчилигини таъминлашга, ёшларда қатор зарур ижтимоий сифатлар, фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Ёшларда иқтисодий фикрлашни шакллантириш зарурияти, айниқса, иқтисодчи педагоглар тайёрлаш – иқтисодий педагогикани ўрганишни талаб этади. Чунки бошқаларда иқтисодий фикрлашни шакллантириш учун аввало, ўргатувчининг ўзида иқтисодий тафаккур шаклланган бўлиши зарур.

Иқтисодий педагогика фанининг мақсади касб таълими бакалавриат йўналиши талабаларига иқтисодий таълимнинг барча бўғинларида ёшларда ҳозирги замон-бозор иқтисодиётига хос иқтисодий тафаккур ва иқтисодий маданиятни шакллантириш, иқтисодий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш учун иқтисодий фанлардан

Шундай қилиб, жамият тараққиётининг барча босқичларида камёб табиий ресурсларнинг тугаб бориши, уларни асраб-авайлаб сарфлаш учун қилинадиган харажатларнинг ҳам кўпайиб бориши бу муаммони янада долзарб қилиб қўяди. Натижада, диний диққат чекланган ресурслар ва имкониятлар шароитида яратилган неъматни, кўпайтириши учун рационал¹ хўжалик юритиш қонувларини излашга қаратилган. Бунда иқтисодий тадқиқотлар йўналиши, эътибор қаратиладиган масалалар ўзгарган, лектин асосий мақсад ўзгармаган.

Жамият тараққиёти, хўжалик юритиш шакллари ва иқтисодий алоқаларнинг кучайиши, мураккаблашуви билан ер юзидаги аҳолининг кўпайиши бу муаммонинг долзарблигини янада оширди.

Иккинчи томондан, инсон неъматларни яратувчиси ва истеъмолчисигина эмас, айнан ана шу жараённинг барча босқичларида ягона қарор қабул қилувчи ва уни амалга оширувчидир.

Шунинг учун ҳам XIX асрнинг охиридан бошлаб жамиятни ижтимоий ташкилий шаклига, «иқтисодий одам (homo economicus)» нинг савб-ҳаракати, танлови, субъектив мотивларга алоҳида диққат қаратила бошланди.

Демак инсоннинг қандай қарор қабул қилиши бунда у ўз манфаатлари нуқтаи назардан масалага қандай ёндашиши катта аҳамиятга эга.

Машхур файласуфлардан Демокрит шундай деган экан «Донишмандликдан қуйидаги ўзига хос уч фазилат келиб чиқади: энг тўғри қарор қабул қилиш, беҳато сўзлаш, бажариш лозим бўлган ишни ижро этиш».

Ресурсларни қандай ишлатиш ҳақида инсон қарор чиқарар экан, демак, ана шу қарор тўғри бўлиши, турли вариантлардан энг тўғриси яки танлаши лозим. Бунинг учун у иқтисодий фикрлаш, ақл билан қарор қабул қилишни ўрганиши зарур.

Учинчидан, ана шу билим, малака, кўникмаларни ёшларга ўргатиш уларда иқтисодий нуқтаи назардан фикрлашни, иқтисодий тафаккурни тарбиялаш зарур.

Тўғрисиқидан, ёшларда иқтисодий билим, малака, кўникмани шакллантириш, яъни, ривожлантирадиган устозлар, педагоглар зарур.

Ана шу заруриятлар туфайли педагогикада янги бир фан иқтисодий педагогика шаклига бошлади.

Фаннинг ўзи нима? деган савол туғилади.

Фан тушунчасига – ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича таъриф берилди: «Табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини

¹ rationalis (лот.) – мақсадга мувофиқ, оқиллик билан.

очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси»¹.

Инсон пайдо бўлибдики, ўзини қуршаб турган оламни, шу оламни таркибий қисми бўлган ўзини ҳам билишга қизиқади. Шу билан бирга инсон яшар экан, унинг олдида турли-туман қийинчиликлар, тўсиқлар, ечиш зарур бўлган муаммолар вужудга келадими, уларни ечиш учун у изланади, меҳнатини енгилатишга ҳаракат қилади. «Экинчи Гаюгонинг фикрича «тараққиёт тасодиф эмас, балки заруратдир». Мен бу фикрга тўлиқ қўшиламан, ҳозир ривожланиш ҳар бир соҳада изчил амалга оширилмоғи зарур. Акс холда бу соҳалар замон талабига жавоб бера олмайди»².

Маданият бешиги ҳисобланган Греция, қадим Шарқ мамлакатларида табиат ва жамият тараққиётини кузатиб, ўрганиб, унинг қонунларини очиб берувчи кишилар, мутафаккирлар етишиб чиқдилар ва том маъноси билан ҳозирги замон илму-фанига асос солдилар.

Иккинчидан, фан маъносида ўзбек тилида илм сўзи ҳам ишлатилади. Илм атамаси кенг бўлиб, у фан маъносида ташқари, кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирган билим, маълумот, дониш ҳам тушунилади.

Ислоҳ Шарқда «илм» тушунчаси ҳам диний, ҳам дунёвий мазмун касб этган. Лекин уларнинг албатта ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Ҳар қандай фан остида кишиларнинг оламни билиш учун уни кузатиш, идрок қилиши жараёни, унинг натижасини умумлаштириш, худоса чиқариши ётади, тўпланган билим ва тажрибалар асосида пайдо бўлади.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан машҳур бўлган буюк аждодимиз Абу Наср Форобий, машҳур бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийлар ҳам фан кишиларнинг амалий эҳтиёжи туфайли вужудга келишини таъкидлашган.

Шундай қилиб, фалсафий, иқтисодий фанлар билан педагогика фанлари кесишуви нуқтасида таълим ва тарбияни ўргатувчи фан шаклланди. Жамият тараққий этиши билан келажакда маънавий ва иқтисодий ҳаёт ижодкорлик учун катта имкониятлар вужудга келтиради.

Мамлакатнинг келажакги беасита ёшлар, уларга таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ. Бу жараёнда иқтисодий билим ва тарбия бериш муҳим ахамиятга эга, сабаби, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш айнаин инсонларнинг иқтисодий тафаккурига боғлиқ бўлиб қолади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М.: «Рус тили» нашриёти, 1981, 294-бет.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1999, 10-бет.

Иқтисодий педагогика фанининг мақсади иқтисодчи-педагоглар тайёрлаш ва иқтисодий таълимнинг барча бўғинларида ёшларда ҳозирги замон бозор иқтисодиётига хос иқтисодий тафаккур ва иқтисодий маданиятни шакллантириш, иқтисодий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш ва иқтисодий фанларнинг узвийлигини таъминлашдир. Иқтисодий педагогиканинг мақсадини қисқача таърифласак, «*homo economicus* – иқтисодий одам»ни шакллантиришдир.

Иқтисодий педагогиканинг предмети. Иқтисодий педагогика илмий билишнинг ўзига хос соҳаси сифатида шахсни иқтисодий нуқтаи назардан тарбиялашни ўрганишдир. Педагогиканинг ўзи тарбия тўғрисидаги фан бўлса, иқтисодий педагогика унинг бир йўналиши сифатида янсонда иқтисодий фикрлаш тарзини шакллантиришдир.

Иқтисодий педагогиканинг объекти иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш натижасида иқтисодий қарашлари ривожланаётган ўқувчи, талабалардир.

Иқтисодий педагогика, иқтисодий таълим тарбиянинг асосий вазибалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Иқтисодий фикр юритиш ва иқтисодий жиҳатдан дунёқарашни шакллантириш.

2. Мулк эгаси хўжайинлик ҳисси, иқтисодий маданиятни тарбиялаш.

3. Социал-психологик, ахлоқий жиҳатлар: меҳнатсеварлик, интизомчилик, тежамкорлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик ташкилотчилик, ҳисоб-китоб олиб боришга интилишни тарбиялаш.

4. Узлуксиз таълимни амалга ошириш, иқтисодий таълим беришнинг ҳамма бўғинлари, босқичларида ҳамда иқтисодий кадрлар тайёрлашда замон талабларига жавоб берадиган, бозор иқтисодиёти талабларини тушуна оладиган хўжалик юритувчи ва мутахассис сифатида малака ва кўникмага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш жараёнида тарихий ғоялар, анъаналарни ўрганиб, улардан қарор қабул қилишда фойдаланишни ўрганиш.

5. Ҳаётда содир бўладиган ўзгаришларни тўғри ҳисобга олишни уларга мослашиш, риск қилиш, эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун оқилона тавлаш фазилатларини шакллантиришга таъсир кўрсатиш.

6. Бозор иқтисодиёти ўз қонунилари, тамойиллари ва талаблари билан амал қилишини ҳисобга олган ҳолда бундай жамиятда яшаш, фаолият юритиш учун янги билимларни, янги иқтисодий фикрлашни шакллантириш.

7. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришни жадаллаштириш даврида тамомила янги иқти-

содий фикрлашни шакллантиришнинг асосий устувор вазифаларини амалга ошириш, ёшлар онгига иқтисодий жараёнларни оддий, содда қилиб сингдириш, иқтисодий билим бериш иқтисодий саводхонликни таъминлаш.

8. Ёшларга таълим ва маданиятни тушуниб олиш, иқтисодий тафаккур ва иқтисодий маданиятни бирлаштириш орқали инсон омилини кучайтириш ва бошқалар.

2-§. Иқтисодий педагогиканинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги

Иқтисодий педагогика фанлар тизимида қатор фанлар билан узвий алоқада бўлиб, бунинг сабаби иқтисодий педагогика фанининг ўрганиш объекти билан боғлиқ.

Маълумки, барча фанлар объектив борлиқ ва уни ўрганиш асосида вужудга келган. Шунинг учун ҳам фанлар бир-бирини тақозо қилувчи сифатида ҳамда фанларнинг ривожланиши натижасида янги фанларнинг вужудга келиши туфайли бир-бири билан узвий боғлиқлиги эътироф этилади. Шу нуқтан назардан иқтисодий педагогика ҳам деярли барча фанлар билан узвий алоқададир.

Айниқса, бир объектнинг бир неча фанларнинг ораллигида ўрганилиши лозим бўлади. Демак, маълум бир фан бошқа туташ фанларсиз тўлақонли муваффақиятга эриша олмайди.

Бизни қуршаб турган олам системали хусусиятга эга бўлганидек оламнинг бир узвий қисми бўлган инсоният олами ҳам маълум бир системадир. Инсоният олами энг аввало, инсонлар ва уларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Инсониятни ташкил этган инсон ўзи алоҳида яшай олмайди. Инсон албатта бошқа инсон билан муносабатда яшайди.

Шунинг учун ҳам халқимизда «Ёлғизлик Худонинг ўзига хос» деган нақл бор. Инсонлар кишилик жамиятини ташкил этар экан, улар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий муносабатлар саналади. Инсонлар ўртасидаги турли-туман муносабатларни ўрганувчи фанлар ижтимоий фанлар ҳисобланади. Ижтимоий фанлар билан гуманитар фанлар ўртасида чегара йўқ. Гуманитар фанлар ҳам инсон ва унинг маданиятини ўрганувчи фанлар бўлиб, улар ўртасида ўзаро чамбарчас алоқа мавжуд бўлиб, уларни кўпинча бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу боисдан ҳар икки тармоқ бирлаштирилиб ижтимоий-гуманитар фанлар деб юритилади.

Иқтисодий педагогика ана шу фанлар жумласига кирувчи фалсафа, мантиқ, тарих, адабиёт ва қатор бошқа фанлар билан иккинчи

томондан инсонда иқтисодий фикрлашни қарашларни тарбияловчи фан сифатида иқтисодий фанлар билан боғлиқ.

Лекин маълум бир шундай фанлар борки, иқтисодий педагогиканинг келиб чиқиши жамият тараққиёти ва ана шу фанларнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ.

Бу фанлар қаторига энг аввало, фалсафани қўямиз, чунки барча фанларнинг, айниқса, педагогиканинг методологик асоси бу фалсафадир. Кўплаб педагогик концепциялар ва тарбия тизимининг асоси фалсафий назариялардир.

Ҳозирги кунда педагогикада кенг тарқалган прагматизм, неопрагматизм, неопозитивизм, экзистенциализм, неотомизм, бихевиоризм ва бошқалар ҳам айнан фалсафадаги ана шу йўналишлар асосида вужудга келган ва ривожланган. Демак, иқтисодий педагогикани фан сифатида шаклланиши асосида фалсафа туради десак хато қилмаймиз.

Иқтисодий педагогиканинг шаклланиши педагогика фани билан чамбарчас боғланган. Чунки иқтисодий педагогиканинг предмети, илмий билишнинг алоҳида функцияси бўлган иқтисодий тарбия бўлгани туфайли у энг аввало, педагогика фанига таянади.

Маълумки, педагогика тарбиялаш муносабатлари ҳақидаги фан. Тарбия муносабатлари эса тарбиялаш, таълим бериш билан биргаликда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлаш, мустақил билим олиш жараёнини бир бутун қилиб бирлаштиради. Педагогикани инсонни тарбиялаш, уни маънавий жиҳатдан бой, ижодий фаол шахс бўлиб шаклланишига ёрдам берувчи фан сифатида қараш мумкин.

Иқтисодий педагогикани педагогиканинг бир метадологик йўналиши сифатида иқтисодий таълим шакллари, методлари, принципларига ёндашувлар, унинг мазмунини ифодаловчи мезонларни танлаш, ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи фан тарзида кўриш мумкин.

Сўзсиз педагогиканинг бошқа қатор йўналишлари, педагогика тарихи, этнопедагогика, педагогик антропология, экологик педагогика ва бошқалар ҳам албатта иқтисодий педагогиканинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилади.

Иқтисодий педагогиканинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнаган фанлардан яна бири психология, хусусан психология фанидир.

Айниқса XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, экологик ва иқтисодий психология бўйича олиб борилган тадқиқотлар фанни шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар натижасида шахснинг иқтисодий жиҳатдан фикр юритиши, уни шаклланиши механизмини тушниб етиш, англаш хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди. Иқтисодий таълимни педагогик жараён билан иқтисодий фикрлашни

шаклланиши жараёнини психологик жиҳатларини тўла мувофиқ келишини кўрсатиб берди. «Иқтисодий одам»ни шаклланишига алоҳида диққат қаратилди.

Маълумки, инсон ҳаётининг биологик, социал, моддий ва маънавий томонлари мураккаб тарзда чатлашиб кетади. Иқтисодиёт назарияси инсон фаолиятининг асосий қабҳаси чекланган ресурслар шароитида ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлашни таҳлил этади. Бу жараёнда шахсий ва ижтимоий манфаатлар турли-туман шаклларда реализация қилинишига диққат қаратилади.

Иқтисодий назария кишилик жамияти тараққиётини ўрганишга инсонни бир вақтнинг ўзида турли-туман неъматларни ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмол қилувчи сифатида ёндашади.

Бозор иқтисодиётини оқилона индивидуализмга асосланиши назарий жиҳатдан тадқиқот қилиниши муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда инсон моделига, яъни маълум социал-иқтисодий тизимда инсоннинг умумий қиёфаси ҳақида унинг фаолиятининг турли-туман мотивларига алоҳида аҳамият берилади.

Маълумки, ҳар бир фан инсонга ўз тадқиқот предмети нуқтан назаридан ёндашади ҳамда эришган ютуқлари даражаси доирасида таърифлайди, маълумот беради.

Иқтисодий назария эса инсоннинг иқтисодий саъй-ҳаракатини тушунтириб беришга диққат қаратади.

Инсонни «моделлаштириш»нинг турли-туман йўналишларини шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Улар ўртасидаги фарқ биринчидан, инсоннинг шахсий фазилатларини турли-туманлигидан, абстракцияланиш даражаси жиҳатидан, иккинчидан, кишилар фаолияти амалга ошириладиган иқтисодий, сиёсий, психологик муҳитни ҳисобга олиниши жиҳатидан аниқланади.

Биринчи йўналишга инглиз классик мактаби, маржинализм, неокласик мактаблари киради. Бу моделда асосий диққат инсон эгоист (ўз манфаатини кўзловчи) қилиб яратилганидан келиб чиқиб, «иқтисодий одам» ҳаракати, фаолиятининг бош мотиви, уни ҳаракат қилишининг асоси иқтисодий манфаатлар, энг аввало, пул эканлигига асосланади. «homo economicus» моделига кўра индивид ўзини шундай тутадик, натижада, у ресурслар чекланганлиги, асосийси пул даромади чекланганлиги шароитида нафлиликни, яъни фаровонликни максималлаштиришга эришади. XVIII асда вужудга келган бу концепция ҳозирги кунда янада кенг ёйилди.

Бу моделда инсонларнинг иқтисодий саъй-ҳаракатлари, тавлови чекланган ресурслар шароитида минимал харажат қилиб, максимал натижага эришиш учун интилишга қаратилган. Бу йўналишнинг ўзи

тўла, чекланган, органик рационализм концепцияларига бўлинадики, биринчисид а одам фаолият юритиши учун атрофлича ахборотга эга ва ундан ўз фаолиятида фойдаланиб, максимум даражада натижага эришади деб қаралади.

Иккинчи – чекланган рационализмда хўжалик юритиш жараёнида қарор қабул қилиш учун ахборотлар етарли эмас, чекланган. Бунда турли қийинчиликлар туфайли зарур ахборотларни тўплай олмаслик, етарли даражада таҳлил қила олмаслик, қолаверса инсоннинг билиш қобилияти, иқтидори даражаси имкон бермаслиги мумкин.

Органик (табiiй, узвий) рационализм, яъни рационализмнинг заиф шакли концепциясида асосий диққат инсоннинг ўзини тутиши, сазй-ҳаракатларида расмий ва норасмий қондаларга риоя қилишига қаратилади. Танловнинг рационал бўлишига юридик тақиқлар ёки анъаналар, ахлоқий ва бошқа шунга ўхшаш тақиқлар таъсир қилиши мумкин. Ундан ташқари инсонлар сазй-ҳаракатига ноиқтисодий омиллар таъсир қилиш мумкин. Улар кишилик жамияти тараққиёти билан ортиб боради.

Иккинчи йўналиш кўпроқ кейинчилик ва институтционал мактабларини қамраб олади. Улар кўпроқ биринчи йўналишнинг иккинчи «чекланган рационализм» концепциясига яқинроқ.

Уларнинг фикрича фақат шахсий фойда, нафликини ҳақида эмас, балки ўзини-ўзи чеклаш, бошқаларга яхшилик қилиш мақсадида ўз манфаатларидан воз кечиш каби инсоний хислатлар туфайли индивиднинг танлови натижасига туб ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Бу моделда жамият нисбатан мураккаб таркибга эга, уларни мувозанатда ушлаб туриш учун давлатнинг иқтисодий муносабатларга аралашуви талаб этилади.

Учинчи йўналиш ҳозирги замон реаллигини ўзида акс эттирувчи «иқтисодий одам» моделининг принципиал янги тури бўлиб, унга кўра танловда моддий жиҳатга қараганда маънавий эхтиёжарни қондириш асосий ўринга чиқади.

Тўртинчи йўналиш алоҳида собиқ социалистик (совет) жамиятидаги «иқтисодий одам» модели административ – буйруқбозликка асосланган хўжалик юритиш тизимига хос равишда инсоннинг сазй-ҳаракатларини ифодалайди. Бу модел энг аввало, инсоннинг шахсий фаровонлигини кўзлаш туфайли унинг иқтисодий сазй-ҳаракати, танловини яқкига ажралиши билан характерланади.

Бунда давлат учун меҳнат қаттиқ чеклашлар ва меҳнат натижасини давлат томонидан текис тақсимланишига асосланади. Шунинг учун боқимандалик кайфияти ҳукм суради, давлат мулкани ўғирлаш, тапмачилик мавжуд. Меҳнатига, яъни иш жойида бўлишига кам бўлса

ҳам кафолатланган ҳақ олади. Бунда оппортунистик саъй-ҳаракат учун кулай муҳит яратилади. Оппортунистик саъй-ҳаракат, танлов деганда иқтисодий назарияда иқтисодий виждонсизлик, атайлаб ахборотларни бузиб кўрсатиш ёки тўлиқ ахборот бермаслик ва бошқалар тушунилади. Америкалик иқтисодчи О. Уильямсон фикрича оппортунизм «у «шахсий манфаатларни кўзлаб, ташкилотнинг манфаатларини реализация қилишга тўсқинлик қилиш: ахборотни яшириш, алдаш, ҳийла билан тўғри йўлдан уриш» кабилар тушунилади¹.

Буйруқбозлик иқтисодиётида оппортунизм инсонларни оқилона саъй-ҳаракатини ўзига хос шакли бўлиб, тизимнинг ўзи ҳалоллик, очиқлик, аниқлик, иқтисодий субъектларнинг келажак фаолиятларини ўзлари олдиндан белгилаб мустақил равишда фаолият юритишига тизимнинг ўзи йўл бермаган.

Кўзга кўринган немис олими психоаналитик Эрих Фромм айтганидек «... ақлнинг функцияси яшаш санъатига хизмат қилишдан иборат»². Давлат диктати, товар ва хизматлар дефицити, тақчиллиги одамларни шароитга мослашишга, яшаш учун турли йўлларни ўйлаб топишга мажбур қилган. Турли-туман нобозор, бозор иқтисодиётига хос бўлмаган алоқалар, бошқарув институтлари ва уларда қарор қабул қилишда шахсий масъулият ва ташаббускорликни зиммага олишдан кўрқиш, сусткашлик, иқтисодий нопоклик ва бошқа иллатларга мойилликни кучайтирган.

Лекин шунга қарамай ҳар бир шахс минимал даражада сарф-харажат қилиб, максимал натижага эришишга ҳаракат қилган. Бу эса инсонни доимо иқтисодий рационалликка эришишга интилишини кўрсатади.

Бу принципнинг универсаллиги олимларни уни иқтисодиёт назарияси доирасидагина эмас, балки инсон ҳаётининг ноиқтисодий соҳаларида ҳам унинг ҳаракати мотивларини тушунтириб беришга ҳаракат қилишга олиб келди.

Ана шундай тадқиқотга ниҳоятда катта ҳисса қўшган олим Герри Беккер иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотини олишга сазовор бўлган. У рационал танлов муаммоси билан боғлиқ ҳолда овлада ихтиёр қилинган фарзандлар сони, одамлар томонидан жиноят содир қилиш, таълим олишни давом эттириш ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисаларга қарор қабул қилиш сабабларини оригинал тарзда изоҳлаб

¹ Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб Лениздат, 1996, стр. 689.

² Фромм Э. Анатомия человеческого деструктивности. М.: 1994, стр. 230.

беради¹. Кишилар ҳаётининг воқтисодий томонлари таҳлилига иқтисодий жиҳатидан ёндашишдан фойдаланиш назарияда «иқтисодий империализм» номини олган.

Умуман олганда ҳўжалик юритиш жараёнида «инсон омили»га хос асосий параметрлар ана шу моделларда умумий тарзда ўз ифодасини топади. Уларни билиш кишилик цивилизациясининг турли бочқичларида иқтисодиётда инсоннинг ролини реал баҳолабгина қолмай, иқтисодий сиёсат юритишнинг оптимал йўналишларини шакллантириш, қабул қилинган у ёки бу иқтисодий қарорларнинг оқибати қандай бўлишини юксак даражада аниқлик билан тахмин қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, индивидуал ва жамоа тарзида тўғри қарор қабул қилишни ўрганиш учун иқтисодиётни, иқтисодий қарашларни ўрганиш зарур.

Кишилик жамияти тараққиётида, иқтисодий тизими марказида инсоннинг роли беқисс. Демак, унга нафақат иқтисодий таълим, балки тарбия бериш зарур, унга рационал қарор қабул қилиш йўлларини ўргатиш лозим. Бу вазифани айнан иқтисодий педагогика бажаради. Шундай қилиб, иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий педагогика фанини нафақат шаклланиши, балки ривожланишига ҳам катта туртки беради. Бозор иқтисодиётида иқтисодиётга субъектив-психологик ёндашув асосий ўринга чиқади. Айниқса, маржинал мактабнинг истеъмолчилар руҳи, кайфиятини ўрганиш, аниқ иқтисодий вазиятда, эркин рақобат кураши шароитида субъектнинг ўзини туттиши, саъй-ҳаракати иқтисодий танлов масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб иқтисодий педагогика янги фан сифатида фалсафа, иқтисодиёт назарияси, педагогика, психология фанларининг ўзига хос интеграцияси сифатида келиб чиқади деб айта оламиз.

3-§. Иқтисодий педагогика фани предметини ўрганиш методлари

Фанда эришилган натижагина эмас, балки унга эришиш методлари, яъни шу натижага қандай қилиб, қайси йўл билан эришилгани ҳамда шу фанни қандай қилиб ўрганиш мумкинлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Фанни фан сифатида уни ўзлаштириш ва такомиллаштириш методларига таянсагина тан олиш мумкин. Чунки айнан метод фанга

¹ Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение THESIS. М.: 1993, т. I, вып. 1, стр. 24-40.

унинг вазифалари, масалаларини ечиш, ўз муаммоларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Иқтисодий педагогика фани ҳам ўз предметини қатор методлар асосида ўрганади. У энг аввало, барча фанлар учун умумий метод бўлган диалектикага таянади. Диалектика – табиат, жамият, тафаккур ривожланишини энг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг асосчиси буюк немис файласуфи Георг Гегелдир (1770-1831). У диалектика тизими назариясининг марказига қарама-қаршиликларни қўяди. У қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунини ифодалар экан, қарама-қаршиликни ҳар қандай ривожланишининг «миқдори» сифатида баҳолайди. Инкорни инкор қилиш миқдор ўзгаришларига, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришларига олиб келишини асослаб беради.

Диалектик метод фақат зиддиятни эмас, балки қарама-қаршиликлар бирлигини ҳам ифодалашни бир-бири билан қарама-қарши ҳодисаларни бир бутун ҳолда кўриш имконини беради. Кишилиқ жамияти тараққиётини иқтисодий фикрлаш тарзининг ўзгаришини, инсонларни тарбиялаш жараёнини ўрганганимизда шу методдан фойдаланамиз.

Иқтисодий педагогикани ўрганишда қўлланиладиган методлар илмий тадқиқот методларидир. Бу методларга кўра:

- инсонни тарбияланувчи ва тарбиячи сифатида тадқиқ этиш;
- инсонни ўрганишнинг турли жабҳаларини синтезлаш;
- параллел равишда уларни педагогик жиҳатдан талқин қилиш, амалга ошириш;
- тажриба ва экспериментлар орқали фактларни ўрганиш. Жараёнлар ва омилларни алоҳида шахс ва жамоа мисолида ўрганиш, ўзгаришларни аниқлаш;
- дедуктив-гипотетик ва индуктив-эмпирик моделлар асосида асосий ғояларни ўз предмети доирасида тадқиқ этиш.

Иқтисодий педагогиканинг муҳим методларидан бири тарихийлик ва мантиқийлик методлари бўлиб, улар таҳлил (анализ) ва синтез методлари билан узвий равишда қўшилиб кетади. Чунки тарихий фактлар, маълумотлар ўрганилиб таҳлил қилинади. Тарбиявий жараён бўйича дунё миқёсидаги тажрибалар ўрганилади, улардан фойдаланилади. Сабаби, жамиятни аввалги тараққиёт даврини ўрганмай, миллий ағъаналар илдизини билмай ҳозирги давр учун мустақкам асос яратиб бўлмайди.

Аниқ фанларнинг инсон ҳақидаги маълумотлари педагогика фани томнидан ўзлаштирилиши мумкин. Бунинг учун улар синтез қилинади ва мантиқий хулоса чиқарилади.

Бундан ташқари индукция ва дедукция методидан кенг фойдаланилади. Ўз предмети нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда бошқа фанлар билан ҳамкорликда тадқиқот олиб боради.

Иқтисодий педагогикани ўрганишда адабиётлар билан ишлаш методи ҳам муҳим ўрин тутати. Иқтисодий педагогикага хос муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Бунда тарихий педагогик адабиётлар, архив ҳужжатлари, маориф, таълим-тарбияга оид, ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш амалга оширилади. Адабиётларни ўрганиш орқали инсоният томонидан бу борада нималарга эришилгани ўрганилади, қандай ҳал этилмаган муаммолар борлиги аниқланади.

Фанни ўрганишда қўлланиладиган яна бир метод герменевтика, яъни талқин қилиш методи ҳисобланади. Бу метод инсоннинг табиатини тушунишга ёрдам беради.

Тарихдан ўрганиш бу тарихни ўрганиш эмас, тарихни ёдда сақлаш эмас, балки унга ёшларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялашда қандай фойдаланса бўлади, деган нуқтаи назардан қараш тушунилади.

Герменевтика фикрни, қарашларни, ёзилган матнни шарҳлаш ва уни талқин қилиш принциплари ҳақидаги таълимотдир. Талқин қилиш – демак ниманидир мазмунини, моҳиятини очиб беришдир.

Педагогик жиҳатдан – бу воқеа, ҳодиса, жараённи педагогика учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришни ифодалайди. Нима сабабдан педагогик фаолиятда, яъни тарбияда зарурлигини асослаб беради.

Бу метод инсонни, уни инсон сифатида шаклланиши, уни ҳар томонлама ривожланиши қонунларини аҳамиятини, моҳиятини ўрганишга, англашга, тушунишга имкон беради.

Талқин қилиш санъати инсон ҳақидаги бошқа фанларда синалган, ўрганилган билимлардан педагогик мақсадларда фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодий педагогикада атроф-муҳит таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бош тарбиячи-алоҳида педагог эмас, балки жамият, умуман олганда бир бутун ҳаётдир. Шунинг учун ҳам буюк аллома Абу Абдулло Рудакийнинг

«Хар кимки ҳаётдан олмаса таълим

Сабоқ бера олмас ҳеч бир муаллим» дегани бежиз эмас.

Анъаналар, ахлоқий қондалар, социал шароит, сиёсий институт, диний эътиқодлар, табиий, тарбия жараёнига кириб, турмуш тарзи таъсири натижасида иқтисодий тарбия юз беради.

Жамият ўсаётган инсонга қадриятлар тизими орқали таъсир кўрсатади. Булар она тили, хулқ-оқиб, анъана, удум ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ундан ташқари оилада, жамиятдаги меҳнат тақсимоли кишилар машғулоти ҳам тарбиянинг табиий равишдаги муҳим омиллари қаторига киради. Энг муҳим тарбиявий таъсир этувчи омил бу меҳнат ва анъаналардир. Тарбиявий таъсир дин, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ҳукумат фаолияти орқали амалга оширилади.

Хулоса

Жамият тараққиётининг барча босқичларида камёб табиий ресурсларни тугаб бориши, уларни асраб-авайлаб сарфлаш учун қилинадиган харажатларни ҳам қўпайиб бориши бу муаммони янада долзарб қилиб қўяди.

Инсон неъматларни яратувчиси ва истеъмолчисигина эмас, айнан ана шу жараённинг барча босқичларида ягона қарор қабул қилувчи ва уни амалга оширувчи бўлгани сабабли уни мавжуд ресурслардан асраб-авайлаб фойдаланишга ёшлигидан бошлаб ўргатиш объектив заруриятга айланди. Ана шу зарурият туфайли педагогикада янги бир фан иқтисодий педагогика шаклланди.

Иқтисодий педагогика илмий билишнинг ўзига хос соҳаси сифатида шахсни иқтисодий нуқтаи назардан тарбиялашни ўргатади. Иқтисодий педагогика фанлар тизимида қатор фанлар билан узвий алоқада бўлиб, бунинг сабаби иқтисодий педагогика фанининг ўрганиш объекти билан боғлиқ.

Иқтисодий педагогика фани предметини қатор методлар асосида ўрганади. У энг аввало, барча фанлар учун умумий метод бўлган диалектикага таянади. Унинг муҳим методларидан бири тарихийлик ва мантикийлик методлари бўлиб, улар таҳлил (анализ) ва синтез методлари билан узвий равишда қўшилиб кетади. Шу билан бирга индукция ва дедукция методидан кенг фойдаланилади. Яна бир метод герменевтика, яъни талқин қилиш методи ҳисобланиб у инсоннинг табиатини тушунишга ёрдам беради.

Иқтисодий педагогикада атроф-муҳит таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бош тарбиячи – алоҳида педагог эмас, балки жамият, умуман оиланда бир бутун ҳаётдир. Шунинг учун иқтисодий педагогика кўп жиҳатдан халқ педагогикаси, ҳаёт тажрибасига таянади.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Фан, таълим, иқтисодий педагогика, иқтисодий педагогиканинг объекти, инсонни «моделлаштириш», тўла рационализм, чекланган рационализм, органик рационализм, оппортунизм, диалектик метод, герменевтика.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисодий педагогика фани қандай тарзда шаклланган?
2. Фаннинг предмети, мақсади, объекти, вазибаларини кўрсатинг ва изоҳланг.
3. Иқтисодий педагогика қайси фанлар асосида шаклланган?
4. Инсонни «моделлаштириш»нинг қандай йўналишлари мавжуд? Уларнинг фарқларини кўрсата оласизми?
5. Оппортунизм нима бу борада сиз америкалик иқтисодчи О. Уильямсон фикрига қўшиласизми?
6. Иқтисодий педагогика фани ўз предметини қайси методлар ёрдамида ўрганади?
7. Нима сабабдан иқтисодий педагогикада атроф-муҳит таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга? Сабабларини изоҳланг.

II боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Бозор иқтисодига ўтиш мамлакат аҳолиси ва айниқса, ёшларнинг иқтисодий билимини ошириш ҳамда инсонпарварлик ғоялари асосида янгича фикрлайдиган шахс-тадбиркорларни шакллантириш масаласини кўйди. Зеро, мамлакатни ривожлантириш учун иқтисодий таълим-тарбиянинг тарихий илдизларини, замонавий иқтисод, бизнес, маркетинг асосларини ёшларга чуқур ўргатиш зарур. Бугунги ўрганиш, келажақ истиқболни кўра билиш учун тарихни ўрганишимиз зарур. Иқтисодий педагогика фанини ўрганишни ҳам қадимги иқтисодий қарашлар ва шу асосда шаклланган иқтисодий таълим-тарбия, иқтисодий тафаккурни ўрганишдан бошлаймиз.

1-§. Марказий Осиёда энг қадимги даврда ижтимоий, иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий таълим-тарбия масалалари

Тарихий маълумотлардан аёнки, буюк аждодларимиз иқтисод ва иқтисодий таълим-тарбияга оид кўшлаб ғояларни илгари суришган. Чунки иқтисод ҳар бир киши, ҳар бир оила, жамоа ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. У нафақат инсоннинг бугунги ҳаётини, балки келажагини ҳам белгилаб беради. Ахир, халқимиз «Олдин иқтисод, кейин сиёсат», деган ҳикматни бежиз айтмаган. Демак, жамиятда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Қадимий иқтисодий қарашлар ва тарбия масалалари ҳақида ёзма манбалардан бизгача етиб келган «Авесто» ёрдамида фикр юритишимиз мумкин.

**«Авесто»да иқтисодий
қарашлар ва иқтисо-
дий тарбия масалалари**

Иқтисодий таълим-тарбия ҳақидаги даътабки фикрлар бундан қарийб 3000 йил муқаддам ватанимиз ҳудудларида Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» буюк олим ҳам-

да файласуф Зардушт томонидан бизга мерос қолдирилган. Бу асар аслида диний қарашлар асосида битилган, лекин бу дурдона асар турли-туман соҳаларга тегишли бўлган илк ғояларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Ҳатто, Қадим Юнонистонда асосланган ва илк

бор тадқиқ этилган деб тан олинган аксарият ғоялар ва фикрлар ушбу нодин китоб орқали улардан ҳам олдинроқ яратилгани маълум бўлди.

Бу асарда ижтимоий-иқтисодий масалаларга катта урғу берилган. Хусусан ҳозирги замон иқтисодиёт хазинасининг долзарб мавзу ва муаммоларнинг илк кўринишлари ўша даврга хос равишда ўрганилган ҳамда тартибга солинган.

Айниқса, асарда чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий тармоғи ҳисобланган деҳқончиликка ниҳоят даражада юксак эътибор берибгина қолмай хатто уни илоҳийлаштирилган ҳам. Шунингдек, деҳқончиликни илк натурал хўжалик оила-қabila билан биргаликда давлатнинг ҳам иқтисодий барқарорлигини сақлашга хизмат қиладиган асосий омиллиги бир неча бор таъкидланган.

Асарда «Ким ғалла экса олижанобдир. Ғалла эккан киши Эзгулик уруғларини сочади. Ахира Маздага эътиқодини кучайтиради, мустаҳкамлайди. Бу қонуннинг бажарилиши ўз аҳамиятига кўра 10 минг дуо қилиш, қурбонлик қилишдан аълодир. Экин экмоқ, Ёвузликни ер юзидан тугатмоқ демакдир» деб ёзилган қатор ғоялар илгари сурилган.

«Авесто»да мулкий муносабатлар ғоясини ҳам тадқиқ этилади. Бунда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ амалда унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари билан чегаралибгина қолмай анча мураккаб ҳисобланган шахсий мулкнинг бошқа шахсга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ҳамда ўзгаларнинг мулкига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш каби имкониятларини ҳам яратган ва бу қатъий ўрнатилган қонун қоидалар билан тартибга солиниб назорат қилинган.

Асарда меҳнат, унинг инсон ҳаётидаги ролига асосий эътибор берилган. Аввалам бор оила аъзоларининг барчалари меҳнат билангина обод, тўқ бўлиб яшашлари мумкинлиги қонун даражасига кўтарилган. Ҳар бир ота-она ўз оиласи, фарзандларининг келажагига жавобгарлиги ҳаттоки, наслининг тоза, соғломлигига қадар назарда тутилган.

Инсоннинг тарбияси, одоб ахлоқига шу даражада юқори талаблар қўйилганки, ҳар бир шахс ўз гапи, ҳаракати қонун даражасида қабул қилинган, ҳар бир одамнинг энг асосий, бирламчи вазифаси ҳалол меҳнат ҳамда унумли меҳнат қилиш, яратувчилик яъни ишлаб чиқариш бўлган.

Ҳалол меҳнат қилиш тўғрисида асарда кўп бора таъкидланган. Хусусан: «... ерга ишлов берса, меҳнат қилса, у замин раҳматига мушарраф бўлажак» сингари қайд қилинган бир неча ёзувлар буни исбот қилади. Ҳалол меҳнат қилиб янги ерларни ўзлаштириб, экинзор ва боғларни ташкил этиб яратувчилик яъни ишлаб чиқариш билан шугулланган инсонни улуғлар сафига қўшилишни эътироф этилгандир.

Ушбу асарда кредит муносабатлари: қарз бериш, қарз олувчи ва қарз берувчилар ўртасидаги иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муносабатларга оид маълумотлар ҳам берилган. Бу албатта, ўша даврда илгари сурилган кредит ҳақидаги фикрларнинг дастлабкиларидан эди. «Кимда ким қарзни эгасига қайтармаса, унинг бу амали омонати ўғирланган билан баробар бўлади. Қарзни олган киши омонатни уйида сақласа, ҳам кун ва тун унга қўл урса ва ўзиники деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир» дея таъкидланган шу каби фикрлар гапимизни исботи бўла олади.

Табийки, кредитлар маълум шартлар асосида битим ва шартнома асосида берилди. Ўша даврда шартнома ролини ўзига хос қасамлар эгаллаган. Бу қасамлар инсонларнинг бирор турдаги иқтисодий мажбурият олиш ё олмасликни ифодалаган ҳамда бу қасамлар муқаддас ҳисобланиб, илоҳийлаштирилган ва уларнинг илоҳийлик даражасига кўра 6 турга бўлинган. Бу қасамларнинг бузиш эса кескин ҳолда қораланган ҳолда қасамларнинг илоҳийлигига кўра оддийдан мураккабга интилган равишда жазоланган. Жавобгарликка қонунбузар билан бир вақтда унинг яқин қариндошлари тортилган. Яқинларининг жазога тортилиши қонунбузарнинг қонун бузишгача бўлган даврда уни етарли ҳолда тарбияламаганликлари ҳамда унга тушунтириш ишларини олиб бормаганликлари билан изоҳлаш мумкин.

Қонуларнинг бу каби системага солингани илк давлатчилик, қолаверса, қадимги давр учун мисли кўринмаган ютуқ саналган. Шунинг учун ушбу ўрнатилган тартибларнинг аксарият қисми ўша давр мамлакатларнинг қонунчилигида ўзига хос ўрин эгаллаган. Болаларга ушбу қонун даражасида тарбия берилган. Бу эса иқтисодий, маънавий муносабатлар юқори бўлганлигидан далолатдир. Дарҳақиқат, қадим дунёда маданий, маънавий, илмий ва улар билан иқтисодий фикрлар, иқтисодий тарбиянинг ҳам ривожланишида «АВЕСТО»нинг хусусан, Зардуштийлик динининг ўрни юксак эканлигидан далолат беради.

Иқтисодий тафаккурни ривожлантиришда иқтисодий таълим-тарбиянинг тарихий илдиэлари-ислом дини фойдалалари, буюк аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ўлмас асарлар бизга бебеҳо манба

**Ислом динида
иқтисодий таълим-
тарбия масалалари**

бўлиб хизмат қилади. Ислом таълимотидаги иқтисодий ғояларнинг баён этилиши, муқаддас китоб-Қуръони Каримда кишилик жамиятининг фаолият турларидан бири иқтисодиёт соҳасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутди. Чунки иқтисодий муносабатларда инсонларнинг асосий феъл атворлари намён бўлади. Қуръони Карим ихкомлари инсонларга илоҳий фармойиш сифатида заминдаги барча инсонлар

тенглиги айтилади. Иқтисодий тарбияни шакллантиришда миллий кадриятларимиз, тарихий алломаларимиз асарларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Кадриятнинг энг йирик манбаларидан бири «Қуръони Карим» бўлса, кейингиси Ҳадиси шарифдир. Ушбу манбалар ўзининг ҳаётийлиги билан фақатгина Уйғониш даври Ўрта Осиёдаги, Амир Темур ва темурийлар даври, XX аср бошларидаги ўзбек иқтисодий таълимотларигина эмас, балки Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий таълимотларини, иқтисодий тарбия асосларини яратишда ҳам эътиборга олинаётгани, улардаги иқтисодий кадриятлар қатта ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Келтирилган барча фикр-мулоҳазалар аввалам бор инсонларнинг бир-бирини кадрлаш, иқтисодий муносабатларда асосий мезонлардан ҳисобланган тенглик, ҳалоллик, тўғрилиқ каби тушунчаларни шакллантириш учун асосий манбалардандир.

«Олтинни олтинга (улар танга ёки бирор буюм шаклида бўладими ёхуд қўйма бўладими, бундан қатъий назар) бир-бирига тенг оғирликда сотингизлар, бирини иккинчисидан афзал қилмангизлар. Кумушни кумушга ҳам айнан шу тариқа сотингизлар! Савдолашиб турган ерингиздан жилмай туриб, бир-бирингизни молингизни қўлга олингизлар!», дейилади ҳадисларда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сотувчи ҳам ўз молининг айбини яширмаслиги, харид қилувчи ҳам пул беришда фирромлик қилмаслиги лозим, фақат шундагина савдода барақа бўлади, агар ҳар иккала томон ҳам бир-бирини алдаса, фирромлик қилса, бу савдо ҳалол савдо эмас. Савдо ҳалолликни ёқтиради ва шунинг учун сотувчи ҳам, олувчи ҳам рост гапириши шарт.

Савдо сотиқдаги ҳалолликда дастлаб сотувчининг ўз молига адолатли, инсофли, ҳар иккала томонга ҳам манзур бўларли даражада нарх қўйиши билан бошланади. Чунки сотувчи мол эгаси бўлгани учун дастлабки нархни харидорга биринчи бўлиб таклиф этишга ҳақлидир. Ҳадисдаги ривоятларда: «Қимки бирор озиқ-овқат маҳсулотини кўтара сотиб олган бўлса, уни уловига ортмай (яъни сотиб олган еридан бўлак жойга олиб бормай) туриб қайта сотиб юбормаслиги керак, чунки тижорат одоби шунини тақозо қилур» дейилади. Амалда тижоратнинг бундай одобига қаттиқ амал қилинган, одобсизлик қилганларни эса қалтаклаганлар.

Ҳалол савдо қилиш хосиятлидир. Савдо-сотиқ ишларида амал қилинадиган шартлардан яна бири савдогар бошқа савдогарнинг савдосини бузмаслиғидир. Бир савдогар бошқа савдогарнинг савдосига: биринчидан, токи руҳсат бермагунча, иккинчидан, у одам савдони тарк этмагунча аралашмаслиги, учинчидан эса, бирор молни сотиб олиш

учун бошқанинг савдосини айнитмаслиги лозим. Пайгамбаримиз: «Бирортангиз биродарингиз савдосини устида савдо қилмангиз» деганлар. Бу гапдан бошқалар молни олиб қолиб қимматроқ нархда сотиш, алдаш мақсадида нархни атайлаб ошириш, савдогар савдоси устига савдо қилишга йўл қўймаслик каби мазмунлар ётади.

Пайгамбаримиз одамларга янада қулайроқ бўлиши ва масалани адолатлироқ ҳал этиш мақсадида: «Қимки бўнак (аванс) бериб, қолган ҳақини еса маълум муддатда узиш шарти билан хурмо (ва ундан бўлак нарсалар) оладирган бўлса, ўлчанадирганини ўлчаб тортиладирганини тортиб олсин» деб ўз маслаҳатини беради. Ҳадисларда жуфа ҳақида ҳам тўхталиб, ундаги учта бобда жуфанинг моҳияти ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Жуфа иқтисодий ва ҳудудий аснода ерлари туташ бўлган қўшнилариинг бир-бирларининг уй ва ерларини ҳамда бирор мулкка шерик ёхуд бирор мулкда улуши (насибаси) бор кишиларнинг бир-бирларининг улуш насибаларини биринчи бўлиб сотиб олиш ҳуқуқларини билдиради. Бу ерда биринчи бўлиб улушни ким сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлигига эътиборни қаратиш лозим.

Пайгамбаримизнинг: «қўшни қўшнига уй-жойларининг туташлиги билан бошқалардан кўра ҳақлироқдир» деган маслаҳатлари ҳеч қандай жамоага тегишли бўлмаган, тақсимланмаган умумий мулкка нисбатан жуфа ҳуқуқига асос қилиб олинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

2-§. IX-XV асрларда Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида иқтисодий таълим-тарбиянинг тутган ўрни

Буюк алломаларимиз ислом қонун қоидаларини асос қилган ҳолда яратган асарларида эътиборни инсоннинг бойликка, мол-мулкка бўлган муносабатини шакллантиришда, инсон иқтисодий тафаккурини, иқтисодий таълим-тарбияни шакллантириши асосий дастури сифатида ўз асарларида фойдаланишган. Инсон ҳаётида моддий неъматнинг, бойликнинг ролини тушунарли, содда тилда тушунтириб беришга ҳаракат қилишган, хусусан, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа алломаларимиз яратган асарларидаги ғоялар иқтисодий педагогиканинг мавбалари, ўрганиш объектлари бўла олади.

Буюк даҳо, Аристотелдан сўнг «иккинчи муаллим» деб ном қозонган Абу Наср Форобий ўз ҳаётида таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берган. Моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти, кишилик жамияти тараққиётида унинг ролини кўрсатиб, мулкчилик ва мулкдор бўлиш хосияти, харажат ва тақсимот тўғрисида қатор муҳим фикр-

ларни билдирган. Илм олишнинг зарурияти, таълим-тарбия бериш методларига алоҳида диққат қаратган.

Буюк алломаларимиздан Абу Райҳон Берунийнинг меҳнат ва ҳунар тўғрисидаги қарашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. У яшаган даврда Хоразм ва Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маънавий ҳаётида кишилик эҳтиёжларини пайдо бўлиши ва уни қондириш асослари, меҳнат ва ҳунарга муносабатлари уйғунлашиб кетади. Унинг фикрига кўра кишилар ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. У давлатнинг пайдо бўлишини ҳам эҳтиёждан деб ҳисоблайди. Барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади. Инсоннинг кадр-қиммати унинг авлод-аждодаларининг Ким бўлганлиги билан эмас, балки унинг меҳнати билан белгиланади.

Ҳар бир замоннинг ўзига хос одатлари бор. Унга ҳамма риоя қилиши керак, акс ҳолда низоом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади. Беруний сўзлари билан айтганда инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон меҳнати билан улуг. Кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошланган. Билимларни эгаллаш ва ҳунар ўрганиш учун ҳам меҳнат қилиш зарур. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар бири талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келган дейди. У барча инсонлар учун фойдали меҳнат мувофиқ равишда тақдирланиши лозим дейди. Абу Райҳон Беруний инсон эҳтиёжини фақат пул, мол-дунё билан эмас, балки меҳнат, изланиш, яратиш, қуриш, бунёд қилиш, илм олиш, билиш орқали қондириш лозимлигини таъкидлайди.

Абу Али ибн Сино ўзининг буюк «Тиб қонунлари» асарида иқтисодий тарбия ҳақида сўз юритиб, бола тарбиясида меҳнатнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради. Барча бойликлар ҳалол меҳнат билан орттирилиши, ота-оналар ўз фарзандларини касб-ҳунарга ўргатиши ва ундан олинган даромад орқали ҳалол яшаш кераклигини айтади. «Агар ояла бошлиғи, дейди ибн Сино, тажрибасизлик ёки ноҳақлик қилса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва унинг оқибатида бунданда ёмон натижалар келиб чиқади». Унинг фикрича, бола тарбияси яхши йўлга қўйилса, оила бахтли бўлади. Оиланинг энг муҳим вазифаси бола тарбияси ҳисобланади.

Мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб¹ ўзининг «Кутадғу билиг» асарида бола тарбияси ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Фарзанд қанчалик

¹ Юсуф Хос Ҳожиб 1020 йилда Боласоғунда туғилган. «Кутадғу билиг» асарини 1069 йили Қашқарда тугатиб, Қашқар ҳокимига беради. Китеб ҳокимга маъкул келади ва унга Хос Ҳожиб (катта олим) унвонини беради.

билимни, ақли-хушли бўлса, иқтисодни яхши ўзлаштира, ота-онанинг юзи шунчалик ёруғ бўлади».

У бола тарбиясида отанинг масъулиятига алоҳида эътибор беради. «Кимнинг ўғил-қизида бўлса, – деб ёзади муаллим, унга унинг ўзи мунгли йиғлайди. Ота болани кичиклигида бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча гуноҳ оиланинг ўзида. Ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади. Ота болаларини назорат қилиб, турли хунарлар ўргатса, улар улғайгач, ўғил-қизим бор деб севинади». Улуғ бобоколониимиз таъкидлаганидек, фарзандларимизга касб-хунар ва замонавий билимларни ўргатишимиз керак. Токи улар ўзлари қизиққан касб ва хунарни ўрганиб, ҳаётдан таълим олиб, билимдон бўлсинлар, чинакам инсоний гўзалликка эришсинлар, боқимандалликка, ялқовликка, ўғирлик ва ҳаром-хариш ишларга ўрганмасинлар.

Аммо касб-хунардан дунёда фақат бойлик ва мол-дунё тўплаш учун эмас эзгулик ва ватан тараққиёти учун фойдаланиш керак. Демак, бойлик ҳам хунар эгаларига ва билимдон-тадбиркорларга муносибдир. Аммо баъзи давлатманд одамларнинг подонлиги ва маънавияти қашшоқлигини кузатиб ҳайрон қоласин, киши. Билимли бойлигини эзгулик, билимсиз эса ёмонлик учун сарфлайди. Инсоннинг вазифаси яхшилик яратишдан иборат бўлиши зарур. Мутафаккир яхшилик ва эзгулик чинакам инсонларнинг оляжаноб фазилатидир, деган хулосага келади. У «агар дунёда яхши кишилар бўлмаганида эди, ҳақиқий инсонийлик ҳам бўлмас эди», деган фалсафий хулосани эътироф этади.

Иқтисодий педагогикада Темур ва темирликлар давридаги иқтисодий таълим-тарбия ҳам ўзига хос ўрин тутди. Амир Темур ва унинг авлодлари даврида марказлашган давлат барпо этилди. Иқтисодийётни барча соҳаларида (хунарсандчилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва айниқса, савдода) муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бунга тўғри тавлаб олинган иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат ёрдам берди. Амир Темур давлат ва иқтисодийётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратди. Соҳибқирон давлатида девони бузрук (Бош вазир)дан ташқари ҳар бир вилоятда девон дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар, бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қиларди. Халқнинг хулқ-ахлоқи кузатиб турилади. Унинг ходимлари вақти-вақти билан, сўроқ, текшириш, тафтиш ва тергов ишлари олиб боришарди. Айниқса, топу тарозу тўғрилигини одил баҳо, текширилган, қалиб ва товламачилар қаътий жазоланган, энг муҳими бу иш тўппа тўғри бозорда, халқ олдида амалга оширилган. Савдогарларга олиб келинган мол устига 10 % нарх қўйиш мумкин бўлган.

Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчисига – ер солиқлари, бож, ўшон солиқ ундириш ҳамда миршаблик юмушларини бошқариш юклатилган. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни кундалик муаммоларни ҳал қилган, вилоятларда олинган ҳосил, солиқ ўшонларини тақсимлаган.

Иккинчи вазир – сипоҳ вазир ҳисобланиб, сипоҳийларнинг маошлари ва улар билан боғлиқ ишларни бошқарган.

Учинчи вазир – эса эгасиз қолган, ўлиб кетган кишилар ва қочоқларга тегишли молларни, келиб кетаётган, савдогар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариб, уларнинг барчасидан тўшланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот этганларнинг мол-мулки бўлса, уларни ўз меъросхўрларига топширган.

Тўртинчи вазир – салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг кириш-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган харажат, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатлардан оғоҳ бўлиб борган. Вазирлар девонбегига бўйсунган.

Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг асосий қарор қабул қилар эди.

Амир Темурнинг давлатни бошқаришда яна бир йўналиши у вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турган.

Ўз амалини сустемол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик, майший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган. У бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва набираларини ҳам, қариндош уруғларини ҳам аяб ўтирмаган. У ўз давлат ишларида мустаҳкам, қатъий, барқарор турган.

«Темур тузуқларида» шундай дейилган: Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайгамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурматда бўлдим, уларга нафақа белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оғайнимдек, етим есир ва камбағаллари эса бояларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшилди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматни қозонишга ҳаракат қилдим. Шунга қарамасдан фуқарони кўрқинч ва умид орасида сақладим. Яхшиларга улар қайси миллатдан бўлишларидан қаътий назар мен яхшилик қилдим. Ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди. Менга тобе мамлакатларда адолат эшиклари очиқ эди.

Мағлуб бўлган давлат ҳокимларини ўз вазифасида қолдирдим. Унга мақтовлар ёғдирдим ва шундан сўнг уларнинг тўғрилиги ҳамда содиқлигига тўла умид боғлардим. Бироқ баъзи қайсарлари шоша-пиша ўзини-ўзи тўрға туширар эди. Бундай ҳолларда мен унинг ўрнига адолатли одамни тайинлардим.

Мен ўлкалардаги йўлларнинг хавфли бўлишини истамасдим. Шаҳарларга ва шаҳар маҳаллаларида махсус одамлар қўйдирдим; улар халқнинг ва аскарларнинг хавфсизлиги устида иш олиб борарди. У жойда содир бўлган барча жавобгарлик унинг бўйнига тушарди.

Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва қўниб ўтишга манзил-гоҳ қурдирдим; қулайлик яратиш учун катта йўлларга соқчилар қўйилди. Соқчилар йўловчиларнинг ҳар бир нарсаси учун жавобгар эдилар. Шу сабабдан сайёҳатчилар ва савдогарлар улардан ўз молларига соқчилик қилишни талаб эта олардилар.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айбашлари ҳамда туҳматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъиян ман этилган эди. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди.

Барча ишларда бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турдилар.

Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қондаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Темур ёзади, «Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг бекуватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига бу эса ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига олиб келади».

Темур Исломга таяниб, мусулмон динининг нуфуз-эътиборидан фойдаланди ва ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида бошқа динлардан ҳам фойдаланишга интилди.

Темур даврида йирик шаҳарда масжид ва мадрасалар қурилиб, уларда диний таълимот асосида ислом, аруз, илми баён, мантқиқ, тарих, география каби гуманитар фанлардан ташқари фалакиёт, табиёт каби аниқ фанлар ҳам ўқитилади. Таълимда шарҳлаб ўқиш, мустақил мутолаа, мунозара, суҳбат усуллари қўлланилган. Талабалар араб, форс, туркий тилларда ёзилган асарларни шу усулларда ўқиб, ўрганганлар. Жамиятдаги ўрнатилган тартиб-қоидаларга кўра инсонларда иқтисодий фикр юритиш тарзи шаклланадими, у ўз навбатида мамлакатни янада ривожланишига таъсир кўрсатади.

Иқтисодий таълим-тарбия масалаларида буюк бобокаловларимиздан А.Навоий ўзига хос алоҳида ўрин тутди. Унинг иқтисодий ғоялари «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида ўз ифодасини тошган. Унинг фикрича, меҳнат – жамиятнинг асосий белгиси, уни ишлаб чиқарувчилар ривожлантиради. Шунинг учун уларга ортиқча солиқлар солинмаслиги, савдо-сотиқнинг ривожланиши учун бозорлардаги маҳсулотлар баҳоси меъёрида бўлишини таъминлаш лозим.

«Шаҳар олиб сотарлари, – деб ёзган эди Алишер Навоий, хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлаган ҳолда қаҳатчилик тилайди». Чунки қаҳатчилик бўлса, унинг иши юришади, молини бекитиб сотиб, юқори баҳода пуллайди, мақсади элга зиён етказиш, орзуси арзон олиб қимматга сотишдир. У шойини бўз деб камситади, сотишда бўзни шойи деб атайди».

А. Навоий ўзининг «Маҳбубул-қулуб» асарида жамиятнинг ривожланишида савдо-сотиқ, тижорат ишларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. «Савдогар, – деб ёзади буюк алломамиз, ёлғиз фойдани ният қилмаслиги», «савдо қилиб фойда топаман», «мол ва пул кўпайтираман деб ортиқча кема сурмаслиги», «мол ва пул кўпайтираман деб жонсарак бўлмаслиги керак», «савдогар бож-хирож бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ёки тошган-тутганини меросхўрлари сотиб совуриши учун тўшлаб қўймаса ёки бирор ёмон ҳодиса кўзгаш учун сарфламаса, жамғарма яхши бўлади».

А. Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу сўзлари худди бугунги кундаги тижоратчилар учун айтилгандек туюлади. Юқорида баён этилган фикрлар асосида қўйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Биринчидан, савдо, бозор, тижорат, маҳсулот ишлаб чиқариш, муомала жараёни (олди-сотди) иқтисодийётни ривожлантиришда етакчи аҳамият касб этади, товарлар тақчиллигини тугатишга хизмат қилади.

Иккинчидан, савдо-сотиқ давлат бюджети даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий қудратининг таянчларидан биридир. Зеро, савдогарлар давлат хазинасига бож-хирож тўлаб туришлари билан молиявий муносабатларда муҳим ўрин тутадилар.

Учинчидан, улуг шоир савдогарларни инсофга, диёнатга чақиради, улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш тутмаслигини талаб қилади. Бу ғоялар ёшларнинг иқтисодий муносабатлар, савдо қонун қоидаларини ўрганишда асосий тарбиявий дастур бўлиб хизмат қилиши зарур.

Албатта, бундай мулоҳазар маъносини ўқув юртларини битириб, иқтисоднинг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган ёш мутахассис-тадбиркорларга тушунтириш фойдадан холи бўлмайди.

А. Навоий баҳо маҳсулот этиштиришга сарфланган меҳнатга эмас, балки талаб-тақлифга ҳам боғлиқ экани ҳақида фикр юритади. Шу билан бирга, айрим савдогарлар ўз ташаббуси билан нарх-навои ҳаддан ташқари ошириб юборганини қайд қилади. Товар-маҳсулот нархни бундай ошириб сотувчиларга нисбатан жазо чораларини кўришни кўзда тутиб, инсоф ва адолат тарозиси билан нархни тартибга солишни тавсия қилади. А. Навоий мамлакат ички бозорининг ривожланиши ташқи бозорга боғлиқлигини кўрсатиб ўтади. Шу муносабат билан шoirнинг Астрободдан Ҳусайн Бойқарога йўллаган хати диққатга сазовордир. У хатда шундай ёзилган:

«Яна улким, девонийларга ҳукм бўлсаким, атрофдин келган бозургон (савдогар)ларнинг жонидан риояг қилсалар (уларнинг манфаатига зарар етказилмасин).

Навоий ижодида меҳнат, айниқса, деҳқон меҳнати жуда катта ўрин эгаллайди. Деҳқончилик жамият ҳаёти ва ривожланишининг асоси, унга моддий фаровонлик ва маънавий улғайишнинг асосий манбаи деб қаралади. Фуқаронинг, бутун тирик мавжудотни ризку-рўзини яратувчи ҳам деҳқон. Шоҳ хазинасини инжу ва олтинга тўлиши, бойлиги ҳам унинг меҳнатидан деб билади. Алишер Навоий шарият томонидан белгиланган солиқларни тўлаб туришни ҳам қарз ҳам фарз деб билади. Лекин уларнинг ҳаддан зиёд бўлиши фуқаро норозилигига олиб келишини, айниқса, гадойларнинг кўпайиши, уларнинг (барча тури) жамият ҳамма учун хавф туғдиришини кўрсатди ва огоҳлантирди.

Алишер Навоий жамиятнинг ҳимоясиз, камбағал, япаш ва ўқиш, ижод қилиш учун имкони бўлмаган қатламлари учун ортиқча мулкани хайр-эҳсон қилди. Шу давр тарихчиси Мирҳонд сўзи билан айтганда, «фақиру мискинларга мурувват ва шафқат юзасидан манфаат ва дилдорлик кўрсатди» У бизга инсонийликни, ахлоқ-одобнинг шунчалик кўп қирраларини тавсифлаб берадики, улар ҳозир ҳам авлодларда одамийлик, улуг хислатларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, IX-XV асрларда Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан билан танишишда шу нарса аён бўладики, ўлкада илм-фан, савъат, адабиёт ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва буюк ашомаларимизнинг асарлари ва фаолиятлари ёшларнинг таълим-тарбиясида, жумладан, иқтисодий жиҳатдан таълим-тарбия беришда муҳим рол ўйнаган.

3-§. XIX аср охири ва XX бошларида Туркистонда иқтисодий таълим-тарбияга оид қарашлар

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда янги ишлаб чиқариш муносабатларининг куртаклари кўрина бошлаган бўлса ҳам,

хўжалиқда капитализмгача бўлган муносабатлар етакчи ўринда эди. Товар-пул муносабатлари кўпроқ аҳамиятга эга бўла бошлади. Аввалги айрим натурал солиқлар пул билан олинадиган бўлди, қишлоқ хўжалигида, айниқса, суғориш ишларида озроқ кўламда бўлса ҳам ёлланма ипчи кучи қўллана бошлади. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хонаки саноат вужудга келди, хусусий корхоналар пайдо бўлди. Савдо судхўрлик буржуазиясининг аҳамияти ошди. Алоҳида туманлар ва шаҳарлар ўртасида иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши, унинг Россия хўжалигининг таъсир доирасига киришига олиб келди. Ўрта Осиёда капитализм ривожланмаслиги учун чор ҳукумати қўйган бир қатор тўсиқларга қарамай, капиталистик муносабатлар аста секинлик билан бўлса ҳам, Туркистонда хўжалик юритишнинг турли тармоқларини қамраб ола бошлади.

XIX аср иккинчи ярмиларига келиб Чор Россияси Туркистон мамлакатига қарши юриш қилиб, уни бутунлай босиб олди. Ўрта Осиёнинг капитализм муҳитига кириши ишлаб чиқаришни ривожланишига бир оз туртки берган бўлса ҳам, жамият тизимини тубдан ўзгартира олмади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё иқтисодий жиҳатдан қолюқ, ўлканинг яхши ерлари ва ишлаб чиқариш воситалари бир ҳовуч оқсуяк ҳамда руҳоний феодалларга, чор мустамлакачиларига қарашли бўлиб қолган эди. Ўрта Осиёдаги миллионлаб меҳнаткашлар икки томонлама зулм остида азоб чекиши, уларнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, ўлканинг қолюқликка юз тутишини янада кучайтирди. Ана шу даврда бир вақтлар мусулмон олами ва маданиятининг марказларидан бири ҳисобланган Бухорода халқнинг келажигини ўйлайдиган, тараққиёти ҳақида қайғурган жамоа жадидлар ҳаракати юзага келди.

Жадидлар ўзларининг асосий эътиборларини миллатнинг маърифатли, ўқимишли, билимдон ва касб-ҳунарли бўлишига қаратиб уни дунёнинг илғор миллати бўлишга чақирдилар, акс ҳолда, абадий қолюқлик исканжасида қолишлари мумкин дея қайғурдилар. Жадидлар мамлакатда иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ислохотлар ўтказиш учун курашдилар. Улар тараққиётга маърифат орқали боришини унинг учун эса дин ва илм восита эканлиги ғоясини илгари сурдилар.

Жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари маърифат ва илм тизмида иқтисод илмининг миллат равнақи учун аҳамияти алоҳида эканлигини қайта-қайта таъкидлаганлар.

Жадидларнинг улуг намоёндаларидан бири, уларнинг мафкура-чиси бўлган Абдурауф Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» асари, «Мунозара», «Ҳаёт ва ҳаёт ғояси» каби мақолаларида қоқоқликни тугатишнинг ҳеч кимга сир эмаски, ислом дунёси жаҳон саҳнасида бошқа диндаги халқлардан қадам ба қадам кейинда қоқмоқда. Биз Туркистонликлар эса бошқа мусулмонларга нисбатан ҳам ортда, саросималик гирдобига ботиб қоқганмиз, — дейди Фитрат. Қоқоқликнинг сабаби нимада? Бу саволга Туркистонлик донишмандлар турлича ёндашадилар. Ҳаммадан бурун Ватан, миллат тақдирини ўйлайдиганлар бунинг сабабини нодонлик, жаҳолат ва кучсизлигимизда кўрадилар. Иккинчи бир баҳслашадиган кўпчилик томон эса, қоқоқликнинг сабабини Оллоҳ иродасига боғлаб, «Ҳар не қилса худодан» деб сукут сақлашади. Оллоҳ инсонларга дин ва элчиларни юборади. Тарих ривожда бу диннинг таъсир доираси торайиб қоқгач, худо Янги дин ва элчисини юборган. Доимо шундай бўлиб келган Дин нима? Дин инсонларни бахт йўлига олиб борувчи худонинг иродасидир, ҳаётнинг ғоясидир, мазмундир. Фитрат дин деганда шунчаки худога ибодатни назарда тутмайди. У динда илми, маърифатни, ўз-лигини англашни, инсонийликни кўради. У ҳаёт ғояси нуқтаи назаридан қараб, жамиятга «сҳеч қандай фойда келтирмайдиган одамларни икки гуруҳга бўлади. Биричилари, ҳаётнинг мазмунини овқатланиш ва ухлашда, шароб ичмоқ ва ширинликлардан лаззат олмақда кўришади. Улар инсон мажбуриятлари ҳақида ўйлашмайди, ҳеч нарсага қизиқишмайди. Яратгувчи бундайин кишиларга бахт ато этмайди, дейди Фитрат. Иккинчилари, ўз бахтларини ҳаёт ғоясида кўришади, лекин улар бу Дунё бахти учун ҳеч бир тадбир қилишмайди. Бу Дунё бахти, дейишади улар гайридинлар учун яратилган, мусулмонлар учун эса бу Дунё дўзахдир, синовдир. Фитрат фикрича, Дунё ишларига бефарқ ва нариги дунё бахти билан машғул бу гуруҳ кишилари ҳам жамиятга ҳеч қандай фойда келтиришмайди.

Фитрат кўрсатадики, агар икки таноб ҳосилдор ери бор деҳқон иш қуролларини ва уруғни баҳорги экишга тайёрлаб қўймаса, ҳамма вақт мачитга қатнаб худодан 50 халга буғдой етказишни сўраб илтижо қилса, унинг хоҳиши, албатта инобатга ўтмайди. Унга қарашли ер ҳам маълумки, ўз-ўзидан ҳосил бермайди. Агар деҳқон фақат деҳқончилик билан шуғулланиб, ибодат қилмаса оддий сув тошқини ёки экинга қурт тушиб ҳам ҳосил битмаслиги мумкин. Демак, деҳқон худодан табиатнинг қулай келишини сўрамоғи-ибодатни бажармоғи ҳамда деҳқончилик ишларини ҳам қилмоғи керак. Бу фикрлар бизга тасаввуф фалсафасини нақшбандчиликдаги «Дил баёру даст ба кор» талабини эсга солади. У кишиларни авлиёлар қабрини зиёрат қилиш эмас,

сигиниш даргоҳига айлантирганларини қоралайди. Ислоҳ қабрларга сигинишни ман этгани унутилган. Инсоният Ақл раҳбарлигисиз саодатга эриша олмайди. Ақлга эса илм орқали эришилади. Ақлий илмлар инсониятнинг мулкидир, унинг кашфиётидир. Бу фанлар башариятга тааллуқли, яъни умуминсонийдир. Одамлар турли дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир-бирларига биродарлардир, деб ҳисоблайди Фитрат.

У иқтисод илмини эгаллашга, ёшларимизни тижорат ва савдо ишларига ўқитишимиз лозимлигига даъват қилган эди. У ватандошларга, миллатдошларга мурожаат қилиб шундай деб ёзган эди: «Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо ишига ўқитингиз, чунки бегоналар (яъни, хорижий савдогарлар) тижорат илмидан хабардор. Сиз эса беҳабарсиз».

Жадидларнинг етук арбобларидан бири Абдулла Авловий бўлиб, у ёшлар тарбиясига, айниқса, иқтисодиёт илмини ўрганишга алоҳида диққат қаратади. У иқтисод ҳақида шундай деган эди: «иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтулур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидди бахиллик ўлдиги каби иқтисоднинг зидди исрофдир...». Келтирилган лавҳада жуда чуқур иқтисодий маъно яширинган: биринчидан муаллиф пулни неъмат яъни меҳнат билан яратилган маълум қиймат, унинг ифодаси деган илмий фикрни билдиради; иккинчидан, пул тадбиркорни ишбилармонни ёқтириши, фақат ана шундай кишилар қўлида пул, мол-дунё кўпаяжagini уқтиради.

Ҳар замонда инсоннинг мақсади эркин ва фаровон яшашдир. Айниқса, «бу замонда мақсадга етмак учун, – деб ёзади Абдулла Авловий, ўз миллатига хизмат қилмоқ мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдир. Оламдаги миллатларнинг ҳол ва кудратлари мол ва бойликлардандир. Ҳар ерда бой миллатлар оғир келиб, фақирларга енгил келиб қул ва асир бўлиб қоладир...».

Иқтисод илмидан бохабар бўлган кишилар ҳар доим қиладиган сарф харажатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қиладилар. Олим мисол келтириб айтадики, илмдан яхши хабардор бўлган америкалик ва европаликлар иқтисодий билимликлари туфайли, фаровон тўқ яшайдилар. У «Боболаримизнинг бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтиб, ўрнига «билгон битар, билмаган ютар» замони келди. Америкаликлар бир дона бугдой экиб, йигирма қадок бугдой олулрлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтани кетириб, ўзимизга 25 тийинга сотадилар» деб кўрсатади.

Шунингдек, жадидчилик ҳаракатининг яна бир машҳур вакили Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам халқ орасида энё, маърифат тарқатиш

мусулмонлардан дунёга очиқ кўз билан қараш, замонавий хўжалик юритиш билимини эгаллаш, фан билан қуроллашиб фаоллик кўрсатишни жон дилдан маъқуллаб, ўзи ҳам бу фикрни амалга ошириш учун фаол ҳаракат қилган.

У ўзининг матбуот саҳифаларидаги юзлаб мақолаларида янги маориф, дунёвий фанларнинг фойдаси, комил инсоннинг тарбияси, Туркистон фарзандларининг ёрқин истиқболи, унинг келажаги ва иқтисодий муаммолари ётади. У нафақат журналист-тадқиқотчи бўлибгина қолмай, муҳаррир сифатида ҳамда иқтисодни чуқур билувчи киши сифатида, иқтисодий тарбияни тарғиб қилган ташаббускор инсон бўлган. У «Самарқанд» газетасини (1913 йил апрель), «Ойна» журналин (1913 йил август) ўз маблағи ҳисобига ташкил қилади. Уларда миллатнинг тараққиёти, келажаги, иқтисоди, аҳолида иқтисодий тафаккурнинг шакллантиришнинг нақадар зарурлиги ҳақида мақолалар ёзди. У Туркистоннинг келажаги унинг янги кадрларида, мутахассисларида деб билар эди. Иқтисодий тараққиётга эришиш учун замона илми ўқилмоғи, Оврупо бозорларида савдо қила оладиган мутахассислар етишиб чиқишлари зарурлигини таъкидлаган.

«Ф. Хўжаев айтганидай «Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак».¹

Беҳбудий тўйлардаги исрофгарчиликларга батамом қарши эди. У тўйларни бежирим, кам харажат билан ўтказиш тарафдори эди. Тўй ва маъракаларга сарф қилинадиган ақчаларга Кавказ, Қрим, Оренбург ва Қозонга усул, таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ, болалар учун тарбияхона очмоқ керак ва бу тарбияхоналар замонавийча, ҳам миллий, ҳам диний руҳда бўлиши керакдур, деб кўрсатади (VI боб, 3-§га қаранг).

XX асрнинг классик ёзувчиларидан С. Айний М. Беҳбудий тўғрисида «Ўз моли ҳақида бўлсин халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузалиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва аъзаларга бўлатурғон исрофларни ўзи бутун тарк қилгон ва сўзига қулоқ солатурғонларни ҳам тарк қилдирғон эди («Зарафшон» газетаси, 1933 йил 25 март)».²

Беҳбудий халққа қарата, «Беҳуда сарфларга кетадиган харажатларни илмга сарфламоқ керакдир. Илм бизнинг омилимиз, идеалимиз,

¹ Авазов Н. Банкаларга мусулмон саркорлари керакдуо. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг иқтисодий фаолиятига бир назар // Ҳаёт ва иқтисод. №4, 1991, 64-бет.

² Ўша ерда.

муродимиз, тилагимиз ва муддаомиздир. Ҳозир барча кучни илм олишга қаратмасак забун бўлурмиз», дея хитоб қилади.

Туркистон халқининг маросимларида кўп харажатлар бўлаётганини кўриб, ўзи муфти сифатида ташвишланади. Унинг ташаббуси билан Самарқандда ислоҳ русум мажлиси чақирилаб, тўй, таъзия ва бошқа маросимлар учун тартибнома ишдаб чиқилиб, ҳукуматдан ҳам рухсат олиниб, матбуотда эълон қилинади.

Туркистоннинг келажаги, истиқболи миллий кадрлар тайёрлашда деб билади. Бунинг учун ҳар кунни ғанимат билиб, иқтисодий ва маданий ютуқлар сари боришимиз кераклигини таъкидлайди.

Илм ва иқтисод. Бу Беҳбудийнинг бош муаммоси. Чунки ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. У айтганидай, «илмларни ўқимоқ ақча ила бўлур».

Улуг ёзувчимиз Ойбек бу ҳақда тўхталиб, ўзининг «Қутлуг қон» романида ўзбек зиёлиларининг илғор вакили Абдушукур тилидан ўзимизнинг миллатдан бойлар чиқиши учун улар иқтисод илмини чуқур ўрганишлари керак, дейди. «Каминанинг гоъвий ҳаёти шундай, яна такрорлайман, дейди Абдушукур, миллий сармоёни ўз бойларимиз, мусулмон бойларимиз тўла эгалласинлар, яъни Туркистонимизда тижорат ўз бойларимиз кўлида бўлсин, бу билан қаноатланмай завод, фабрикалар курсиялар. Бунинг учун илмий иқтисодни, илмий тижоратни билган савдогарлар етиштири керак».

Демак, мулкдор бўлмоқ, миллий иқтисодиётни яратмоқ, миллат ва Ватан равнақини таъминламоқ учун иқтисод илмини эгаллаш долзарб масаладир. Бу масаланинг долзарблиги бизнинг бугунги бозор муносабатларини жадаллик билан шакллантираётган давримизнинг ҳам талабидир. Уни амалга ошириш эса кўп жиҳатдан ёшларга берилган иқтисодий таълим-тарбияга боғлиқ.

Хулоса

Иқтисодий тарбия қадимдан, инсон меҳнат қилишни, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишдан бошланган. Чунки инсон ўша пайтларданоқ вақт инсон учун чекланганини ҳаётда жуда кўп нарсага улгуришда вақт муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етган.

Марказий Осиёда суғориладиган ерларда деҳқончилик, чорвачилик қилиниши, айниқса товар ишлаб чиқаришни вужудга келиши ва тараққий этиб бориши иқтисодий таълим-тарбияни ҳам шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Иқтисодий тарбия масалалари бизга кўпроқ диний қарашлар, диний йўналишга хос муқаддас китоблар: Зардуштлиқ дини ва унинг

муққадас китоби бўлмиш «Авесто», ислом дини ва муққаддас китоб Куръони Карим ва бошқалар орқали етиб келган. Кейинчалик буюк алломалар, мутафаккирлар асарларида ҳам иқтисодий масалаларга ва иқтисодий таълим-тарбияга эътибор қаратилди.

IX-XV асрларда яшаган буюк алломаларимиз инсон ҳаётида моддий нѐматнинг, бойликнинг родини тушунарли, содда тилда тушунтириб беришга ҳаракат қилишган, хусусан, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа алломалар яратган асарларидаги ғоялар, айниқса уларнинг ҳалоллик, ҳалол меҳнат тарбияси ҳақида билдирган фикрлари ёшларга иқтисодий таълим-тарбия бериш учун туганмас манба, ўрганиш объектлари бўла олади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шу даврнинг маърифатпарварлари деб тан олинган жадидчилик ҳаракатини келиб чиқишига олиб келди. Жадидчилар ёшларга таълим-тарбия бериш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб ана шу масалага алоҳида диққат қаратишди.

Жадидчиларнинг ёрқин намоёндаларидан Абдулла Авлоний, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий ва бошқалар Ватан равнақи, ёшлар таълим-тарбияси нақадар боғлиқлигини назарда тутиб маорифни ислоҳ қилиш борасида кураш олиб бордилар. Мамлакат қолоқлиги халқнинг маърифий қолоқлигида деб билиб, ундан қутилишнинг ягона йўли таълимни ислоҳ қилиш янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари очиш, янги дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиш деб билдилар ва уни амалга ошириш учун ҳаракат қилдилар. Жадидчиларнинг қарашлари иқтисодий таълим-тарбия масалаларида ҳам ўз аксини топди.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

«Авесто», исломпарастлик, «Куръони Карим», маърифат, судхўрлик, тақво, Хақ, Темур тузуқлари, рус тузем, жадидчилар, усули жадид, гимназия, маърифат, мадраса.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Марказий Осиёда энг қадимги даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзига хос томонлари қандай?
2. Авестода иқтисодий таълим-тарбия ҳақида нямалар дея оласиз?
3. Исломда иқтисодий таълим-тарбиянинг ўзига хослиги нямандан иборат?

4. Буюк мутафаккирларимиз нима сабабдан нафсни тийиш ва меҳнат қилишга алоҳида диққат қаратишган?

5. Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарида нима сабабдан ота-онанинг ибрат кўрсатишига алоҳида урғу беради.

6. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Алишер Навоий ва бошқа алломаларимизнинг иқтисодий тарбия ҳақидаги қандай фикрларини биласиз?

7. Амир Темур давридаги иқтисодий фаолият иқтисодий тарбияга қандай таъсир ўтказган деб ўйлайсиз?

8. Жадидчиларнинг ғоявий курашининг асосий мақсади нима ва уларнинг иқтисодий таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини айтаоласизми?

9. Беҳбудий ва Фитрат нима сабабдан мамлакатда илму-урфон учун курашдилар?

10. Нима сабабдан биз билдирилган иқтисодий қарашлар ёки амалга оширилган фаолиятга иқтисодий таълим-тарбия сифатида ҳам қараймиз.

III боб. И.А. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётга ўтиш билан иқтисодий таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда ортди. Бу ўз навбатида иқтисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда иқтисодий таълим-тарбия масалаларига алоҳида диққат-эътибор қаратиш ва қаратилмоқда.

Мазкур бобда ана шу жарёни Президентимиз асарлари, маърузалари мисолида ўрганамиз.

1-§. Иқтисодий ғоя ва уни англаш зарурияти.

И. Каримов баркамол авлодни тарбиялашда иқтисодий билим ва кўникмаларнинг ўрни ҳақида

Иқтисодий билимларни эгаллаш, иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ёшларда иқтисодий психологияни шакллантиришдир. Иқтисодий психология жамиятдаги мавжуд тизимга хос тарзда шакллана боради. Уни шакллантиришда эса иқтисодий педагогика муҳим роль ўйнайди.

«Тарбия онг маҳсули бўлиб, айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия гизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад- овоз ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди» деб таъкидлаган эди И. А. Каримов.

Буюк иқтисодчи Ж.М.Кейнс айтганидек дунёни сиёсатдонлар ва иқтисодчилар бошқарадилар. Муҳим сиёсий масалалар эса иқтисодий масала ва муаммолардан келиб чиқади. Демак, барча асосий муаммолар иқтисодга бориб тақалади.

Ҳар бир мамлакат, жамият ўз олдига мақсад қўяр экан, уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади. Ана шу иш ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ният, мақсад охир оқибат дунёқарашнинг асосий муҳим принципи сифатида шаклланган ғояга айланади.

Жамият ҳаётининг асосини иқтисодийёт ташкил этар экан, демак, иқтисодий ғоя асосий ўрнида туради. Ғоянинг энг муҳим хусусияти инсон ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган фикрий куч эканидадир. Ғоя ҳам фикр ифодаси ёки фикрлар мажмуасидир, аммо ўзининг ижтимоий характери билан оддий фикрлардан фарқланади.

Ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий кучга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад муддао сарих етаклайдиган фикрга айтилади¹.

Миллий ғоя эса, бирон бир мамлакат халқи (халқлари)нинг туб манфаатларини ифода этадиган энг илғор, инсонпарвар фикрлар мажмуасидир².

Ғоя тушунчаси мафкура тушунчаси билан боғлиқ. Мафкура арабча сўздан олинган бўлиб, фикрларнинг кўпчилигини билдиради. Мафкура муайян гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усули ва воситалари тизимидир³.

Президентимиз мафкурага, уни жамият мафкураси бўлиши учун нималарга қодир бўлиши зарурлигига диққат қаратиб, қуйидагича таъриф беради: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажаги, кўзлаган ва уни дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни, мен жамият мафкураси, деб биламан»⁴.

Истиқлол бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшап, ўзини ўзи идора этиш, эркиликни ифодалайди. Миллий истиқлол ғояси миллий мафкурада акс этиб, ўзлигимизни англаш, муқаддас анъаналаримиз, халқимизнинг тарихан шаклланган эзгу ниятлари, орзулари, жамиятимиз олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни бир бутун қилиб камраб олган.

Миллий истиқлол ғояси, фалсафий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маданий ва бошқа қарашлар халқнинг туб манфаатлари ва

¹ Раҳимов С, Машарипов И. Миллий истиқлол ғояси. Т.: Иқтисод-молия, 2005 йил 6-бет.

² Ўша ерда.

³ Ўша китоб, 7-бет.

⁴ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995, 9-бет.

ҳаёт фаровонлиги шарт-шароитларини бир бутун ҳолда ифодаланиши бўлиб, иқтисодий ғоя эса халқнинг туб иқтисодий манфаатларини ифодалайди.

Иқтисодий ғоя иқтисодий назариялар, концепциялар, маънавий қарашлар асосида шаклланади.

Миллий истиқлол ғоясининг асосини эса иқтисодий ғоя ташкил этади. Ўзбекистоннинг барча аҳолиси манфаатларига ҳар жиҳатдан мос келадиган, уларни муносиб турмуш кечирishi учун қафолат бўла оладиган, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайдиган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир. Уни тавлашимиздан мақсад ёки бошқача айтганда ўз олдимишга қўйган иқтисодий ғоя «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик тапқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».¹

Бундай пировард мақсад иқтисодий ғоя ва уни амалга ошириш учун қилинаётган энг аввало, халқ манфаати, фаровон турмуш шароитини яратишга қаратилган.

Демак, ҳар биримиз ана шу ғоя атрофида бирлашиб, уни амалга ошириш йўлида ҳаракат қилишимиз даркор. Бунинг учун эса уни чуқур англашимиз зарур. Бу бир томондан иқтисодий билимларни чуқур, ҳар томонлама ўрганишни, ижодий изланиш, тадқиқ қилишни талаб этса, иккинчи томондан уни келажакимиз – ёш авлодни чуқур англаб етишига эришиш талаб қилинади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» асарида Президентимиз мафкурамизнинг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат эканлигини кўрсатади. Унинг асосий ғоялари сифатида Ватан равнақи, юрт ҳавфсизлиги, комил инсонни тарбиялаш ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.


Айнан ёшларга ана шу ғояни етказиш, уни чуқур англаш ва амалга ошириш учун ягона куч бўлиб бирлашишни ташкил этишда иқтисодий педагогика ўзига хос муҳим ўрин эгаллаши керак.

Миллий мафкуранинг бош ғоясининг асоси ҳам иқтисодиётга, унинг тараққиётига бориб тақаладики, у ҳам ёшларда иқтисодий мафкура ни шакллантиришнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга уни маънавият билан нақадар боғлиқлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995, 9-бет.

Миллий мафкуранинг бош ва асосий ғоялари



«Маънавият – тақдирнинг эҳсои эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»¹.

Ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, айниқса, ижтимоий ва маънавий соҳада қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- * инсонпарварлик ғояларига содиқлик;
 - * миллий истиқлол ғоясига содиқлик;
 - * маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
 - * қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш.
- * хур фикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш.

«Сир эмаски, ҳар бир давлат ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак-маданият ва маънавияти билан кучлидир»².

¹ И.А. Каримов «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т.: Ўзбекистон, 1992, 7-бет.

² Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори». Т.: Шарқ, 1998, 5-бет.

Таълим-тарбия масаласи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқлигига эътибор қаратиб, «Маънавий ва ахлоқий покланиш имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинаккам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди ҳаммасининг замирида тарбия ётади»¹ деб, таъкидлайди Президентимиз. У ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади» деб кўрсатади.²

Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларни баркамол етуқ қилиб тарбиялашдаги кўрсатмалари ва билдирган фикрларини жамият тараққиётида таълим-тарбия қандай рол ўйнаши ҳақидаги қарашларига барча фанлар, жумладан, иқтисодий педагогика фанида мурожаат қилиш ижобий натижаларга олиб келади, чунки айнан ана шу жумлалар билан у ёки бу муаммо, масалани асослаб бериш, унинг нақадар аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бериш мумкин.

2-§. И. Каримов иқтисодий ислохотлар ва янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳақида

Истиклолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз мамлакатимизда комил инсон тарбияси, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши зарурлигини уқтириб келади. Бу юк маънавиятимизни юксалтириш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари даражасига кўтариш, жаҳон андозалари даражасида мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Унинг «... келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир», «Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни танлаб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир», «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз зарур», «Менинг энг катта ишончим ва умидим ёшлардан», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» – каби ёшлар ва уларни таълим-тарбияси ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топади. Президентимиз, айниқса, ёшлар тарбияси жамият учун ўта долзарб масала эканлигига алоҳида диққат қаратади.

¹ Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Шарқ, 1999, 3-бет.

² И.А. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т.: Шарқ, 1998, 7-бет.

«Мен – Абдулла Авловнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидар» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк мутафаккирнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир».¹

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29.08) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди.

Сессияда Президентимиз И.А.Каримов нутқ сўзлаб бу қабул қилинаётган қонуннинг ва миллий дастурнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, шу давргача қилинган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Мактаб соҳасида «Таълим ҳақида қону»га кўра 1996-97 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб бориладиган бўлди. Янги имло алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юрглари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчилар чет элларда таълим олди, кўпгина ўқувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет давлатларга бориб қайтди.²

Сўнгра Президентимиз таълим тизимида жорий қилинган бошқа қатор янгиликлар ҳамда республикамызда ташкил этилган «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз»³ жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Ижобий ишлар билан бирга масаланинг иккинчи томони – салбий жиҳатларига ҳам эътибор беришни лозимлигини таъкидлади.

«Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашдан ва сарқитлардан ҳали бери қутилганимиз йўқ».⁴

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: Шарқ, 1999, 3-бет.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: Шарқ, 1999, 10-бет.

³ Ҳозирги кунда «Умид» ва «Устоз» жамғармалари асосида «Истеъдод» жамғармаси ташкил этилган.

⁴ Ўша ерда.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ўқитувчи бурчи, масъулияти ва унинг баркамол шахсни шакллантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади.

Президентимиз ёшларга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигини таъкидлар экан, аввало, ёшларни шундай ишончга жавоб бера оладиган инсонлар қилиб етиштириш ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг фидокорона меҳнати билан боғлиқлигини назарда тутди. Жамиятимиз талаб этаётганидек ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялаб етиштиришда ўқитувчининг ўрни беқиёсдир.

Президент таълим-тарбия масалаларига тўхтаганда, ўқитувчини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли Ўзбекистон Олий Мажлисининг 9 сессиясида сўзлаган нутқида жамиятимизда таълим бериш тизими, янгилавиш жараёни талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги сабабларидан бири ўқитувчига бориб тақалишини айтиб ўтади; «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий таълим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам مانа шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз, аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак».¹

Президент Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш якуналари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислох қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қабул қилинган Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида диққат қаратди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш барқарор тараққиётга эришишнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.²

Маърузада Президент янги ўқув муассасалари сони, жойланиши ва ихтисоси, уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланиши, минтақаларнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожини, жўгрофий ва демографик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда малакали педагогик кадрлар билан таъминланишини аниқлаш ҳам кўзда тутиш зарурлигига эътибор қаратди.

¹ Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т.: Шарқ, 1997, 7-бет.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: Шарқ, 1999, 10-бет.

Республика манфаатларидан келиб чиқиб, профессионал меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар таълими турлари бўйича йўналишлар, ихтисослар ва касбларни туркумлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаракатга келтириш лозимлигини таъкидлади.

Ана шу талабга асосан таълимда тайёрланаётган мутахассислар бўйича классификатор ишлаб чиқилди ва ҳозирда ана шу ҳужжат асосида таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992 й), «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995 й), «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997 й), «Миллатимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин» (1998 й), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998 й), «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (1998 й), «Маънавий юксалиш йўлида» (1998 й), «Ўзбекистон ХХI асрга интиломоқда» (1999 й) ва кейинги қатор нутқ ва асарларида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларимизнинг мазмуни эркин, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қаратилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади. «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак» - деб таъкидлайди Президентимиз.¹

Бугунги кунда ўқитувчига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга...»² деб кўрсатилади. Мазкур қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ҳозирги кун талабларига кўра ўқитувчига қўйиладиган талаблар ҳам кенгайиб, мураккаблашиб боради, чунки у жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқади.

ХХI аср ўқитувчиси билим қамрови кенг, пухта амалий тайёргарликка эга, юксак педагогик маҳоратга эга ва ижодкор бўлиши талаб этилади.

Президентимиз яна бир муҳим масала олий ўқув юрглари ислоҳотларига ҳам алоҳида диққат қаратади.

Олий таълим тизимининг заиф томонларидан бири олий ўқув юргларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳти-

¹ Каримов И.А. «Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа» // Тошкент окшоми, 1998, 27 февраль, 2-бет.

² Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Олий таълим. Меърий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001, 5-бет.

ёжига, бир сўз билан айтганда ҳаёт талабларига қараб ташкил қилинмагани кўрсатиб ўтилади ва олий ўқув юрти ислоҳотларини амалга ошираётганда мана шу ҳолатдан келиб чиқаётган нуқсонларга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида стратегик мақсадларидан бири Президентимиз айтганидек, – «кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш»¹.

Буни бирданига амалга ошириб бўлмайди. Мустақилликни қўлга киритиб, бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириш туфайли ўтган йиллар давомида аҳолининг дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Одамларда янгича иқтисодий фикрлаш шаклланиб, уларнинг дунёқараши янада ўзгариб бормоқда. Лекин ҳали бажариладиган ишлар кўп. Ёшларда иқтисодий фикрлашни шакллантириш тивмай изланиш, меҳнатни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш, уларга замон талабига мувофиқ таълим тарбия бериш зарурлиги ҳақидаги масалаларни доимо кўздан қочирмаган ҳолда Президентимиз 2007 йили Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилинганига 10 йил тўлишини, ўзининг 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқур-лаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эслатиб ўтди: «Мамнуният билан айтиш мумкинки, мана шу 10 йил биз учун бекор ўтгани йўқ, бу ишларимизнинг дастлабки ҳосилини кўра бошладик. Бизнинг ишimizга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига бақсин»².

Президентимиз ўз маърузасидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – ёш мутахассис ва кадрларни тайёрлаш, уларга замонавий билимлар бериш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга жиддий эътибор қаратилишидир. «Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади. Бизнинг мутахассислар, ёшларимиз қандай замонавий, юксак технологияларни ўзлаштира олаётганини кўриб турибмиз. Бугун касб-ҳунар коллежларини, олий ўқув юртларини битираётган болаларимиз ҳеч

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: Ўзбекистон, 1999, 187-бет.

² Каримов И.А. «Янгилиниш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир» // Халқ сўзи, 2007 йил, 13-февраль, 1-бет.

кимдан кам эмас»¹. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. 2006 йили тавлов натижаларига кўра 20 нафар Ўзбекистон фуқаролари Японияга юборилди. 1999 йилдан буён жами 138 нафар фуқароларимиз Япония грантларига сазовор бўлишди. Улардан 83 нафари магистр даражасига эга бўлиб қайтишди, 53 нафари ўқишни давом эттиришмоқда. Шунингдек ўтган йилда Россия Федерацияси (52 та ўрин), Хитой халқ Республикаси (20 та ўрин) ва Словакия (2 та ўрин) ҳукуматлари томонидан ажратилган грантларга тавловлар ўтказилди.

Президент И.А. Каримовнинг барча асарлари, нутқлари ёшларимизда иқтисодий тафаккурнинг шаклланишига, уларни замон талаблари даражасида тарбиялашга қатта таъсир кўрсатади, десак муболаға бўлмайди.

3-§. Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда И.А. Каримов асарларидан фойдаланиш

Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда Президентимиз асарларидан фойдаланиш алоҳида ўрин тутаяди. Чунки уларда иқтисодий ғоя, уни амалга оширишнинг стратегияси ва тактикаси мужассамлашган.

Қисқа давр мобайнида Республикамиз тараққиёт йўлидан бориб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга ташланарли муваффақиятларга эришди. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Мамлакатимизда ўтказилган ислохотларнинг моҳиятига етиш уларнинг аҳамиятини, ҳозирги пайтда уларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг мазмунини англаш, ҳис қилиш учун Президент асарларини ўрганиш, чуқур мушоҳада қилиш талаб этилади.

Уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: Президент асарлари, нутқлари ва фармонлари.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримовнинг деярли барча нутқ ва асарларида иқтисодиёт масаласи алоҳида ўрин тутаяди. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992) асарида «Ички сиёсатнинг негизи – инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш, кучли механизмга эга бўлган давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир».

«Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» (1993) рисоласида эса «Ўзбекистон танлаб олган йўли республика ва унинг

¹ Каримов И.А. «Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир» // Халқ сўзи, 2007 йил, 13-февраль, 1-бст.

халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир», - деб кўрсатади.

«Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» (1993) асарида эса Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва мустақил демократик давлат қуриш дастурининг ўзига хос бўлган беш тамойили: 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги. 2. Давлат – бош ислохотчи. 3. Қонувларнинг устуворлиги. 4. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш. 5. Бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш кўрсатилади ва уларга амал қилиш зарурияти асослаб берилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни асосий мақсад қилиб белгилади. Шу мақсадга кўра бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» асосида эркин бозор иқтисодиёти барпо этилмоқда.

Беш тамойилнинг ҳаммасини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозор босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида аҳамиятга эга. Бу тамойиллардан биридир. У иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради.

Мазкур тамойилларнинг бири бу бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг бош ислохотчи эканлигини белгиловчи тамойил ҳисобланади. Чунки ўтиш жараёнида ислохотларни амалга оширишда давлат муҳим роль ўйнайди.

Бу тамойил мазмуни: ҳозирги даврда давлатнинг асосий вазифаси иқтисодий, ижтимоий – маданий, маъмурий – сиёсий соҳаларни тартибга солишга қаратилган.

Ўтиш даврида давлатнинг роли пасаймасдан аксинча кўпаяди. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия, Япония ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни бошқариш асосан давлат ўз қўлига олган. Лекин бунда давлат бозор иқтисодиётига қарши турмайди, балки унинг ривожланиши учун тегишли иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиб беради.

Давлат бозор муносабатларига ўтишда инсофли рақобат муҳитини яратиш, монополистик фаолиятни чеклашда катта роль ўйнайди.

Мустақиллик қўлга киритилганидан буён ўзгаришларга хос иқтисодий муносабатларга мос янги давлат бошқаруви тизими яратишни тақозо этди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан маъмурий аппарат ишини

нечоғлик самарадорли бўлишига боғлиқдир. Улкан бюрократик аппарат ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислохотлари ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саъй-ҳаракатларига ҳалақит беради. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда институционал ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён тўхтаб қолгани йўқ.

Президент И. Каримовнинг асарлари орасида иқтисодий тафаккурни, янгича фикрлаш, дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, алоҳида эътиборга лойиқ асарларидан бири «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридир.

Муаллиф бу асарни ёзгунга қадар Ўзбекистонда амалга оширилган чуқур иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўзининг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин» тўпламлари, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» рисолаларида ҳар томонлама назарий ва илмий жиҳатдан асослаб берилган, ёш ва мустақил Ўзбекистонимиз олдида турган ғоятда муҳим ва долзарб масалалар – мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислох қилиш, иқтисодий муносабатларни демократлаштириш, келажак пойдевори бўлган юксак маънавиятдан Ватан равнақи йўлида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган.¹

Мазкур асарда мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида, яъни 1995 йилга қадар амалга оширилган ишларга яқун ясалган, содир бўлган ижтимоий силжишлар ва иқтисодий ислохотлар, кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг яқунлари ва сабоқлари» деб номланган биринчи қисмида иқтисодий ислохотлар стратегияси ва тактикасини шакллантириш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган. Давлат мулкани хусусийлаштириш ҳамда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, аграр муносабатларнинг янги типини вужудга келтириш масалалари чуқур атрофлича кўриб чиқилган. Институционал ўзгаришларга, яъни бозор иқтисодиётига мос келувчи янги ташкилотлар ва муассасаларни ташкил қилиш, бошқарувнинг

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.

маъмурий буйруқбозлик тизимига барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, нархни эркинлаштириш, бозор инфраструктурасини яратиш, ташқи иқтисодий сиёсатни эркин йўлга қўйиш, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш, мамлакат аҳолиси учун инсонга муносиб бўлган ҳаёт ва фаолият шароитини яратиш, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш масалаларига диққат қаратилган.

Асарнинг иккинчи қисми «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишлари» деб номланади. Унда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида олдимизда турган асосий вазифалар кўрсатиб берилган. Булар хусусийлаштириш жараёналарини чуқурлаштириш, рақобатчилик муҳитини шакллантириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг таркибий структурасини тубдан ўзгартириш, кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш вазифаларидир. Китобда бу вазифаларни бажаришнинг назарий ва амалий асослари кўрсатиб, устувор йўналишлари аниқ ифодалаб берилган.

Бу асар ёшларимизда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги йўлларини, бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўрганишлари учун назарий-методологик қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий таълим тарбия беришда Президентнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ҳам алоҳида ўрин тутди.¹

Бу асарни чуқур ўрганмай мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун моҳияти, аҳамиятини тушуниш қийин. Шунинг учун ҳам ўқувчи талабаларни ана шу асарларни пухта ўрганишларига эътибор бериш лозим. Чунки бусиз ёшларда иқтисодий тафаккурни тўлақонли равишда шакллантириб бўлмайди.

Асар икки бобдан иборат бўлиб, биринчи боб «Хавфсизликка таҳдид» деб аталади. Унда мамлакатимиз хавфсизлигига нималар таҳдид қилаётгани чуқур тадқиқ қилиниб, ҳар томовлама асослаб берилди. Мазкур бобда минтақавий можаролар, диний экстримизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятларнинг барқарорлик ва хавфсизликка таҳдиди қай даражада эканлиги кўрсатиб берилди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.

Шунингдек, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммоларга алоҳида диққат-эътибор қаратилади.

Асарнинг иккинчи боби «Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб аталиб, унда республикада барқарорликка эришишнинг асосий шартлари ҳамда мамлакатимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолатлари кўрсатилади.

Тўла мустақиллик ўз ичига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳудудий ва ҳарбий мустақилликни ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий мустақилликка эришиш мамлакатимизни ҳар жиҳатдан мустақилликни таъминлашнинг асосидир.

«Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» (1999) рисоласида ҳам иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш, валюта муҳити ва бозорни эркинлаштириш, хориж сармояларини жалб этиш, турли назорат ва текширувларни чеклаш каби муҳим иқтисодий масалалар кўриб чиқилган.

Тараққиётимизнинг, аҳоли фаровонлиги, юксалтиришнинг муҳим омили бу малакали мутахассис кадрлардир. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни давомий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш умуман олганда мамлакатимиз олдига қўйилган стратегик ва бошқа вазифаларни қай даражада бажарилиши айнан тайёрлаган кадрларимизга боғлиқ.

Ҳозирги тезкор техникавий тараққиёт даврида замонавий технологиялар қисқа вақт 5-7 йил мобайнида эскириб, уларни ўрнини янги такомиллашган технологиялар эгалламоқда.

Шунинг учун жаҳонда йирик трансмилий корпорациялар ҳам кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ниҳоятда катта эътибор беради, энг асосийси эса бунинг учун катта маблағ ажратилмоқда. Президентимиз ўз асарларида ёзганларидек, уларда «лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўланади. Биз ҳам ана шундай тизимни яратишимиз даркор».¹

Иқтисодий таълим-тарбия беришда Президентимизнинг маъруза ва нутқлари алоҳида ўрин тутати.

Президент қатор нутқ ва маърузаларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориш – бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими – шу тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги

¹ Каримов И. А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир // Тошкент оқшоми, 2003, 18 феврал, 5-бет.

қун талаб қиладиган касб-хунарларни ўрганишини, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришини, замон билан тенг қадам ташлаш зарурлигини уқтиради. Бу айниқса, Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганишимиз мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимо ўйлаб пухта иш қилишни, ақлни ишлатишни, ҳар қандай шароитда имкон топишни зарур қилиб қўядики, уларни қўлга киритаётган ютуқлари ана шу заруриятни қандай амалга ошираётганларини кўрсатиб турибди. Бу жиҳатдан қарасак бизда имкониятлар ниҳоятда катта.

Президентнинг «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан кўриб бўлмайди» номи маърузасида давлат қурилиши, давлат бошқаруви ислохотларининг асосий мақсади ва вазифалари кўрсатиб ўтиб ижро ҳокимияти бўлмиш ҳукумат фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда давлат бошқаруви ислохотлари сиёсий йўналишларини қуйидаги соҳаларда амалга оширилишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Иқтисодийни бошқаришда давлат ролининг қисқариши – янги давлат тузилмаларининг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятига асосиз аралашувига барҳам беришдир.

Иқтисодчи мутахассислар ва иқтисодчи педагоглар учун айниқса, Президентимизнинг 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикаимиз ижтимоий иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида «Иқтисодийни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз» мавзусида қилган маърузаси алоҳида аҳамиятга эга.¹

Мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб тергаб самарали ва оқилона фойдаланишга алоҳида диққат қаратади. У биз учун табиатнинг бебаҳо неъматини халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ерлардан суғориш ва ичимлик сувидан, ёнилғи – энергетика, минерал хом ашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб авайлаб фойдаланиш ҳақида қайғуриб юртимизга тапширф буюрган чет эллик ҳамкорларимиз ҳам бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бўлган бепарво муносабатларимизни кўриб хайрон бўлишларини кўрсатиб ўтади. Энг бой гуллаб яшнаётган мамлакатларда ҳам ресурс-

¹ Каримов И.А. Иқтисодийни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз // Тошкент оқшоми, 2002, 15 феврал.

ларга бу қадар масъулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини таъкидлайди. Президент энг бебаҳо бойлигимиз ердан фойдаланишдаги камчиликларга алоҳида тўхталиб, ўтказилган текширувлар натижасида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари аниқланганини кўрсатиб берди. Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 %дан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида фойдаланиш мумкин, сув ердан кейинги яна бир бебаҳо бойлигимиз, чунки деҳқончилик сугориладиган ерларда қилинади. Қурғоқчилик йилларида сувнинг қадри нақадар бандлигини янада чуқурроқ ҳис қилинади.

Ерларни сугоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш, сугориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга бу борада яхши натижаларга эриша олганларни эса рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш зарурлигини кўрсатиб ўтади.

Қадимдан мамлакатимиз ҳудудида сув ҳаёт манбаи сифатида қадрланган, тирикчиликни биринчи омили саналган, уни муқаддас билиб, асраб-авайлаб, тежаб тергаб сарфланган. Бу қарашлар ўз моҳиятини бугун ҳам йўқотган эмас. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сувсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳозирги шароитда сувдан тежаб тергаб фойдаланиш яна ҳам долзарб масала бўлиб турибди.

Ҳисоб-китобларга кўра йилига ўртача 95 млрд.м³ сув талаб қилинади. Фойдаланиладиган сувнинг 85 % эса қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Деҳқончиликка мўлжалланган ерларнинг 98 %ини сугориладиган майдонлар ташкил этади. Марказий Осиё республикаларида истеъмол қилинадиган сувнинг деярли ярми республикаимиз томонидан истеъмол қилинади. Мамлакатимизда ердан, сувдан тежаб-тергаб самарали фойдаланилмаса келгусида муаммолар келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226 сонли фармонида асосан республикада фермер хўжалиklarини ривожлантириш устувор йўналиш деб белгиланди. Фармонга мувофиқ республика қишлоқ ва сув хўжалигида ўтказилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш кўзда тутилади. Соҳа бошқарувини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290 сонли ва 21 июлдаги 320 сонли қарорлари қабул қилинди. Республика сув ресурсларини маъмурий-ҳудудий бошқариш принциpidан ҳавзавий бошқариш принциpigа ўтказилди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси «СФЮ» ташкил этилди ва улар фаолиятини йўлга қўйиш

учун қонунчилик базаси яратилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига асосан сувдан фойдаланувчилар уюшмалари хизматлари қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мулк солиғи ҳисобланиши ва тўлашдан 2 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342 фармонида асосан сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг хизматлари қўшилган қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинди.

Алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир муҳим масала ичимлик сувини тежаш масаласи бўлиб, у ҳозирги пайтда ҳаёт манбаи сифатида ер курраси аҳолисини ташвишга солмоқда. Маълумки, ер юзидаги сувнинг атиги 1 %ини ичимлик суви ташкил этади. У қимматбаҳо ва ноёб табиий ресурс. Уни ҳеч қандай бошқа ресурс билан алмаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир киши ундан тежаб тергаб фойдаланиши зарур.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг айрим туманларида сифатли ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётганимиз қатор ҳудудларда ичимлик сувига катта эҳтиёж сезилаётганига қарамай сувни исроф қилиш, ундан назоратсиз фойдаланиш давом этаётганига эътибор қаратилади. Бу масала ўрганилганда аҳоли томонидан сув сарфланишининг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баравар ортиқ экани аён бўлди.¹

Ўтган йиллар мобайнида аҳолини ичимлик сувини тежашга ундовчи асосий чора сифатида сув сарфини ҳисобга олувчи мослама ўлчагичларни ўрнатишга алоҳида диққат қаратилган бўлсада, ҳали республикамизда бу борада муаммолар кўп. Ҳанузгача ичимлик сувидан техник мақсадларда суғориш учун ишлатиляпти. Аҳолимиз орасида ҳали сувни исроф бўлишига лоқайдлик билан қаровчилар талайгина.

Демак, тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчи – талабага керак бўлса ёши катталарга ҳам сувни исроф қилиш катта гуноҳ эканлигини ўқитиш зарур.

Бу борада биз ресурслардан тежаб тергаб фойдаланишни немис ва японлардан ўрганишимиз керак. Масалан, оддий мисол, улар сув ортиқча исроф бўлмаслиги учун тиш ювганларида водопроводни жўмрагидан ишлатмай сувни алоҳида стаканга олиб ишлатишар экан.

¹ Каримов И.А. Иқтисодийни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз // Тошкент оқшоми, 2002, 15 феврал, 2-бет.

Ресурсларни тежаш ҳақида гап кетганда энергетика ресурсларига алоҳида диққат қаратиш лозим. Айниқса, табиий газ, электр энергияси ва бошқа энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланилмаётгани таъкидлаб ўтилади. Моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса ўз навбатида ана шу маҳсулот таннархининг қимматлашувига олиб келади. Товархизматнинг нархи ошиб кетади ва оқибатда рақобатга бардош бера олмайди. Ана шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда аҳволни ўрганиб 2010 йилгачи бўлган даврда ресурслардан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Лекин бу борада бажариладиган ишлар ҳали кўп.

Республикамизда қуёш энергиясидан фойдаланишга катта эътибор қаратилиши керак. Қатор европа мамлакатларида қуёш энергияси мамлакатнинг умумий энергия сарфи таркибида 15 %гача улушни ташкил этади. Республикамизда қуёшли кунлар уларга нисбатан 2-2,5 баравар кўп бўлгани ҳолда бизда бу кўрсаткич 1 % атрофида. Демак, бу борада ишга солинмаган имкониятлар талайгина.

Буларни ўқувчи – талабалар онгига сингдириш, уларни ана шу соҳада янгиликлар, ихтиролар яратишга ундаш, қизиқтириш лозим.

Ёшларга таълим-тарбия беришда Президентнинг аъъанавий йил якунлари ва янги йил вазифаларига бағишлаб ўтказиладиган Вазирлар Маъжмасининг мажлисидаги маърузалари муҳим роль ўйнайди. Бу маърузаларда йўл қўйилган камчиликлар алоҳида таъкидланади ва янги йилда мамлакат олдида турган вазифалар, энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилади.

Бунда олдимизга қўйган асосий мақсадни амалга ошириш учун нималарга алоҳида эътибор беришимиз кўрсатилиб, уни амалга ошириш учун асосий устувор йўналишлар белгилаб берилади. Бунда нима сабабдан айнан ана шу соҳалар ёки йўналишлар устувор йўналиш тарзида алоҳида ажратиб кўрсатилиши сабабларини ёшлар онгига етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Президент томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар иқтисодий ривожлантиришда янги марралар томон ҳаракатлантирувчи, йўналтирувчи куч, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг дастури амали бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни барчаси, айниқса, талаба, ўқувчи ёшларнинг теран англаши, кечаётган иқтисодий ўзгариш ва жараёнлар тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиши, ўз меҳнатлари ва бунёдкорлик ишлари билан ўз ҳиссаларини қўшишлари давр талаби эканлигини ҳис қилишлари лозим.

Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда Президент Фармонлари ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Маълумки, Президент Фармонлари қонун кучига эга бўлган буйруқ бўлиб, одатда, давлат раҳбари мамлакатдаги мавжуд ҳолат, қабул қилинган қонунларда ҳаёт оқими, шиддатини тез ўзгариши туфайли ҳамма нарсани ҳам ҳисобга олиб бўлмаслигини назарда тутган ҳолда, у ёки бу муаммони, масалани тезда ҳал қилиниши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Фармонда уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳам кўрсатилади. Дарс жараёнида ана шундай фармонлардан мисол қилиниши, ўқувчи-талабалар диққатини нима сабабдан мазкур фармон қабул қилингани, мавжуд муаммо, масалани счишда қандай рол ўйнашини ўрганишига қаратиш лозим.

Республикамизда тадбиркорликка алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, кичик бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида уларнинг сони кўпайиб, ЯИМда ҳиссаси ўсиб бормоқда.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Тадбиркорликни рағбатлантирадиган ва уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилди. Ҳисобот бериш тартиби соддалаштирилди. Кичик, ўрта бизнес, тадбиркорлик билан шуғуллианувчи шахслар учун солиқ тизимига сезиларли даражада енгиллик киритилди. Кредит бериш тизими яхшиланди. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини тижорат банкларидан нақд пул ҳолида олиш имконияти яратилди. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг барқарор ривожланаётганини қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришда Президентнинг қатор Фармонлари муҳим роль ўйнади. Мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор салмоғини ошириш, аҳолини ишлаб чиқариш соҳсида бандлигини таъминлаш ва кичик тадбиркорликни интенсив ривожлантириб бориш мақсадидаги 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 апрел 1998 йил қабул қилган «Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада кучайтириш бўйича чоратадбирлар ҳақидаги» қарорига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги» Фармони қабул қилиниши тадбиркорликни ривожланишига яна бир ижобий туртки бўлди. Мамлакатимизда жамият таянадиган ўрта мулкдорлар синфи вакиллари янада кўпайишига олиб келди. Юқорида келтирилган маълумотлари ҳам бу фикрни

тасдиқлайди. «Кичик бизнесни ривожлантириш, рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, уларни рўйхатга олиш тартибини сезиларли даражада соддалаштириш, энг муҳими тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодийимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустақамлаш имконини берди».¹

Айниқса, кейинги йилларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда матбуотда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Унга кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд органлари орқали қўлланиш тартиби жорий қилинадиган бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия – хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Борди-ю, улар томонидан текиштириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва Валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан текширилади.

Фармонда назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар бўлиши таъкидланади.

Давлат органларининг қонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки аксинча, қонунни ҳимояси учун ҳаракат қилмаслиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан биринчи навбатда,

¹ Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. 2002 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якуналари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маруза. Халқ сўзи, 2003, феврал, 40-сон.

уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши, суд қарори билан айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда юкланиши мумкинлиги қайд этилади.

Шунингдек, Фармонда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши, мутасадди ташкилотларни «Ҳакамлар суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига тақдим этиши, бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларнинг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин, деб кўрсатилади.

Фармон асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш, текширишлар сонини кескин камайтириш, назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган тақширишлар ўтказганлиги учун жавобгарликка тортиши назарда тутилиши, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиби тамойилини қисқартириш ва соддалаштириш, муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, сўзсиз республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришга олиб келади, уни дастлабки статистик маълумотлар тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш орқали фалқ фаровонлигини таъминлашда тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги бунинг учун зарур шароитлар яратиш, хусусан тадбиркорлик субъектларини текшириш масаласи муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Президентимиз 2005 йил 5 сентябрда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Фармон Президентимиз бу масалага нақадар алоҳида диққат қаратаётганини кўрсатади. Фармонга кўра микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши,

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги кўрсатилади. Шунингдек Фармонда тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини янада такомиллаш-

тиришнинг бошқа чора-тадбирлари, чунончи солиқ органлари, назорат органларини текширишларни ўтказишда белгиланган тартибга риоя қилишлари зарурлиги, агар хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилгани туфайли зарар етказилса, етказилган зарарни ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши кўрсатилади.

Текширишларни тайёрлаш ва ўтказишда белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси зиммасига юклатилади.

Фармон ва унинг ижросини таъминлаш республикаимиз иқтисодиётида, тадбиркорликни ривожланишида қай даражада аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги рақамлардан кўра бўлади. 2000 йилда 142,9 минг кичик бизнес корхоналари рўйхатга олинган бўлса, 2005 йилга 308,7 мингга етди. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг республика ЯИМдаги солиштирма салмоғи 31,0 % бўлган бўлса, 2005 йилга келиб 38,2 %, 2006 йилда 42,1 %ни ташкил қилди. Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан банд бўлганларнинг салмоғи иш билан банд аҳолининг 69,1 %ини ташкил этади.

Республикаимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши юқори. Чунончи, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарнинг 81,5 %ини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг 79,5 %ини ташкил этади. Шу билан бирга моддий ишлаб чиқариш тармоқларида уларнинг ҳиссаси кам. Айван кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналар билан узвий боғланган ҳолда қўшлаб иш ўринларини ташкил қилиши мумкин. Йирик саноат корхонаси атрофида унинг учун ёрдамчи ўнлаб, юзлаб кичик корхоналарнинг юзага келиши, бундан эса нафақат корхоналар, балки мамлакат иқтисодиёти катта манфаатлар кўришини Япония, АҚШ, Корея, Ғарбий Европа мамлакатларининг йирик корпорациялари тажрибаси кўрсатиб турибди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бунинг учун имкониятлар ва ресурслар етарли.

Ўқувчи талабаларни Президентнинг асарлари, маърузалари ва фармонларидаги асосий мақсад мазмунини англаши уларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Уларда иқтисодчи педагог сифатида чуқур билим – кўникма ва малака олишлари, иқтисодий дунёқараш, инсоний эътиқод, бурч ва масъулиятни ахлоқий фазилятларни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Президентни маъруза, нутқ ва фармонларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Иқтисодий билимлар иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим кучли омилига айланар экан, уларни ёшлар томонидан чуқур эгаллаш ва амалий қўллашни сўзсиз Президент асарларини чуқур ўрганмай амалга ошириб бўлмайди.

Хулоса

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий таълим тарбияга алоҳида диққат қаратилишини талаб қилади. Шунинг учун ёшларнинг иқтисодий билимларни эгаллаши, уларда иқтисодий тафаккурни шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий тафаккурни шаклланиши иқтисодий психологиянинг шаклланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А. Каримов ёшларни иқтисодий жиҳатдан билимли бўлишлари, иқтисодий фикрлашга ўрганишларига алоҳида аҳамият беради ва чинаккам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмаслиги ҳаммасининг замирида тарбия ётишига диққат қаратади. Ўқитувчи болаларга замонавий билим бериши учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида стратегик мақсадларидан бири Президентимиз айтганидек, – «кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш»дир. Буни бирданга амалга ошириб бўлмайди. Мустақилликни қўлга киритиб, бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириш туфайли ўтган йиллар давомида аҳолининг дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Одамларда янгича иқтисодий фикрлаш шаклланиб, уларнинг дунёқараши янада ўзгариб бормоқда. Лекин ҳали бажариладиган ишлар кўп. Ёшларда иқтисодий фикрлашни шакллантириш тинмай изланиш, меҳнатни талаб этади.

Ёшларимизда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда Президентимиз асарларини чуқур ўрганиш муҳим рол ўйнайди. Уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги йўлларини, бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўрганишлари учун назарий-методологик қўллашга бўлиб хизмат қилади.

Президент томонидан белгилаб берилган устувор вазибалар иқтисодиётни ривожлантиришда янги марралар томон ҳаракатлантирувчи, йўналтирувчи куч, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг дастури амали бўлиб ҳисобланади.

Президент асарлари, маърузалари ва фармонларини ўрганмай ёшларда тўлақонли иқтисодий фикрлашни шакллантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабаларни Президентимиз асарларини пухта ўрганишларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Иқтисодий ғоя, миллий ғоя, мафкура, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мустақил фикрлаш, стратегик мақсад, дунёқарашни ўзгартириш, беш тамойил, иқтисодий ислохотлар, фармон.

Такоррлаш ва мунозара учун саволлар

1. Сиз ғоя, иқтисодий ғоя деганда нимани тушунасиз? Мафкура дегандачи? Иқтисодий ғоя ўзи нимага керак?

2. Нима сабабдан Президентимиз И. Каримов баркамол авлодни тарбиялашда ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни тарбиялашга алоҳида диққат-эътибор қаратапти?

3. Ўзбекистон Президенти нима сабабдан ўқитувчи бурчи, масъулияти ва унинг баркамол шахсни шакллантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади?

4. Нима сабабдан Президентимиз кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш зарурлиги ҳақида қайгуради?

5. Сизнингча, ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда Президентимиз асарлари ва маърузаларини ўрганиш қандай аҳамиятга эга?

6. И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» асарининг асосий ғоясини сўзлаб бераоласизми?

7. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асари ўқувчи-талабаларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда қандай рол ўйнайди?

8. Муаллифлар Президентимизнинг «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз» мавзусида қилган маърузаси ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда алоҳида аҳамиятга эга дейишади. Сиз шу фикрга қўшила-сизми? Ўз фикрингизни асослаб беринг.

9. Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда Президент Фармонлари қандай ўрин тутати? Фикрингизни изоҳлаш учун мисоллар келтира оласизми?

IV боб. ИҚТИСОДИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Иқтисодий таълим-тарбия бериш, иқтисодий тафаккурни шакллантиришда мамлакатимизда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, таълим жараёнини илгор жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, иқтисодий хулқ-атвор иқтисодий тавловни белгилайди. Навбатдаги бобда иқтисодий хулқ-атвор деганда нимани тушунамиз, унинг шаклланиши, психологик, педагогик асослари ва иқтисодий тавловга таъсир кўрсатишини ўрганамиз.

1-§. Иқтисодий хулқ-атворнинг психологик ва педагогик асослари

Маълумки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдаги ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар инсонни ҳар томонлама камолотга етказишга, турмуш даражаси, фаровонликни таъминлашга қаратилган. «Чунки, ҳаёт бор экан, инсон бор экан ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади»¹.

Инсон ўз олдига қўйган мақсадига етишга интилар экан, унинг фаолияти заминида ўз оиласининг моддий шароити ҳамда манфаатлари устувор аҳамиятга эга.

Маълумки, педагогиканинг методологик асоси фалсафа бўлиб, кўплаб педагогик концепциялар, тарбия тизими фалсафий назарияларга асосланади. Ҳозирги замон педагогик концепциялар: прагматизм, неопозитивизм, эксистенциализм, неотомизм, бихевиоризм мувофиқ равишдаги фалсафий йўналишларга таянади.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005, 12–13-бетлар.

Уларнинг орасида инсонда иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантириш масалаларига алоҳида диққат қаратган йўналиш бихевиоризм¹ ҳисобланади.

Бихевиоризм – психологик-педагогик концепция бўлиб, инсонга технократик тарбия бериш нуқтаи назаридан ёндашади. У инсон ҳақидаги фандаги эришилган ютуқларга асосланиб, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, қобилияти, саъй-ҳаракати ва танловига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этади ва бунда замонавий методлардан фойдаланади.

Классик бихевиоризмга таниқли америкалик философ ва психолог Ж.Уотсон асос солган. У инсоннинг саъй-ҳаракати, танлови, реакцияси стимулга, унинг руҳияти психологиясига таъсир қилишига, унда қандайдир ҳис-туйғулар уйғонишига, кўзгатилишига боғлиқлиги ҳақидаги қондалар билан фанни бойитади.


Жон Б.Уотсон S – R қондасини тақлиф қилади (S-стимул, R-реакция). У рус физиологи И.П. Павловнинг тажрибасини ўрганиб, шундай қарорга келади. Унинг фикрича инсон стимулга албатта ўз муносабатини билдиради. Кейинчалик унинг фикрларини необихевиористлар Б.Ф.Скиннер, К.Халл, Э.Толмен, С.Пресси ва бошқалар давом эттириб, инсон саъй-ҳаракатлари, танловини мустақкамлаш ҳақидаги фикрлари билан бойитишди. Натижада, маълум бир саъй-ҳаракат, танлов куйидагича: «стимул – реакция – саъй-ҳаракатни мустақкамлаш» занжири кўринишини олади. Шундай қилиб, необихевиоризмнинг тарбияда қўлланиладиган бош гоёси инсоннинг саъй-ҳаракати, танлови бу бошқариладиган жараён. У қўлланилаётган стимулларга боғлиқ бўлиб, ижобий жиҳатдан уни мустақкамлашни талаб қилади. Инсонни у ёки бу тарзда ҳаракат қилишга ундаш учун, яъни таълим-тарбияда кутилган натижага, самарага эришиш учун таъсирчан стимулларни танлаш ва уни тўғри қўллаш талаб қилинади.

Америкалик таниқли психолог Кларк Халл (1884–1952). Уотсоннинг схемасини бошқачароқ тарзда S-O-R шаклида ифодалайди. У асосий стимул сифатида инсоннинг эҳтиёжини кўяди. Улар ҳаётгий зарур эҳтиёжлар, социал ва маънавий эҳтиёжлардан иборат бўлиб, реакция тўла англаб етмай турган ҳолда беихтиёр рўй беради. Бу боғланиш Халл фикрича хулқ-атвор, танловнинг асосий қонунини ифодалайди.

Субъектларнинг психологик ориентация жараёнида ўзаро боғланиш ва таъсирини куйидаги схема орқали кўриш мумкин².

¹ Инглизча. Behaviour-ўзини тутиш, саъй-ҳаракат, танлов.

² Райзберг Б.А. Психологическая экономика. Учебное пособие. М: Инфра-М, 2005, стр-118.



Мазкур схема психология фанидан келтирилган S – R (стимул – реакция) формуласини аниқлаштирилган ва чуқурлаштирилган кўри-нишини ифодалайди. У инсоннинг саъй-ҳаракатини стимулга жавоб тарзида юз беришини кўрсатиб беради. Бу саъй-ҳаракат иқтисодий танлов тарзида юз бериб, ниҳоятда хилма-хил гоҳида эса умуман кутилмаган тарзда юз беради. Лекин уларни кузатиш, тажриба, таҳлил ёрдамида ўрганиш мумкин.

Инсонларда стимулни вужудга келиб, уни одамдаги аниқ мақсадга қаратилган сигналга айланиши ва уни охир-оқибат иқтисодий танлов, саъй-ҳаракатга келтириш механизмини тушуниш эса нисбатан қийин.

Китоб муаллифининг ва бошқа ҳамфикрлар бунда механизм сифатида триадани «мотив – манфаатлар – мақсад» асоси қилиб олиш мумкин. У нафақат индивидуал, алоҳида одам иқтисодий танлов, саъй-ҳаракатини балки социал гуруҳлар ва бутун жамиятнинг ҳам иқтисодий саъй-ҳаракати, танлови механизмини ифодалайди.

Бизнингча ана шу учликда тўртинчи звено объектив равишда ҳосил бўладиган, инсоннинг биологик тузилишининг ўзи юзага келтирадиган эҳтиёжлар етишмайди. Чунки барча ҳаракатнинг асоси эҳтиёжлардан бошланади. «Эҳтиёжлар – мотивация – манфаатлар – мақсад – фаолият – натижа – истеъмол» тарзида юз беради.

Инсон фаолияти мотивацияга асосланади. Мотивация – биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, ундайдиган туйғу. Мотив эса инсоннинг бирон бир фаолият юритишга йўналтирувчи, ундовчи ички ҳис-туйғу бўлиб, у эҳтиёж, хоҳиш, қизиқиш, интилиш бўлиши мумкин.

Инсоннинг турли-туман даражадаги ақлий ва жисмоний қобилияти, иродаси бир бутун бўлиб бирлашуви натижаси мотивация билан биргаликда уни ҳаракатга солувчи куч бўлиб намоён бўлади.

Шахснинг хулқ атвори шаклланиши қатор омилларга боғлиқ.
Улар:

- Шахснинг табиий фазилати, табиатан берилган ўзига хос психологик хусусиятлари.

- Шахснинг ўзига хос бошқариш тизими-«мен образи».

- Уни ўраб турган атроф-муҳит ва бошқалар.

Шахснинг табиий хислатлари туғилган вақтидан бошлаб мавжуд бўлиб, унинг фаоллиги, таъсирчанлиги, ўзини намоён қилиши ва бошқаларда ифодаланади. Таъсирчанлик шахснинг асаби кўзгалувчанлигининг турли даражасида, унинг атрофи, оламга бўлган муносабатини кўрсатиб берувчи ҳис-туйғаларининг шиддаткорлигида намоён бўлади. XX аср 20-йилларининг бошларида пвещариялик психолог К.Г.Юнг шахснинг психологик хусусиятларини «экстраверция» ва «интраверция» тушунчалари орқали таърифлаб беришни таклиф этди.

Экстрроверсия (extra-ташқари) инсоннинг шундай психологик ҳаракатларини кўрсатиб берадики, бунда у ўзининг қизиқишларини ташқи омилга, ташқи объектларига қаратади. Баъзан буни ўзининг ички ҳис-туйғулари, қизиқишлари, ўзининг шахсий ахамиятини пасайтириш, эътибор бермаслик эвазига ҳам амалга оширади.

Экстравертларга хулқ-атворнинг таъсирчанлик, самимийлик, ташаббус кўрсатиш, коммуникабеллик, яъни бошқалар билан тезда тил топишиб кетиш кабилар хос.

Интроверсия (intro-ички) шахснинг ўз мафаатларига, ички оламига, ўз қарашларига диққат-эътибор қилиш билан ажралиб туради.

Интроверсия – экстрроверсиянинг ҳиссий тавсифлар билан бирга қўшилиб келиши шахс темпераментларини¹ белгилаб беради.

Темпераментнинг энг машҳур турлари (сангвиник, меланхолик, флегматик, холерик) милоддан аввалги асрда Гипократ томонидан жорий қилинган бўлиб, уларнинг номлари ҳанузгача сақланиб қолган, лекин мазмуни ўзгарган.

Шахснинг тавсифи унинг характери, яъни инсоннинг хулқ-атворини унинг ишга, нарсаларга, бошқа кишилар ва ўзига муносабатини белгилаб берадиган борқарор психологик хусусиятлар йиғиндисиدير.

Шунингдек, характерга хос хусусиятларнинг қарама-қаршилигини: принципиаллик-принципсизлик, сахийлик – исрофгарлик, меҳнатсеварлик – дангасалик, пухталиқ – пала-партишлиқ ва ҳоказоларда ифодаланади.

¹ Темперамент – лот. Temperamentum – қисмларининг тегишли нисбати, мутаносиблик. Уни психология фанида чуқур ўрганилади.

Шахснинг табиатан бериладиган хислати билан боғлиқ психологик хусусиятлари орасида алоҳида ажралиб турувчи хислати бу унинг қобилиятидир.

Қобилият-шахснинг ўзида билим, малака, кўникмаларни ҳосил қилиш тезлиги, бирон бир фаолият, ишни бажара олиш имконияти, лаёқатини ифодалайди.

Шахснинг хулқ-атворини белгиловчи иккинчи томон унинг эҳтиёжларидир.

Эҳтиёжлар манфаатни, манфаат эса мақсадни келтириб чиқаради. Инсон мақсадини амалга оширишга интилиши мотивация, мотивация эса иқтисодий стимуллارни, яъни рағбатлантирувчи кучларни юзага келтиради.

Шундай қилиб, инсоннинг хулқ-атворини бир томондан табиатдан берилган қобилият, темперамент белгиласа, иккинчи томондан уни эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг объектив зарурияти белгилайди ва бир бутун ҳолда инсон шахсида тавдаланади.

Файласуфлар қадим замонлардан ҳозиргача шахснинг фаоллиги ва уни қўзғатувчи манбаларни белгилашга уринганлар. Инсоннинг хулқ-атворини тушунтирадиган кўплаб назариялар яратилди. Кейинги йилларда айниқса, инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг хулқ-атворини тушунтириб берадиган назариялар кўпроқ ривож топди. Бундай назарияларни энг машҳур муаллифлари А.Маслоу, Э.Кат, Д.Мак Клеманд, Ф.Гернбург ва бошқалар саналади.

Ҳозирга келиб психология ва фалсафада кейинчалик педагогикада кенг машҳур бўлиб кетган. бихевиоризмга XX асрда АҚШда асос солинган бўлиб, унинг тадқиқот йўналиши шахс хулқ-атворини турли шакллари бўлиб, улар ташқи муҳитнинг рағбатлантирувчи омилларига инсоннинг реакцияси қандай бўлишини ўрганишдир.

Инсон яшар экан, унинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш зарур, чунки, инсоннинг физиологияси биологик тур сифатида мавжуд бўлиши шуни тақозо қилади. Улар бирламчи эҳтиёжларни ташкил этади. Иккиламчи эҳтиёжлар тараққиёт туфайли ҳаётда тажрибанинг ривожланиши натижасида вужудга келиб ривожланиб боради.

Шу назариянинг машҳур вакилларида бири А.Маслоу (1908–1970 й.й., АҚШ) эҳтиёжлар ва уни қониқиш йўллари куйидагича тасвирлайди.

А. Маслоу инсон эҳтиёжларини пирамида шаклида ифодалаб, уларни қондириш зарурияти жиҳатдан кетма-кетлигини иерархик тарзда қуйидагича белгилайди.

Унинг фикрича, эҳтиёжлар биринчи навбатда физиологик эҳтиёжлар бўлиб, сўнгра хавфсизлик, ҳимоя кабиларга эҳтиёж бўлиб, улар

зарурлиги жиҳатидан кетма-кетликда қўйилади. Бундай қарашга дастлаб Е. Бем-Баверк асос солган. Ана шу эҳтиёжларни қондириш жиҳатдан иерархик тарзда навбатма-навбат жойлаштирилдишига қонун сифатида қаралади.

Эҳтиёжлар	Қониқиш йўллари
Ўз-ўзини намоён қилиш	Ўз потенциалини реализация қилиш, яъни билим, ахборот олиш, ваколатлар доирасини кенгайтириш
Атрофдагиларни ҳурмат қилиш, тан олиш.	Ўз касбида омилкорлик, мустақиллик, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи
Ижтимоий социал эҳтиёжлар	Руҳан яқин бўлган гуруҳга мансублик, атрофдагилар билан алоқада бўлиш
Хавфсизлик, ҳимояланганлик, эртанги кунга ишонч	Барқарорликни сақлаб қолиш, Физиологик эҳтиёжларни қондириш учун пул даромадларини топиш
Физиологик эҳтиёжлар	Озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалар



А.Маслоу фикрича, муваффақиятга бўлган эҳтиёж ривожланаётган инсоннинг фаолиятини энг муҳим мотиви бўлса, ижодга ўз-ўзини намоён қилишга эҳтиёж, мотивация иерархиянинг энг юқори даражасидир.

Инсон эҳтиёжининг хилма-хиллиги унинг фаолияти сабабини ташкил этади. Маълум бир мутахассисликни эгаллаш ва муваффақиятли фаолият юритиш учун қизиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Агар шахс ўзи бажарётган ишга қизиқмаса уни кўпинча хафсаласизлик билан «қўлдан кетганча» бажаради. Шунинг учун ҳам халқимизда «Бўйнидан бойланган ит овга ярамайди» деган нақл бор.

Қизиқиш-инсоннинг у ёки бу нарсага, ишга диққат-эътибор қаратиши, ихлос қўйиши, агар у бажарадиган иш бўлса бажаришга эътибор қилиши, хуллас инсон эътиёжининг намоён бўлишини ўзига хос шакли бўлиб, у кишида ижобий ҳис-туйғу уйғотади.

Инсоннинг мураккаблигини яна бир намоёниши сифатида уни нафақат манфаат балки, бирон-бир нарсага, фаолиятга қизиқиши ҳозирги иборада «қобби»си бўлиши ҳам ўзига хос эътиёж бўлиб намоён бўлади.

Инсоннинг қизиқиши ниҳоятда хилма-хил. Масалан: мусиқа, расм чизиш, техникага, бадий адабиёт, спортга қизиқиш ва ҳоказо. Хуллас, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Инсон ўз қизиқиши туфайли бирон бир мақсад қўядики, уни амалга ошириш охир-оқибат эътиёжларни қондириш, яъни истемолга бориб тақалади.

«Эътиёжлар – сабаб – қизиқиш объекти – фаолият мақсади – эътиёжларни қондириш» тарзида юз беради.

Қизиқиш инсоннинг фақатгина ички ҳис-туйғуси бўлиб қолмай, унга ташқи муҳит ҳам катта таъсир кўрсатади. Инсоннинг хулқ-атвори, ўзини тутиши танлови мураккаб жараён бўлиб, унинг мотивлари энг аввало, эътиёжлар билан боғлиқ.

Инсоннинг у ёки бу ҳаракатини амалга ошириш, у ёки бу нарсани танлашида ўз нуқтаи назари, бошқалардан фарқланувчи ўз мотивацияси бор.

Ҳар бир инсоннинг интилиши, қизиқиш хоҳиши асосини ҳаётга, яшашга бўлган интилиш ташкил этади. У эса инсонни зурриёт қондиришга ва ўзини ўзи сақлаш инстинктида ифодаланади. У ўз навбатида бошқа интилиш ва қизиқишларни тақозо қилади ва бошқалари билан боғланиб кетади.

Инсонлар саъй-ҳаракати, танлови сабабларини тадқиқ қилган таниқли олимлардан бири Макс Вебер (1864–1926, социолог, тарихчи) бўлиб, у ўзининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётга либерал ёндашиши билан ажралиб туради.

М. Вебер социология асосчиларидан бири бўлиб инсон фаолиятини 4 типга бўлади.

Биринчи, ҳаракат муайян мақсадга аниқ, самарали йўналтирилган (zweckrationell). Мавжуд восита, маблағлар кутилган мақсадга етишиш учун ишлатилади. Иккинчи, қадриятлар нуқтаи назаридан рационал (wertrationell), учинчи, муайян эътирос ва эмоциялар (affektrationell), тўртинчи, такрорланувчи анъаналар ва урф-одатлар нуқтаи назаридан

рационал (traditionell). Уларнинг барчаси бир бутун бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттиради.

Биринчи типга ажратилган фаолият оқилона, самарали. У онгли ва аниқ қўйилган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, шу мақсадга етакловчи воситалардан ҳам фойдаланилади.

Ҳаракатнинг иккинчи типини шу маънода оқилонаки, у ҳаракат қилаётган шахснинг ахлоқий ёки диний қарашлари ёки нимани қадрлаши нўқтаи назаридан ёндашилади. У кўпинча ёзилмаган қонун-қоидалардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, чўқаётган кемани унинг капитани ҳаммадан кейин охирида тарк этади.

Учинчи тип ҳаракат ғайри табиий рағбатга бўлган назоратсиз реакция тарзида ёки асабий тарзда юз бериб, оқилона ҳаракатлар билан ўйланмай қилинган ҳаракатлар орасида туради.

Тўртинчи тип ҳаракат урф-одат, анъаналар асосида ўйламай қилинган ҳаракатлар бўлиб, уларни оқилона ҳаракат даражасига киритиб бўлмайди.

М. Вебер ғарбнинг ўзига хос ижтимоий ва маданий хусусиятларини бошқа цивилизацияларга солиштириб, фақат ғарбда инсонлар учун умум аҳамиятга эга фан вужудга келди. Эмпирик билимлар, фалсафий ва теологик қарашлар, довишмандлик, бошқа маданиятлар, айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Мисрда мавжуд бўлган. Аммо бу ерда ўзлаштирилган билимлар математик асосга «рационал далиллар» тажрибалар ва илмий тушунчаларга эга бўлмаган.

Унинг фикрича тажриба асосида вужудга келган билимлар билан тахминий билимларни аралаштириб юбормаслик керак. У Ғарбда капитализмни вужудга келишида протестантлик оқимининг роли катталигини таъкидлайди.

У ҳар қандай даврнинг ахлоқи ҳаракатнинг маълум бир қисмини ташкил этади ва у иқтисодий рационал ҳаёт тарзини шаклланишига, юзага келишига тўсиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, инсон ҳаракатининг мураккаб мотивлари эҳтиёжларда ифодаланади. Айнан эҳтиёжлар уларнинг саъй-ҳаракати, хулқ-атвори ва таъловини белгилайди.

Демак, инсон шахс тарбиясида, унда иқтисодий тафаккурни шаклланишида ана шу жараённи назардан қочирмаслик керак.

2-§. Иқтисодий хулқ-атвори шакллантириш таълим мақсадларидан бири сифатида

Иқтисодий билимларни эгаллаш иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ёшларда иқтисодий психоло-

гияни шаклантиришдир. Иқтисодий психология бир томондан иқтисодий таълим-тарбияга, иккинчи томондан жамиятдаги мавжуд тизимга хос тарзда шакллана боради.

Кўпгина мамлакатларда социологлар томонидан ўтказилган сўровномада кўйилган «Сизнинг тасаввурингизда яхши ҳаёт қандай бўлиши керак?» деган саволга кўнчилик ўз уйи бўлиши, турмуш ўртоғи билан бахтли ҳаёт кечириши, яхши иш жойига эга бўлиш, икки фарзанднинг ота-онаси бўлиши энг юқори ўринга қўйишган.

Ғарб социологларининг тадқиқоти кўрсатадики, одамларнинг диққати қаратилган яхшироқ ҳаёт кечириш ва у билан боғлиқ бўлган ахлоқий компромисс-келишувлар – бу кичик гуруҳдаги кишиларнинг хислати. Улар ўзига хос асаб, характер, кескинлик, қатъийликка эга. Бундай кишилар аҳолининг 5–6 % ини ташкил этади.

Америкада бизнесда маблағ, капитал аввал қурилиш, технология, асбоб-ускунага, сўнгра ходимларга қўйилса, Японияда аксинча, дастлаб ходимларга, сўнгра капитал қурилиш, технология ва асбоб-ускуналарга қўйилади. Япониянинг II жаҳон урушидан сўнг шу даражага етишида коллективизм муҳим рол ўйнаган. Япон тадбиркори санъаткорона равишда корхонада гуруҳ, жамоа фикрини жамлайди ва фирманинг раванқи йўлида ишлашга йўналтиради.

Ғарбда индивидуализм кучли бўлса, шарқда жамоачилик, ҳамкорлик кучли. Тадқиқотчиларнинг фикрича буни энг кўп ишлатиладиган сўзларга кўра ҳам аниқлаш мумкин экан. Англияда, АҚШда энг кўп ишлатиладиган сўз «мен» экан, Шарқдаги мамлакатларда, Россияда «одам», «инсон» сўзи «мен» деган сўзга қараганда кўпроқ ишлатилар экан. Ўртоқ, дўст сўзлари ғарб мамлакатларида ишлатилиши бўйича 73–75-ўринда турса, Россияда 10–15-ўринда, Ўзбекистонда ундан ҳам кўпроқ ишлатилар экан. Танимаган одамга мурожаат қилиш ҳам ўзига хос, одагда, нотаниш кишига ёши каттароқ бўлса амаки, ўртгача бўлса ака, кичикроқ бўлса ука ва ҳоказо тарзида мурожаат қилинади. Бу ҳам албатта ҳар бир халқнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унда унинг индивидуализм устунми ёки аксинчалигини кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Булар инсонда қанчалик катта имкониятлар яширинганини кўрсатади.

Зарур билимларни эгаллаш, олинган иқтисодий билимларни эътиқодга айлантириш, иқтисодий саъй-ҳаракат, одадга айлантириш иқтисодий таълим ва тарбиянинг вазифаси. Фақат шу йўл билангина иқтисодий билим амалиёт билан боғланади.

Иқтисодий саъй-ҳаракат бу инсоннинг иқтисодий фаолиятида, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти жараёнида амалга оширган ҳаракати, ишларнинг изчиллиги, яхлитлиги ифодасидир.

Иқтисодий онг, тафаккур жамиятдан ажралмайди. Шунинг учун иқтисодий саъй-ҳаракатнинг мантиғи жамият иқтисодий ҳаётида мужассамлашган.

Охир-оқибат одамларнинг иқтисодий саъй-ҳаракати, танлови иқтисодий қонунлар ва уларни амал қилиши билан боғлиқ.

Иқтисодий қонунларнинг амал қилиши инсонлар учун ориентр, йўналиш бўлади. Унга кўра улар танлайдилар, қарор қабул қиладилар.

Инсонларнинг у ёки бу фаолиятни амалга оширишларида мотивацияга ундовчи ҳаракатга солишнинг бошланғич нуқтаси юқорида таъкидлаганимиздек эҳтиёжлардир. Нима учун биз ишлаймиз? Биз даромад топиш учун ишлаймиз. Чунки қондириш зарур бўлган объектив эҳтиёжларимиз бор.

Иқтисодий саъй-ҳаракат, танловни қуйидаги мантиқий изчилликда ва яхлитликда кўриш мумкин.

Эҳтиёжлар – фаолият – алоқалар – қонунлар – англаш – фаолият.

Агар иқтисодий қонунларга табиат қонунларига ўхшаб риоя қилинмаса, у албатта жазолайди. Фақат табиат қонунларига ўхшаб қонунни бузганимиз дарровдак кўринмайди, балки маълум бир фурсат ўтказ билинади. Шунинг учун иқтисодий ҳаётни, қонунларни чуқур ўрганиш зарур.

Иқтисодий қонунларнинг жамиятга хослиғи уни табиат қонунларига ўхшаб тўғридан-тўғри эмас, балки инсонлар ўртасида юз берадиган алоқалар орқали амал қилишида намоён бўлади.

Маълумки, иқтисодий алоқалар инсоннинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. **Манфаатлар – бу одамлар эҳтиёжини муносабатлар орқали ифодаланишидир.** Мулкчилик ҳам кишиларнинг иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Мулкнинг қандай доирада алоҳидалашувига қараб, манфаатлар ҳам алоҳидалашади: шахсий манфаат, оилавий манфаат, жамоа манфаати, жамият манфаати ва бошқалар.

Ҳар бир киши ўз шахсий манфаатига, оила аъзоси сифатида оилавий, меҳнат қилаётган жамоаси миқёсида манфаатга, яшаётган юртида шу юртнинг фуқароси, жамият аъзоси сифатида манфаатга эга.

Ҳар бир кишининг инсон сифатида эҳтиёжлари мавжуд. Унинг эҳтиёжи, жамиятда тутган ўрни, унинг шахсий манфаатини юзага келтиради. У ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиб манфаатни юзага чиқаради. Бунинг учун у ўз оиласида яшайди, жамоада меҳнат қилади. Ҳар бир фирма, жамоа, корхона бошқаларидан алоҳидалашган ҳолда хўжалик юритар экан, шу жамоанинг умумий ишловчиларини бирлаштиради. Ҳар бир инсон ўз юртининг фуқароси сифатида умум-

давлат манфаатини ифодалайди. Умумдавлат манфаати бутун халқ мақсадини умуийлигидан далолат беради.

Манфаатлар объектив ҳамда субъективдир. Объективлигига сабаб эҳтиёжларнинг объективлиги, иккинчи томондан, манфаат ҳар бир субъектнинг манфаати сифатида юзага чиқади.

Манфаатлар шунингдек, бир томондан умумий, иккинчи томондан хусусийдир. Манфаатларнинг умумий бўлишига сабаб шуки, аввало, ҳар бир инсон маълум бир оилада, мамлакатда, қолаверса, Ер шарида яшайди, меҳнат қилади. Инсонлар учун шундай умумбашарий қадриятлар мавжудки, улар умумий манфаат тарзида намоён бўлади. Масалан: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тарихий ёдгорликларни асраш ва бошқалар.

Манфаатларнинг хусусийлиги ҳар бир субъектнинг ўз манфаати борлигидан келиб чиқади. Бу манфаат айнан унинг мақсадини ифодалайди, бошқаларнинг манфаатидан ажралиб туради ҳамда бошқаларнинг манфаатларига мос тушавермайди.

Инсоннинг шахс сифатида ҳамда мулк эгаси сифатида манфаатлари бўлиб, улар бир-биридан фарқланади. Шунинг учун мулкдор билан мулксизнинг манфаати кескин фарқ қилади.

Ҳар бир шахснинг инсон сифатида манфаати унинг ҳаётий эҳтиёжларини ифодаласа, мулкдор сифатида ўз мулкидан фойдаланиб даромад топишини ифодалайди.

Манфаатларга турли жиҳатдан ёндашиш, ҳар бир инсоннинг манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи субъект сифатида иқтисодий фаолият жараёнида, ўзини қандай тутиши мумкинлигини аввалдан тахмин қилишга ёрдам беради.

Иқтисодий манфаатлар – стимуллар – англаш – мотивация – мақсад – фаолият тарзида юз беради. Манфаатдан келиб чиққан ҳолда мақсад қўйилади.

Инсонлар гоҳида манфаатларига хаддан ташқари урғу беришлари натижасида иқтисодий қонулар амал қилишини, ҳар қандай даромад олиш учун етарли даражада ҳаракат қилиш лозимлигини унутиб қўйишади. Айниқса, тезда бойиб кетиш ҳаёлида юрганлар турли-туман афералар қурбони бўлиши мумкин. Бу қадимги азартли ўйинлардан тортиб турли-туман молиявий пирамидаларни ўз ичига олади.

Масалан, молиявий пирамиданинг Понзи схемаси: Америкалик бизнесмен Чарлз Понзи 1920 йили 1000 инвестордан 6,5 млн. доллар пул йиғади. У 45 кундан кейин қарзни 50 % фойдаси билан қайтариб бериш мажбуриятини олади. Бу мажбурият унинг Бостондаги корхоналари почта купонлари билан мустаҳкамланади. Понзи биринчи инвесторларга пулларини 50 % фойдаси билан қайтаради. Бунинг

натижасида қоқори даражадаги фойда олиш ҳақида овоза тарқалади. Натижанда, кўплаб инвесторлар ўз пулларини қўйишни бошлашади. Лекин тез фурсатда бойиб кетишни ўйлаб пулини тўққонларнинг умидлари пучга чиқади. Чунки, биринчи бўлиб фойда олганларнинг фойдаси кейингиларнинг пули эвазига тўланган эди. Инвесторлар сони камайиши билан бу ёлгонга қурилган «киморат» ўз-ўзидан йиқилиб, минглаб одамлар ўз маблағларидан ажралдилар. Россияда ана шундай пирамидага мисол қилиб «МММ», «Чара» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Шунинг учун ёшларга ана шундай ўйинлар ва унинг иқтисодий оқибатлари ҳақида ҳам тушунча бериш зарур.

Ёшларда иқтисодий ҳулқ-атвор, самарали танловни шакллантиришда инсон учун энг чеklangан ресурс – вақтдан самарали фойдаланиш ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги ҳақида алоҳида диққат қаратиш зарур.

Билим ва меҳнат ўзаро боғлиқ: ишлаш учун маълум бир билим, кўникма керак. Уларни эса меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди.

Меҳнат инсоннинг бошқа фаолиятдан алоҳида ажралиб туради. Бир томондан меҳнат инсоннинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Иккинчи томондан, бир вақтнинг ўзида унинг ўзи эҳтиёж саналади. Тарбиялаш мақсадига реалликни билиш, уни англаш, эҳтиёж бу меҳнатга эҳтиёж ва ундан қониқиш эканлигини тушуниш ва англашни ўргатиш киради.

Меҳнат инсонни ўз олдига вужудга келадиган тўсиқларни енгиб ўтишга ўргатади. Инсонни фақат эҳтиёжларини қондириш эмас, балки қийин масалаларни ечишдан, ҳал қилишдан ўзидан қониқиш ҳиссини туйишни ниҳоятда муҳим.

Шарқда яратилган қатор мусулмон этикасининг ноёб намуналари маънавий ахлоқий жиҳатдан ёшларни меҳнатеварлик руҳида тарбиялашда асосий мезон, қоида-қўлланма, намуналар сифатида хизмат қилиб келган.

Халқ педагогикасида боланинг комил инсон бўлиб етишишида меҳнат тарбиясига, уни касб-корга йўналтиришга жиддий эътибор берилган.

Инсон нима сабабдан меҳнат қилади? Меҳнат унинг биринчи ҳаётий эҳтиёжими ёки бажарилиши лозим бўлган оғир заруриятми?

Ибтидоий жамоа тузилишида инсонга табиатда бор нарсани ўзлаштириш учун маълум даражада ҳаракат қилиш, куч сарфлаш зарур бўлган бўлса, кейинчалик тайёр табиий неъматларни етишмаслиги инсонни унга берилган ақл-заковотини ишлатиб, уларни ўзи етиштиришга йўллади. Инсон табиатдаги тайёр неъматларни ўзлаштирув-

чидан ишлаб чиқарувчига айланди. Шу пайтдан бошлаб унинг меҳнати сифат жиҳатдан янги ҳолатга кўтарилди. Меҳнат иқтисодий жараёнга айланди. Бу борадаги қийинчиликлар инсонни ўз меҳнатини енгиллаштириш учун турли-туман иш қуролларини ўйлаб топишга, ихтиро қилишга олиб келди.

Шахсни шахс сифатида камол топтиришда меҳнатга тенг келадигани йўқ. У меҳнатда эришган ютуқлари билан фахрланади, ўзининг ўрнини меҳнатда англайди.

Ҳар қандай меҳнат устун даражада ақлий ёки жисмоний бўлиши мумкин. Уларни алмаштириш дам олиш бўлади.

Инсоннинг ўз меҳнатида қониқиши унинг учун юқори даражадаги рағбат, мукофот. Яхши тарбияланган кишигина ана шу ҳиссиётни туй олади.

Инсоннинг эҳтиёжи – мураккаб мотивлар, кўп жиҳатдан унинг саъй-ҳаракатини белгилаб беради. Эҳтиёж билиш жараёнида ривожланиб боради. Унда эса шахснинг ўзи қатнашади. Инсоннинг маълум бир мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатини шахсий хислатлари, эҳтиёж, ташқи, маълум бир вазиятга боғлиқ омилларнинг ўзаро боғлиқлиги сифатида тушунтириш мумкин. Маълум бир вазиятнинг аломатлари, шахснинг ундан умид қилиши ёки аксинча қўрқиши, бирон хавф кутиши мувофиқ равишда унинг маълум бир эҳтиёжини фаоллаштиради, эҳтиёж эса албатта уни қониқиш йўларини қидиришга олиб келади.

Бирон бир ҳаракатнинг ўзини турли-туман сабаблар ва уларнинг турли даражадаги бирлашуви билан асослаб бериш мумкин. Масалан, инсоннинг овқатланишини фақат унинг қорни очлиги билан изоҳлаб бўлмайди. Унинг қорни тўқ бўлиши, лекин, айтайлик, мезбонни хафа қилмаслик учун ёки овқатнинг таъминини, сифатини аниқлаш учун ёки бошқа сабаблар туфайли овқатни ейиши мумкин.

Эҳтиёжларнинг ривожланиши саъй-ҳаракатлар динамикасини аниқлаб беради, шу билан бирга унинг ўзи одамнинг ҳаётий фаолияти типи, характери ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам эҳтиёжлар турли гуруҳларга бўлинади.

Шахс учун эҳтиёж хоҳиш, истак, қизиқиш, интилиш тарзида рўёбга чиқади. Эҳтиёжни ҳис қилиш – хоҳлаш, интилиш уни қондиришга уринишдир.

Эҳтиёж характери шахс учун одатга айланади. Одат-маълум бир вазиятда инсоннинг ўзини тутиши, саъй-ҳаракати усули, ўрганиш бўлиб қолган қилиқ бўлиб, у стихияли тарзда шаклланиши ёки қатъий йўналтирилган тарбия маҳсули бўлиб, инсоннинг барқарор характери, феъл-атвор хусусиятларига айланади.

Ҳаётда янги эҳтиёжларни мавжуд эҳтиёжларга таяниб рағбатлантириш мумкин. Мавжуд эҳтиёжлар эса шахснинг эҳтиёжларининг умумий йўналишига боғлиқ. Шахснинг умумий эҳтиёжлари фақат янги эҳтиёжлар вужудга келиши билан ўзгариши мумкин. Юзаки қараганда парадоксал вазият вужудга келгандек, мантиқий жиҳатдан ёпиқ доирадек. Лекин кўлаб тажрибалар кўрсатадики, бу доирани ёриш мумкин. Бунинг учун инсонда яратиш, ташкил қилиш, таъминлаш имкони бор. Айнан ана шулар тарбиянинг вазифаси. Лекин тарбиялаш учун инсоннинг характери ва ҳисобга олиш зарур.

Тарбиялашда, айниқса, инсон учун маълум ютуқларга эришишга бўлган эҳтиёж ва интилиш муҳим ўрин тутди. Унга ўқиш, билиш, тушуниш, бошқалардан кам бўлмасликка интилишга бўлган эҳтиёж кабилар кирди.

Инсонда салбий истак, одатлар ҳам мавжуд бўлиб, тарбия орқали уларни минималлаштиришга эришиш мумкин.

Инсон учун унинг истак, хоҳишлари, мақсадларини амалга оширмай қолиши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, унинг истак-хоҳишларининг хаддан зиёд қондирилиши ҳам шундай салбий оқибатларга олиб келади. Биринчиси инсонда агрессия, яширин ёки очик адоватга, турли гуноҳ ишларга қўл уришга олиб келса, иккинчиси ҳатто, ҳаётга жирканиш билан қараш, нафратланишга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун таълим-тарбия жараёнини инсон эҳтиёжлари ҳақиқий инсонга хос бўлиш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда амалга ошириш лозим.

Ўқитувчи-педагог ёшларни доимо инсонга хос эҳтиёжлар, уларни қондиришда инсофлик, андишалик, ҳалолликка ундаши зарур.

Инсонларни жамият манфаатида ўз манфаатларини кўра олишга ўргатиш зарур.

А.Смит кўрсатадики, ижтимоий манфаатлар ўз навбатида шахсий манфаатларга боғлиқ. Ҳар бир индивиднинг ўз ҳаётини яхшилашга бўлган интилиши умуман олганда мувозанат ҳосил қилади. Айнан шахсий манфаатлар ижтимоий фаровонликнинг ўсишига олиб келади.

Ёшларга иқтисодий жиҳатдан таълим-тарбия беришда эҳтиёжлар ва уларни қондириш, айниқса, меҳнат ва уни улуғлаш билан бир қаторда уларда вақтдан тўғри фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш муҳим рол ўйнайди.

Халқимизда «Бола – бошидан» «Қуш уясида кўрганни қилади», деган нақллар бор. Бунинг маъноси шуки, бола бу дунёга келиб вимани кўрган ва эшитган бўлса, ўша нарсалар, ўша тарбиялар унинг руҳиятига таъсир этади, унинг тасаввурини, идрокини шакллантиради.

Одатда, ақлий ва ахлоқий тарбияга кўпроқ аҳамият берганмиз, иқтисодий тарбия, иқтисодий билимларга унчалик эътибор бермаганмиз. Лекин ресурслар чекланганлиги бунга мажбур қиладики, иқтисодий билим олишга алоҳида диққат қаратилади.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, масалан, Германияда иқтисодий тарбияга кучли эътибор берилади, ёшлар тежамкорликка, аниқ ҳисоб-китобларга ўргатилади. Шунинг учун ҳам «немисча ҳисоб-китоб», «немисча аниқлик» деган иборалар кенг ёйилган.

Аҳолини тежамкорликка ўргатиш катта даромад манбаидир. Бу хислат одат тарзига кириши, турмуш тарзига айланиши керак. Иқтисодий тарбия энг аввало оилада, болалар муассасаларида, мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида узлуксиз олиб борилиши, иқтисодий фикрлашни ўргатиш, шакллантириш зарур.

Иқтисодий ривожлантирувчи куч – бу инсонлардир. Демак, вазиятни тўғри баҳолай оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб қилинади.

Ҳамма иқтисодий адабиётларда иқтисодий ресурслар ва омиллар: ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик ҳақида тўхтаганда вақтни алоҳида ажратиб кўрсатиш, унинг инсон учун аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ҳамма жараён, ҳодисалар маълум бир вақтда амалга ошади. Маълум товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун маълум бир вақт сарфланади. Вақт инсон учун энг чекланган ресурс, ундан унумли фойдаланиш зарур.

Самарасиз, беҳудага сарфланган вақт катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Вақт муҳим иқтисодий категория, уни чуқур ўрганиш талаб этилади. Бунинг ёшлар онгига сингдириш, уларни кундалик ҳаётларини тўғри режалаштиришга ўргатишимиз зарур. Биз маълум китоб, дафтарни варақлаб қайтадан ўқишимиз, кинофильмлардан кўришимиз мумкин. Лекин ўтган умримизни қайтадан бошлашнинг имкони йўқ. Фақат хотирада қолганларини кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин холос. Вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Одам қизиқ, – дейди, шарқ мутафаккирларидан Абул Фароҳ, – бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю, умри зое кетаётганлигига парво ҳам қилмайди.

Шунинг учун ҳам педагог сифатида ёшларни вақтни қадрлашга, ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ўргатиш зарур.

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти қониқиш, мамнунлик ёки заҳмат, азият чекиш билан юз беради. У бирон бир фаолият юритар экан, уни амалга ошириш натижасидан мамнун бўлишни, қониқишни мақсад

қилиб қўяди. Лекин доимо ҳам кутилган натижага эришавермаслик мумкин. Шунин учун ёшларга муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслик, бажараётган ишга «қўл силтаб» кетмасликни сингдириш зарур.

Сўзсиз ривож қилиш зарур бўлган қонунлар инсоннинг табиати ва жамоа, жамият, одамларни ўзаро тарбиявий фаолият кўрсатиши билан мувофиқлаштирилади.

Тарбиялаш қонунлари, албатта, инсоннинг моҳияти, жамият, маданият мазмунидан келиб чиқади.

Педагогика нафақат халқ маданияти, балки тарбияланувчи ва унинг индивидуаллиги, ҳаёт тарзи, тарихи билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Маданият ва табиат инсон ва жамият тараққиётининг асосий омиллари билан қўшилади. Уларга қарши туриш эмас, балки уларга суяниш лозим.

Педагогик қонунларни ҳар қандай кетма-кетликда санаб чиқиш мумкин, чунки уларнинг ҳаммаси биргаликда амал қилади. Бу қонунлар, жумладан иқтисодий педагогикага ҳам тегишли. Улар қуйидагилар:

1. «Олтин ўрта» қонуни.

Бу қонун ҳар қандай педагогик вазиятда амал қилади. Ҳар қандай педагогик муаммони ҳал қилишда унга амал қилиш зарур.

Бу қонун тарбияни руҳий мувозанатда сақлаган ҳолда олиб боришни талаб қилади. Инсонда ирода ва мослашувчанлик, принципаллик ва кечиримлилиқ кабиларни тарбиялашни, ҳамма нарса-нинг меъёрида бўлишини зарур қилиб қўяди.

2. Тарбиянинг ягоналиги ва бир бутунлиги.

У шахснинг ягоналиги, унинг эмоционал, ақлий жиҳатлари, иродасини мувозанатли ривожланишини таъминлашни ифодалайди. Инсонни бўлақчаларга бўлиниб ривожланиши мумкин эмас. Инсонга онг берилгани ҳали унинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан камол топган дегани эмас ёки аксинча, жисмоний баркамоллик бу руҳий жиҳатдан ҳам баркамоллик дегани эмас.

Бу қонун инсоннинг ўзида мавжуд инсоний хислатларни мустаҳкамлаш, табиатидаги камчиликларни йўқотишга қаратилган.

Бу қонун тафаккур ва фаолиятнинг бирлигини ифодалайди.

3. Тарбиянинг апперцептив¹ кетма-кетлиги қонуни.

Бу қонунга қўра инсоннинг келажаги ҳозирдан ва ўтмишидан бошланади. «Ўтмишсиз келажак йўқ» қондасини ифодалайди.

¹ Апперцепция (псих) – мавжуд тажриба, билим, тушунча, тасаввур ва ҳ.к. асосида идрок қилиш, ўрганиш, билиш, идрокнинг тажрибага, билимга боғлиқлиги

4. Тарбиячининг тарбияланувчига ва ўзига қўйган талабларининг мувофиқлиги.

У ўрганиш жараёни, тақлид қилиш, гайриихтиёрий атроф-муҳитни тушуниб етилмаган таъсирига тегишли. Тарбия муваффақиятини янги сири шундаки, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши, тарбияланувчидан нимани талаб қилса, шу талабни ўзи қўйиб, бажариб кўриши керак. Бу қонуннинг бузилиши тарбиячининг обрўсининг кетишига олиб келади, тарбияланувчиларда ёлгончилик, тилёғламалик, иккиюзламачилик, мунофиқликни ривожланишига олиб келади.

Оскар Уайльднинг «Ёдда тут: эртами кечми сенинг ўглинг сенинг берган маслаҳатларингга эмас, қилганларингга қайтаради, сенинг қандай ўрнак кўрсатганингга амал қилади», деган фикри ана шу қонуннинг амал қилишини ифодалайди.

5. «Бир-бирига мос келишнинг самарали «олтин» даражаси» қонуни.

Бу қонун ашперцепция қонуни, муҳитнинг тушуниб етилмаган, энг аввало, ўрганишдаги табиати билан боғлиқ.

Тарбия тарбияланувчиларнинг ҳаётини фаолиятига аралаштириш, уларнинг кундалик ҳаётини ташкил этиш ва уни қандайдир мазмун билан тўлдириш шаклида юз беради. Лекин, мажбурий равишда уни ўзига қўймай ҳаётга аралаштириш, ҳадеб мажбур қилиш фойдасиз ёки аксинча, зарар келтиради. Худди шуни умуман аралашмай ўзига ташлаб қўйиш ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу қонун тарбияланувчининг ҳаётга оптимал даражада аралаштириш талаб этади.

Бу қонуннинг талабига кўра ҳар қандай нарсани ўргатишни тарбияланувчи учун қизиқарли, муҳим, унга яқин нарсдан бошлаш керак.

Мазкур қонуннинг амал қилиши бор ўқув материали, таълим мазмуни ва тарбияни инсоннинг дувёқараши, ўзининг шахсий манфаати нуктаи назаридан тушунтиришга боғлаш зарурлигини, унга эмоционал туйғуларни жалб қилишни тақозо этади.

Ўқув-тарбия жараёни ва атроф-муҳит билан мураккаб боғланиш мавжуд бўлиб, уни айнан ана шу қонун ифодалайди.

Бу қонуннинг бузилиши – атроф-муҳитга суюнишдан воз кечиш, инсоннинг аввалги тажрибасидан ажратиш ва ашперцепция қонунини инкор қилишда намоён бўлади.

Агар ўқитувчи-педагог ўқувчи-талабага шу муҳитда бор, билган нарсасини ўргатса, минимум даражада фойдасиз иш қилган бўлади. Агар кундалик фаолиятда, ўраб турган муҳит билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган, кераксиз нарса ўргатилса, фойда эмас, аксинча, зарар келтириши мумкин. Тарбия инсоний фазилятларни ривожлантиришга таъсир кўрсатиши зарур.

Шундай қилиб, иқтисодий тарбия жараёнида ҳам ана шу қонунларга амал қилган ҳолда ўқувчи-талабаларда иқтисодий фикрлашни шакллантириш зарур.

3-§. Иқтисодий педагогика фанининг атамалари ва уларнинг шахс хулқ-атворини шакллантиришдаги ўрни

Иқтисодий тафаккур соҳибини, яъни ўсаётган, ривожланаётган ва тараққиёт сари юз тутаётган мамлакатимиз учун зарур бўлган, ижодкор ва мустақил фикрлай оладиган, муқобил вариантлар орасидан энг самаралисини таялай оладиган шахсни тарбиялаб етказиш муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Иқтисодий тафаккурни шаклланиши инсоннинг хулқ-атвори, саъй-ҳаракати билан чамбарчас боғлиқлигини аввал кўриб чиқдик.

Ўқувчи – талабаларнинг диққатини иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилиши иқтисодий фаолиятнинг мазмунини тушунишларига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда оиладан бошлаб, бозор иқтисодиёти, шартнома, тадбиркорлик, бизнес, фойда, зарар ва ҳоказо атамалар тез-тез ишлатила ва бола онгига сингдирила бошланди.

Маълумки, атамалар ижтимоий ҳаётнинг бирон соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, фан, техника, касб-хунар, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тараққиёти туфайли бойиб боради.

Атамалар бир томондан, шахснинг хулқ-атворини ифодаласа, иккинчи томондан хулқ-атворнинг, хатти-ҳаракатнинг ўзи маълум бир атамаларда ўз ифодасини топади.

Маълумки, педагогикада жумладан, иқтисодий педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айти шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи, бугун ўқитиш жараёнининг тежамлилиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда оқилона ташкил этилиши кўп жиҳатдан ўқитувчи, техника ва технология, иқтисодий таълим, ўқитишни компьютерлаштириш кабилар билан бевосита боғлиқ қолган.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан қўлланилаётган қатор иқтисодий атамаларнинг маънолари ўзгарди, айримлари лексикадан чиқиб кетди ҳамда янги сўзлар кириб келди.

Ҳозирги кунда кундалиқ лексиконда фойдаланилаётган шундай атамалар мавжудки, уларнинг моҳиятини мазмунини ўрганмай иқти-

содий тафаккурни шакллантириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам иқтисодий педагогикада ана шу атамаларни ўрганишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини чуқур англаш ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожини таҳлил қилиш, ундан амалий хулосалар чиқариш эҳтиёжи кишиларда иқтисодий фикр юритиш маданиятини юксалтиришни тақозо этади. Бу вазифалар ижросини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири иқтисодиётнинг қонуноқондаларини атрофлича ўрганиш ва ундан унумли фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда тарихан қисқа вақт ичида бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётнинг асослари барпо этилди. Бу эса иқтисодий билимлар асосларини кишилар онгига сингдиришни долзарб масалага айланишига олиб келди. Шунинг учун ҳам ёшларимизда иқтисодий тафаккурни шакллантириш, бунинг учун энг муҳим иқтисодий атама ва тушунчаларни мазмун-моҳиятини ўрганишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Чунки улар шахс хулуқ-атворини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Шахснинг иқтисодий танлови қандай юз беришига катта таъсир кўрсатади. Улардан энг муҳимлари битимлар, фирма, рақобат, тадбиркорлик, риск, нафлилик, таълов ва бошқалар бўлиб, уларни ўрганишга диққат қаратишимиз лозим.

Битимлар Бозор иқтисодиёти шароитида кўп укладли иқтисодиётга хос мулкий муносабатларнинг вужудга келиши ва уларнинг ривожланиши битимлар¹, шартномалардан кенг фойдаланишга олиб келди.

Жамиятда хусусий мулкчиликка кенг йўл берилиши боис битимлар объекти янада кенгайди. Эндиликда ижтимоий характерга эга бўлган маҳсулотлар ва ашёларгина эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш учун ҳам битимлар, шартномалар² тузилмоқда.

Шартномалар тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳаларида ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мулкий муносабатларда ҳам кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Битим юридик аҳамиятга эга ҳаракатдирки, унинг натижасида муайян юридик оқибат келиб чиқади. Бозорга бориб бирон нарса

¹ Битим – ўзаро келишув, тўхтам, қарор аҳднома, шартнома. Ўзбек тили изоҳли луғат. М.: «Рус тили» нашриёти 1981, 121-бет.

² Шартнома – бирор масала юзасидан ўзаро келишганлик ҳақидаги ёзма битим.

харид қилар эканмиз, сотувчи билан битим тузамиз, натижада, шу нарсанинг эгасига айланамиз.

Битим тузишдан аввал эса харид қиладиган нарсамишни танлаймиз. Демак, биз ҳар қадамда танлашимиз, қарор қабул қилишимиз зарур. Битим тузганда асосан оғзаки келишув амалга ошса, шартномада томонларнинг келишуви ёзма бўлиб, ҳар икки томоннинг мажбуриятлари ва вазифалари кўрсатилади ва у ҳуқуқий ҳужжат бўлади. Бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар улар орқали тартибга солинади, шартноманинг мукамал, адолатли ҳар томон учун ўзаро фойда асосида тузилиши ва шу билан биргаликда томонлар ўз ҳуқуқлари доирасида талаб қила олишлари ҳамда ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир киши битим ёки шартнома тузар экан, нималарга аҳамият бериши, қайси ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосланиши лозимлигини билиши керак. Демак, ўқувчи-талабалардан ана шу кўникмаларни ҳосил қилиш зарур.

Бунда шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузиш учун амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни билиш, билмаса юридик маслаҳат берадиган фирмаларга мурожаат қилиши керак. Шартнома имзолангач уни кўрсатилган муддатларда бажарилиши шарт. Агарда, шартнома бажарилмаса ёки низоли ҳолатлар келиб чиқса томонлар уни кўриб чиқиш учун судга беришга ҳақли.

Ҳозирги кунда кўпичча тайёр шартнома лойиҳаларидан фойдаланиш мумкин. Лекин уни диққат билан ўқиб, ўз мақсадига кўра амал қилаётган қоида доирасида ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ҳар қандай шартномани ўқимасдан, шартномада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ моҳиятига етмай, ношма-ношарлик билан имзо чекиш ярамайди.

Бозор иқтисодиётида хўжалик субъектлари, ресурс эгалари ўртасидаги муносабатлар шартнома орқали тартибга солинар экан, ўқувчи – талабалар албатта улар ҳақида тасаввурга эга бўлиши зарур.

Бозор иқтисодиётининг муҳим афзалликларидан

Рақобат бири рақоботга асосланганлигидир.

Рақобот бўлмаса иқтисодиёт ривожланмайди.

Рақобот кишилиқ жамиятининг барча жабҳаларига хос. Рақобот қайси жабҳада олиб борилишидан қатъи назар унинг марказида инсон манфаатлари туради. Инсон табиатан ўзини, ўз манфаатларини ўйлайдиган қилиб яратилган. Ҳар бир инсон ўз имкониятларини намоён қилиш, фаровон ҳаёт кечирish, кишилар ўртасида обрў-эътибор қозониш (кабилар) учун ҳаракат қилади. Кишилиқ жамияти ҳаётининг асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан,

демак жамият ҳаётида иқтисодий соҳалардаги рақобат асосий роль ўйнайди.

Маълумки, тирик табиатда ҳам япаш учун кураш узлуксиз давом этади. Ҳар қандай тизим: биологик, физик, кимёвий, иқтисодий ҳаммаси мутаносибликка интилади. Рақобат ана шу мутаносибликнинг оптимал даражада бўлишини таъминлайди.

Рақобат (конкуренция) лотинча — *concuro* деган сўздан олинган бўлиб, тўқнашув деган маънони билдиради. Ўзбек тилида рақобат ким ўзди, басма-басликка беллашув маъносини англатади. Басма-басликка ким билан беллашилади? Рақиб билан. Рақиблар – бир-бирга қарама-қарши турувчилар бўлиб, бирор нарсани талашувчилар маъносини ифодалайди. Демак, рақиб сўзи билан конкуренциянинг маънолари яқин.

Иқтисодиётнинг барча иштирокчилари бир-бири билан рақобатлашади. Ижтимоий фаолият жараёнида манфаатлар тўқнашуви юз беради. Ана шу тўқнашувда кучлилар ютиб чиқади, заифлар мағлуб бўлади ёки ҳар икки томон мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб ўзаро манфаатли битим тузади.

Табиий савол туғилиши мумкин, нима сабабдан рақобат юз беради?

Рақобатнинг асосий сабаби, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, манфаатларнинг мавжудлигидир. Ҳар бир кишининг манфаати эса унинг мулки доирасида алоҳидалашган. Ҳар бир киши ўз манфаати йўлида ҳаракат қилади.

Рақобатни иқтисодий нуқтаи назардан қисқа қилиб таърифлайдиган бўлсак, қуйидагича ифодалаш мумкин. Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имкониятига, нуфузли мавқеига эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, курашидир.

«Рақобат – бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир».¹ Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат қонуни амал қилади. Бу қонунга кўра иқтисодий субъектларнинг мақсадларига кўра ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзаро курашишлари муқаррар бўлади. Бу қонун барча иқтисодий қонунлар каби объектив характерга эга. Сабаби иқтисодий муҳитнинг ўзи уни амал қилишини тақозо қилади. Чунки, биринчидан, инсонга табиатан ўз-ўзини сақлаш инстинкти берилган, аввал таъкидлаб ўтганимиздек уни ҳеч Ким, ҳеч қандай чекловлар йўққа чиқара олмайди.

Иккинчидан, ўзлаштириш мулк доирасида амалга ошади. Истеъмол ўзгариши учун мулк қайта тақсимланиши керак. Ресурслар мулк

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999, 34-бет.

бўлар экан, чекланган экан, унда самарали фойдаланиш объектив заруриятга айланади. Зарурият мавжуд экан, инсон доимо уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади, тинмай изланади, доимо ўз манфаатини ҳимоя қилади.

Рақобат қонуни барча жабҳаларга хос, унинг амал қилиш доираси кенгайиб боради.

Рақобат кураши турли тарзда намоён бўлади. Бозорда фирмалар ресурсларни арзон олиш, ўз товарларини қимматроққа сотиш, шуни асосида кўпроқ фойда олишга интиласалар, ишчи ва хизматчилар яхшироқ иш ҳақи олиш учун ҳаракат қиладилар. Харидор бозорда товарни арзонроқ сотиб олишга интилади. Сотувчи эса қимматроққа сотиш дардида ёнади. Ижарага мулкни берувчи кўпроқ ижара ҳақи олишга ҳаракат қилса, аксинча, ижарага олувчи уни пасайтиришга интилади.

Рақобат иштирокчиларининг ижтимоий-иқтисодий мақоми бир хил эмас. Шу сабабдан уларнинг бевосита мақсади ҳам фарқланади.

Мулкни иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашувига кўра, рақобат фақат индивидуал манфаатни эмас, балки жамоа, оиланинг манфаатларини ҳам кўзлайди. Чунки, айрим кишининг манфаати бир томондан алоҳидалашган, иккинчи томондан жамоа манфаатларига бирлашган. Бу манфаатлар бирлашуви ҳам мулк доирасида амалга ошади. Масалан, ишловчиларнинг ҳар бири яхши иш жойи учун курашса, улар жамоа доирасида биргаликда, унинг манфаати йўлида бошқа жамоалар билан, вилоят миқёсида бошқа вилоятлар билан, оила миқёсида бошқа оилалар билан, давлат миқёсида бошқа давлатлар билан рақобатлашади. Рақобат хўжаликнинг ҳамма соҳасида, иқтисодий фаолиятнинг ҳамма турларида боради, унда иқтисодий фаол аҳоли қатнашади.

Бозор иқтисодиётида рақобат ким билан бўлишидан қатъи назар яхши ишлаганларнинг, ишнинг ўзини эмас, балки кўзини билганларнинг юғиб чиқишини билдиради. Рақобат иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатиш, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ишлаб чиқаришга ундайди. У хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулни топишга ундайди. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиради. У фақат ишлаб чиқаришнинг ўзинигина ўсишга ундаб қолмай, иқтисодий муносабатларни ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди. У ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради. Ана шу жиҳатдан қарасак, рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Бозор ва рақобат бир-бири билан чамбарчас боглиқ. Рақобат бўлмаса бозор, бозор бўлмаса рақобат йўқ.

Бозор иқтисодиётининг илк белгилари пайдо бўлиши билан унга хос рақобат ҳам юзага келади. Иқтисодиёт ривожланишига қараб, рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб боради.

Муккамал рақобатга асосланган бозор модели жамиятнинг ресурслардан рационал фойдаланишини, маҳсулот ишлаб чиқариш учун ижтимоий сарфларни минималлаштиришни ифодалайди.

Номукамал рақобат эса эркин рақобатда эришилган мувозанатдан четга чиқишни билдиради. Рақобат чекланиши, хўжалик ҳаётини монополлашуви жамиятда маълум миқдорда йўқотишларга олиб келади. Маълумки, монополия энг аввал нархлар устидан назорат ўрнатиши билан ажралиб туради.

Нарх устидан ҳукмронлик (у доимо нисбатан бўлади) ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фан-техника тараққиёти ривожланиши, бозорни стандартлашган товарлар билан тўлдириш, уларнинг нархи кўпчилик сотиб олиши мумкин бўлган даражада бўлиши билан бирга юз берса жамият ютади.

Нарх устидан ҳукмронликни инсонни табиат устидан ҳукмронлик ўрнатишга уринишига қиёс қилиш мумкин. Масалан, ер унумсиз бўлса, унга ўғит солиш ва мелиоратив ишларни бажариш орқали ўзимиз учун табиатдан кўпроқ инъом олишимиз мумкин. Лекин таъсиримиз маълум чегарадан ўтиб кетса, атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатамиз, мувозанатни бузамиз. Бу эса яхшилик билан тугамайди.

Монополизация ҳам худди шундай. Маълум чегарадан ўтгач, у жамият учун салбий оқибатлар олиб келади. Айниқса, монополияларни келишиб, сунъий тақчиллик ҳосил этиши энг хавfli саналади. Бунда атайлаб корхона тўла қувват билан ишлатилмайди. Чунки, фойда олишни кўчайтиришга харажатларни пасайтиришдан кўра нархни кўтаришдан ёки, аксинча, рақобат курашини чеклаб, нархни арзонлашувига йўл қўймаслик билан эришиш осонроқ. Шунинг учун талабни тақлифга нисбатан устун бўлишини сунъий равишда сақлаб турилади.

Бозор иқтисодиётида рақобат кураши бўлиши учун зарур муҳит яратилади. Бу муҳит, энг аввало, мулкчиликнинг ва хўжалик юриштининг турли-туман шаклининг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро теяг мавқега асосланишида ифодаланади. Қолаверса, фаолият эркинлиги, ҳар бир кишини танлаш имкониятига эга бўлиши ҳам рақобат учун кенг йўл очади.

Республикамизда рақобат муҳитини яратиш давлатнинг фаолиятсиз ўз-ўзидан амалга ошмаслигини англаган ҳолда зарур чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, улар амалиётга жорий этилмоқда.

Бу, энг аввало, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, турли мулк шаклларини вужудга келтиришни жадаллаштиришда ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, рақобатни ўзи тақозо этадиган иқтисодий вазият нархларни эркинлаштиришни амалга оширишда ифодаланади.

Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш, албатта цивилизациялашган рақобатни вужудга келтиришни талаб қилади. У давлатнинг иқтисодий монополизмни чеклаш, умуман олганда антимонопол йўл тутишини зарур қилиб қўяди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда монополияга қарши меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди. 1992 йили Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» қонунини қабул қилинди. Қонунга қўшимча равишда уни амалга оширишни таъминлайдиган бир қатор меъёрий-услубий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Монополияга қарши сиёсат ўтказиш Молия вазирлигига юкланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15 майдаги фармони билан Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Шу қўмита негизда Президент фармони билан 2 август 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон монополистик бирлашма (корхона)ларни Давлат рестрига киритиш учун мезонлар белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинди.

Сабаби республика иқтисодиётида монопол тармоқлар сонини ҳали кўп. Агар корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳиссаси умум-республика ёки маҳаллий вилоят миқёсида, товар бозорида, маълум бир турдаги товарлар гуруҳида, ўзаро ўринбосар товарлар ёки бир технологик мақсадлардаги маҳсулотлар орасида 35 %дан ортиқ бўлса, бу корхона монополистик бирлашма (корхона)лар Давлат рўйхатига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси 20 % белгиланган.

Қабул қилинган қонунга кўра бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатга тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усуллари кўллаш ман қилинган. Қонунни бузганлар жавобгарликка тортиладилар.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда республикамизда монополияга қарши тартибга солишнинг қонуний асослари, меъёрий ҳужжатлари яратилди ва давлатнинг монополияга қарши органилари тизими ташкил этилди. Бу мамлакатимизда рақобат муҳитини сақлашга хизмат қилади.

Маданийлашган рақобат курашига асосланган бозорни вужудга келтириш учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қатор муаммоларни ҳал этиш керак:

- а) инфляцияни жиловлаш;
- б) бозорни демонополлашувини амалга ошириш;
- в) бозор муносабатлари субъектларини критик массасини, яъни миқдорини яратиш;
- г) бозорни барча турларини ривожлантириш;
- д) бозор типини тўғри танлаш. Ана шу муаммоларни ижобий ҳал этиш мамлакатимиз келажагини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

«Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шартини, айтиш мумкинки, унинг қонунидир».

Шунинг учун ҳам республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш, гирром рақобатчиларни бозорда, биринчи навбатда истеъмол товарлари бозорида яқка ҳукмрон бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга чек қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фирма

Бозор иқтисодиётида индивидуал тадбиркорлик ўзинга хос ўрин тутади, лекин иқтисодий фаолиятга нисбатан обрўли, барқарор, узоқ муддатли вақтга мўлжалланган, ташкил этиш кўлами жиҳатидан салмоқли шакли – корхонадир. Айнан у хўжалик фаолиятининг энг кўп тарқалган типик шаклидир. Корхона қайси мулкка тааллуқли бўлмасин фирма, завод, фабрика номлари билан аталади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари, Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисидаги қонунида белгилаб берилган. Корхона хўжалик юритувчи субъект сифатида мулкчиликнинг бирон шаклига асосланган ҳолда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган хўжалик юритувчи субъект сифатида майдонга чиқади. Корхона бозор муносабатларининг субъекти сифатида қатнашибгина қолмай, унинг объекти ҳамдир. Корхона мулкчиликнинг муайян объекти бўлиб, унинг қўлида ресурслар ва яратилган маҳсулот мавжуд. Корхона иқтисодий фаолият жараёнида муносабатларнинг субъекти сифатида майдонга чиқади.

Ҳар қандай иқтисодиёт каби бозор иқтисодиёти ҳам мураккаб тизим сифатида ички таркибга эга. Ундаги турли бўғинларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Корхона ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Бозор иқтисодиётида асосий таркибий бирлик, хўжалик юритувчи бўғин корхона (фирма) ҳисобланади. Фирма бу бозор иқтисодиётининг мураккаб феномени. Унинг ички тузилиши иерархик бошқаришга асосланган. Айнан иерархик бошқариш орқали трансакционал харажатлар минималлаштирилади.

Корхона (фирма) ишлаб чиқариш ресурсларини режали асосда, маълум нисбатда, комбинацияда бирикишни таъминлаб, ўз манфаатини маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўли билан амалга оширувчи, хўжалик юритувчи бўгин «звено»ни ифодалайди.

Фирма ҳам, корхона ҳам хўжалик юритувчи ҳуқуқий шахс бўлгани учун хўжалик фаолиятининг объекти бўлади. Шу билан бирга иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритиш субъекти ҳамдир. Иқтисодиётда, одатда, фирма кўпроқ умумлаштирувчи тушунча сифатида ишлатилади. Фирма ўз ичига битта ёки бир неча корхона, ишлаб чиқариш турини олиши мумкин. Корхона эса одатда, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга, бир хил нарса ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Барча корхоналар фаолиятининг мажмуи иқтисодиётни ташкил этади. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада бирикиб, бу ерда меҳнат юз беради. Жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар яратилади ва ҳар хил хизматлар кўрсатилади.

Фирмаларни таснифлаш (классификация қилиш) учун иқтисодий адабиётда турли мезонлар олинади. Улардан энг асосийси 2 та: мулкчилик шакли, фирманинг катта-кичиклиги.

Мулкчилик бўйича қарасак, улар 3 хил:

- а) индивидуал ёки хусусий фирма;
- б) шерикчилик асосида ташкил топган фирма;
- в) корпорация (акционерлик жамияти).

Корхона ўз мулкига ўзи эгалик қилиши уни эркин бўлиши га-ровидир. Корхона хўжалик юритувчи субъект сифатида иқтисодий мустақилликка эга. Нимани қанча, қандай усуллар билан ишлаб чиқариш, уни кимга, қаерда қанчадан сотишни, тушган пулни қайси мақсадда ишлатишни корхонанинг ўзи ҳал қилади.

Барча муаммоларни ечишда корхона бозорга қараб иш тутади. У бозордаги ресурслар нархи, ўзининг товарлари нархи, қилган харажатларни оладиган фойдаси миқдорига қараб иш тутади. Нарх-наво ва харажатлар миқдори корхонага эл қатори фойда олиш имконини бергандагина у фаол ишлайди. Бозордаги рақобат корхонави иқтисодий шароитга тез мослашиб доимо манёвр қилиши – товарларни янгилаш сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, инвестиция ва инновация билан шугулланиш, фаол реклама сиёсатини олиб бориш кабиларга ундайди. Корхоналар мулкий мақоми, ташкилий-ҳуқуқий асослари, хўжалик юритиш услубларига кўра хилма-хил бўлиб, асосийлари:

– хусусий фирма, ширкат фирмалари, масъулияти чекланган фирма, давлат корхонаси, аралаш фирмалар. Ҳозирги пайтда корхо-

наларнинг кенг тарқалган шакли – акционер жамиятлари ёки корпорациялардир.

Хусусий фирма – айрим шахсларга ёки оилаларга қарашли корхона. Улар асосан ўта кичик ва кичик бизнес доирасида фаолият кўрсатадилар. Ўрта ва йирик бизнесда ҳозирги пайтда ниҳоятда кам учрайдилар. XIX асрда эса улар корхоналарнинг асосий тури ҳисобланган.

Ширкат фирмалари мулк эгаларини ўз мулкини бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинган фойдани қўшган ҳиссасига кўра баҳам қўришга асосланган корхона.

Масъулияти чекланмаган фирма. Унинг мол-мулки шерикчилик асосида юзага келади. Уларнинг дастлабки қўйган капитали Низом капитали бўлиб, унинг фаолияти учун тўла ҳуқуқли шериклар биргаликда жавоб берадилар. Агарда фирма синиб, қарзларни тўлаш учун активлари етарли бўлмаса, қолган қарзни тўла ҳуқуққа эга бўлган таъсисчилар ўз зиммасига олади. Бунда унинг ҳажми қанчагача бўлиши мумкинлиги устав капиталидаги бадалига нисбатан неча марта қўллиги (фирма низомида белгиланади) шартномада кўрсатилади.

Франчайзинг (franchise – имтиёзли) фирмалар – бу майда хусусий фирмалар тизими бўлиб, у йирик фирмалар қанотида иш юритиб, унинг товар маркасидаан маълум ҳудуд ва муҳитда фойдаланади. Нархларга чегирма олиш ва бошқа имтиёзга эга. Товарларни ташқида, ускуналар сотиб олиш, кредит олишда ёрдам беради. Бу майда фирмалар йирик компанияларнинг чакана сотувчиси бўлиб қолади.

Венчур (venture – хатарли) фирмалари – бу илмий изланишлар билан шуғулланиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан шуғулланади. Улар ишининг хатари юқори. Сабаби яратган янгиликлари, ихтиролари бозор талабига мос келмаслиги мумкин. Бу турдаги фирмалар дастлаб АҚШ да вужудга келган, ҳозирги пайтда бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд.

Масъулияти чекланган фирма. Унинг капитали ҳам шерикчилик асосида ташкил этилади. Унинг номи кўрсатиб турибди – масъулияти, яъни мажбурияти чекланган. Бу чекланиш низом капитали доирасида бўлиб, борди-ю фирма синса, ундан фақат низом капиталига тенг бўлган миқдордагина пулни ундириш мумкин. Тўлов мажбуриятдан ортиқча қарзни ҳеч қандай йўл билан ундириб бўлмайди. Бундай фирмалар номига одатда «лимитед» сўзи қўпилади. У инглизча «чекланган» дегани.

Агар фирмада мулк эгаси сифатида шериклар миқдори ортиб кетса, у акционерлик жамияти сифатида рўйхатдан ўтиши керак. Ҳозирги пайтда фирмаларнинг кенг тарқалган шакли **акциядорлик**

жамиятлари ёки корпорациялардир. Бу акциядорларнинг уюшмаси бўлиб, унинг аъзолари бизнес иши йўлида жамиятга бирлашадилар. Жамиятга қўйилган капиталга қараб, махсус қимматбаҳо Ҳоғоз – акция чиқарадилар. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланади ва фойдадан ўз ҳиссасига мувофиқ – *дивиденд* олади. Акционер жамиятларининг ёпиқ ва очиқ турлари бўлади.

Ёпиқ жамият акциялари фақат маълум гуруҳ кишилари, масалан, корхона ишчи-хизматчилари ўртасида тарқатилади. Очиқ жамиятда эса унинг акцияси барча хоҳловчиларга сотилади.

Аралаш фирмаларга икки нуқтаи назардан қараш мумкин:

а) турли мулк шаклига асосланган миллий корхона;

б) миллий ва хорижий капитал асосида вужудга келтирилган қўшма корхона. Уларнинг капитали ҳиссадорлик қондасига биноян ташкил топади, фойдаси ҳам шунга қараб тақсимланади. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда хориж каштали иштирокида тузилган 1000 дан ортиқ қўшма корхона, 400 атрофида аралаш мулкка асосланган миллий корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Фирмалар шахобчаси (филиали) йирик фирмаларнинг таркибий қисми бўлиб, турли жойларда иш юритади. У мустақил эмас, бош фирманинг бир қисми. Иш кўлами ҳудудий жиҳатдан кенгайган шароитда фирма бўлимлари ташкил этилади. Бу айниқса, халқаро корпорацияларга хос бўлиб, улар турли мамлакатларда ўз бўлимларини очадилар.

Корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотни, иш кўламига қараб: кичик корхона (бизнес), ўрта корхона (бизнес) ва йирик корпорация (бизнес)га ажратилади. Бунинг учун мезон қилиб фирмада ишловчилар сони ёки фирманинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ ҳажми қабул қилинган.

АҚШда ишловчилар сони неча кишидан иборатлигига қараб, корхоналар 5 тоифага бўлинади:

- 1) ўта кичик корхона (10 киши);
- 2) жуда кичик корхона (20 киши);
- 3) кичик корхона (99 кишигача);
- 4) ўрта корхона (500 кишигача);
- 5) йирик корхона (500 дан зиёд киши).

Республикаמידа саноат ва қурилишда 50 кишигача, бошқа ишлаб чиқаришда 25 кишигача, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, чакана савдода 5 кишигача бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади. Кичик корхоналар йирик корхоналарга нисбатан қатор афзалликларга эга. Улар қуйидагилар:

- а) тез муддатда қурилиши;

- б) капитал айланиш тезлигининг юқорилиги;
в) талабнинг ўзгаришига қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини тезда ўзгартириш имконияти;
г) мабодо, корхона бозор иқтисодиёти шароитида синса ҳам мулк эгаси кўрадиган зарар йирик корхонага қараганда камлиги ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик корхоналар шубҳасиз устунликка эга.

Ҳозирги пайтда АҚШ да истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган умумий саноат ишлаб чиқаришнинг 48 %, Японияда 51 %, Францияда 45 %, Германияда 25 % и кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келади

Бозор иқтисодиёти тадбиркорликка асосланади.

Тадбиркорлик

Тадбиркорлик (инг. entrepreneur) инсоннинг хислати, унинг эркин, таваккал қилиб фойда ёки бошқа иқтисодий наф кўриш учун ўз мулкидан ҳам айрилиб қолиш хавфхатаридан қўрқмай фаолият юритиш, пухта ўйлаб, натижасини кўз ўнгига келтириб иш тутиш қобилияти. Ана шу қобилиятга эга кишилар тадбиркор дейилади. Тадбиркорлик қобилиятини ишга солиш, фаолиятга айлантиришнинг намоён бўлишини ғарбда бизнес (business – иш, фаолият, машғулот) деб аталади. Бизнес билан шуғулланувчиларни эса бизнесмен (business – иш, man – одам) дейилади. Бизнес билан шуғулланувчиларни, яъни бизнесменларни ҳарбий қўмондон билан қиёслаш мумкин. У ўз ишини тамал тошини кўяр экан, унинг потенциалини вужудга келтиради, олдиндан стратегиясини ишлаб чиқади, тактикасини белгилайди.

Бизнесни ташкилий шаклини ғарбда уч турга бўлинади: индивидуал (хусусий) корхона, шерикчилик, корпорация.

Одатда, тадбиркорлик деганда фақатгина инсоннинг қобилияти эмас, балки уни намоён қилиш (юзага чиқариш), фаолият юритишнинг ташкилий шакли ҳам тушунилади. Лекин кейинги пайтда бизнес сўзи ҳам тез-тез ишлатилмоқда.

Бизнинг юртимизда тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётига ўтиш билан яна қайта жонланди. Юртимизда тадбиркорлик узоқ тарихга эга. Бу аввало, савдогарлик шаклида ривож топган. Буюк ипак йўли савдо-сотиқнинг ўз навбатида тадбиркорликни ривожланишида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган. Қолаверса, ислом ақидалари ҳам тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Чунки ислом динида меҳнат қилмай топилган даромад ҳаром дейилади. Ҳар бир инсон, албатта, бирон, иш билан шуғулланиши даркор. Бунинг

натижасида турли-туман ҳунармандчилик, кулолчилик, темирчилик, тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик ва ҳоказолар ривожланган. Бу хусусий тадбиркорликнинг нақадар ривожланганидан дарак беради. Шу билан бирга меъморчилик ва суғориш иншоотларининг қурилиши ўз навбатида жамоатчиликка асосланган тадбиркорликни ҳам ривожланишига олиб келган дея оламиз И. Шумпетер эса тадбиркорни новаторлигига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича тадбиркор деб, ишлаб чиқариш омилларини янги нисбатларини (комбинациясини) изловчи, вужудга келтирувчи, шу билан иқтисодий ўсишни таъминловчи киши тушунилади. Шумпетернинг фикрича тадбиркор ишлаб чиқаришда индивидуал хусусий мулк эгаси бўлиши шарт эмас. У банк бошқарувчиси бўлиши ёки акционер жамиятининг бошқарувчиси бўлиши ҳам мумкин.

Том маъноси билан мулк эгаси ва тадбиркорни ягона киши сифатида қараш кредит вужудга келиши билан бузила бошлади. Тадбиркорликни мулкдан ажралиши акционерлик жамиятларида нисбатан осонгина кўзга кўринади. Корпоратив мулк акционерлик жамиятида ҳар бир акция эгаси ўзи алоҳида мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини йўқотади. Бу юридик факт. Ишлаб чиқаришда ҳокимият мулк эгасидан ишлаб чиқаришни ташкил этувчига ўтади. Мулк эгасининг роли пасивлашиб боради. Аънавий мулк сифатида тушунилган аниқ буюмлар ўрнига акционер бир парча қоғоз, мулк титули – *акцияга* эга холос.

Корхона иши юзасидан акция эгаси шартли назорат ўрнатади. У корпорация фаолияти юзасидан жавобгар эмас. Бундай жавобгарлик мулк эгаси бўлмаган тадбиркор – менежер зиммасида бўлади. Шундай қилиб, кредит муносабатларининг ривожланиши бойликни индивидуал хусусий мулк шаклидан корпоратив хусусий мулк шаклига ўтиши тадбиркорни тасарруф этишини эгалик қилишдан ажралишига олиб келади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: тадбиркорлик билан мулк эгаллиги ўртасида қатъий алоқа йўқ.

Тадбиркор натижа қандай бўлишидан қатъи назар, қабул қилинган қарорга жавобгар бўлиши ўз фаолиятидаги турли муаммо ва масалаларни ечишда ўзига хос қўшилмаган ёндашуви, аниқ ечимлар топиши, яъни турли йўллари қидириши, хуллас тинмай изланиши билан характерланади. Бунда асосий ўринда тадбиркор шахси туради.

Тадбиркор:

- 1) новаторлик хислатига эга бўлиши;
- 2) ресурсларни муқобил ишлата билиши, яъни уларнинг оптимал нисбатини топиш;
- 3) ўз вақтида зарур қарорни қабул қила билиши;

4) **риск қилишга мойил бўлиши керак.**

Ҳар бир киши тадбиркор бўлиши учун, энг аввало, ўзидаги хислатларга тўғри баҳо бера олиши керак. Ташкил этиладиган турли кичик фирмаларнинг 15–20 %и қолиб, қолганлари касодга учрашянинг асосий сабабларидан бири ҳам шунда. Тадбиркорлик истейдод ва махсус тайёргарликни талаб этади. Адабиётларимизда тадбиркорлик кўпроқ хўжалик юритиш нуқтаи назаридан қаралади.

Республикаимизда қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда тадбиркорликка шундай таъриф берилган: «Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида, таваккалчилик ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир». Умуман олганда, тадбиркорлик **риск қилган ҳолда, маблағларни самарали сарфлаб, ишлаб чиқариш омилларини энг оптимал нисбатини топиб ишга тушириш эвазига даромад, фойда олишга қаратилган, инсонларга наф келтирувчи, иқтисодий фаолиятдир.**

Инсоннинг билими ва билим жараёни чексиз-чегарасиз ана шу билимлар тушумида тадбиркорлик билими алоҳида ўрин тутади. Тадбиркорлик билими бу бозор иқтисодиётига хос бўлган махсус иқтисодий фаолият иқтисодий ресурслар билан таъминлаш, уларнинг самарали ишлатилишини ташкил этиш йўли билан товар ва хизматлар яратиш, уларни бозорга етказиб бориш ва фойда олиш ҳақидаги билимлар мажмуасидир.

Бугунги кунда тадбиркорлик билимининг мукамаллиги нафақат тирикчилик ўтказиш касб-корга эга бўлишга асос бўлади, айни пайтда у инсон салоҳиятини ундаги ишбилармонлик, тадбиркорлик қобилиятларини рўёбга чиқаришига ҳам бевосита кўмак беради, ишсизликни камайтириш аҳолини бандлик даражасини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Яхши тадбиркор раҳбар бўлиш учун, албатта, куйидаги якки хислат бўлиши керак:

1. Сабр-тоқат, бошқаларни ишларига халақит бермайдиган камчиликларига чидаш, тоқат қилиш, сабаби одамларнинг фазилати, темпераменти ҳар хил.

2. Иш жараёнига, унинг сифатига таъсир этувчи ҳар қандай камчилик, нуқсонларга тоқатсизлик. Ишни талаб даражасида бажарилишини назорат қилинг.

Мақсад қўйинг ва уни келажакда қандай амалга оширишни режалаштиринг. Раҳбар бўлишни, ўз олдингизга мақсад қилиб қўяр экансиз, ҳар бир қадамингизни режалаштиринг, ўз қобилиятингиз имкониётингиздан келиб чиқинг.

Ўз олдингизга вазифа қўйиб, раҳбар сифатида ўз шахсий ҳаётингизга, дам олишга вақт ажратиб, ҳафтасига 40 соат сарфлаб раҳбарликни бажара оласизми?

40 соат иш вақтида дўндириб раҳбарлик қиладиганлар санокли. Агар улар каби қобилиятингиз бўлмаса, олдиндан ўйлаб кўринг, қўлингиздан келадими ёки йўқми? Агар қўлингиздан келмаса, бошқа иш топаннингиз маъқул. Ўзингизни қийнаманг.

Товар эмас келадиган фойдани сотишни ўрганиш керак. Кўпчилик парма олишни хоҳламайди. Лекин парма ёрдамида тешилган тешиқларга минглаб сўм пул тўлайди. Демак, парма сотишдан кўра унинг ёрдамида бажарилган ишларни сотишни ўрганиш керак.

4-§. Маржинализм: нафлилик ва харидор танлови назарияси.

Иқтисодий хулқ-атворнинг шаклланиши

Иқтисодий тафаккурни шаклланишини ўрганишда маржинализм ўзига хос ўрин тутади. Шунинг учун иқтисодий педагогикада ҳам иқтисодий хулқ-атвор масаласига алоҳида диққат қаратилиши, унинг истеъмолчи, харидор танловига таъсирини ўрганиш зарур бўлади. Бу жиҳатдан маржинал мактаб ва ундаги субъектив-психологик ёндашув иқтисодий назария билан педагогика, психологияни чамбарчас боғланишини кўрсатади. Иқтисодий хулқ-атворнинг шаклланишини ўрганиш учун бу назарияга алоҳида эътибор қаратишимизга тўғри келади.

Иқтисодий назария тарихида «Австрия мактаби» номи билан аталган «меъёрий нафлилик» назарияси асосчилари неъматларнинг қиймати уларнинг наф келтиришига қараб, харидорнинг иқтисодий психологияси нуқтан назаридан аниқланади, деган фикрни илгари сурганлар.

Улар нафлиликни товарнинг объектив хоссаси билан аралаштирмаслик керак, нафлилик бу харидорнинг ўз эҳтиёжини қондириш нуқтан назаридан берган индивидуал субъектив баҳосидир дейишади.

Қиймат назарияси билан нафлилик назариясининг бош мақсади турли истеъмол қийматларини ёки нафлиликни таққослаш муаммосини ҳал қилишдир.

Олма, танбур, костюмдан қай бири фойдалироқ? Бир томондан қарасангиз, бундай саволнинг ўзи бемаъниликка ўхшайди. Аммо ҳар бир аниқ ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, бу саволда жоп бор. Умумий тарзда олсак, бу саволга жавоб бериб бўлмайди. Бу меъёрий нафлилик назариясининг хато эканлигини кўрсатадиган ишончли далил. Лекин юқоридаги саволга индивидуал жиҳатдан ёндашилса, уни ҳар бир киши субъектив тарзда ечади. Витамин зарур киши учун

олма, артист учун танбур, костюм зарур киши учун эса бошқа нарса-лардан кўра костюм афзал. Чунки ҳар бир инсон биринчи галда энг зарур эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Ҳар хил эҳтиёжлар ичида энг зарур эҳтиёжни қондириш учун турли товарлар ичидан кераклигини таялаб олади. Демак, у ёки бу товарни сотиб олишни ҳар бир инсон субъектив тарзда ҳал этади. Ундан ташқари, инсон эҳтиёжини қондирган товарни истеъмол қилишни давом эттирар экан, унинг эҳтиёжи тобора тўйиниб боради, нафлилиги эса камайиб боради. Масалан, қорни оч одам биринчи бурда нонни катта иштаҳа билан ейди, кейингиларини еган сари тўйиб, охир-оқибат бошқа нон егиси келмай қолади. Барча ейилган нон миқдори тўйиниш миқдорини ифодалайди.

Шахсий истеъмол жараёнида юз берадиган ана шу ҳодисани немис иқтисодчиси Герман Госсен (1810–1858) тадқиқ қилиб, нафлиликни пасайиб бориши қонуниги амал қилишини кўрсатиб беради. У бу қонунни «Айнан бир маҳсулот билан эҳтиёжларни қондиришни узлуксиз давом эттирсак, борган сари эҳтиёж тўлароқ қондирилиб, охир-оқибат тўйинади, лекин маҳсулотнинг нафлилиги эса пасайиб боради», деб таърифлайди. Эҳтиёж тўйингандан кейин ҳам истеъмол давом эттирилса, у наф ўрнига зарар келтиради. Демак, истеъмол қилишда қандайдир меъёр бўлар экан. **Меъёрий нафлилик** деб қўшимча истеъмол қилинган маҳсулотдан қўшимча олинадиган нафга айтилади.

Неъматнинг қийматини ана шу меъёрий нафлилик белгилайди. «Австрия мактаби» асосчилари нафлиликни пасайиши қонунига умумий тус беришга ҳаракат қилишган. Ф. Визер бу қонун «ҳамма нарсага, очликдан тортиб муҳаббатгача» тегишли деб кўрсатади.

Бу қонунга биноан эҳтиёжлар қондирилишига қараб тўйиниш даражаси ўсади, нафлилик эса пасаяди, яъни эҳтиёжни қондирувчи неъматнинг ҳар бир янги бирлиги аввалгисига қараганда камроқ наф келтиради. Ана шу неъматнинг захираси талабни қондиришнинг чегараси бўлади. Захиранинг ўзгаришига қараб чегара ҳам ўзгаради. Меъёрий нафлиликни Е. Бем-Баверк, К. Менгер келтирган мисол билан қуйидагича тушунтиради: таркидунё қилган, ўрмонда яшовчи зоҳиднинг 5 қоп дони бор. Унинг биринчи қопи ўз истеъмоли учун, иккинчи қоп захира, учинчиси паррандалар боқиш учун, тўртинчиси пиво тайёрлаш учун, бешинчиси эрмакка боқилаётган тўтиқуш учун мўлжалланган.

Агар у қоплардан бирини йўқотса, биринчи навбатда тўтиқуш боқишдан воз кечади. Чунки у эҳтиёжларни қондириш зарурлиги нуқтаи назаридан қаралса, энг охирида турибди. Доннинг қиймати айнан ана шу бешинчи қопнинг қадри билан ўлчанади.

Ана шу энг охирги эҳтиёжни қондирадиган нафлилик меъёрий нафлилик бўлади. Эҳтиёж ўзгармагани ҳолда захира кўпайса, меъёрий нафлилик камаяди, аксинча бўлса, нафлилик кўтарилади. Шунга мувофиқ равишда нарх ҳам ўзгаради. Шундай қилиб, ҳар бир Меъматнинг қадр-қиммати: а) эҳтиёжни қондиришнинг зарурлик даражасига; б) шу меъматнинг тўқинлик даражасига боғлиқ.

Наф умумий ҳамда меъёрий нафга бўлинади. Умумий наф деб, маълум товар ёки хизматлар бирлиги тўпламини истеъмол қилишдан олинadиган қониқишга айтилади. Меъёрий наф эса истеъмолчининг товар ёки хизматнинг кўшимча бирлигидан кўрган нафи, яъни умумий нафга кўшилган нафни билдиради.

Иқтисодий назарияда маржинализм мактаби нафлиликка алоҳида диққат-эътибор қаратади Меъёрий нафлилик қандай ўлчанади ва таққосланади. Унинг умумий ўлчови борми? Ана шу саволлар жавобига кўра меъёрий нафлилик назарияси тарафдорлари икки йўналишга бўлинади: кардиналистлик ва ординалистлик.

Кардиналистлар У. Жевонс, Д. Робертсон ва бошқалар меъёрий нафлиликни абсолют миқдорини ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткични топишга уринишган, ҳатто шартли бирлик ютиль (инглизча utility-нафлилик) тушунчасини ҳам киритишган. Лекин бу уринишлар бекор бўлиб, нафлиликни пул билан ўлчаб, баҳолашган. Бошқа гуруҳ иқтисодчилар-ординалистлар меъёрий нафлилик соф субъектив кўрсаткич, уни миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди дейишади.

Кардиналистлар ўтказган тадқиқотлари асосида истеъмол қилинаётган товар қанча кўп бўлса, умумий нафлилик ортади, лекин меъёрий нафлилик камайиб боради деган хулосага келишади.

Бошқа товарларнинг истеъмоли ўзгармасдан қолгани ҳолда бирон-бир товар ва хизматга эҳтиёж тўйиниб бориши билан бу меъматнинг кейинги бирлигини истеъмол қилишдан қониқиш пасайиб боради.

Масалан, хўжалик ишлари учун 10 челақ сув керак дейлик. Бизда 50 челақ сув бор. У ҳолда шу пайт учун 40 челақ сувнинг ҳеч қандай нафи йўқ. Агар бизда 10 челақ сув қолса, унда унинг ҳар бири қадр-қимматга эга бўлади. Чунки 10 челақ сувдан бирор челақ сувнинг йўқолиши, бирон-бир эҳтиёжни қондирилмаслигига олиб келади.

Табиийки, ҳар бир истеъмолчи ўзига келадиган умумий нафлиликни оширишга интилади. Умумий нафлиликни орттириш принципи қуйидагича: ҳар бир истеъмолчи товарлар тўпламини харид қилишда даромадини шундай тақсимлаши керакки, у ёки бу товарга сарфланган охирги пул бирлигидан (сўм, доллар, евро) оладиган наф бир хил бўлади.

Меъёрий нафлиликнинг пасайиб бориши мавжуд неъматнинг навбатдаги бирлигини харид қилиб, тасарруфдаги товарларни кўпайтирадиган харидор учун улар қадрининг пасайиши билан боғлиқ.

Костюмнинг нафлилиги ютиль миқдори билан ўлчанади, уни костюм кийиб юрадиган кунлар бўйича ҳисоблайлик, дейлик. Киши битта костюми бўлса 210 кун кияди, иккита бўлса 105 кун, 3 та бўлса 70 кун, 4 бўлса 52 кун, 5 та бўлса 42 кун кияди ва ҳоказо. Яъни умумий киядиган кунларни костюмлар сонига бўламиз. У ҳолда умумий нафлилик ўсиб боради, яъни битта костюмнинг умумий нафлилиги 210 га тенг, иккитасиники $(210+105)=315$ га, учтасиники $(315+70)=385$ га тенг ва ҳоказо. Лекин эътибор қилсак, ҳар бир кейинги костюм қўшилиши билан умумий нафлилик аввалгисининг даражасида кўпаймаяпти. Сабаби ҳар бир қўшимча костюмдан оладиган наф камайиб борапти. Чунки битта костюмимиз бўлганда 210 кун киярдик. Костюмимиз иккита бўлгач, энди 105 кун, учта бўлса 70 кундан киямиз. Меъёрий нафлиликни пасайиб бориши умумий нафлиликка ҳам таъсир этадики, охир-оқибат умумий нафни кўпаймаслиги маълум чегарадан сўнг уни ҳам пасайишига олиб келади. Костюмимиз 210 тадан ортгач, ана шу чегарага етамиз.

Шу маълумотлардан фойдаланиб, умумий нафлилик ва меъёрий нафлилик костюмлар миқдори ўзгариши билан қандай ўзгаришини графикда тасвирлайлик.

Tu (Total utility) – Умумий наф суммаси. Mu (margial utility) – Меъёрий нафлилик.



Графикдан кўриниб турибдики, истеъмом қилинаётган неъматнинг миқдори ортиши билан меъёрий нафлилик камайиб борапти. Реал шароитда шундай бўлиши мумкинки, истеъмом чегараси маълум бир миқдордан ортгандан кейин нафлиликни ўстирмай, аксинча манфий самара бериши, яъни «ортиқча истеъмом» зарар келтириши мумкин. Ҳолванинг ози ширин, деган нақл айнан меъёрий нафлиликни ифодалайди.

Талаб эгри чизиги қай даражада бўлиши меъёрий нафлиликда ўз ифодасини топади.

Бу барча товарларга хос бўлиб, ана шу сабаб-оқибатли боғланиш меъёрий нафлиликнинг пасайиб бориши қонуни деб қаралади.

Меъёрий нафлилик пасайиши қуйидаги асосларга таянади:

1. Ҳамиша маҳсулот харид қилувчи ҳар бир шахс маҳсулотнинг кейинги бирлигидан камроқ наф ёки лаззат олади. Яъни ҳар бир кўшимча товар нафлилиги аввалгисига нисбатан паст бўлади.

Масалан, харидорга оёқ кийими керак, унинг учун бир жуфт оёқ кийимининг нафлилиги ўта юқори, чунки у яланг оёқ юра олмайди.

Иккинчи жуфт оёқ кийими уни алмаштириб туриш имконини беради, лекин унинг нафлилиги пастроқ, чунки харидор яланг оёқ эмас, уни киядигани бор.

Учинчи ва тўртинчи жуфт оёқ кийимининг нафлилиги пасайиб бораверади, чунки эҳтиёж тўйдирилган сари товарнинг истеъмолчи учун нафлилиги пасаяди.

2. Истеъмолчи ўзининг чекланган даромади доирасида уни сарфлаб максимал даражада субъектив қониқиш, наф олишга интилади.


Меъёрий нафлилик қонунининг практикадаги аҳамияти шундаки, у истеъмолчиларни бозордаги турли товарларни қай даражада сотиб олишлари мумкинлигини тахминан қандай бўлишини аниқлаб беради.

Меъёрий нафлиликнинг пасайиши қонунининг амал қилиши туфайли харидорлар, истеъмолчилар жуда кўп товарлар, хизматлардан ўзлари учун зарур бўлган, даромадлари доирасида товарлар ва хизматлар комплектини харид қилишади. Бу товарларни танлаб олиш нафлиликни максималлаш-тириш тамойили асосида юз беради.

Ординалистлар, хусусан В. Парето, Ж. Хикс ва бошқалар кардиналистлар қўллаган тамойилидан воз кечипган. Улар назарияга кетма-кет тартибли нафлилик тушунчасини киритишади. Уларни фикрича уни ёрдамида истеъмолчини шу товарга бўлган қониқиш даражасини камайиб ёки кўпайиб боришини аниқлаш мумкин. Лекин ана шу қониқиш даражасини аниқлаш мумкин эмас. Истеъмолчи ўз пулини хоҳлаганча ишлатади. У ўз эҳтиёжини тўлиқ қондиришга ҳаракат қилади. Бирон-бир товарни сотиб олар экан, шу вариантни бошқа муқобил вариантлари билан солиштиради. Парето меъёрий нафлилик-

ни абсолют миқдорини ўлчаш ўрнига нисбий таҳлил қилиш самаралироқ, яъни истеъмолчи (ҳариддорлар)ни маълум бир товарлар тўпламидан иккинчисини устун қўйиш, танлашнинг ўрганиш афзалроқ дейди. Бундай таҳлил бефарқлик эгри чизиғи орқали тушунтирилган. Бу неоклассиклар томонидан кўшгина микроиқтисодий жараёнларни танлов муаммоси билан боғлиқ ҳолда неъматларни оптимал тўпланини: ишлаб чиқариш омилларини, дам олиш билан иш вақтини нисбатини аниқлашда фойдаланилган.

Ординалистик ёндашув нуқтаи назаридан истеъмолни оптималлаштириш муаммосини график ёрдамида кўриб чиқиш мумкин. Абстракция методидан фойдаланиб, истеъмолчи қатъий даромад топади ва уни ҳаммасини истеъмолга сарфлайди. Бунда улар фақат икки турдаги А ва В товарларни сотиб олади дейлик. Харидор ўз пулига турли миқдорда А ва В товарни харид қилиши мумкин. Уларнинг нафлилиги харидор учун тенг. Айтайлик иккита А ва учта В товар умумий нафлилиги учта А ва иккита В товарга тенг ва ҳоказо. Бир товарни камроқ олиш иккинчисини кўпроқ олиш билан тўлдирилади. Бундай тўпланда товарлар миқдори қанча бўлишини харидор учун фарқи йўқ. Агар уни графикда ифодаласак, қуйидагича бўлади (1-расм). Бу эгри чизиқ бефарқлик¹ эгри чизиғи дейилади. Бу эгри чизиқ мумкин бўлган жуда кўп вариантлардан бири холос. Улар истеъмолни қондириш даражасига кўра паст ёки юқорироқ бўлиши мумкин. (U_1, U_2, U_3, \dots ва ҳоказо) Улар чизмада пунктирли чизиқ билан тасвирланган.



Истеъмолчи учун икки товар бўйича олинган бефарқлик эгри чизиқлари тўплами бефарқлик картаси деб аталади.

Бефарқлик эгри чизиғи координата ўқларига нисбатан қавариқ шаклда эканлигига эътибор қаратилиши керак. Унинг қавариқлиги истеъмолчи учун товарлар ўзаро бир-бирини тўла алмаштира оладиган, ўрнини боса оладиган эмас эканлигини кўрсатади.

¹ Бефарқлик деганда лоқайдликни тушунмаслик керак. Бу ерда товар ва хизматларнинг ҳар қандай тўплами харидор учун бирдек наф келтириши кўзда тутилади.

Бефарқлик эгри чизиги бўйлаб пастга қараб ҳаракатланадиган бўлса, В товарни маълум бир миқдорини олмай А товардан қўшимча миқдор товар олишимизни кўрсатади. Ана шу бефарқлик эгри чизиги бўйича маълум бир товарни сотиб олишни камайиши эвазига иккинчисини сотиб олишни кўпайиши ўринбосишининг меъёрий нормаси (MRS) деб аталади. Уни $\Delta B/\Delta A = MRS$ тарзида ифодалаш мумкин.

Ўринбосишининг меъёрий нормаси (marginal rate of substitution) истеъмолчининг оладиган нафлилиги ўзгармагани ҳолда бир товарни бошқаси билан алмаштиришига тайёр эканлиги даражаси бефарқлик эгри чизигининг ўзи билан ифодаланади.


Бефарқлик эгри чизиги истеъмолчининг тавлашига қараб ниҳоятда турли-туман бўлади. Агар товар хизматлар бир-бирини боса оладиган бўлса, қавариқ, тўла алмаштира оладиган бўлса, тўғри чизик, агарда товарлар маълум нисбатдагина истеъмол қилинса L шаклида бўлади. Масалан, батарейка билан ишлайдиган соат. Агар истеъмолчи битта батарейка билан 2 соат ёки аксинча 2 та батарейка билан битта соат олса, уларни биттасини захирада сақлашга тўғри келади. Чунки битта соат 1 та батарейка билан ишлайди. Шунинг учун бефарқлик эгри чизиги L шаклда бўлади.

Бефарқлик эгри чизиги бюджет чизиги (бюджет чекланганлиги) ҳамдир. Чунки айнан ана шу чизик маълум миқдордаги пул, даромад ҳамми миқдоридидаги тавловни кўрсатапти.

Бу эгри чизикни меъёрий нафлилик нуқтаи назаридан қарасак, муҳим категория «истеъмолчининг ютуғи» ни кўрсатиб беради. Бу категориянинг мазмуни қуйидагича тушунтириш мумкин. Истеъмолчи ҳар бир товарни унинг наф келтиришига қараб баҳолайди. Меъёрий нафлилик эса пасайиб боради.

Шу нуқтан назардан график бўйича фикримизни ифодаласак, қуйидагича кўринишда бўлади.

Бир донга товар учун 50 миңг тўлаш мумкин 2 товар учун 30 миңгдан тўлаши мумкин. Бозор баҳоси 30 миңгдан индивидуал баҳоси эса $50+30=80$ миңг сўм. Лекин у $30+30=60$ га сотиб олади. 3 товарни эса 20 миңг сўмга баҳолайди. Бу учинчи товарнинг меъёрий нафлилиги бозор баҳосини белгилайди, яъни $20+20+20=60$ миңг сўм. Агарда индивидуал тарзда ҳисобланганда $50+30+20=100$ миңг сўмга тенг бўларди.



Айнан биз бозорда сотувчи билан савдолашар эканмиз товарнинг меъерий нафлилиги жиҳатидан ёндашиб 1000 сўм деб турган товарини 2 та оламан, 900 дан беринг, 3 та оламан 800 дан беринг деймиз.

Графикда бу штрихланган майдон бўлиб, юқорисидан талаб эгри чизиги, қуйидан баҳо чизиги билан чегараланган. Нарх қанча паст, истеъмолчининг ютуғи шунча кўп бўлади. Мисолимиз бўйича иккита товар олганда $(50+30) - (30+30) 80-60=20$ минг сўм, учта товар олганда $(50+30+20)-(20+20+20) = 100-60=40$ минг сўм.

Истеъмолчининг ютуғи концепцияси неоклассик мактаб томонидан солиққа тортиш, монополистик нархни шаклланиши муаммоларини тадқиқ этишда кенг фойдаланилади.


Меъерий нафлилик назарияси билан истеъмолчининг танлови назарияси иқтисодий субъект бозорда ўзини қандай тутади, қандай танлайди, талаб ва унинг миқдорини ўзгаришини бозор мувозанатига қандай таъсир ўтказишини аниқ таҳлил қилишига ёрдам ҳамда имкон беради.

Истеъмолчиларнинг танлови уларнинг бюджет даромадлари ва вақтлари билан чегараланган. Танловга уларнинг нимани афзал кўришлари, рационал иш тутишлари таъсир кўрсатади.

Истеъмолчи доимо ўзи олаётган неъматлар тўплами нафлилиги энг юқори бўлишини хоҳлайди.

Бу мақсадга қандай эришиш мумкин?

Иқтисодчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, нафлилик эгри чизигининг бюджет чизигига уриниб ўтган нуқтасида эришилар экан.




занат нуқтаси деб аталади.

Даромадни ўсиши ёки пасайиши мувозанатни юқорига ёки пастга силжишига олиб келади.

Уни графикда тасвирласак, қуйидагича кўринишда бўлади.

В нуқтаси нафлилиги юқори, лекин у бюджет чизигидан юқорида. Биринчи чизиқда эса товарлар тўплами нафлилиги паст, сабаби у бюджет чизигини кесиб ўтади, бифарқлик эгри чизигидан пастда жойлашган С-нуқта оптимал танлов ёки муво-

Бефарқлик эгри чизиги билан бюджет чизигини бирлаштириб, Ж. Хикс «даромад – истеъмол» деб атаган эгри чизикни олади. Америка адабиётларида эса у турмуш даражаси эгри чизиги деб аталади. Бу чизик турлича жойлашиши мумкин.



Агарда бу эгри чизик координата бошига нисбатан 45 да жойлашган бўлса, бу даромад ўсиши билан истеъмолчи А ва В маҳсулотни истеъмолини бир хилда кўпайишини билдиради.

Агарда уларнинг нисбати ўзгарса, у ҳолда W эгри чизигини жойлашиши ҳам ўзгаради. Уни қуйидаги расмда кўриш мумкин.

Биринчисида нисбатлар тенг ўсса, иккинчисида аввалги В неъмат истеъмоли тез ўсган, кейинроқ пасайган.

Шундай қилиб, турмуш даражаси даромаднинг ўзгариши истеъмолга ва унинг таркибига қандай таъсир қилишини таҳлил қилиб, зарур хулоса чиқарилади, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ҳаётда умумий нафлиликдан кўра меъерий нафлиликка кўпроқ эътибор берамиз. Сарфланган пулимизга тўғри келадиган умумий нафлиликнигина эмас, ҳар бирини алоҳида келтирадиган нафлиликни ҳам ҳисобга оламиз.

Тежамкор харидор нафлиликни максималлаштириш принципи асосида харажат қилар экан, турли товарлар миқдорини танлар экан, охириги сумма қандай товар олишидан қатъи назар, бир хилда меъерий наф келтириш даражасига қадар танлайди.

Нафлиликни максималлаштириш принципи асосан пул кўп бўлиб, тавлаш имконияти мавжуд бўлганда кўпроқ намоён бўлади. Агар пул миқдори чекланган бўлса, айтилик 300 сўмгача, бу принцип ҳам чекланади, сабаби у пирожний ва музқаймоқ олиши керак бўлса, фақат

битгадан сотиб олиши мумкин. Агар пул 3000 сўмгача кўпайса, демак, танлаш имконияти ҳам кўпаяди. Даромад кўп бўлса, танланадиган товарлар тури ҳам кўпаяди.

Харидор ўз пулини рационал сарфлаш учун турли неъматлар ичидан шундай танлаши керакки, ҳар бир олаётган товарнинг нафлилик даражаси сарфланган пул миқдорига нисбатан энг юқори бўлиши керак.

Кундалик ҳаётда харидор айнан шундай қилади. У энг аввало, керакли товарларни сотиб олади. Иккинчидан, ўзи учун афзалини танлайди. Даромади кам харидор арзон товарни камроқ наф келтирса ҳам кўпроқ сотиб олади, қимматбаҳо товар юқори истеъмол самараси билан камроқ сотиб олинади. Даромади юқори харидор нархи баланд бўлса ҳам сифатли товар харид қилади. Охир-оқибат, харид қилинган товарларнинг бир-бирлигига (1 сўмига) тўғри келадиган самараси бир-бирига яқин бўлади. Шундай қилиб, харидор сотиб оладиган товар ва хизматлар тўплами таркиби харид қобилияти, товарлар нархи, харидор дидига боғлиқ, ҳамда харидор учун нафлилиги энг юқори баҳоланади.

Шундай қилиб, талабаларга марживал назариянинг мазмунини тушуштириш орқали ҳар биримиз нима сабабдан у ёки бу нарсани танлашимизнинг моҳиятига етамиз.

5-§. Инсонларнинг хулқ-атвориغا кўра кутилаётган нафлиликка муносабатини шаклланиши ва таваккалчилик хатари

Иқтисодий педагогикада инсонларнинг хулқ-атвори ва саъй-ҳаракати билан боғлиқ диққат қаратадиган яна бир масала таваккалчилик ва риск қилиш масаласидир.

Маълумки ҳамманинг ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш қўлидан келавермайди. Тадбиркорнинг энг муҳим фазилатларидан бири таваккал қилишни, рискни ёқтиришидир. Бозор иқтисодиётининг доимий йўлдоши. ноаниқлик экан ҳар бир тадбиркорнинг фаолияти таваккалчилик хатари билан боғлиқ. Таваккалчилик хатари деб, фаолият натижаси қандай бўлиши эҳтимолини билган ҳолда, барибир оқибати қандай тугагини аниқ айтиб бўлмайдиган вазият, яъни ноаниқлик тушунилади. Ноаниқлик шароитида ҳар бир киши ўзини турлича тутати. Биров таваккал қилиш, рискни ёқтиради, биров эса аксинча. Лотерея ўйинларида қатнашиш таваккалчилик фаолиятига, рискка тирик мисол бўла олади. Бунда ютиш ёки ютқизиш мумкин. Уни эҳтимоллик назариясига кўра тадқиқ этишимиз мумкин. Маълумки, тасодифий катталикни кутилаётган салмоғини ёки ҳодисани рўй бериш эҳтимоли қуйидаги математик формула ёрдамида аниқланади:

$$E(x) = \pi_1 x_1 + \pi_2 x_2 + \dots + \pi_n x_n;$$

Бу ерда, $\pi_1, \pi_2, \dots, \pi_n$ – ҳар бир ҳодисани юз бериш эҳтимоли; x_1, x_2, \dots, x_n – ҳар бир ҳодисанинг салмоғи.

Бу ерда шуни ҳисобга олиш муҳимки, эҳтимоллик турлича табиатга эга бўлиши, яъни объектив ёки субъектив бўлиши мумкин. Эҳтимоллиқни объектив табиатини тан олувчи олимлар ҳодисаларни юз бериши эҳтимолини математик асосда, потенциал тарзда аниқласа бўлади, деб кўрсатишади. Француз астрономи, математик ва физиги Пьер Лаплас тадқиқ этилаётган ҳодисани юз беришини, яъни ижобий натижани мумкин бўлган барча имкониятлар натижасига нисбати асосда аниқлаб беради.

Субъектив ёндашув тарафдорлари эса (масалан, америкалик иқтисодчи ва статист Леонард Сэвиж) эҳтимоллик бу кишиларни у ёки бу ҳодисани юз беришига ишончлари даражасини кўрсатади деб ҳисоблашади.

Эҳтимоллик назариясининг қай бири: объектив ёки субъектив қарашлар бўлишидан қатъий назар, биз учун математик кутиш билан кутилаётган нафлиликни ажратиш муҳим аҳамиятга эга.

Кутилаётган нафлилик назариясини математик жиҳатдан асослаб беришни швейцариялик математик Габриэл Крамер ва Даниил Бернуллилар бошлашган.

Д. Бернулли¹ ўзининг машҳур Санкт-Петербург парадокси ёрдамида масаланинг ечимини баён қилган. Парадокс куйидагича ифодаланади: индивидлар унча кўп бўлмаган миқдорда пул тўлаб, ютуқни кутиш математик жиҳатдан чексиз бўлган турли хил ютуқли ўйинларда қатнашишлари мумкин. Ўйин айтайлик, тангани ташлаш бўлиб, «герб» томони тушса ютуқ бўлсин. Ўйин белгиланган миқдорда «герб» томони тушгунча давом этсин. Ютуқ тангани ташлаш сони ва «герб» томони тушиши билан боғлиқ. Биринчи марта ташлаганда «герб» тушса, X субъект Y субъектга, оддийгина қилиб айтганда, Одилжон Олимжонга 1 долл, иккинчи марта ҳам «герб» тушса 2 долл, учинчи мартасида ҳам «герб» тушса 4 долл., яъни ҳар бир кейинги сафар ҳам тангани «герб» томонини тушиши, n-чи мартасида 2^{n-1} доллар тўласин.

Ютиш эҳтимоли (π) эҳтимоллик назариясига кўра, ҳар сафар танга ташлаганда 0,5 ёки 50 %га тенг, яъни ё «герб» тушади ёки тушмайди.

¹ Д. Бернулли (1700–1782) швейцариялик математик ва табиатшунос. 1723–1725 йилларда Санкт-Петербург фанлар Академиясининг физиология ва математика кафедрасида ишлаган.

Тангани биринчи марта ташлаганда ютиш эҳтимоли математик жиҳатдан кутиш $\pi \times 1$ долл ёки $0,5 \times 1 = 0,5$ долларга тенг. Иккинчи ташлаганда эса $(0,5 \times 0,5) \times 2$ долл = $0,5$ долларга тенг. Умумий кути-лаётган натижа ҳар бир босқичда $0,5 + 0,5 + 0,5 + 0,5 + \dots$ ни суммаси тар-зида ифодаланади. Бу чексиз қаторнинг йиғиндиси чексиз катта миқ-дорни ташкил қилади.

Парадокс шунда ифодаланадики, кутилаётган пул ютуғи бундай ўйинда чексиз бўлишига қарамай, кўпчилик унда иштирок этмасликни афзал кўради.¹ Нима сабабдан? Унинг сабабини Бернулли шундай тушунтиради. Индивидлар кутилаётган пул ютуғини эмас, балки руҳан қониқишни максималлаштиришга интилишади. Кейинчалик уни ютуқдан кутилаётган нафлилик деб атади.

Бу муаммони одамларни таваккалчилик хатарига муносабати нуқтан назаридан кўриб чиқайлик. Бернуллининг гоълари америкалик иқтисодчи Жон фон Нейман ва Оскар Менгенштернинг ишларида ривожлантирилди. Уларни кўпинча «кутилаётган нафлилик» назария-сининг асосчилари деб ҳам юритилади. Улар ахборот тўлиқ бўлмаган шароитда индивиднинг рационал танлови максимал даражада кути-лаётган нафлилик бўлади дейишади. Кутилаётган нафлиликнинг тур-лича варианты бўлиши мумкин. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳи-собланади:

$$E(U) = \sum_{i=1}^n u_i \pi_i$$

Бу ерда, u_i – натижа нафлилиги; i, π – натижа эҳтимоли; i, n – натижа миқдори.

Сўнгра индивид кутилаётган нафлилик вариантларини таққос-лайди ва кутилаётган нафлиликни максималлаштиришга ҳаракат қилгани ҳолда бирини танлайди.

Уни таваккалчилик хатарига муносабати қандай бўлади? Одам-ларнинг таваккалчилик хатарига муносабатлари турлича. Иқтисодий назарияда уларни:

- а) рискка нейтрал;
- б) риск қилишга ишқивоз;
- в) рискни ёқтирмайдиган ёки унга қаршиларга бўлинади.

Баъзи ҳолларда таваккалчилик билан фаолият юритишдан мате-матик кутиш пул кўринишида бундай хатарга йўл қўймаганда натижа бир хил бўлиши мумкин. Лекин одамлар ўзларини турлича тутишади,


¹ Бернулли Д. Опыт новой теории измерения жребий. В книге «Теория потребительского поведения и спроса». Санкт-Петербург, 1993, стр 23.

турлича танлашади. Масалан: 10 минг сўм қарз олган ўз қарзини қайтариш ўрнига, «Келинг, танга ташлаймиз, агар ютсангиз қарзингизни 2 баробар қилиб қайтараман, агар ютқазсангиз қарздан ~~юз~~ кечасиз», дейиши мумкин. У ҳолда математик кутиш натижаси $10 \times 0,5 - 10 \times 0,5 = 0$; ёки $10 \times 0,5 - 10 \times 0,5 = 0$; қолга тенг. Сиз учун бундай қарасангиз қарздор билан танга ташлаб ўйнаш ёки қарзни талаб қилиш барибир.

Лекин кимдир кўпроқ пул топиш учун риск қилади, кимдир бўлса, таваккалчилик хатари билан боғлиқ ҳеч қандай фаолиятга аралашмасликни маъқул кўради. Кишиларни нимани танлашини тушунтириш учун таҳлилни қутилаётган нафлилик концепцияси асосида олиб берамиз.

Тажриба шуни кўрсатадики, одамларни асосий қисми таваккалчиликни ёқдиришмайди. Бу ҳолатни одамларни психикасидан ташқари соф иқтисодий сабаб, меъёрий нафлиликни пасайиб бориши қонунини амал қилиши билан тушунтириш мумкин. Уни қуйидаги 1-расм ёрдамида кўриб чиқамиз.

Айтайлик, 1000 сўм пулингиз бор. Уни 500 сўмини ютуқли ўйин ўйнашга сарфлашингиз мумкин. Ютуқ сарфлаган пулингизга 2 баравар бўлсин. У ҳолда ютсангиз 1000 сўм оласиз. Пулингиз 1500 сўм бўлади. Агар ютқазсангиз пулингиз 500 сўм қолади. У ҳолда математик кутиш пул ифодасида:



$$-500 \times 0,5 + 500 \times 0,5 = 0$$

Меъёрий нафлилик эса пасайиб боради. Шунинг учун кутилаётган нафлилик манфий қийматга эга бўлади.

Расм асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, шартли бирликда ўлчанган нафлилик бўйича сиз учун ютқазиб қўйгандаги зарар, ютгангизда олган пулингиздаги нафлиликдан кўп бўлади. Бунда меъёрий миқдор категориясидаги натижа пулдаги миқдор ўлчовидан бошқача

бўлади. Сиз таваккалчиликдан воз кечасиз. Ана шунинг учун ҳам ютуқни қадр-қимматини ўлчаганда юз бериши мумкин бўлган натижани математик кутиш билан унинг қутилаётган нафлилиги ўртасида фарқ бор. Оддий тил билан айтганда қўлингиздаги пулни сарфлаб, кўшимча пул ютиш сизга қувовч бағишлайди, лекин борини йўқотиш, қўлдаги пулдан айрилиш сиз учун оғир, сезиларли бўлади.

Иқтисодий назарияда бу феномен эгаллик қилиш самараси деб аталади. Эгаллик қилиш самараси одамларнинг ўзларида борини, уларга тегишли бўлмаган нарсага нисбатан юқори баҳолашлари, афзал кўришларини ифодалайди. «Осмондаги турнадан қўлдаги читтак яхши» нақли айнан ана шу самарани ифодалайди.

Санкт-Петербург парадоксига қайтсак, одамлар ютуқли ўйиндан, мисолимизда танга ташлашдан математик жиҳатдан кутилаётган натижаси чексиз катта сон бўлишига қарамай, воз кечишларига сабаб кутилаётган нафлиликни пасайиб бориши бўлади.


Албатта, рискни ёқтирадиган одамлар ҳам бор. Кимки рискдан кўркса, ғолиблик нашидасини сурмайди Тадбиркорлик билан шуғулланиш ўзи озми-кўпми таваккалчилик хатари билан боғлиқ. Бундай кишилар учун умумий нафлилик эгри чизиги одатдагидек қаварик эмас, балки унга тескари, ботиқ шаклда бўлар экан.

Бундай одамлар учун ўйиндаги ютуқнинг нафлилиги қўлидаги ютқазган пулининг нафлилигига қараганда юқори баҳоланади.

Бунда ҳам ҳодисанинг математик кутилиши пул ифодасида юқоридагига ўхшаш $-500 \times 0,5 + 500 \times 0,5 = 0$ бўлади.

Лекин энди метъерий нафлилик ўсиб боради. Шунинг учун шартли бирликда кутилаётган нафлилик мусбат қимматга эга бўлади.


$$-1 \times 0,5 + 5 \times 0,5 = 2$$



Риск қилишга мойил кишилар ютқазганда хафа бўлишганига қараганда ютишганда кўпроқ хурсанд бўлишади. Йўқотганда қайгургандан, тошганда кўпроқ қувонишади.

Ва, охир-оқибат рискка нейтрал тарзда ёндашувчилар учун умумий нафлилик эгри чизиги, тўғри чизиқ шаклида намоян бўлар экан.

Математик кутилиш табиий ўзгармайди. У $-500 \times 0,5 + 500 \times 0,5 = 0$. Лекин рискка бефарқ кишилар учун метъерий нафлилик ҳам ўзгармайди. Шунинг учун кутилаётган нафлилик ҳам шартли бирликда нолга тенг бўлади. $2 \times 0,5 + 2 \times 0,5 = 0$.



Шундай қилиб, рискка бифарқ кишилар ютишса қанчалик хурсанд бўлишса, ютқазилганда шунчалик хафа бўлишади.

Кутилаётган нафлилик назарияси нуқтаи назаридан ҳамма кўриб чиқилган вариантларда танлов рационал ҳисобланади. Лекин кейинчалик маълум бўлдики, кўриб чиққан ҳолатларимизга **тўғри келмайдиган ҳолатлар** ҳам мавжуд экан. Улардан бири «**саноқ нуқтаси самараси**» билан боғлиқ. Уни қуйидаги мисол билан тушунтириш мумкин: Эркинжон 20000 сўмга жинси шим олмақчи. Уйининг ёнидаги магазинда 20000 сўмга турибди. Бозордан эса шу шимни 15 мингга сотиб олиш мумкин. У 20 минг сўмга магазиндан, ёки 15 минг сўмга бозордан танилаб олиш мумкин. Унда танлов имконияти бор. Лекин унга ҳар қалай магазиндан олгандан кўра қўшимча 2 соат вақт сарфлаб, бозордан олиши учун рағбат бор, чунки у 5 минг сўм иқтисод қилади. У чарм куртка олмақчи дейлик. Бундай курткани бозорда 250 минг сўмга беради, шу магазинда эса 255 минг сўмга турибди.

Ҳар икки вариантда ҳам у 5 минг сўм фойда кўриши мумкин. Лекин иккинчи ҳолда бозорга бориш учун унда рағбат анча паст бўлади. Нимага шундай? Ҳамма гап шундаки, ҳар икки ҳолда ҳам беихтиёр равишда саноқ нуқтасини иқтисод қилинган фойздан, яъни иқтисод қилинган пулни товарнинг нарҳига нисбатан ҳисоблашдан бошлаймиз. Биринчиси $5:20 = 0,25$ ёки 25%, иккинчисидан $5:255 = 0,019$ ёки 1,9%.

Одам ўзини танлови билан кутилаётган нафлилик концепциясини инкор қилиши мумкин. Бу объектив ва субъектив эҳтимолликнинг номунотазам боғланиши туфайли юз беради.

Воқеани юз беришига ҳоҳишни ўсиши билан субъектив эҳтимолликнинг ўсиши тенденцияси амал қилади. Натижада кишилар ҳоҳиш-истакларини воқелик, ҳақиқат тарзида кўрсатишга интилишади.

Таваккалчилик фаолиятига қарасак, одамлар юз бериши мумкин бўлган ҳодисани ўзига жалб қилишига қараб риск қилишга мойиллиги ортиб боради.


Кўпчилик кишиларни иложи борида **рискдан кочишини** ҳам кутилаётган нафлилик назариясига истисно тариқасида қараш мумкин.

Бунда муқаррарлик самараси амал қилади. У одамларни юз бериши муқаррар натижани, ҳодисани ноаниқликка қараганда жуда юқори баҳолашларида ифодаланеди.

Иқтисодчилар томонидан ўтказилган экспериментлар шуни кўрсатадики, одамлар ютуқни 100 %ли эҳтимолини унга нисбатан пастроқ 97,98 фоизли ютуқ эҳтимолига қараганда жуда юқори, яъни номуносиб ҳолда баҳолашар экан. Бундан инсонлар эҳтимоликини нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам баҳолашар экан. Уларнинг рискка мойиллиги кутилаётган нафлилик назарияси асосида тахмин қилинган даражадан ҳам паст экан.

М. Фридмен ва Л. Сэвиж ўзларининг «Рискка мўлжалланган муқобил танловда нафлилик таҳлили» мақоласида одамларни риск қилишга мойиллигини ёки уни ёқтирмаслигини уларнинг даромадлари даражаси билан баҳолашади ва уни графикда куйидагича ифодалашади.

Уларнинг фикрича А ва С гуруҳлари риск қилишни ёқтиришмайди. В гуруҳ эса риск қилишга мойил. Улар даромад, бойликка ҳали ўрганиб улгуришмаган. Аввал А гуруҳида эди, лекин уларда С гуруҳга ўтиш имкони бор. Улар унча кўп эмас. Ўзларининг рискка мойиллиги сабабли А ёки С гуруҳдагилар қаторига тезда ўтиб кетишади. Бунда танлов рационалиги рискка нисбатан мавжуд даромад, бойлик, фаровонликка боғлиқ.



- А – бўлак, кам даромадлилар гуруҳи;
- В – ўртача даромадлилар гуруҳи;
- С – юқори даромадлилар гуруҳи.

4-расм. Умумий нафлилик: даромадга кўра риск қилишга муносибатни ўзгариши.

Кутилаётган нафлилик концепциясига қарама-қарши бошқа далиллар ҳам бор. Лекин бу концепция ахборот етишмовчилиги, тўлиқ ахборот олиб бўлмайдиган шароитда рационал танловни баҳолашда асосий концепция бўлиб қолади.

Шундай қилиб, инсонлар рискни ёқтиришмайди уни иложи борича камайтиришга ҳаракат қилишади.

Рискни камайтиришни бир неча йўллари бор. У суғурталаш бўлиб, унинг бир неча усуллари бор. Суғурта катта талофотларни кичик йўқотишлар билан алмаштириш имконини беради. У қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1. **Таваккалчилик хатарини бирлаштириш, умумлаштириш.** Бу таваккалчилик хатарини пасайтириш усули бўлиб, у қатнашчилар ўртасида тақсимланади. Ҳар бир қатнашчига тўғри келадиган зарар унча катта бўлмайди. Турли жамоа, ўзаро ёрдам фондлари шу методга асосланади. Суғурта компаниялари ҳам айнан ана шу методдан фойдаланади.

2. **Таваккалчилик хатарини тақсимлаш.** Бу суғурта усули бўлиб, катта талофат, зарар эҳтимолини қоплаш мажбуриятини компания ўз зиммасига ололмаган шароитда қўлланилади. Масалан, корхона ўз фаолиятини ёнғиндан суғурта қилдирмоқчи. Корхона катта, борди-ю ёнғин бўлса, йўқотишлар катта бўлиши мумкин. Уни устига бундай корхоналар жуда кам: битта ёки иккита.

Шунинг учун аввалги таваккалчилик хатарини бирлаштириш методидан фойдаланиб бўлмайди. Бунда улар йирик суғурта ассоциацияларига мурожаат қиладилар. Натижада, таваккал қилиб кўрилиши мумкин бўлган зарар ассоциация аъзолари ўртасида тақсимланади.

3. **Диверсификация усули.** Бу усул иқтисодий субъектларни ўз молиявий маблағларини турли соҳаларга қўйиши орқали бир соҳадаги зарарларини иккинчи соҳадаги фойдалари билан қоплашларини кўзда тутди. Масалан, турли компанияларнинг акцияларини сотиб олиш.

Суғурталашнинг умумий принципи шуки, сиз маълум бир миқдорда жорий истеъмолдан воз кечиб, келгусида юз бериши эҳтимоли бўлган катта йўқотишлардан ўзингизни мумкин қадар ҳимоялайсиз. Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, айрим фаолият турлари хавф-хатарга суғурта қилинмайди. Ядро уруши, экологик катастрофалардан ҳеч ким суғурта қилмайди. Лекин суғурталанмайдиган рисклар ҳам бор. Бу тадбиркорлик фаолияти, уни бир бутун ҳолда суғурталаб бўлмайди.

Тадбиркор асосий ўз ғоясини амалга ошириш жараёнида, ўз фаолиятининг айрим томонларини суғурталайди холос. Масалан, дурадгорлик билан пуғуллианса ёнғиндан, ишчиларни эса ишлаб

чиқаришда юз бериши мумкин бўлган фалокатдан суғурга қилдиради ва ҳоказо. Лекин маълум бир тармоқда қорхона барпо этиш гоёси, мақсади ва уни амалга ошириш барибир таваккалчилик хатари билан боғлиқлигича қолади. Шундай қилиб, тадбиркорлик рискка асосланади, ҳамма ҳам тадбиркор бўлавермайди. Буни ўқувчи-талабаларга тушунтириш даркор.

6-§. Иқтисодий педагогикада ахборотни асимметрик тарқалиши ва унинг истеъмолчи танловига таъсирини ўрганиш

Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия бериш ва уларда иқтисодий танлов кўникмасини ҳосил қилиш учун биз уларнинг онгига ахборотлар қандай тарқалиши ва уларга асаосланиб танлов қандай юз беришини ўргатишимиз, ўзлари ўрганишлари учун йўл кўрсатишимиз керак.

Бозор иқтисодиётини назарий жиҳатдан ўрганар эканмиз, биз уни шартли равишдаги абстракт моделини яратамиз. Жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида ахборот симметрик тарзда тақсимланади, яъни бозорда қатнашувчи субъектларнинг барчаси ахборот олишда кенг имкониятга эга. Ноаниқлик йўқ, шунинг учун ресурслар ва маблағлар энг самарали тарзда ишлатилади деймиз.

Лекин реал ҳаётда мукамал рақобат модели бузилади, ахборотни асимметрик тарқалиши юз беради. Ахборотни асимметрик тарқалиши деганда, бозорда қатнашувчи субъектларнинг ахборот олишдаги тенг имкониятини бузилиши, шў ахборотдан манфаатдор айрим субъектларнинг бошқаларга нисбатан үстүн мавқега эга бўлишлари тушүнйлади.

Ахборотни асимметрик тарқалишининг объектив асослари мавжуд:

1. Бозор алоқаларида ўз мулки доирасида иқтисодий алоҳидалашган, ўз манфаатига эга хўжалик юритувчи субъектлар қатнашадилар. Улар табиий зарар кўриб, мулкларидан ажраб қолмаслик учун ҳаракат қилишади. Ўз-ўзини сақлаш инстинкти одамга табиатан берилган. Уни ҳеч ким, ҳеч қандай чекловлар йўқ қила олмайди. Янаш учун кураш рақобатда енгилмасликка ундайди. Бунинг учун эса кўпроқ фойда олиш зарур.

2. Инсоннинг эҳтиёжлари чексиз. Эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар эса чекланган. Инсон яна ўз манфаатидан келиб чиқиб, кўпроқ неъматларга эга бўлгиси келади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, обрўси, имкониятлари кўн жи-

ҳатдан мулкчилик нуқтаи назаридан баҳоланар экан, ўз-ўзидан кишилар ўз мулкларини йўқотмаслик, иложи борича кўпайтириш ҳаракатида бўлишларига олиб келади.

Бу мақсадларни қай даражада амалга ошириши эса кўп жиҳатдан ахборотга эга бўлишга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир киши иложи борича ахборотга бошқаларга қараганда аввалроқ эга бўлиш, олган ахборотни сир сақлашга, ундан имкони борича ўз манфаатини кўзлаб фойдаланишга интилади. Мана шу ҳаракат ахборотни ассиметрик тарқалишига олиб келади.

Ахборотни ассиметрик тарқалиши туфайли **ноаниқлик** – юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида ахборот етишмовчилиги юз беради.

Иқтисодий назарияда иқтисодиётдаги **ноаниқлик** ҳақида турлича қарашлар мавжуд.

Бир гуруҳ неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар фикрича, ноаниқлик иқтисодий субъектларга рационал тарзда танлаш, қарор қабул қилишга тўсиқ бўлади. Ресурслардан самарали фойдаланишга йўл бермайди.

Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар фикрича эса аксинча бозорнинг қудрати ҳам шундаки, ахборотни дастлаб тор доирадаги кишиларгагина насиб қилиши ундан тўғри фойдалана билишни ўрганишда намоён бўлади. Ана шундай қараш тарафдорларидан Ф.А. Хайек фикрича фойда, наф фақат шундай, ахборотга ҳамма ҳам бирдай эга бўлмаган ҳолатдагина вужудга келади.¹ Бошқалар ҳам то шу ахборотга эга бўлгунга қадар фойда олиш имконига эга бўлади.

Ҳар икки гуруҳ иқтисодчилар фикрида ҳам жов бор. Бозордаги ноаниқлик, ахборотни ассиметрик тарқалиши бу бозор (бозор иқтисодиёти)нинг камчиликларидан бири. Ана шу камчилик нима билан боғлиқ? деган савол туғилади.

Биринчидан, зарур ахборотга эга бўлганлар, бошқаларга қараганда устун мавқега, қўшимча наф, фойда олиш имконига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Н. Винернинг «Қимми ахборотга эга бўлса, дунёни тебратади», деган ибораси машҳур бўлиб, тез-тез ишлатилмоқда.

Иккинчидан, ахборот асимметрияси туфайли интернал (ички) самара, яъни шартнома қатнашчилари томонидан тузилган **битимларда акс этмаган** олинадиган фойда ёки харажатлар юзага келади. Унга кўплаб мисоллар келтириши мумкин. Масалан, истеъмолчи товар сотиб олди, лекин у сифатсиз экан. Репититор инглиз тилини икки ойда

¹ Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. М.: «Новости» 1992, с. 156–157.

ўргатаман деб, хизмат ҳаққини олди, лекин ваъдасини устидан чиқмади, Ишга ёлловчи ўз малакасини ўзи мустақил оширган ишчини иши натижасидан баҳраманд бўлаяпти, лекин унга иш ҳаққини оширгани йўқ.

Мисоллардан кўришиб турибдйки, битим шартлари бузулмоқда ёки улар битимда акс этмаган. Ана шу интернал самарани вужудга келишига сабаб нима? Нима сабабдан одамлар алданишгани ёки истеъмолчилик ҳуқуқи бузилганини билгач, айбдорни жазолашга ҳаракат қилишмайди? Ҳамма гап шундаки, бунинг учун ҳам ахборот керак. 100 % ахборот тўплаш учун трансакцион² харажатлар жуда юқори бўлиши мумкин. Олинган наф, кўрилган фойда эса бу харажатларни қошлай олмайди.

Сотиб олинаётган товарни сифатини олдиндан қандай билишимиз мумкин? Сифат сертификатини олдиндан сўраш мумкин. Агар сертификат ноқонуний йўл билан олинган бўлиб, қалбаки бўлса-чи?

Товарни ишлаб чиқарган фирмага телефон қилиб ёки хат билан муурожаат қилиш, истеъмолчи ҳуқуқини бузгани учун судга муурожаат қилиши ва бошқа йўллارни танлаш мумкин. Лекин бундай тадбирлар учун сарфланган вақтга олинган натижа арзимаслиги мумкин, яъни вақт нисбатан юқори муқобил қийматга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун одамлар кўпинча алданишганини билишса ҳам индамай кўяқолишади. Ҳар биримиз «Олган пулинг ош бўлмасин» ёки «Егни, ичгин, тўймагин!» дея норозилигимизни билдириб кўя қоламиз.

Шундай қилиб, ахборот асимметриклиги туфайли бозор механизмини амал қилиш принципи бузилади. Сабаби, нарх ҳақидаги сигнал реал аҳволни ифодаламай кўяди, реал вазиятни кўрсатмайди. Классик мисол тариқасида ғарбда жуда кўп иқтисодий дарсликларда америкалик иқтисодчи Жорж Акерлофнинг ишлатилган автомобиллар бозоридаги вазиятни баён қилувчи «Лимонлар бозори» (1970 й) номли мақоласида келтирилган ҳолат кўрсатилади.

Бозорда ишлатилган, лекин аҳволи яхши автомобиллар мавжуд. Бундай автомобилларга харидор 6000 долл. тўлашга тайёр. Сотувчи эса 5000 доллардан юқори ҳар қандай нархга рози.

Лекин бозорда бошқа сотувчилар деффектли автомобиллар – «лимонлар» (америкаликлар жаргонидани) сотишга ҳаракат қилишяпти. Уларга харидорлар 2000 доллардан ортиқ пул беришса бўлди. Харидорлар эса 3000 доллардан ортиқ ҳақ тўламоқчи эмас. Агар ахборот симметрик тарзда тарқалганда эди, биринчи гуруҳлар учун

² Трансакцион харажатлар-умумий тарзда шартнома, битимлар тузиш учун сарфланадиган вақт, меҳнат, воситалар учун харажатлардир.

ҳам, иккинчи гуруҳлар учун ҳам бозор ҳамда ўз гуруҳи учун бозор баҳоси амал қилган бўларди. Ҳамма гап шундаки, симметрия йўқ.

Фақат сотувчигина ўз машинаси ҳақида ҳамма нарсани билади. Харидор эса ҳеч нарсани билмайди. Натижада ўртача баҳо 4500 долл. ўрнатилади: $(6000+3000):2=4500$ долл. Бундай баҳо билан яхши машина эгалари ўз машиналарини сотишмайди, «Лимонлар» эса реал баҳосидан юқори нарх билан сотилади. «Лимонлар» бозордан сифатли товарни сиқиб чиқаришади. Бу ҳолат иқтисодий назарияда «нобоп танлов» деб юритилади. Айнан ана шундай танловни амалга оширидан манфаатдор шахслар ахборотни ассиметрик тарқалишидан манфаатдор.

Худди шундай ҳолатни суғурта жараёнида ҳам кўриш мумкин. Бунда ҳам суғурта қилдираётганлар нимани суғурта қилдиришса уни ҳолатини бошқалардан яхши билишади. Суғурта қилдиришда эса ҳар бир суғурта қилдирувчи ўз манфаатидан келиб чиқиб кўпроқ суғурта пули олишни кўзлайди.

Иккинчи томондан, суғурта қилдирганлар кўпинча суғурта қилинган объектга нисбатан бефарқликларини кучайтиришлари мумкин. Масалан, автомобилни суғурта қилдирганлар энди аввалгидек эҳтиёт чораларини кўришга уринишмайди. Суғурта компаниялари эҳтиёт чоралари кўришга рағбатни йўқолиши билан боғлиқ кўшимча харажатлар қилишларига тўғри келади.

Охир оқибат шундай ҳолат келиб чиқиши мумкин-ки, суғурта фаолияти харажатларни қоллай олмай қолади. Лекин суғурта фаолияти жамият учун зарур.

Ахборот асимметрияси доимо мавжуд бўлади. Чунки бозор иқтисодиёти рақобатга таянар экан, рақобатда ғолиб чиқиш ёки ҳеч бўлмаганда ютқазмаслик бу инсоннинг табиат томонидан берилган муҳим хислати – ўзини сақлаш инстинкти билан боғлиқ.

Бозорда ҳамма алданишдан, зарар кўришдан кўрқади. Сотувчи маҳсулотини иложи борича қимматроққа сотишга, харидор эса арзонроққа олишни истайди.

Товар ишлаб чиқарувчи келажакда талабни қандай ўзгаришини олдиндан сезиш, пайқашга ҳаракат қилиб, товарга талаб юқорилик пайтида кўпроқ ишлаб чиқариб юқори нархга сотиш учун ҳаракат қилади. Шу билан бирга рақобатчилар ҳам шундай товарларни ишлаб чиқараётган бўлиб, у орқада қолган бўлиши ўз товарларини арзимаган пулга сотиши мумкин. Рақобатни кимни фойдасига ҳал бўлиши айнан ахборотни кимни кўлида бўлиши ва унлан қай даражада моҳирлик билан фойдалагишига боғлиқ. Шунинг учун натижаси ноаниқ. Ноаниқлик эса одамларни ўз иқтисодий фаолиятларида таваккал қилишга мажбур қилади. Унинг натижаси ҳам ноаниқ.

Шундай қилиб ахборот асимметрияси нобон танлов билан бирга яна бир салбий оқибат таваккалчилик хатари келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Табиий хавф-хатар доимо бўлганидек, ноаниқлик бозор иқтисодиётининг доимий йўлдоши экан, иқтисодий хавф-хатар ҳам доимо у ёки бу даражада мажуд бўлади. Бозор муносабатлари ривожланиши билан эса унинг субъектлари фаолиятида ноаниқлик, иқтисодий муҳит ортиб боради.

Бозор субъектлари иқтисодий эркин фаолият юритиш имконига эга. Дунёда ҳамма нарсанинг тўлови бўлганидек, иқтисодий эркинлик ҳам шундай тўловни талаб қилади. Бундай тўлов иқтисодий хатарни мавжудлиги, фаолият юритиш учун бозор субъектлари иқтисодий риск қилишга мажбур бўлишларида ифодаланади. Бу ерда шуни қайд этиш керак-ки, бозор иқтисодиётида ҳам тўла эркинлик бўлиши мумкин эмас, чунки фаолият юритиш учун бошқа бозор субъектлари билан алоқада бўлар экан, иложсиз уларнинг ҳам фикри, манфаати, талаби билан ҳисоблашишга мажбур. Лекин бозор иқтисодиётида хўжалик юритиш учун етарли даражада эркинлик мавжуд бўлади. Бу эркинлик эса таваккалчилик хатари билан боғлиқ. Чунки бозордаги вазият доимо эҳтимоллик характерида эга. Шунинг учун ҳам иқтисодий риск бозор механизмнинг амал қилишидан келиб чиқади.

Риск, таваккалчилик бу – ноаниқлик вазиятидан ўтиб, қўйилган мақсад учун, қутилаётган натижа қандай яқунланишидан қатъи назар, фаолият бошлашга муқобил вариантлардан бирини танлаб қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишни ифодалайди.

Режали иқтисодиётда риск муаммосига етарли аҳамият берилмаган. Бу термин жуда кам ишлатилган. Ҳозирги пайтда кўриб ўтганимиздек, бозор иқтисодиёти шароитида ноаниқлик унинг йўлдоши бўлар экан, мувофиқ равишда риск сўзи ҳам тез-тез ишлатилмоқда.

Риск сўзи мураккаб маънога эга бўлиб, машҳур рус олими, Петербург Фанлар академиясининг фахрий аъзоси (1863) В.И. Дальнинг рискни тадбиркорлик билан боғлаб, охири яхшилик билан тугашига умид билан таваккал қилиб иш юритиш тарзида талқин қилади. Тилшунос олим Ожегов С. И. эса юз бериши мумкин бўлган хавф, муваффақиятли натижага хавф солувчи хатар сифатида таърифлайди. Риск сўзи ўзбек тилида 1) хавф, хавф-хатар, таҳлика, қалтис иш; 2) таваккал, таваккалчилик тарзида таржима қилинади. Биринчиси бўйича фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳодисанинг юз бериш хавфи маънолари устун даражада бўлиб, иккинчисида узоқ мулоҳаза қилиб ўлтирмай, нима бўлса бўлди қабилида иш юритиш ёки бутун умидни худога боғлаб, ҳар иш худодан деб, яхшилик билан тугашига умид қилиб, худога ишониб иш юритиш маъносида қўлланилади. Лекин бир сўз

билан натижаси ноаниқ фаолият, яхшилик билан тугашига умид қилинган таваккалчилик, муваффақиятли натижага хавф солувчи хатар, зарар келтириши мумкин бўлган фаолият сифатида айнан зарур тарзда ифодалаш имконияти бўлмаган ҳолларда иқтисодий адабиётларда ифодаланаётган фикрнинг маъносига кўра ўзбек тилида ҳам риск сўзи ишлатилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот асимметрияси доимо мавжуд бўлар экан, унинг салбий оқибатларини олдини олиш ёки юмшатиш учун чора-тадбирлар белгилаш зарур.

Биринчидан, республикамызда, айниқса, вилоятларда хўжалик юритувчи субъектларни ахборот билан таъминланишини яхшилаш лозим. Ҳозирги пайтда ахборотлар турли-туман манбалардан олинади. Уларнинг манбалари расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Ахборотта бўлган талабни расмий каналлар билан таъминлаш учун республикада, айниқса, вилоятларда ҳали кўн ишлар қилиниши керак.

Расмий ахборотлар фонд биржалари, товар, хом ашё биржалари газета, журнал, радио, телквидение, турли махсус реклама нашрлари, глобал компьютер тармоғи internet, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон ахборотлаштириш ва алоқа агентлиги чоп этадиган махсус маълумотлар тўплами ва бошқалардан олиш мумкин. Ҳозирги кунда, айниқса, интернетдан фойдаланишга катта аҳамият берилаяпти. Интернет тармоғидан фойдаланаётганлар 2003 йили аввалги йилга нисбатан 2 баравар ўсиб, 0,5 млн кишига етди. Лекин ҳали республикамызда ахборот бозори тўла шаклланиб улгургани йўқ. Шунинг учун туманларда хизмат кўрсатишнинг шакли сифатида ахборот марказлари ташкил қилиш керакки, улар мурожаат қилувчиларни қизиқтирган барча ахборот билан таъминлаш имконига эга бўлсинлар.

Иккинчидан, таваккалчилик натижасида катта зарар, танг аҳволдан чиқишга ёрдам бериш чорасини кўриш зарур. Бу таваккалчилик хатари бошқача айтганда рискни суғурталаш орқали амалга оширилади.

Бу суғурта тури хўжалик субъектлари қийин аҳволга тушиб қолган тақдирда уларни зарарларини қоплашга ёрдам беради. Шу билан бирга суғурта фаолиятида юз берадиган ахборот асимметрияси давлатни суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга аралашувини тақозо этади.

Учинчидан, республикамызда ахборот асимметрияси туфайли келиб чиқадиган салбий оқибатларни камайтириш учун антимонопол, истеъмолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунлар қабул қилинган. Лекин олинадиган фойда, нафдан кўра трансакцион харажатларни

юқорилиги ана шу қонунлар асосида истеъмолчиларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ундамайди. Шунинг учун бу соҳада фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаол аралашувини талаб этади.

7-§. Бозор иқтисодиётида чайқовчилик, уни инсон хулқ-атвори билан боғлиқлиги ва иқтисодий педагогикада ўрганиш зарурияти

Бозор иқтисодиётига хос ахборот асимметрияси ноаниқлик у ўз навбатида олиб-сотарлик ва чайқовчилик мавжудлигига сабаб бўлади.

Олиб-сотарлик – бу шундай фаолиятки, мақсад бирон-бир товарни бир бозордан олиб бошқасида ёки бозорнинг бошқа сигментида нисбатан юқори нарх билан сотиш орқали фойда олишдир. Олиб-сотарлик бозорда мувозанат йўқлиги, талаб ва таклиф ўртасида дисбаланс шароитида юз бериши мумкин. Иқтисодий фаолиятнинг бу тури рангли металллар, қимматли қоғозлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида энг кўп юз беради. Олиб-сотарлик худудий микёсида баҳоларни фарқи туфайли келиб чиқади.

Олиб-сотарликдан фарқли равишда чайқовчилик бир товарни сотиб олиб шу бозорни ўзида маълум вақтдан сўнг юқори баҳода сотиб фойда олишни билдиради, яъни чайқовчилик баҳоларни вақт оралиғидаги фарқига асосланади. Олиб-сотарлик ва чайқовчилик билан шуғулланадиганлар таваккалчилик хатарини била туриб рискка боришади. Реал ҳаётда ҳар икки фаолият бирлашиб, кўпинча умумий ном «чайқовчилик» деб аталади. Чайқовчилик фаолиятини таҳлил қилганда муҳим аҳамиятга эга уч усулига эътибор қаратилади.

Биринчи усул – бу товарни сотиб олиш, уни сақлаш, маълум бир вақтдан сўнг сотиш. Чайқовчи товарни сотиб олар экан, уни маълум бир вақтдан сўнг нархини кўтарилишини тахмин қилади. Агар нарх кўтарилмаса, у зарар кўради.

Иккинчи усул – фьючерс контрактлари тузиш. Бунда келгусида битим тузилган кундаги нарх бўйича олди-сотди қилиш мажбурияти кўзда тутилади. Товар етказиб берилган муддатдаги нархга кўра брокер ёки харидор фойда кўриши мумкин. Қимматли қоғозларда ҳам худди шундай.

Учинчи усул – опцион контрактлари тузиш. Опцион шундай контрактки – унга асосланиб, инвестор келажакда маълум миқдорда товарни шу кунги баҳо бўйича сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олади. Унинг ўзинга хос хусусияти шундаки, у ўз ҳуқуқини амалга ошириши ёки йўқлиги вазиятга боғлиқ ҳолда юз беради. Масалан, сиз «Ўз-

автотранстехника» ОАЖ акциялари келажакда қимматлашади деб, 1500 сўмдан 630 дона акция сотиб олиш учун 15 июль 2007 йили бир йилга контракт туздингиз. Сизга биржа воситачиси кўрсатилган муддатга қадар акцияларни шу нархда сотиши керак. Сиз агар бозорда акция нархлари ошса, сотиб олиб, бозордаги шу кунги реал баҳода сотиб фойда оласиз. Аксинча бўлса сиз ўз ҳуқуқингизни реализация қилмайсиз. Лекин шартнома тузгандаги воситачига гонорар сифатида берган пулингиздан айриласиз.

Опцион контракти фьючерс контрактига нисбатан камроқ хатарли, сабаби, йўқотадиган маблағ фақат воситачининг гонорари миқёсида бўлади. Бу жиҳатдан уни маълум бир даражада суғурта элементи деб кўриш мумкин.

Муддатли контрактлар (фьючерс, опцион)ни хеджирлаш орқали олди-сотти жараёнида баҳоларни ўзгаришидан суғурталаш амалга оширилади. Инвесторнинг молиявий активлари қимматини максимал даражада сақлаб қолиш ёки сотишига бир ёки бир неча муддатли контрактлар тузиш орқали амалга оширилади.

Масалан, хеджер бирон-бир актив, айтайлик уни қизиқтирган «Тошкент отчопари» ОАЖ нинг акцияларини баҳосини тушишидан кўрқади. Уни бир акцияни 2,8 доллар баҳоси қониқтиради. У активларини қиймати уч ойдан кейин ҳам пасайишини хоҳламайди. Бунинг учун у қарама-қарши 2 фьючерс шартномалари тузади. Битта шартнома акцияларни 3 ойдан сўнг 3 доллардан сотишга, иккинчиси сотиб олишга. Уч ойдан кейин акция 3,2 доллар бўлсин. У 3 доллардан сотиб олиб ютади, сотиб ютқазади. Натижада унда ютуқ ҳам фойда ҳам йўқ. Агар нарх тушса ҳам худди шундай тарзда ҳам ютади, ҳам ютқазади.

Шундай тарзда опцион контрактларни ҳам хеджирлаш амалга оширилади. Хеджирлашда таваккалчилик хатари йўқолмайди, лекин унда хатарга йўл кўювчилар ўзгаради. Ишлаб чиқарувчи хатарни биржа чайқовчиси зиммасига юклайди. Чунки у риск қилишни ёқтирмайди. Чайқовчи эса таваккалчилик хатарини ўз зиммасига олади. Сабаби у риск қилиш ишқибози. Чайқовчилик юзаки қараганда осонгина бойиш йўли. Лекин у молия бозорида ўзига хос вазифани бажаради:

1. Қимматли қоғозлар билан чайқовчилик потенциал харидорларни уларга қизиқишини кучайтиради. Харидорларнинг бўш пул маблағларини жалб этади.

2. Чайқовчилик қимматли қоғозларни ликвидлигини таъминлайди ва сақлайди, бу ўз навбатида инвесторларни ўзига жалб этади.

3. Қимматли қоғозлар курсини барқарорлаштиришга таъсир этади. Яъни кўпчилик олаётганда сотади, сотаётганда олади. Қоғозлар курсини қаттиқ ўзгариши кўпроқ чайқовчилик операцияларига хос. Шу

билан бирга шуни қайд этиш керакки, мамлакат иқтисодиёти учун у қатта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун махсус комитетлар ва биржалар ташкил этилиб, давлат томонидан таъсир кўрсатилади.

«Чайқовчилик» сўзи жуда кўп ҳолларда салбий маънода ишлатилади. «Чайқовчи» деганда кўз ўнгимизга доимо инсонларни турли йўллар билан алдашга уринувчи уддабурон кишини келтирамыз. Шунинг учун бозор иқтисодиётида «чайқовчи» эмас, «воситачи», «менежер» бўлади деган фикрдагилар ҳам талайгина. Лекин биз уларни қандай атамайлик, юритаётган фаолияти, қўйган мақсади том маъноси билан чайқовчилик. Ҳамма нарсани ўз номи билан айтган маъқул. Албатта, жамиятни қораловчи фикри тўғри, лекин у қачонки норасмий, ноқонуний бўлса.

1082–1083 йилларда ёзилган «Қобуснома»нинг муаллифи Кайковус «Савдогарчилик ва олиб сотарлик хунар ҳисобланмайди, аммо буни яхши санъат деса бўлади деб ёзади. Савдогарчилик ва олиб-сотарликни бир қаторга қўйиб, Кайковус ноаниқликка йўл қўйган. Алишер Навоийнинг таърифича, савдогар ҳалол ризқ топаман деб узоқ машаққатли йўллари босади. У инсон жамоалари ўртасида иқтисодий муносабатларни ташкил қилади. Бир юртдаги айрим ашёларнинг ортиқча серобгарчилиги ва қадрсизлигининг олдини олиб, бошқа юртдаги тақчилликка барҳам беради. Иқтисодий мувозанатни таъминлайди. Шаҳар олиб сотарларида эса инсоф ўрнини бирини юз қилиш, бўзини шойига «айлангириш» ҳисси эгаллаб олган бўлади. Улар савдогарчилик машаққатларидан бўйин товлаб, чайқовчига айланадилар. Навоий таърифича бирон-бир товарни сотиб олиб, ўша ерда сотиш савдогарчилик эмас, чайқовчиликдир.

Савдогарчилик ва чайқовчиликнинг фарқи Ислоом таълимотида аниқлаб берилган. Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида «юртимизда бўлмаган ашёларни четдан келтириб сотувчилар савобга эга бўладилар, бозорларимиздаги нарсаларни уйда яшириб сақловчи одам гўё тангрининг китобидаги худосиз кабидир» дейилади. Ислоом таълимоти бўйича, «касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир» демак савдогарчилик хунармандчилик қатори энг яхши касбдир. Ибн Халдун деҳқончилик ва хунармандчилик билан бирга савдони «тирикчиликнинг табиий усули» деб ҳисоблаган. У товарларни гамлаб, уларга баҳо ошишини кутиб чайқовчилик қилишга қарши чиққан, айниқса ғалла билан чайқовчиликни қаоралаган. Чунки муҳтожлар аҳволига ғалланинг нархи баланд бўлиши ёмон таъсир қилади» дейди. Мусулмон ҳуқуқшунослигида ўша даврдаёқ бозорларда яккаҳоқимликка эришиш таъқиқланган. Муҳаммад пайғамбар «эхтикор (яккаҳоқимлик) қилувчилар Оллоҳ раҳматидан маҳрумдирлар де-

ган. Кимки билиб туриб ўғрилик нарсани сотиб олса, у шу ўғриликнинг ори ва гуноҳига шерик ҳисобланган.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк мутафаккирлар мол айирбошлашда, олди-сотдида нозквивалентликни, алдаш, адолатсизликни қоралаганлар. Олди-сотдида нопок, фирибгар, чайқовчи, даллолу қаллоблар турли найранг ишлатиб бўзни шойи деб ўтказадиган, арзон олиб қимматга сотиб, халқ чўнтагига киришни, шилишни касб қилиб олган сурбетлар қадимдан мавжуд бўлишган. Шаҳар олиб сотари – хиёнатчи, орзуси арзон олиб, қиммат сотишдир. Ўғил отани алдаши буларнинг ҳунарларидир» дейди Навоий. Савдогар фақат фойдани ният қилмаса, унинг фаолиятидан фақир-бечоралар ҳам бойиб, баҳра олса, улар муҳтожларга бериляши лозим бўлган шаръий закот – диний солиқни ҳар йили ўз вақтида тўлаб туришса, яъни савдо халққа, давлатга хизмат қилса, фойжа келтирадиган бўлишса деган гоёни илгари суради. Савдогар ва чайқовчиларни инсофга чақиради. Агар улар бунга кўнмаса, давлат нархлар билан шуғулланишга, опириб сотувчиларига танбеҳ, жазо беришга, давлатнинг ижтимоий ролини опиришга даъват этади.

Муқаддас «Куръони карим» ва «Ҳадислар»да тижоратнинг барча қонун-қоидалари, шартлари берилган. Одамларни инсофла бўлишга, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликка, ҳалол мол топишга, нафс йўлига кирмасликка чақиради. Имоъ-этикодни унутиб, ўткинчи дунё лаззатларига маҳлиё бўлиб, инсонийликка шак келтириш қаттиқ қораланган. Масалан, «Ҳадислар»да бир юртдан иккинчи юртга келтириб сотиладиган моллардан қоладиган соф даромаднинг ўн фоиздан ошиқчаси макруҳ-ҳаром ҳисобланган.

Олиб-сотарлик, чайқовчилик ҳақидаги масалалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, инқирозга юз тутган АҚШлик йирик чайқовчилар: энг йирик биржа фирмаларидан бирининг балинд мартабали менежерлари А. Бойски ва М. Миллекенлар номи бутун дунёга таралди. М. Миллекен паст даражадаги акциялар junk bonds ихтирочиси, қайсики улар ёрдамида компанияларни кўшилиши ва бирини иккинчиси томонидан «ютилиши» амалга опирилган. Унинг учун у ноинсофликда айбланган, А. Бойски бўлса, «синиш, ютилиш», арафасида турган корпорацияларнинг акциялари билан чайқовчилик қилган.

Умуман олганда чайқовчилик нафақат қимматли коғозлар билан (улар билан кўпрок) балки ҳамма соҳада, ҳаерда имконият бўлса шу ерда бўлади. Ноқонуний, нолегал чайқовчилик, ёлғон ахборот тарқатиш, ноқонуний битимлар тузиш кабиларда ифодаланади.

Давлат шунинг учун бундай ҳодисаларга қарши чора-тадбирлар кўради, қонун-қоидалар қабул қилади. Борди-ю давлат бозорда қайд

қилинган нархлар ўрнатса чайқовчилик яширин тус олади. Чайқовчилик тақчил товар олди-соттиси туфайли юз бериб, дисбалансни чуқурлашувини келтириб чиқариши мумкин. Лекин нормал, легал чайқовчилик бозор иқтисодиётини ривожланишига таъсир кўрсатади.

Бунинг биринчи ижобий томони таваккалчилик хатарини сугурта қилиш ҳақида тўхтаганда кўрдик. Чайқовчилик хеджерлаш операциялари ёрдамида бозорнинг бошқа қатнашчиларини ўзини ҳимоялаш, сугурта қилиш имконини беради.

Иккинчи муҳим функцияси бозордаги ҳукмрон тенденция ҳақида ахборотлар бериш. Бундай қарасак чайқовчилик ахборот тарқатиш манфаатларига зид. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Лекин ахборотни улар ўз ҳоҳиш-истакларидан қатъий назар тарқатишади. Бирон-бир ресурсга баҳолар ўсишини кутган ҳолда уни қазиб чиқарадиган компаниялар акцияларини сотиб олишни бошлашади. Акцияларни кўйлаб сотиб олиниши унинг нархини ўсишига олиб келади. Баҳо ҳамма учун ахборот манбаси. Жамият миқёсида мазкур ресурсларнинг қимматлашуви кутилади. Энди ахборот ҳамма учун очик.

Чайқовчиликнинг яна бир функцияси-консервация қилиш ёки тақчил ресурсларни (масалан, фойдали қазилмаларни) ишлатишни камайтириш. Чайқовчи тақчилликни кутиб, ресурсларни сотиб олади, уни қазиб чиқаришни вақтинча тўхтатиб қўяди. Мақсад ресурсларни кейинчалик баҳо кўтаришганда сотади. Ресурс кам бўлганда баҳо кўтарилади. Бу сигнал бошқалар томонидан ҳам қабул қилинади ва ёпшасига шу табиий ресурсларни қазиб чиқариш қисқартирилади. Ресурс қиммат бўлгач ундан тежаб-тергаб фойдаланиш йўллари қидирилади. Албатта, чайқовчилар ҳам хато қилишади. Уларни вазиятни нотўғри баҳолаши нотўғри ахборот тарқатишига олиб келиб, бошқа иқтисодий объектларни ҳам адаштиради. Лекин охир-окибат улар ютқазадилар, бозорни тарк этадилар. Жамият учун ҳақиқий фойдали функцияларни бажарадиган чайқовчиларгина қолишади.

Республикамизда металлар билан савдо қилиш давлат монополиясида. Қимматли қоғозлар бозори энди ривожланиб бораётти. Шунинг учун ҳали бу бозорда чайқовчилик кенг маънода авж олганича йўқ. Лекин илгаридан истеъмол моллари билан чайқовчилик мавжуд бўлган. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан. Лекин чайқовчилик таваккалчилик хатари юқори фаолият. У фақат фойда эмас, катта зарар кўриши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, тарихий тажриба шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиётини сўзсиз афзалликка эга, лекин камчиликлардан ҳам холи эмас. Аммо бу камчиликларни давлатнинг функциялари ёрдамида бартараф қилиш ёки минимал даражага келтириш мумкин. Демак, талабалар

бозорнинг ана шу жиҳатлари билан ҳам танишишлари даркор. Улар сўзсиз иқтисодий хулқ-атвор, тафаккурни шаклланишига таъсир кўрсатади. Тавлаш, мустақил қарор қабул қилишни ўрганишга эрдан беради.

Хулоса

Педагогиканинг методологик асоси фалсафа бўлиб, кўплаб педагогик концепциялар, тарбия тизими фалсафий назарияларга асосланади. Ҳозирги замон педагогик концепциялар: прагматизм, неопозитивизм, экзистенциализм, неотомизм, бихевиоризм мувофиқ равишда фалсафий йўналишларга таянган.

Уларнинг орасида инсонда иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантириш масалаларига алоҳида диққат қаратган йўналиш бихевиоризм ҳисобланади. Классик бихевиоризмга таниқли америкалик философ ва психолог Ж.Уотсон асос солган. У инсоннинг саъй-ҳаракати, танлови, реакцияси стимулга, унинг руҳияти психологиясига таъсир қилишига, унда қандайдир ҳис-туйғулар уйғонишига, қўзғатилишига боғлиқлиги ҳақидаги қондалар билан фанни бойитди.

Инсон эҳтиёжининг хилма-хиллиги унинг фаолияти сабабини ташкил этади. М. Вебер ғарбнинг ўзига хос ижтимоий ва маданий хусусиятларини бошқа цивилизацияларга солиштириб, фақат ғарбда инсонлар учун умум аҳамиятга эга фан вужудга келган, ваҳоланки, эмпирик билимлар, фалсафий ва теологик қарашлар, донишмандлик, бошқа маданиятлар, айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Мисрда мавжуд бўлган. Аммо бу ерда ўзлаштирилган билимлар математик асосга «рационал далиллар» тажрибалар ва илмий тушунчаларга эга бўлган фан даражасига кўтарилмаган.

Иқтисодий билимларни эгаллаш иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ёшларда иқтисодий психологияни шакллантиришдир. Иқтисодий психология бир томондан иқтисодий таълим-тарбияга, иккинчи томондан жамиятдаги мавжуд тизимга хос тарзда шакллана боради. Ғарбда индивидуализм кучли бўлса, шарқда жамоачилик, ҳамкорлик кучли.

Зарур билимларни эгаллаш, олинган иқтисодий билимларни эътиқодга айлантириш, иқтисодий саъй-ҳаракат, одатга айлантириш иқтисодий таълим ва тарбиянинг вазифаси. Фақат шу йўл билангина иқтисодий билим амалиёт билан боғланади.

Халқ педагогикасида боланинг қомил инсон бўлиб етишишида меҳнат тарбиясига, уни касб-корга йўналтиришга жиддий эътибор берилган. Шу билан бирга педагогик қонунлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда амал қилади. Бу қонунлар иқтисодий педагогикага ҳам тегишли.

Мамлакатимизда тарихан қисқа вақт ичида бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётнинг асослари барпо этилди. Бу эса иқтисодий билим асосларини кишилар онгига сингдиришни долзарб масалага айланишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини чуқур англаш ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожини таҳлил қилиш, ундан амалий хулосалар чиқариш эҳтиёжи кишиларда иқтисодий фикр юритиш маданиятини юксалтиришни тақозо этади. Бу вазифалар ижросини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири иқтисодиётнинг қонунқондаларини атрофлича ўрганиш ва ундан унумли фойдаланиш қобилиятини ривожлантиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда кундалик лексиконда фойдаланилаётган шундай атамалар мавжудки, уларнинг моҳиятини мазмунини ўрганмай иқтисодий тафаккурни шакллантириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам иқтисодий педагогикада ана шу атамалар: шартнома, битим, рақобот, фирма, тадбиркорлик, риск ва бошқаларни ўрганишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Иқтисодий тафаккурни шаклланишини ўрганишда маржинализм ўзига хос ўрин тутаяди. Шунинг учун иқтисодий педагогикада ҳам иқтисодий хулқ-атвор масаласига алоҳида диққат қаратилиши, унинг истеъмолчи, харидор танловига таъсирини ўрганиш зарур бўлади.

Шунингдек, ахборотни асимметрик тарқалиши ва унинг истеъмолчи танловига таъсири нобоп танлов билан бирга яна бир салбий оқибат таваккалчилик хатари келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Табиий хавф-хатар доимо бўлганидек, бозор иқтисодиётида иқтисодий хавф-хатар ҳам доимо у ёки бу даражада мавжуд бўлади. Бозор муносабатлар ривожланиши билан эса унинг субъектлари фаолиятида ноаниқлик ортиб боради.

Бозор иқтисодиётида инсон хулқ-атвори билан боғлиқ фаолият чайқовчилик ҳам мавжуд бўлиб, иқтисодий педагогикада уларни ўрганиш иқтисодий тафаккурни шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Бихевиоризм, стимул, реакция, мотивация, манфаатлар, мақсад, фаолият, натижа, экстроверсия, интроверсия, эҳтиёжлар, қизиқиш, хулқ-атвор, танлов, меҳнат, вақт, педагогик қонунлар, иқтисодий атамалар, битим, фирма, рақобат, тадбиркорлик, маржинализм, нафлилик, меъёрий нафлилик, бефарқлик эгри чизиғи, бюджет чизиғи, эгалик қилиш эффекти, саноқ нуқтаси эффекти, муқаррарлик эффекти, ахборотни асимметрик тарқалиши, нобоп танлов, риск, чайқовчилик.

1. Иқтисодий хулқ-атвори шаклланишига қандай омиллар таъсир қилади?
2. Классик бихевиоризмга ким асос солган ва илгари сурилган концепсиянинг мазмунини айтиб бера оласизми?
3. Экстрверсия деганда нимани тушунамиз? Интроверсия – дегандачи?
4. Шахснинг хулқ-атворини белгиловчи икки томон нималарда ифодаланади?
5. Эҳтиёжлар, манфаатлар, қизиқиш тушунчаларининг мазмунини айтинг. Инсон эҳтиёжининг ҳилма-хиллигига сабаб нима?
6. Ссоциология асосчиларидан бири М. Вебер инсон фаолиятини 4 типга бўлади. Уларнинг фарқи нимада?
7. Манфаат деганда нимани тушунамиз? Инсоннинг хулқ-атворида, иқтисодий танловда манфаат қандай рол ўйнашини тушунтириб бера оласизми?
8. Инсонни ҳар томонлама камол топишида меҳнат қандай ўрин тутади? Нима сабабдан меҳнат тарбиясига алоҳида ургу берилади?
9. Инсондаги салбий истак, одатлар ҳақида нима дейсиз? Улардан қутулса бўладими?
10. Инсон учун энг чекланган ресурс вақт ҳақида нималар дея оласиз?
11. Қандай педагогик қонулар амал қилинади, уларни санаб, мазмунини изоҳлаб беринг.
12. Иқтисодий атамалар деганда нимани тушунамиз? Улар шахс хулқ-атворини шакллантиришда қандай ўрин тутади?
13. Битим, шартнома нима? У иқтисодий хулқ-атвори шаклланишида қандай рол ўйнайди?
14. Тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз? Уни иқтисодий педагогикада ўрганилишига қандай қарайсиз?
15. Фирма иқтисодий атама сифатида нимани ифодалайди? Уни моҳияти, турларини иқтисодий педагогикада ўрганишдан мақсад нима?
16. Рақобат нима? Нима сабабдан давлат рақобатчилик муҳити яратиши зарур? Уни ўрганиш орқали талабаларнинг иқтисодий тафаккурида ўзгариш юз беради деб ўйлайсизми?
17. Ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда маржинализм қандай рол ўйнайди?
18. Маълумки меъёрий нафлилик назарияси тарафдорлари икки йўналишга бўлинади: кардиналистик ва ординалистик. Уларнинг фарқи нимада?

19. Бефарқлик эгри чизиги деб қандай чизикқа айтилади?
20. Нима сабабдан бефарқлик эгри чизигини бюджет чизиги сифатида ҳам кўриш мумкин?
21. Оптимал тавлов деб қандай тавловни айтамыз? Уни қандай топиш мумкин?
22. Инсовларнинг хулқ-атвориға кўра кутилаётган нафлиликка муносабатини шаклланиши ҳақида нима дея оласиз?
23. Рискка нейтраллик, бефарқлик, мойиллик, рискдан қочип ҳақида фикрингиз қандай? Уларни чизмада тасвирлаб бера оласизми?
24. Рискни камайтиришни қандай йўллари биласиз?
25. Ахборотни асимметрик тарқалиши деганда нимани тушунамиз ва у истеъмолчи тавловига қандай таъсир кўрсатади?
26. Даромадга кўра риск қилишга муносабат қандай ўзгариши мумкин, сабаби нимада?
27. Чайқовчилик ҳақида фикрингиз қандай? Унинг моддий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳақида қандай фикрдасиз? Унинг ижобий томони ҳам борми ёки фақат салбийми?

V боб. ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР ВА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ

Аввалги бобда иқтисодий хулқ-атворни шаклланиш масалаларини ҳақида тўхтаган эдик. Иқтисодий хулқ-атвор иқтисодий тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Чунки иқтисодий хулқ-атвор иқтисодий тафаккурни шаклланишига таъсир кўрсатса, ўз навбатида, иқтисодий тафаккур иқтисодий хулқ-атворда намоён бўлади.

Навбатдаги бобда иқтисодий тафаккур, унинг амалиётда намоён бўлиши, иқтисодий маданият ҳақида тўхталамиз

1-§. Иқтисодий тафаккур ва унинг шаклланиши

Мамлакатимизда кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишгина эмас, инсонларда, айниқса, ёшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муҳим рол ўйнайди. Чунки иқтисодий тафаккур жамият аъзоларининг дунё қарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишга, ўрганишига асос бўлади.

Маълумки, тафаккур кенг қамровли тушунча. У ўзида фалсафий, социологик ва психологик маъноларни ифодалайди. Инъикос сифатида олиб қараладиган тафаккур воқеликни бевосита ва умумлашган тарзда билиш, маънавий жиҳатдан ўзлаштириш ва уни ўзгартиришнинг алоҳида омили сифатида қаралиб, унга турлича таъриф берилади. Фан тафаккурни турли томондан илмий ёритади, унинг зиддиятли жараён эканлигини эътироф этади. Тафаккур жараён сифатида таҳлил, синтез, абстракциялаш, умумлаштириш ва ҳоказо, умумий мантықий амалларни қамраб олади, ягона қонуниятга бўйсунди ва ягона психологик механизм ёрдамида амалга оширилади. Инсон интеллекти ва тафаккурнинг асосий механизмлари ҳам ягона, лекин ақлий фаолияти шакллари қўйиладиган масалага қараб турлича.

Инсон у ёки бу касбни ўрганар экан, унда касбий тафаккур шаклланади ва у ақлий фаолиятнинг етук шакли ҳисобланади.

Шахс фаолияти, унинг олдига қўйган мақсади, касбига доир муаммо ва масалаларни ечиш мазмунига, унинг восита ва амалларига кўра тафаккурнинг у ёки бу қирралари асосий ўрин тутади ва у амалий тафаккур, математик тафаккур, таҳлилий тафаккур, интуитив тафаккур, абстракт тафаккур, иқтисодий тафаккур, касбий тафаккур ва ҳоказолар сифатида тавсифланади.

Бизни кўпроқ тафаккурни иқтисодий ва педагогик жиҳатдан ўрганиш қизиқтиради. Унинг бошқа жиҳатларини бошқа фанлар ўрганади. Бошқача айтганда, уни иқтисодий жиҳатдан тарбияловчи функцияси, уни иқтисодий фикрловчи инсонни шакллантиришини ўрганиш назарда тутилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилар экан, сифат жиҳатдан тубдан фарқ қилувчи, янгича иқтисодий фикрловчи, янги типдаги мутахассисни шакллантириш лозим бўлди.

«Буни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларидан бири сифатида қўйилди».¹

Янгича типдаги иқтисодий фикрлаш иқтисодиётдаги муаммоларни принципиал жиҳатдан янгича, сифат жиҳатдан тоталитар буйруқбозликка асосланган тизимдан фарқли тарзда ечишни объектив зарурлигига асосланади.

Иқтисодий тафаккур деганда, нимани тушунамиз деган савол туғилади.

«Иқтисодий ҳолатнинг моҳиятини, иқтисодий ривожланишнинг қонун-қоидаларини, ўзига хос томонларини тушуниб яшаш, бу иқтисодий назарияларни билиш ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти иқтисодий тафаккурни вужудга келтиради», – дейишади бир гуруҳ олимлар².

Уларнинг фикрича иқтисодий тафаккурнинг моҳияти ва хусусиятларига қараб, унинг уч хил турини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Оддий кузатиш ва англаш тамойилларига асосланган иқтисодий тафаккур.

2. Чуқур билимлар ва гоёларга асосланган иқтисодий тафаккур.

3. Талаба муаммолар, мураккаб жараёнлар таҳлили билан боғлиқ иқтисодий тафаккур³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 197-бет.

² Дўстжонов Т., Мирҳамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Тошкент, «Молия иқтисод», 216-бет.

³ Ўша китоб, 216-бет.

Янгича иқтисодий тафаккур эса яна бир тадқиқотчи олим томонидан қуйидагича ифодаланди: «Янгича иқтисодий тафаккур, бизнинг назаримизга кўра, учта асосга эга. Биринчидан, инсоннинг бозор шароитида муҳим бўлган шахсий фазилатлари. Иккинчидан, техника тараққиётининг замонавий даражаси, хусусан моддий ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари нисбати. Учинчидан, давримизга хос ижтимоий жараёнларнинг ҳар бир мамлакат ижтимоий-маданий хусусиятларининг ўзига хос нисбати ва ижтимоий турмушнинг глобаллашуви билан тавсифланади¹.

Билдирилган фикрларда жон бор, унда муаллифларнинг иқтисодий тафаккурга қараши ифодаланган.

Лекин бизнингча иқтисодий тафаккурни қуйидагича таърифлаш ҳақиқатга яқинроқ. Иқтисодий тафаккур – бу иқтисодий фикрлаш, билимнинг натижасидир.

Иқтисодий тафаккур чегарани ҳис қилиш, меъёрни билиш, ҳисоб-китоб қилиш орқали хоҳиш, истак билан реал имкониятни таққослаб қарор қабул қилишда ифодаланди.

Иқтисодий тафаккур 1) иқтисодий билим, қарашлар, ғоялар, маънавий яхлитлиги сифатида; 2) иқтисодий қарашлар ғояларнинг асоси; 3) одамлар томонидан ўрганилган иқтисодий билимларгина эмас, балки иқтисодий муносабатлар, алоқаларда намоён бўлади.

Иқтисодий тафаккурни шаклланиши дастлаб, шахсий тажрибалар, оғир жисмоний меҳнатни энгиллаштиришга, чекланган ресурслардан самаралироқ фойдаланишга, турмуш даражасини кўтаришга бўлган интилишлар билан боғлиқ бўлса, кейинчалик у фалсафий, сўнгра диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланди.

Иқтисодий қарашлар ва ғояларнинг ривожланиши, иқтисодий мактаблар шаклланиши ва иқтисодий фанлар вужудга келиши билан иқтисодий тафаккур янги босқичга кўтарилди.

Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришнинг бош манбаи эса – бу фан ва унинг тараққиётидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг иқтисодий тафаккурни шакллантириш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Янгича иқтисодий тафаккурни шаклланиши ва ривожланишида меҳнатни эркин фаолиятга айланиши, иқтисодиётни сиёсат ва мафкура тазйиқидан халос бўлиши, иқтисодий қонулар амал қилиши асосида тараққий этиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий тафаккур математик, амалий, интуитив, таҳлилий, абстракт тафаккурнинг бир бутунлигидан иборат.

¹ Қодирова З.Р. Янгича иқтисодий тафаккур ва халқаро муносабатлар // Халқаро муносабатлар // 2004, №2, 84-бет.

Абстракт тафаккур ўрганилаётган объектнинг бирор белгисини, асосий томонига диққат қаратиб, қолган иккинчи даражали томонларини ҳисобга олмасдан ўрганишдир.

Амалий тафаккур реал ҳаётда синаш, кузатиш, тажриба тўплаш жараёнида юз бериб назарий тафаккур билан таққосланади. У мақсад қўйиш ва уни режалаштириш, амалга ошириш билан боғлиқ.

Интуитив тафаккур аниқ босқичларни йўқлиги билан характерланади. У барча муаммоларни қисқартириб идрок қилишга асосланган. Одатда, бу тафаккурни «кўнглимга келди, уни бажардим» дея ифодалаймиз. Бунда бирон тушунча, воқеа-ҳодисани ўрганиш ёки фаолиятни амалга оширишда айрим бўғинларни ташлаб юборамиз ёки аҳамият ҳам бермаймиз. Шунинг учун интуитив тафаккур ёрдамида чиқарилган хулоса, олинган натижани таҳлил қилиб чиқишимиз лозим.

Таҳлилий тафаккур ҳар бир ҳодиса, воқеа, жараённи чуқур атроф-лича ўрганиш асосида хулоса чиқаришни ифодалайди. Аналитик, яъни таҳлилий фикр юритувчи инсон мақсадни аниқ қўяди ва уни амалга оширишнинг моҳиятини аниқ тасаввур қилади. Интуитив ва таҳлилий тафаккур бир-бирини тўлдиради.

Агар инсонда интуитив тафаккур бўлмаганда, кўп масалаларни таҳлилий тафаккур ёрдамида ечиб бўлмас ёки ечиш учун жуда кўп вақт сарфланган бўлар эди.

Иқтисодий тафаккур таркиби: муаммони англаш; уни келиб чиқиш сабабини аниқлаш; ҳисоб-китоб қилиш; унинг ечимини қидириш ва ечимининг муқобил вариантларини топиш; топилган ечимлардан энг оптималини танлаш; уни текшириш ва таҳлил этиш кабилардан иборат.

Иқтисодчи педагог айнан ана шундай фикрлашни ёшларда шакллантиришга эътибор бериши лозим.

Иқтисодчи педагогнинг фаолияти унинг касбий тафаккурини хусусиятларини акс эттиради. Ҳар қандай педагогик жараён ижодий бўлиб, маълумки ижодий жараёнда тафаккур етакчи рол ўйнайди, бошқача айтганда тафаккур ижодий фаолиятнинг асосидир. Шунинг учун бўлажак иқтисодчи педагогларнинг касбий тайёргарлигида тафаккурни шакллантиришга ижодий ёндашиш катта аҳамиятга эга.

2-§. Иқтисодий тафаккур ва амалиёт

Бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли ўтказилган иқтисодий ислохотлар ва ҳозирги босқичда уларни янада чуқурлаштириш шахсни ҳар томонлама камолотга етказишга, турмуш фаровонлигини кўтаришга қаратилган.

Инсон муайян мақсад сари интилар экан, унинг фаолияти зами-нида ўз оиласининг моддий шароити ва манфаатлари устувор аҳамиятга эга бўлади.

Инсон ҳаётида иқтисодий фаолият, унинг натижасида яратилган неъматлар асосий ўрин тутати. Ана шу неъматларни қай тарзда қандай харажатлар билан яратилишида иқтисодий билимлар муҳим ўрин тутати.

Иқтисодий тафаккурнинг кучи – уни амалиёт ҳаёт билан боғлиқ-лигида. Абстрактлик билан аниқлик, назария билан амалиёт бирлиги, иқтисодий реалликни билиш ва уни англаб етиш тафаккурнинг зару-рий, асосий шартидир.

Ҳозирги тараққиёт даражасида иқтисодий фанларсиз, уларни чу-кур ўрганмай, узоққа бориб бўлмайди. Бозор иқтисодиётида хўжалик юритиш учун ҳар томонлама пухта ўйлаш, лекин доимо амалиёт билан боғланиши зарур.

Инсонларда янгича иқтисодий тафаккурни юқори даражада бўли-ши учун иқтисодий фанлар ривожланиши ҳамда иқтисодий фикр юрита билиш зарур.

Иқтисодий тарбия таълим жараёнини ажралмас таркибий қисми сифатида уни тўлдириши ва амалий кўникмалар билан бойитиши лозим.¹

Бозор иқтисодиётининг ички ўзига хос илғор хусусияти бу барчага, ҳар бир кишига тенг иқтисодий эркинликларни бериш, уларни мустақил фаолият кўрсатиши, фаровон ҳаёт кечириш, ўзи ва давлат манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай имкониятлар, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий, адолатли негизини яратишдир. Бунинг учун: а) мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида ана шундай имкониятлардан фойдалана оладиган иқтисодий фикрлаш қобилиятини тарбиялаш лозим; б) иқтисодий билимлар иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг кучли омилига айланаётганини ҳисобга олиб, иқтисодий фанларни чуқур ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Иқтисодий тафаккурни изчил ривожланиши назария ва амалиёт-нинг узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Айнан иқтисодий назария ва иқтисодий сиёсатнинг узвий боғлиқлигига эришиш иқтисодий мада-ният юксалишига ижобий таъсир қилади.

Иқтисодий манфаатдорликни адолатли ҳал этиш, жамиятни ҳад-дан ташқари табақаланишини кучайишига йўл қўймаслик муҳим рол ўйнайди.

¹ Жўраев Т. Янгича иқтисодий тафаккур // Ўзбекистон овози, 2004 йил 21 декабр, 2-бет.

Миллий иқтисодий тафаккурни мустақиллик йилларида ривожланиши хусусий мулкчиликни эътироф этиш, миллий иқтисодиёт тармоқларида туб таркибий ўзгаришларни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар салмоғини ошириш билан бир қаторда мутахассис кадрларни халқаро миқёсда рақобатбардошликка қодир бўлган билимларни ўзлаштиришини талаб этади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг талаби: ҳар бир киши ўз билимларидан фойдалана олиши, янгича дунёқарашга эга бўлиши ва иқтисодий масалаларга тўғри ечим топа олиши керак.

Бунга кўп жиҳатдан дарс жараёнида иқтисодий тафаккурни ривожлантирадиган методларни қўллашга аҳамият бериш орқали эришиш мумкин.

Тафаккурни ривожлантириш ўз навбатида онгни ҳам ривожлантириш омилidir. Тафаккур ва онгнинг ўзаро муносабатида тафаккур фаол бўлиб, иқтисодий онгни қайта йўналтириш учун янги тафаккур таркиб топишини рағбатлантириш ва ривожлантириш лозим. У ёки бу қарашлар жамиятда кенг тарқалиши, бироқ фақат билимлар даражасида қолиши, эътиқодга айланмаслиги, амалиётда кенг қўлланмаслиги мумкин.

Мутахассислар тафаккурни «танбаллиги»ни инсон заифлигининг энг кўп тарқалган соҳаларидан бири дейишади. Бунинг маъноси шуки бошқаларнинг фикрига таяниб, хулосалар қилиш ҳамма вақт осон, мустақил фикрлаш эса қийин кечади. Кўпинча одамларнинг, жумладан, раҳбарларнинг ҳамон юқори ташкилотлардан кўрсатмалар кутиб, шахсий ташаббус кўрсатмаётганини боисини шу билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимиз ҳам мустақилликни қўлга киритмаган, бозор иқтисодиётига ўтмаган даврда бошқа тизим ҳукмронлик қилган. Бу тизим «ривожланган социализм» деб аталиб, иқтисодий муносабатлар, жаҳон мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий алоқалар ҳам шу тизимга хос бўлиб, иқтисодий ривожланиш йўли марказлашган, қатъий режалаштирилган, иерархик тарздаги буйруқбозликка асосланган эди.

Эскича яшаш тамойилларига ҳам мафкуравий, ҳам амалий жиҳатдан кўникиб қолган кишиларимиз дастлабки пайтларда бозор иқтисодиёти шароитида яшашга тайёр эмас эди. Марказлашган режали иқтисод одамларни боқиманда, юқоридан бериладиган буйруқни кутиш ва уни бажаришга одатлантирган эди. Шунинг учун ҳам боқимандаликка мутлақо ўхшамайдиган, ҳар бир кишидан мустақил фикр юритиб, қарор қабул қилишга, ташаббусга асосланган янгича иқтисодий тафаккурни қарор топишини талаб қиладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ва мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари анчайин қийин кечди.

Умуман олганда, одамларни янгича иқтисодий-сиёсий тизимга тайёрлаш – унга мослашишлик вазифаси ниҳоятда мураккаб зиддиятли жараён, узоқ вақтни талаб қилади ва жамиятнинг ҳамма соҳалари: иқтисод, сиёсат, мафкура, маънавият, маданият, таълим-тарбия ва бошқаларни қамраб олади.

Бозор шароитида инсонга ташаббускорлик, тadbиркорлик, ноаниқлик ва ўзгариб турувчи вазиятларга мослаша олиш, муқобил вариантларни кўра билиш, улардан энг рационалини тавлаш билиш кўникмасини ҳосил қилиш, мағлубиятдан руҳини тушурмаслик, дарҳол, янги йўлларни излаш фазилатларини тарбиялаш зарур. Мағлубиятни тан олиш, чекиниш, рақобатда ютиб чиқиш учун янгидан кураш бошлаш ва бошқа шу қабила бозор психологиясининг ўзига хос хусусиятларидир. Аммо ҳар қандай киши ҳам бунга тайёр эмас. Айтиш мумкинки, бозорга ўтиш даврининг қийинчиликлари, бозорнинг рискка асосланганлиги кўп жиҳатдан айнан кишиларнинг психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги, уларда тегишли шахсий фазилатларнинг ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Агарда шахс тафаккури мос равишдаги ақидаларга асосланмаса олинган иқтисодий билимлар унга наф бермайди.

Албатта, ҳамма инсонларда тadbиркорлик қобилияти бир хил эмас, психолог олимларнинг тадқиқотига кўра рискка мойил бўлган кишилардан ҳамда интуитив ва таҳлилий тафаккури юқори кишилардан кўпроқ муваффақият билан иш олиб борувчи тadbиркорлар чиқар экан.

Бу ерда иқтисодий жиҳатдан тарбиянинг аҳамияти шундаки, инсонда иқтисодий тафаккурни шаклланиши асосида ўз қобилиятига, объектив шароитга, табиатан берилган шахсий фазилатларига кўра фаолият турини тўғри танлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда инсон иқтисодийёт соҳасида катта ҳажмдаги ахборот ва унинг ниҳоятда катта тезликда узатилишига дуч келади. Шу билан бирга ахборот асимметрияси муҳим рол ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти кўпинча олинган ахборотлар асосида тезкор қарор қабул қилишни талаб қилади. Бундай шароитда интуитив ва таҳлилий тафаккурга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий тафаккурнинг ўзи кўп жиҳатдан ана шу таҳлилий ва интуитив тафаккурга таянади. Инсон воқеа-ҳодисалар оқимини олдиндан тасаввур қила олмаса, тўғри қарор қабул қилиш қийин. Интуицияда у ёки бу вазиятларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги бўйича аввал ортирилган тажриба намоён бўлади.

Ҳозирги кунда ахборотлар иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини белгилувчи асосий омилга айланмоқда. Муайян ахборот

зарур қарор қабул қилиш доирасини қисқартиради, бу ўз навбатида инсонни қатъиятсизликдан маълум даражада халос қилиб, қарор қабул қилишини тезлаштиради.

Иқтисодий тафаккур ва унинг амалиётда намоён бўлишида муайян халқнинг менталитети, унинг кучли жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга. Шахс учун зарур бўлган фазилатларни шаклланиши менталитет билан боғлиқ. Масалан, Шарқ халқлари учун уюшганлик, жамоатчилик, Ғарб халқлари учун индивидуаллик хос. Улкан иқтисодий ютуқларни Япония, Жанубий Корея, қатор бошқа Осиё мамлакатлари уюшганлик ҳисобига, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари эса индивидуаллик туфайли қўлга киритди.

Уюшганлик тезкор қарорларни қабул қилишда ўзаро муносабатга, ҳамжиҳатлик билан фаолият юритишга киришишга тайёрликни акс этгирса, индивидуаллик инсоннинг ўз кучига таяниш, ташаббус кўрсатиш эркинлигидир. Амалда ушбу икки хусусият ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади, бир-бирини бойитади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маънавий баркамол авлод тарбияси – иқтисодий таълим ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги нуфузини мунтазам ошириб боришни тақозо қилади. Бу нафақат кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришнинг, балки иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш йўлидаги стратегик мақсадларимизни ҳам бир йўла рўёбга чиқариб боришнинг муҳим шarti деб, ўйлаймиз¹.

Бу жиҳатдан таълимга ҳам юқори талаб қўйилмоқда. Ҳозирги шароитда ўқув дастурлари, хусусан иқтисодий фанлар бўйича дастурлар, улардаги мавзулар иқтисодий вазият ва бозор талабларини ҳисобга олиш билан бирга ёшларга уларни қай йўналишда кетишини олдиндан кўра билишни ўргатишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, унинг жаҳондаги илғор давлатлардан бирига айланиши янгича иқтисодий тафаккурни нақадар чуқур ва кенг ўзлаштириб олганимиз, ўз ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг узвий қисмига нечоғлик айлантиришимизга боғлиқ.

3-§. Иқтисодий тафаккурнинг иқтисодий маданиятни шаклланишига таъсири

Пухта иқтисодий билимлар иқтисодий тафаккурни, у эса замонавий иқтисодий маданият ва иқтисодий тараққиётни узлуксизлигини тақозо этади.

¹ Жўраев Т. Янгича иқтисодий тафаккур. Ўзбекистон овози, 2004 йил 21 декабр, 2-бет.

Маданият жамият томонидан яратилади ҳамда унинг ўзига хизмат қилади, ижтимоий муносабатлар, алоқалар барқарорлиги ва такомиллашиб боришини таъминлайди.

Маданият кенг қамровли тушунча. Маданият: 1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. 2. Бирор ижтимоий гуруҳ, қатлам ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. Бирор хўжалик ёки ақлий меҳнат соҳасидаги ривожланганлик даражаси. 3. Ўқимшлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифатлилик. Турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси сифатида талқин этилади.

Маданият дейилганда дастлаб инсониятнинг табиатга кўрсагандиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушунилган.

Латинчада *cultura* – ерни ишлаш, парваришлаш маъносини беради. Рус тилидаги культура сўзи ҳам шундан олинган.

Тарбия фақат мавжуд нормаларга урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришгина эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган.

Маданият сўзи маъносининг изоҳларидан кўриниб турибдики, у ниҳоятда кенг қамровли тушунча. У инсон ҳаёти, фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади.

Шунинг учун уни ўрганиш, инсоннинг келгуси ҳаётида мавжуд тажрибалардан фойдаланиш мақсадида уни назарий жиҳатдан эмпирик ўрганишда устун даражада диққат қаратилиши лозим бўлган йўналишларга ажратилади. Масалан, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий маданиятни ўзини бошқарув маданиятини, солиқ маданияти, тadbиркорлик маданияти, хизмат кўрсатиш маданияти, истеъмолчи маданияти ва ҳоказоларга ажратиш мумкин. Иқтисодий тафаккур ва иқтисодий маданиятга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас, чунки инсон ҳаётининг асосини иқтисодий фаолият ташкил этади.

Илғор иқтисодий маданиятни шакллантиришга бўлган бугунги эҳтиёж инсоннинг ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришидаги роли ортиб бориши билан белгиланади. Иқтисодий маданият кишиларнинг иқтисод соҳасидаги фаол оммавий иштирокини, билимлари, малака ва ишбилармонлиги, онги ва тафаккурининг ривожланганлиги даражасини акс эттиради. У инсоннинг иқтисодий соҳадаги фаолияти самарасини, жамиятда тўпланган иқтисодий тажрибани умумлашган ҳолда намоён этади.

Иқтисодий маданиятга умуман маданиятнинг бир йўналиши сифатида қараш мумкин. Шу билан бирга шуни таъкидлаш жоизки, мада-

ниятнинг бошқа йўналишларидан алоҳида ажратиб кўрсатиб бўлмайди. Чунки у бир бутун жамият тараққиётининг бир-бирини тўлдирувчи ва тақозо қилувчи гўёки биллурнинг алоҳида қирраларидир.

Иқтисодий маданият инсоннинг иқтисодий соҳадаги фаолияти самарасини, жамиятда тўшланган тажрибани умумлашган ҳолда намоён этиш билан бирга маданиятнинг бошқа йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ.

Иқтисодий маданиятни бир томондан, жамият ривожининг ҳар бир босқичидаги ҳолати, чекланган ресурслардан фойдаланиш ҳолати сифатида қараш мумкин. Иккинчи томондан эса хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юз бериши; учинчидан, меҳнат омиллигини ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларига нисбати ва улар ўртасидаги уйғунлик сифатида қараш мумкин.

Иқтисодий маданият деганда, нимани тушунишимиз керак? деган савол туғилади. Иқтисодий маданиятга «Фалсафа: қомусий луғат» китобида қуйидагича таъриф берилган. «Иқтисодий маданият – меҳнат, ишлаб чиқариш ва моддий жараёнларда намоён бўладиган маданият шакли: ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида муҳим бўлган иқтисодий муносабатларнинг маданий ҳолати. Унинг икки асосий шаклини кузатиш мумкин, шахсий иқтисодий маданият ва ижтимоий-иқтисодий маданият...»¹

Бу таърифда бизнингча:

- 1) Моддий жараён деганда нимани назарда тутилгани мавҳум;
- 2) Жараён деганда иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юз бериши, давом этиши, ривож, оқими тушунилади. Демак, жараённи моддий жараён деб таснифлаш тўғри эмас.
- 3) Меҳнат ҳам, ишлаб чиқариш ҳам бу иқтисодий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Уларни алоҳида кўрсатиш шарт эмас.

Шунинг учун биз ана шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий маданиятга қуйидагича таъриф беришни лозим топдик.

Иқтисодий маданият дейилганда маданиятнинг иқтисодий фаолият жараёнида намоён бўладиган шаклини тушунамиз.

У иқтисодий билим ва иқтисодий тафаккур, иқтисодий кадрлар ва анъаналар, иқтисодий фан ютуқларини қамраб олади ва кишилар, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларда, алоқаларда намоён бўлади. Натижада, иқтисодий маданиятни ҳам назарий ҳам эмпирик жиҳатдан ўрганиш зарур бўлади. Иқтисодий маданиятни тушунишнинг назарий ва эмпирик жиҳатлари бир-бирини тўлдириб боради.

¹ Фалсафа. Қомусий луғат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ, 2004, 185-бет.

Иқтисодий маданиятни шаклланишида мулкчилик муносабатлари асосий ўрин тутди. Шунинг учун жамиятдаги устувор мулкчилик шаклига кўра иқтисодий тафаккур маънавий қадриятлар ҳулқ-атвор, инсонларнинг савий-ҳаракати қарор топади.

Ҳар бир янги авлод, мустақил ҳаётга қадам кўяр экан ўзидан аввалги авлоднинг иқтисодий билимларини ҳам ўзлаштиради. Шу билан эришилган даражада тўхтамайди, балки олға юради. Натижада узлуксиз равишда мураккаб иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ўрганилади, улар асосида қарор чиқарилади, иқтисодий қарашлар бойитилади. Бунга эса таълим ва тарбия орқали эришилади.

Тинимсиз меҳнат, таълим ва тарбия орқалигина кейинги авлод билимлироқ, донороқ, моҳирроқ бўладилар, демак, иқтисодий маданият ҳам ривожланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан мамлакатимизда янгича иқтисодий маданият шаклланади экан, бу жараёнда ўтмиш тажрибаси ва анъаналаридан тўла воз кечилмайди. Иқтисодий маданият янги тизимни яратиш учун фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатларини сақлаб қолади. Жамият иқтисодий маданияти ўтмиш ва ҳозирги авлодлар иқтисодий тажрибаси билан бирга келажак тараққиётнинг эҳтиёжлари ва истиқбол мақсадларини ҳам қамраб олади.

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва бу борадаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан бозор субъектлари, бунёдкорларнинг иқтисодий онги, тафаккури, билими, савияси ва малакасига, маҳорати ва амалий фаолиятига, бир сўз билан айтганда иқтисодий маданиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда фан ва техника тараққиёти, иқтисодий маданият ўзида мужассамлашган компонентлар бунёдкор фаолият соҳалари интеграцияси учун, шахс камолоти учун янгича шароитлар яратмоқда.

Ишлаб чиқаришда, истеъмол ва эҳтиёжларда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу билан бирга жамиятда ижодий фаолият билан банд кишиларнинг ортиб бориши рўй берапти. Инсон омилининг роли янада ортиб борапти.

Ижтимоий ўзгаришлар қанча чуқур, иқтисодий, сиёсий, маданий вазибалар қанча кенг қамровли бўлса, жамият ва шахс иқтисодий маданиятини ривожланишининг аҳамияти шунчалик ошиб боради. Иқтисодий маданият шахснинг иқтисодий билимлари, кўникма ва малакаси, маҳорати, қобилияти ва имкониятларини қўллаш олиш даражасини ифодаловчи муҳим фазилат сифатида намоён бўлади. Шахс иқтисодий маданияти унинг баркамоллашувини ҳам билдиради. Инсон неъматларни, маданий қадриятларни яратади, балки уларни истеъмол ҳам қилади, улғайтиш жараёнида комилликнинг янги, қоқо-

рироқ босқичларига кўтарилиб боради. Масалан, иқтисодий тадқиқотчилар, фаолияти мавжуд иқтисодий назарияларни ўрганиш ҳамда ўзлаштирилган билимлар асосида янги назариялар яратилишига олиб келади. Иқтисодий сиёсат эса давлат, жамоат ташкилотлари турли партиялар ва меҳнат жамоаларини фаолиятини ўз ичига олиб, жамият миқёсида жамият аъзоларининг манфаатларини ҳисобга олиб аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Иқтисодий маданиятга иқтисодий фан кадриятлари, яъни иқтисодиёт назарияси, иқтисодий ғоя ва қарашлар, кишиларда тарбияланган ижобий иқтисодий фазилатлар ва хулқ меъёрлари ҳам таъсир кўрсатади.

Маълумки кишилардаги иқтисодий фазилат ва хулқ меъёрлари ижобий: меҳнатсеварлик, тежамкорлик, интизомлилик, ишбилармонлик, ташаббускорлик ёки салбий: хўжасизлик, исрофгарчилик, масъулиятсизлик, беғамлик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Кадрият деганда, фақат ижобий фазилат ва сифатлар назарда тутилади.

Буларнинг ҳаммаси жамият иқтисодий маданиятини иқтисодий ҳаётдаги бунёдкор ижодий фаолият ва шу фаолиятни амалга оширишнинг усул, воситалари ҳамда самарасининг узвий яхлитлиги деб таърифлаш мумкин.

Жамият ва шахс иқтисодий маданиятлари орасида мураккаб узвий алоқа мавжуд. Шахснинг иқтисодий маданияти жамият иқтисодий маданиятига кўра шаклланади. Шу билан бирга ундан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Масалан, бозор механизми ва уни амал қилишни тушунмаслик ёки унга мослашмаслик оқибатида киши катта қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Шахс иқтисодий маданиятининг ўсиши, бунёдкорлик имкониятларини ишга солиши, иқтисодий фаоллик, иқтисодий билим ва тафаккурнинг ўсиши жамиятнинг илғор иқтисодий маданиятини шаклланишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда иқтисодий таълим-тарбия, шахсда маълум иқтисодий сифатлар, иқтисодий маданиятни шакллантиришга қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан жамият тараққиёти, иккинчи томондан иқтисодий маданиятнинг пастлиги ва бошқа омиллар туфайли вужудга келган экологик муаммолар иқтисодий таълим-тарбия ва иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг аҳамиятини янада орттиради.

Ота-боболаримизнинг илми юқори бўлмаса ҳам иқтисодий фикрлашлари, иқтисодий тарбиялилиги, иқтисодий маданиятлилиги билан юқори туришган. Агарда эътибор билан қарасак, одатда, юқори дара-

жага ёшлигида қийинчилик кўрган, меҳнатни қадрлаган, топилган пулни қадрини билганлар кўтарилганлар, инсон доимо қийин ҳолатдан чиқиб кетиши учун ҳаракат қилади ва шу ҳаракати туфайли ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Демак, ўқитувчи ана шу нарсани ҳар бир ўқувчи, талаба онгига етказиши зарур.

Иқтисодий маданият оиладаги тарбиядан бошлаб шаклланади, инсон ҳаётининг кейинги босқичларида ривожланади, қачонки унинг кейинги босқичларда узлуксизлиги таъминланса.

Иқтисодий тафаккурни шаклланиши иқтисодий тадбиркорлик маданиятини оширади.

Тадбиркорлик маданияти, аввало виждон ва диёнатни талаб қилади, ёлгончилик, фирибгарлик, турли қинғир йўллар билан иш битказиш, таъмағирлик ва бошқалар тадбиркорлик маданиятини йўққа чиқаради. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик маданияти жуда юксак.

Солиқ ходимлари билан солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги алоқалар солиқ маданияти ва унга риоя қилишни тақозо қилади. Айниқса, юридик шахслар учун солиқ ҳисоботини топшириш жараёни ҳаддан ташқари меҳнат ва вақт талаб қиладиган жараён бўлиб, ҳисоботни топширгунга қадар бир неча иш кунини солиқ инспекцияларида ўтказади. Бу корхона учун ҳам, ходим учун ҳам самарали фойдаланиш мумкин бўлган иш вақтини йўқотиш бўлади. Солиқ ҳисоботлари белгиланган муайян шаклларда тақдим этилади, уларни электрон вариантда компьютер тармоқлари орқали махсус дастурлар ёрдамида солиқ инспекцияларига тақдим қилиниши мумкин. Буни солиқ тўловчи учун ҳам, солиқ ходимлари учун ҳам афзалликлари борки, у солиқ маданиятини кўтаришда муҳим рол ўйнайди.

Солиқ маданияти ҳақида тўхтаганда, албатта, унга кирувчи компоненти ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, ортиқча сарфлардан сақланиш, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаш, солиқ юқини иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши, турли ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, мамлакатда хуфёна иқтисодиётни ривожланишига йўл қўймаслик ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ижтимоий юксалиш, тараққиётнинг амалга ошишида маънавийнинг роли катта. Маънавият-маърифатсизлик молпарастликни, шафқатсизликни, менсимаслик ва бошқа иллатларни келтириб чиқаради, меҳр-оқибатни, саховатни йўқотади. Маънавий қашшоқлик моддий камбағалликдан бир неча баробар оғирроқдир. Маънавият борасидаги камчиликлар, нуқсонлар моддий турмуш етишмовчиликлари каби тезда кўзга ташланмаса-да, сезилмасдан йиғилиб бориб оғир оқибатга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда яна шу нарса аниқландики, моддий фаровонликни кўтарилиши, яхшиланиши автоматик тарзда бой маънавий маданиятга олиб келмас экан.

Маънавий қашшоқлик эса инсоннинг парокандаликка олиб келади. У эса сўзсиз иқтисодиётга унинг барқарор ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Маънавият, кишиларнинг маънавий фаолияти ўзида маданий-маърифий, мафкуравий, диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, илм-фан ютуқлари, кишиларнинг ахлоқий салоҳияти, дунёқараши, ғояси, руҳий кечинмалари, тасаввурлари, қобилияти, иродаси, этиқоди, тарбия ва бошқа маънавий истаклар, мақсадлар эҳтиёжларни ўз ичига олади.

Шарқда доимо маънавиятга алоҳида эътибор берилган. Маънавиятли одамларнинг эътиқоди бутун, иймони тоза, руҳи пок бўлади. Улар савобни гуноҳдан, диёнатни хиёнатдан, адолатни разолатдан ажрата оладиган, инсофли, оқибатли, саховатли, мурувватли кишилар бўлганини тарихдан биламиз.

Халқимиз «пул – қўлнинг кири», деб бежиз айтмаган. Моддий бойлик ўткинчи, уни тежаб-тергаб сарф қилмаса, асрамаса, қўлдан бой бериш осон. Маънавий бойлик эса бебаҳо ва туганмас, уни бировга берган билан камаймайди.

Иқтисодий маданиятни шаклланишида маънавиятнинг таъсири жуда катта. Ўқитувчи буни ўқувчи-талабаларнинг онгига етказиши, маънавий йўғрилган иқтисодий маданиятга эга кишиларни мисол тариқасида кўрсатиши керак. Бундай кишилар ҳар бир туман, қишлоқ, маҳаллада, албатта, топилади.

Хулоса

Ҳозирги кунда ёшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муҳим рол ўйнайди. Чунки иқтисодий тафаккур жамият аъзоларининг дунё қарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишни ўрганишига асос бўлади.

Янгича типдаги иқтисодий фикрлаш иқтисодиётдаги муаммоларни принципиал жиҳатдан янгича, сифат жиҳатдан тоталитар буйруқбозликка асосланган тизимдан тубдан фарқли тарзда ечишни объектив зарурлигига асосланади.

Иқтисодий тафаккур – бу иқтисодий фикрлаш, билимнинг натижасидир. Иқтисодий тафаккур чегарани ҳис қилиш, меъёрни билиш, ҳисоб-китоб қилиш орқали хоҳиш, истак билан реал имкониятни таққослаб қарор қабул қилишда ифодаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маънавий баркамол авлод тарбияси – иқтисодий таълим ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги нуфузини мунтазам ошириб боришни тақозо қилади.

Пухта иқтисодий билимлар иқтисодий тафаккурни, у эса замонавий иқтисодий маданият ва тараққиётни узлуксизлигини тақозо этади.

Иқтисодий маданият оиладаги тарбиядан бошлаб шаклланади, инсон ҳаётининг кейинги босқичларида ривожланади. Иқтисодий маданиятни шаклланишида эса маънавиятнинг таъсири жуда катта.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Иқтисодий тафаккур, абстракт тафаккур, амалий тафаккур, интуитив тафаккур, таҳлилий тафаккур, амалиёт, иқтисодий маданият, шахс иқтисодий маданияти, ижтимоий иқтисодий маданият, тадбиркорлик маданияти, солиқ маданияти

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисодий тафаккур деганда нимани тушунамиз? У қандай шаклланади деб ўйлайсиз?

2. Иқтисодий тафаккурнинг моҳияти ва хусусиятларига қараб, уч турга бўлинади, деган фикрга қўшиласизми? Фикрингизни асослаб беринг.

3. Иқтисодий тафаккурнинг кучи – уни амалиёт ҳаёт билан боғлиқлигида деганда нимани назарда тутамиз?

4. Иқтисодий тафаккур ва унинг амалиётда намоён бўлишида муайян халқнинг менталитети қандай аҳамиятга эга?

5. Иқтисодий тафаккур иқтисодий маданиятнинг шаклланишига қандай таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз?

6. Иқтисодий маданиятга «Фалсафа: қомусий луғат» китобида берилган таърифга қўшиласизми? Сиз ўзингиз қандай таъриф берган бўлардингиз?

7. Иқтисодий маданиятни шаклланишида мулкчилик муносабатлари қандай ўрин тутушини кўрсатинг.

8. Шахс иқтисодий маданияти билан ижтимоий-иқтисодий маданият ўртасида сизнингча, фарқ борми?

9. Тадбиркорлик маданияти, солиқ маданияти нималарни ифодалайди? Сизнингча, у қандай бўлиши керак?

VI боб. ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКАДА ЭТНОПЕДАГОГИК, ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ОМИЛЛАР

Маълумки, иқтисодий тафаккурнинг шаклланишига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида этнопедагогик, диний ва миллий омиллар алоҳида ўрин тутadi.

Навбатдаги боб ана шу омилларни тадқиқ этишга бағишланган.

1-§. Этнопедагогиканинг иқтисодий таълим-тарбияда тутган ўрни

Халқ донишмандлиги ва одобномасининг нодир саҳифаси бўлган ўзбек халқ педагогикаси ижтимоий-иқтисодий ва маиший-ахлоқий ҳаётнинг барча томонларини халқ оғзаки ижоди, қадриятлари, удумлари ва маросимларининг етакчи йўналишларини, диний ахлоқий таълимотини қамраб олганлиги билан характерланади.

У халқимизнинг асрлар давомида тўшлаган бой тажрибаларини ижтимоий, ахлоқий, фалсафий, фалсафий-маърифий, эстетик, маънавий, иқтисодий, жисмоний етуқлик борасидаги қарашларини, хулосаларини лўнда, донишмандларча ифодалайди.

Халқ педагогикаси ёки этнопедагогика – бу этник гуруҳлар миллат, халқнинг асрлар давомидаги тарихий ҳаёти давомида эришган эмперик тажрибалари асосида болага таълим-тарбия берип ҳақидаги фан.

Унга халқ педагогикаси, табиий, норасмий, мактабдан ташқари антропологик педагогиканинг тарихи ва назарияси сифатида ҳам қараш мумкин. Этнопедагогика социал ва ижтимоий ўзаро таъсирни ўрганадики, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири натижасида шахс тарбияланади ва камол топади.

Халқнинг педагогик қарашлари узоқ давр – асрлар давомида шаклланган ва улар асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрларда яратилган асарлар, диний қарашлар тарзида етиб келган.

Ахлоқий нормалар, қадриятлар тажриба болани тарбиялаш ва таълим берип ҳақидаги билимлар, халқнинг донишмандлигини ифодаловчи диний таълимот ва бошқаларнинг шахсни маънавий-ахлоқий, ақлий жиҳатдан шаклланишида ниҳоятда катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам педагогика тарихида алоҳида из қолдирган буюк педагоглар

халқнинг педагогик қарашларини, тажрибасини ўрганишга алоҳида диққат қаратишган, халқ педагогикаси тарбия бериш ҳақидаги фанни бойитади, бу фанга асос ва таянч бўлиб хизмат қилади деганлар.

Халқ педагогикасининг ўзига хослиги шундаки, унда ўтмишни унутмаслик, бугуннинг қадрига етиш, эртанги кунга умид асосида тарбия олиб борилади, айни чоғда тарбиянинг ниҳоятда нозик, мураккаб эканлигига диққат қаратилади.

Халқ педагогикасининг асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб, бойиб боришининг инсон ва Ватан тақдирига ҳал қилувчи рол ўйнашининг сабаби: 1) унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаъно ва сермазмунлиги; 2) бевосита ҳаёт жараёнида халқ томонидан жонли анъаналарда яратилиши ва ифодаланиши; 3) тарбиянинг энг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилганлиги; 4) умуминсоний, умумбашарий мақсад, гоёга қаратилишидир. Шунинг учун ҳам халқ педагогикаси инсон тарбиясида ҳал қилувчи ўринда туради.

Инсон ҳаётининг асосий қисмини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, унга иқтисодий жиҳатдан таълим-тарбия беришда ҳам, албатта, халқ педагогикаси асосий ўрин эгаллайди. Чунки дастлабки иқтисодий фикрлаш удумлар, анъаналар ва диний таълимот асосида шаклланган қарашлар орқали оилада, маҳалладаги муносабатлар табиий равишда шаклланади.

Социолог Уильям Самнер (1840–1910) халқ анъаналари ва удумларини чуқур ўрганган таниқли олим, шундай назарияни илгари суради, инсон болалиқдан ўзи яшаётган оила, жамоа томонидан инсонларни ўзини тутиши усуллари ва йўлларини, унинг маъносига ҳали тушуниб етмаган ҳолда ўзлаштиради. Улар авлоддан-авлодга ўрганиш механизми орқали ўтади, етказилади. Улар кўпчилик ўртасида ўзини тутиши, хулқ-атвор мавжуд неъматлардан фойдаланиш, эстетик қоидалар, оила қуриш ва ҳоказоларда ифодаланади. Унинг фикрича, ўзини тутиш хулқ-атвор бўйича «халқ модел»лари турлича, у жамият, алоҳида гуруҳлар миқёсида фарқ қилади. Энг қизиқарлиси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир халқ моделига асосланган гуруҳ ўз удумодатларини энг тўғри ва табиий деб билади. Бу иллюзияни Самнер этноцентризм деб атади.

Бейхтиёр равишда ўзлаштирилган хулқ-атвор инсонларнинг ўзини тутишини халқ моделлари инсон учун керакли ва мақсадга мувофиқлиги сабабли ҳам барқарор ва авлоддан-авлодга кўчиб ўтган. Улар анъаналар, одамларга, баъзи диний ақидаларга айланиб, бажариш мажбурий бўлиб қолади. Баъзи бирлари этник принциплар ва қоидаларга, нормаларга айланади. Булар қадрият, гоё каби тушунчаларга нисбатан тор, лекин алоҳида бир шахсни ўзини тутиши қонун-қоидаси, нормаси мазмунини ташкил этади.

Халқимизнинг педагогик қарашлари узоқ асрлар давомида шаклланган ва улар асосан барча халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарлар тарзида етиб келган. Бунга достонлар, эртаклар, меҳнат, маросим қўшиқлари, осори атиқалари, нақллар, ривоятлари, афсоналари, мақоллар, маталлар, ҳикматлар, форизмлар, тез айтишлар, болалар ўйинлари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Боланинг қандай шахс сифатида камол топишида халқ педагогикасининг аҳамияти катта. Халқ педагогикасида тарбиянинг каттакичиги, бирламчи-иккиламчиси бўлмайди. Ҳамма нарса ҳисобга олинган ҳолда етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади. Халқ педагогикасида бутун ва эртани ўйлаб, ўтмишни унутмаслик, бутуннинг қадрига етиш, келажакка умид асосида тарбия олиб борилади.

Халқ педагогикаси асрлар давомида шаклланган, ривожланган бўлиб, халқ томонидан яратилган ҳаётий анъаналар, удумлар, маросимлар, байрамлар ва бошқаларда ўз аксини тошган, тарбиянинг энг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилган умумбашарий, умуминсоний ғоя ва мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Халқ педагогикаси барча соҳаларнинг йўналишларини қамраб олган.

«Халқнинг таянчи-аждоқларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим»¹.

Иқтисодий қарашлар маълум бир даврда халқнинг анъаналари, удумлари яратилган тажрибалар орқали кишиларга таъсир этган бўлса, диний қарашларнинг шаклланиши туфайли улар диний нуқтаи назардан ахлоқий нормалар, қонун-қондаларда мужассамлашган ва келгуси авлодга етказилган.

Халқнинг таълим-тарбия борасидаги тажрибалари, қарашларини ўзида мужассамлаштирган, уни ифодаловчи, этнопедагогикада алоҳида ўрганиладиган, дурдона фикрлар бу мақоллардир. Халқ яратган ғоят ихчам, чуқур маъноли гаплар – мақоллардир. Г.Фуллер фикрича «Мақоллар катта маънони уч-тўрт сўз билан ифодаланадиган шаклидир».

Мақоллар бу ўтмиш эмас, балки халқнинг доимий янграйдиган жўшқин овози. У бутуннигина эмас эрта учун ҳам аҳамиятини йўқотмайди. У халқнинг кузатуви ва ҳулосаси туфайли юзага келади. Қадимдан мақоллар тарбияловчи ролни ўйнаган. Бир томондан педагогик ғоя, иккинчи томондан тарбиявий таъсир, таълим бериш функциясини бажарган.

¹ Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 8-бет.

Халқ мақоллари ёдда қолиши учун унинг маъноси ва мазмуни аниқ ифодаланиши зарур. Мақолларни энг кўп тарқалган шакли педагогик нуқтаи назардан 3 категорияга ажратилиши мумкин.

- 1) кишиларни ахлоқий жиҳатдан сўзлашга ўргатиш;
- 2) ўзини тутиш;
- 3) алоҳида педагогик маслаҳатлар берувчи.

Мақоллар ўзига хос педагогик маслаҳатлар берувчи, тарбиянинг натижасини ифодаловчи бўлиб, педагогик тажрибанинг ўзига хос умумлаштирувчи шакли сифатида қаралади. Мақолларда педагогик ғоя болани туғилишидан бошлаб, уларни тутган ўрни, уларни тарбиялашда ота-оналарнинг ўзларини тутишлари ҳақида, атроф-муҳитга муносабати акс эттирилади.

Барча халқларда меҳнатга йўллаш, ҳалоллик педагогиканинг бош вазифаси. Улар мақолларда ҳам ўз ифодасини топади. Тарихий ва педагогик тажриба шуни кўрсатадики, меҳнат шахсни ахлоқий, ақлий, жисмоний камол топишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Меҳнат орқали тарбиялаш инсоннинг улғуворлиги, меҳнатсеварлиги, изчиллиги ва масъулиятли бўлишини тақозо этади. Дангасалик халқлар томонидан ҳаёт кечирishiга ёт бўлган хислат сифатида доимо қораланган.

Халқ жамият тараққиётидаги ролини ҳисобга олибгина қолмай, бунинг учун меҳнатни унинг натижасини қадрлашга ўрганган. Барча халқларда меҳнат, ҳалоллик улугланган.

Уларни иқтисодий педагогикада, иқтисодиётни ўрганишда ҳам муваффақият билан қўллаш мумкин. Масалан, иқтисодиётда меъёрий нафлиликнинг пасайиб бориши мавжуд неъматнинг навбатдаги бирлигини харид қилиб, тасарруфидаги товарларни кўпайтирадиган харидор учун улар қадрининг пасайиши билан боғлиқ. Кундалик ҳаётда ҳам кадр-қиммат тушунчаси, одатда, чекланган камёб неъматларга нисбатан қўлланилади. Эҳтиёжлар тўйинган сари нафлилиги камайиб боради. Улар нисбатан мураккаб тушунчалар бўлиб уларни ўрганишда нафлилик назарияси моҳиятини ифодаловчи «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», «Холванинг ози ширин» мақолларидан фойдаланиш мумкин. Ёки иқтисодиётда ресурсларнинг чекланганлиги, айниқса, инсон учун энг чекланган ресурс вақт эканлигига диққат қаратилган «Вақтнинг кетди, нақднинг кетди» ёки сарф-харажатларни ҳисоб-китобини олиб бориш нақадар муҳимлигини ифодаловчи «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» мақолларини тегишли мавзу, саволлар муҳокамасида қўллаш мавзунинг, масаланинг моҳиятини ўқувчи-талабаларга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Уларни ўрганилаётган мавзуларга боғлаб қўлланилади.

Иқтисодиётда ҳалолликнинг аҳамияти катта. Иқтисодий фаолият эҳти-ёжлар, манфаатлар, мақсад ва уларни реализация қилиш учун

қаратилган фаолият билан боғлиқ экан, ўз манфаатини кўзлаган ҳолда бировни ҳақиқа хиёнат қилиш учун кўнгил суст кетиши, йўлдан озич имконияти мавжуд. Шунинг учун халқимиз ҳалолликни улуғловчи унинг нақадар катта аҳамиятта эга эканлигини ифодаловчи бир қатор мақоллар ижод қилган:

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат – уни харомликда айблашдир.

Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

Ҳалол одам бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмайди ва бошқалар.

Иқтисодий педагогикада мақоллар билан биргаликда топишмоқлардан фойдаланиш ўзига хос ўрин тутати.

Топишмоқлар ақлни юқори даражада бўлишини, ўзида ахлоқий голярни ифодалашга ёрдам беради. У ақлий, эстетик ва ахлоқий тарбияга катта таъсир ўтказати. Қадимда ҳамма функцияни бажарган бўлса, кейинчалик кўпроқ ақлий тарбиялашда қўлланилган. Топишмоқлар фикр юритишини ривожлантиришга, таҳлил қилишга, предметнинг, воқеа-ҳодисаларнинг турли жиҳатларига диққат қаратишга ўргатади.

Ақлий жиҳатдан топишмоқларни қўллашнинг афзаллиги шундаки, у табиат, инсон, жамият ҳақида маълумотларни фаол фикр юритиш жараёнида амалга оширилади, фикр юритиш хотирани ривожлантиришга хизмат қилади. Топишмоқлар одамнинг ақлини ўстиришдагина эмас, балки уни шахс бўлиб шаклланишида катта рол ўйнайди. У кузатиш қобилиятини ўстиради. Топишмоқдаги нарса-буюмларнинг бир неча белгилари акс этади. Уларга қараб топишмоқнинг жавоби топилади. Бу жараён турли белгиларни қиёслаш, атрофлича фикр юритиш, мушоҳада қилишга ўргатади. Иқтисодиётни ўрганишда, иқтисодий тафаккурни ривожлантиришда иқтисодий топишмоқларни роли беқиёс, уларни қўллашнинг имкони кенг, айниқса топишмоқлар тайёрлашни ўқувчи-талабаларни ўзига тошпириш мумкин. Иқтисодиётни ўрганишда одатда иқтисодий категория, тушунчаларни ўрганишга қаратилган топишмоқлардан фойдаланилади. Топишмоқлар ҳам мақолларга ўхшаш мавзулар ва уларда муҳокама қилинадиган саволларга боғлаб ўрганилади.

2-§. Иқтисодий фикрлашни шакллантиришда диний қарашларнинг ўрни ва роли

Ҳар қандай инсон у тутилган халқнинг маданият удумлари, она тили, диний қарашлари ва бошқалар таркиб тошган муҳитда ўсиб вояга

этади, камол топади, дунёқараш шаклланади. Маълумки, файласуфлар, психологлар фикрича инсонга иккиёқламалик хос.

Инсондаги иккиёқламалик, энг аввало, маънавият ва моддийликни мураккаб тарздаги ўзаро бирлиги ва унинг бир-бирига ўзаро таъсиридан келиб чиқади.

Инсондаги моддийлик ва маънавийликнинг уйғунлиги унинг табиатидан, турмуш кечириш тарзидан келиб чиқади. Табиатан инсон яратувчи, хайрли, ғамхўрлик қилувчи қилиб яратилган. Шу билан бирга унда салбий хислатлар мавжудки, шунинг учун ҳам халқимизда «Беайб парвардигор» деган нақл бор.

Инсондаги моддийлик ва маънавийликнинг мураккаб тарздаги бирлиги унинг бутун ҳаёти давомида, унинг барча босқичларида номоён бўлади. Файласуфлар ҳар бир инсон «потенциал жиноятчи» дейишса, диний қарашларда «инсоннинг бир елкасида раҳмон, иккинчи елкасида шайтон ўтиради. Раҳмон тўғри йўлни кўрсатса, шайтон эгри йўлга ундайди» дейилади.

Халқ педагогикаси, қолаверса, педагогика фани инсонни салбий томонларини тўғрилаш, улар ҳақида огоҳлантиришга қаратилган.

Диний қарашлар, ақидалар ҳам айнан инсондаги моддийлик ва маънавийликнинг мураккаб бирлиги туфайли салбий хислатларни мавжудлиги уни иложи борида жиноятчи қаратилган. Диний ақидаларда инсоннинг яхши томонларини, фазилатларини камол топтириш, салбий хислатлардан қочиш даъват қилинган.

Барча диний китобларда инсонларни, атроф-муҳитни асраб-авайлашга, худо берган неъматлардан оқилона фойдаланишга даъват қилинган. Инсоннинг тафаккури, жумладан, иқтисодий тафаккур аввало оила, сўнгра жамиятда яратилган муҳитда шаклланади. Жамиятдаги мавжуд дин ва диний қарашлар, албатта, иқтисодий билим ва ана шу билимнинг тамал тоши иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Инсоннинг иқтисодий фаолиятида фақат иқтисодий омилларгина эмас, маънавий омиллар ҳам етакчи ўрин тутлади.

Иқтисодиёт ва маънавият ўртасидаги алоқадорлик серқирра ва мураккаб бўлиб, иқтисодиёт маънавият ривожини учун моддий шарт-шароит яратади. Айни пайтда иқтисодий тараққиёт зарурати маънавиятни ўзгартиришни тақозо этади. Масалан, онгни, тафаккурни юксалтирмай туриб, янги технологиялар яратиш, меҳнат қуролларини такомиллаштириш, меҳнат жараёнини оқилона ташкил этиш, фан ва техникавий ижодкорликни ривожлантириш мумкин эмас. Табиийки, маънавиятнинг юксалиши илмий-техникавий кашфиётларнинг кучайиши аҳоли билим ва малакасини ортиши, иқтисодий тафаккурнинг ўзгариши ҳам иқтисодиётга таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бу – иқти-

содиёт ва маънавиятнинг муштарақ жиҳатлари. Яна бир умумий томон: иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам инсон ҳаётини ҳар жиҳатдан тўқис қилишга қаратилган. Шу билан бирга улар ўртасида азалий зиддиятлар ҳам бор. Бу зиддият асосида инсонда мужассамлашган моддийлик ва маънавийликнинг мураккаб бирлиги ётади. Бу ҳақиқат унутилган тақдирда иқтисодиётдан мақсад фақат маҳсулотни кўпайтириш, сармойани айлантириб, мўмай даромад олиш бўлиб қолади. Бундай вазиятда бутун жамият эртаю-кеч нафси йўлида елиб-югуради, пул-маблағи, бойлигини кўпайтириш йўлида нималарни қилмайди, маънавият эса шу бош мақсадга эришиш борасидаги воситалардан бирига айланади. Аксинча бўлса, нафсни тийиш, авъанавийлик руҳидаги меҳнат ва турмуш шароитида моддий рағбат биринчи ўринда турмайди ва у самарали иқтисодий омилга ҳам айланмайди. Бундай вазиятда ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ривожланмай қолади. Кўпга чўзилган турғунлик эса эртаю-кечми инкирозга сабаб бўлади. Демак, жамият тараққиёти учун иқтисод билан маънавият ўртасида оқилона мувозанатга эришиш зарур.

Маънавий ва иқтисодий муносабатлар ўртасида оқилона мувозанатни, энг маъқул йўлни топиш борасида Ғарб илм-фанида бир-бирига зид бўлган икки хил қараш мавжуд бўлиб, биринчиси марксистик нуқтаи назар, иккинчиси – атоқли немис мутафаккири Макс Вебер исботлаб берган ва машҳур француз социологи Э.Дюркгейм ривожлантирган таълимот. Биринчи нуқтаи назарда кўпроқ фойдага, бойлиқни кўпайтиришга интилиш меҳнаткашларни эксплуатация қилинишини кучайтиришга олиб келишини асослашга қаратилган.

Макс Вебер эса жамият ҳаётида, жумладан, меҳнатга муносабат жараёнида маънавиятнинг ўрни беқиёс экани протестантлик ахлоқининг замонавий шакли Ғарбий Европага хос тараққиётнинг вужудга келиши ва ривож асосида тушунтиради. Ғарбда капитализмни вужудга келишида протестантлик оқимини роли катталигини асослаб беради.

У «Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи» асарида протестантликнинг, айниқса, пуритан мазҳабининг ахлоқий меъёрлари, хусусан, ҳалол меҳнат қилиб, ғайрат-шижоат кўрсатиб, шахсий ҳаётни, ижтимоий турмушни яхшилашга интилиш лозим, деган даъвати ҳамда ижтимоий ҳаётни, турмуш тарзини, жумладан, ишлаб чиқаришни ҳам муттасил рационаллаштиришга қаратилган ақидалари капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари, буржуа қадриятлари шаклланишига зўр туртки бўлганини эътироф этади.

Маълумки, насронийликдаги бошқа диний оқимлар, бошқа динлар: ислом, буддавийлик ҳам камтар-камсукумлиқни, қааноатни, нафс ва ҳирсни жиловлашни тарғиб этиб келган. Бундай тарғиб турғунликка

етақлайди. Инсон доимо ўз меҳнатиини энгиллаштиришга, турмуш шароитини яхшилашга интиладиган қилиб яратилган. Бу ўз навбатида шу пайтда одамларни ҳаёт тарзи қонун-қоидаларини белгиловчи ақидаларда ҳам ўзгариш бўлишини зарур қилиб қуяди. Бу ўзгариш инсондаги ўз-ўзидан қониқиш туйғуси ўрнига, ўз-ўзидан қониқмай, ғайратга берилиш ҳиссини уйғотиши лозим эди. Ана шу ўзгаришни ҳаётга протестантлик диний оқими олиб кирди. Протестантлик бошқа динлар суянган эзгу ғояларни рад этмай, аксинча, уларни тарғиб этди, лекин бу жараёнда шахсий манфаатларни ошқора намоён этиш иштиёқи ва индивидуализмни чегаралаб қўймади, аксинча, уларни меҳнат ва ғайратга йўналтириб, рағбатлантирди.

Макс Вебер ҳалол меҳнат, ғайрат-шижоат, тадбиркорлик протестантликда диний жасорат, «дунёвий ибодат» мақомига кўтарилган, дея уқтиради. Бу ўринда у протестантликнинг замонавий капиталистик хўжалик фаолияти шаклланишига эмас, балки «капиталистик руҳ» шаклланишига таъсирини кўрсатиб беради.

Протестантлик капитализм руҳига, иқтисодий рақобатга, товар-пул ва меҳнат муносабатларига жуда мос бўлгани боис унинг ғоялари етиб борган ва халқ дилидан жой олган ўлкаларда капитализм тез ривожланди. Масалан, католик оқими ҳукмронлик қилган Испания, Португалия, Польша сингари мамлакатларда, Латин Америкаси қитъасида ёки православлик кенг ёйилган Юнонистон, Югославия, Руминия, Россия, Болгария, Белорусь, Украина, Молдова каби мамлакатларда тараққиёт суръати протестантлик чуқур илдиз олган АҚШ, Канада, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Дания, Голландия, Бельгия, Швеция каби мамлакатлардаги ривожланиш даражасига нисбатан сустроқ экани аён.

Тўғри, меҳнатни барча динлар ҳам улуғлайди. Жумладан, ислом дини ҳам пешона тери билан ризқ-насиба топиш, бола-чақа ўстиришни мусулмон банданинг бош шиори деб билади. Лекин бошқа динлардан фарқли ўлароқ, протестантлик эътиқод – қуруқ ибодатда эмас, ақлнинг амалий фаолияти, яъни меҳнатда, дея таълим берди. Кимда-ким меҳнат қилиб, самарасини кўрса, бу – худо уни ёрлақганидан далолат. Шу боис протестантлик мазҳабидаги одам учун меҳнатдан келадиган натижа асосий мақсад ҳисобланади.

Европада олий табақага мансуб одамлар паст табақа вакиллари шуғулланадиган ишлардан хазар қилар, қора халқ зодагонларга хос касблар ҳақида орзу ҳам қилолмас эди. Протестантлик бундай адолатсизликка барҳам берди. Лютернинг бу борадаги қарашларини Вебер мана бундай ифодалаган эди: «Дунёвий мажбуриятларни бажариш ҳар қандай шароитда ҳам худога маъқул бўлишининг бирдан-бир

воситасидир, айнан мана шу факат, шу нарса илоҳий прода кўрсатмасидир ва шу боис рўҳсат этилган касбларнинг барчаси худо олдида тенгдир».¹

Протестантлик меҳнатта айнан ана шундай муносабат воситасида феодализм бағрида етилиб келаётган капиталистик муносабатлар сари, янги тузим сари йўл очади. Бинобарин, протестантликки қарор топирган реформациячилик диний ислохотлар ҳаракатигина эмас, янги иқтисодий тузим, янгича иқтисодий қарашлар учун кураш ҳаракати ҳам эди.

Айни пайтда протестантликдаги пуританий мазҳаблар талаблари ва илк капитализм давридаги зарурат ўзаро мос келиб қолганини ҳам эътироф этиш лозим. Илк капитализм протестантлик тимсолида ўзига ғоявий-мафкуравий таянч топди. Протестантлик эса илк капитализм орқали моддий-ижтимоий асосларини кенгайтirdи ва шировардида жамиятда мустаҳкам мавқега эга бўлди.

Агарда маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро таъсирини функционал ёндашув асосида таҳлил этсак, улар анча мураккаб ранг-баранг, айни пайтда ҳар бирининг юксалишида ўзаро мутаносиблик беқийс аҳамият касб этишини кўрамыз. Масалан, меҳнат ахлоқ билан уйғунлашмаса, иқтисодий муносабатлар жараёнида маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик меъёрлари етарлича ҳисобга олинмаса, технократик қарашлар устунлик қилиб кетади, оқибат-натигада ишлаб чиқариш ҳажми ортгани билан, инсоний муносабатлар заволга юз тутади, жамиятда ўзаро бегоналашиш тамойили кучаяди. Бу ҳол шировардида ижтимоий-иқтисодий инқирозга сабаб бўлади.

Анъанавийлик руҳидаги меҳнат ва турмуш шароитида моддий рағбат биринчи ўринда турмайди ва у самарали иқтисодий омилга ҳам айланмайди. Чунки бундай шароитда инсон эҳтиёжлари турғунлик касб этади. Макс Вебер келтирган мисол бу жиҳатдан ибратлидир: ўрилган бир морген (0,25–0,33 гектар) ғалла учун бир марка ҳақ оладиган ўроқчи кунига 2,5 морген ғалла ўради ва 2,5 марка ҳақ олади. Хўжайин ҳосилни нобуд қилмай тезроқ йигиб олай, дейди-ю иш ҳақини одатдагидан кўра бироз оширади – бир моргенга бир марка эмас, 1,25 марка ҳақ тўлашга рози булади. Шу тариқа унумдорлик уч моргенгача ўсишига умид қилади. Лекин анъанавийлик руҳида тарбия топган ўроқчи кўпроқ пул ишлаб қолиш имкониятидан фойдаланиш ўрнига «етиб турибдику, бўлдида» деб, одатдагидек 2,5 маркалик иш билан кифояланади: энди 2,5 морген ўрнига 2 морген ўра бошлайди.

¹ Макс Вебер. «Избранные произведения». Москва. «Прогресс», 1990, стр. 98.

Ўрокчи меҳнати унумдорлигини ошириш учун иш ҳақи миқдори бироз камайтирилсачи, деган савол ҳам туғилиши табиий. Капитализмнинг ривожланиш жараёнида меҳнат самарадорлигини ошириш учун кўпдан-кўп иқтисодий чоралар, жумладан, иш ҳақи миқдорини бироз камайтириш тажрибаси ҳам синая курилган. Лекин у ҳам кўнгилдагидек самара бермаган, халқнинг норозиликларга сабаб бўлган.

Вебернинг фикрича, инсонда юксак масъулият туйғуси билан бирга, меҳнатни ягона мақсад, ягона нажот деб билувчи тафаккур ҳам шаклланиши зарур. «Меҳнатга бундай муносабат эса инсон табииятининг хоссаси эмас, – дея эътироф этади Вебер, бундай фазилат адо этилган ишга кўп ёки оз ҳақ тўлаш натижасида эмас, балки анчагина давом этадиган тарбия жараёни ҳосиласи сифатида вужудга келади».

Дарҳақиқат, протестантликка мансуб оилада тарбия топган кишининг кулоғига гўдаклигиданоқ меҳнат – яратганининг ўзи сенга ато этган иқтидор ва зимманга юкланган бирдан-бир вазифа, шунинг учун унутма, қанча яхши ва ҳалол ишласанг, парвардигор эгамга шунча маъқул бўласан, деган фикр сингдирилган. Протестантлик муҳтида тарбия топган, меҳнатни худо томонидан юклатилган мажбурият ва халос бўлиш омилли деб, тавлаган касбини эса яратган ато этган иқтидор ва кўнглига солган даъват деб биладиган киши жисмида иш унумдорлигини кун сайин ошириб бориш доимий маънавий эҳтиёжга айланиб кетади. У моддий жиҳатдан рағбатлантириб борилса, бора-бора ғоятда улкан натижаларга эришиши шубҳасиз.

Шарқда мафкура асрлар давомида иқтисодий ўзгаришлар заруратини инкор қилиб келган, бу ҳол айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда кўп давом этган. IX–XII асрларда ислом мамлакатларида товар-пул муносабатлари, савдо-сотиқ ривожини, ижтимоий сафарбарлик, янгиликларга интилиш кучли бўлгани ва жамиятда ҳалдан зиёд авж олиб кетган ижтимоий-синфий зўравонлик ҳамда мутелик кайфиятининг йўқлиги, ёлланма меҳнатнинг бирмунча ривожлангани илк капиталистик муносабатлар шаклланиши учун объектив иқтисодий шарт-шароит яратган эди. Лекин турли (жумладан, иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий) сабабларга кўра, оилавий меҳнат тақсимотига асосланган, мустақил, рационал мазмундаги ишлаб чиқариш корхонаси ва капиталнинг илк жамғарилиши, илк капиталистик бозор инфратузилмаси (молия-кредит, банк тизими кабилар) вужудга келмади. Чунки жамиятнинг мафкураси, маънавияти объектив иқтисодий заруратни инкор этди, унга эркинлик бермаслик учун очиқ-ошқора курашди.

Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам меҳнат ва бунёдкорликка чақиритишга ўхшаш ғоя – «Дил ба ёру дасг ба кор» даъватини

олга сурган. Лекин бу ақида, айрим объектив сабабларга кўра, янги ахлоқ ва меҳнатга муносабатни шакллантира олмаган. Чунки у, биринчидан, мистик тариқатчилик асосида айтилган, иккинчидан, ўша пайтда ҳали диний мутаассиблик кучли бўлган, учинчидан ва энг асосийси – у замонда капитал, сармоя, иқтисодий ресурслар бир жойга тўпланмаган, бинобарин, мазкур даъватни кенг миқёсли фаолиятга айлантириш учун ижтимоий-иқтисодий зарурат, шарт-шароит етилмаган эди. Қолаверса, протестантликни кенг ёйиш ва амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бир зум ҳам тухтаб қолмаган. Протестантликни қарор топтириш даври тарихда «Тикланиш – Реформация даври» деб аталади. У юз йил давом этган курашлар, олишувлар ва ҳатто урушлар натижасида амалга оширилган. Нидерландия ва Англияда юз берган инқилоб эса уни янада мустаҳкамлаган.

Тўғри, нақшбандийликни ҳам давом эттирувчилар бўлган. Лекин улар бу таълимоти асосан гоъвий-мафкуравий жиҳатдан бойитиб борган. Бироқ ушбу таълимот асосида ҳаётни тубдан ўзгартиришга бел боғлаган ислохотчилар бўлмаган. Хуллас, Нақшбанд даъвати меҳнатда ва бунёдкорликда намоён бўлувчи амалий эътиқодга айланмаган.

Протестантлик халқнинг ижтимоий аҳволини меҳнат орқали ўзгартиришга монелик қилмади, аксинча, бундай иродани рағбатлантирди. Бошқа динлар ва оқимлар ҳукмрон ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартиришга журъат этолмади, нари борса, инсонни такомиллаштиришга ундади, холос.

Бизнинг халқимизнинг иқтисодий билим, иқтисодий тафаккурини шаклланишида, ривожланишида муқаддас китоб Қуръони карим ҳамда Ҳадиси шарифлар ниҳоятда катта ўрин эгаллайди. Қуръони каримда неъматларни асраб авайлаб ишлатиш ҳақида шундай дейилади: «Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар, чунки Аллоҳ исрофгарларни яхши кўрмайди» исрофчилик гуноҳ саналаган. «Ҳадиси шариф»да «Иқтисод билан ишлаган кишилар фақир бўлмаслар» деб, унга қуйидагича изох берилган: «Қиримга қараб чиқимни тута билмаган киши бор давлатини битириб, охири хўрликка тушган ҳолда, қиримга қараб чиқимни тута билган бой бўлмаса-да ўзини фақирликдан сақлай олади».

Шундай қилиб, инсонларни тарбиялашда, жумладан, иқтисодий жиҳатдан тарбиялашда дин, айниқса, эрамининг бошларидан катта ўрин тутган. Диний қондалар кейинчалик ҳуқуқий нормаларда акс этган, ҳокимият уларга таянган. Қуръони каримда ва уни асосида вужудга келган ҳуқуқий нормалар, қонунда ҳар бир киши учун нима мумкин, нима мумкин эмаслиги кўрсатилган. Улар асосида аҳоли тарбияланган, фаолияти бошқарилган.

Куръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Шу жумладан, ҳадислар иқтисодий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир.

Исломда, айниқса, ҳаром ва ҳалол масаласига катта эътибор берилади. Куръони каримда шундай дейилган: «Эй одамлар ердаги ҳалол, пок нарсаларни енглар» («Бақара» сураси, 168-оят). Бу бир томондан истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг таркиби, истеъмол учун яроқлилиги ёки, яроқсизлиги ҳақида гап кетса, иккинчи томондан ҳалол меҳнат қилмай, яъни ўғирлик, муттаҳамлик, пора олиш, алдов эвазига топилган даромадлар ҳам ҳаром ҳисобланган. Фарзандларни чин инсон қилиб тарбиялашнинг асоси уларга ҳалол луқма едиришдан бошланиши таъкидланган.

Куръони карим ва ҳадиси шарифда илгари сурилган муҳим ғоялардан бири истеъмол меъёри, истеъмол чегараси ва истеъмол маданияти масаласидир. Уларда Аллоҳ-Таоло бандаларига дунёдаги барча ноз-неъматларни ейиш учун, тўқ фаровон яшашлари учун инъом этган. «Бандаларим енглар, ичинглар, исроф қилманглар, ортиқча ейиш макруҳдир» деб фарз қилинган. Бу ғоя чуқур маънога эга, ислом динидаги асосий қарашларни ифодалаб, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шундай қилиб, иқтисодий тарбияни дастлаб бола оила доирасида кўпинча диний тарбия орқали олган.

Муқаддас «Куръони карим» ва ҳадислар ҳам одамларни инсофли бўлишга бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликка, ҳалол мол топишга, нафс йўлида берилмасликка чақиради. Иймон-эътиқодини унутиб, ўткинчи дунё лаззатларига маҳлиё бўлиб, инсонийликка шак келтиришни қаттиқ қоралайди.

Тижоратнинг барча қонун-қондалари шартлари «Куръон» ва «ҳадис»ларга шариат ва тариқат, маърифат ва ҳақиқат таълимотларига асосланган ҳолда тузилган. Масалан, «Ҳадисларда» бир юртдан иккинчи юртга келтирилиб сотиладиган моллардан қоладиган соф даромаднинг 10% дан ошяқчаси макруҳ-ҳаром ҳисобланган.

Тадбиркорлик, айниқса, савдо-сотиқ билан шуғулланиши асосида кўпроқ фойда кўриш юксак маънавият қондаларига мос келадими? Уларнинг маънавий-ахлоқий даражаси қандай бўлиши керак? Бу саволлар бугун пайдо бўлгани йўқ, улар мозийдан бери бор бўлиб, тарихда маънавий ахлоқий қарашлар ривожининг бош йўналишларидан бири – фойда олиш масаласига бойлик тўпловчи ва фойда кўрувчи кишиларга насбатан муайян даражадаги салбий муносабатда намоён бўлади. Фойда кўриш билан боглиқ фаолиятга кўпроқ шахсий манфаатни қондириш йўли сифатида қараш одатга айланган. Фойда

ортидан қувилмайдиган, ундан гурурланишга йўл қўйилмайдиган маънавийлик энг олий ахлоқдир, деб ҳисобланган қараш асрлардан буюн ахлоқий таълимотларнинг муҳим тарбиявий қисми бўлиб келган.

Европадаги бу борадаги бурилиш ўтган асрнинг бошларидан капиталистик муносабатлар, бозор иқтисодиёти такомиллашган даврда юз берди. Жамиятда товар-пул муносабатларининг кучайиши билан бу борадаги қадриятлар тадбиркорлик томон бурилди. Айниқса, XIX асрда йирик тадбиркорликни ривожланиши аср охирларига келиб, уларни жамият муаммоларини ечишда бевосита ташаббус кўрсатиб, ўзи олган фойданинг маълум бир қисмини жамият учун сарфлаш, турли хайрия фондларини ташкил этилиши бундай бурилишга асос бўлди. Улар ўз маблағи эвазига мактаб, касалхона, турли фан ва маданият, маънавият, соғлиқни сақлаш ва бошқаларга ҳомийлик қилиш уларни қуриш кенг равишда авж олди.

Албатга, ҳалоллик ва тўғрилиқ ҳамма тадбиркорлар учун қонда бўлгани йўқ. Лекин умумжамият миқёсида тадбиркорликда инсоф ва диёнат тан олинадиган, жамият муаммоларини ечишда ҳамкорлик аломатлари бўлган ишбилармонлик ва тадбиркорликни фойдаси эътироф этила бошланди.

Мусулмон ахлоқида ҳам бу борадаги анъналарнинг тарихи узоққа бориб тақалади Муҳаммад алайҳиссалом савдогарчиликни Аллоҳ севган тўрт касбнинг бири сифатида эътироф этилиши, фойдани Аллоҳ берган ризқ эканлиги, уни мўмин-мусулмонлар, етим-есирлар билан бўлишиш, бир қисмини закот бериш, фитр сифатида улашишни шарқона ахлоқнинг бош мезонларидан бири сифатида эътироф этилган.

Йирик ер эгалари, бойларнинг ариқ қазити, касалхона, кутубхона, ҳамом бозор, карвансарой, мадраса, сардоба, бошқаларни қуриш ва бошқа хизматлари тўғрисида мисоллар жуда кўп. Ҳозирга келиб, бу масала янада долзарб бўлиб, ўзига хос ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Айниқса, экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, атроф муҳит муҳофазасига риоя қилиш, шартномаларда келишилган вазифаларни ўз вақтида бажариш кабиларни масъулияти, аҳамияти янада ортди.

3-§. Иқтисодий хулқ-атвор ва танловни шаклланишида миллий анъана ва қадриятлар

Жамиятни ривожланишида мамлакат аҳолиси, уларини ўзига хос олдига қўйган мақсади, мўлжали хусусиятлари, маънавий мероси, анъаналари ва уларни мураккаб ва чуқур ўзаро боғлиқлиги, миллий

менталитет ва миллий эгоизм асосий рол ўйнайди. Миллий иқтисодий фикр юриштининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, миллий ёндашишда маданий, маънавий қадриятлар, анъаналарга таянишга мерос сифатида қараш кўзда тутилади.

Соғлом, ақл-идрок асосида миллий ёндашиш иқтисодий бақувват миллатни камқувватларга нисбатан босим ўтказишни инкор қилади. Фақат суверен миллий давлатгина миллий иқтисодий тафаккурни шакллантира олишга қодир бўлади. Иқтисодий фикрларни ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, ҳар қандай назария миллий илдиэга эга, яъни у миллий иқтисодиётдаги далиллар асосида яратилади. Миллий иқтисодиётда амал қилаётган муносабатларга, иқтисодий алоқаларга таянади. Бозор қонунлари ҳам умумий социал маънога эга бўлган ҳолда ўзига хос томонлари мавжуд ва миллий имиджга эгаки, мазкур давлат юриштаётган сиёсат орқали улар ҳисобга олинади ва стратегияси белгиланади.

Шарқ халқларининг муҳим хусусиятларидан бири, уни жамоа укладига таяниши. Бизда жуда кўп ишлар маҳалла билан, жамоа билан, қон-қариндошлар, қўни-қўшнилар, дўст-биродарлар ёки шунчаки танишлар билан биргаликда амалга оширилади. Шунинг учун ён-атрофдагиларни фикрига ниҳоятда диққат қаратилади. Кўпчилик ўз манфаатидан келиб чиқиб фикр юритади, лекин шу билан бирга атрофидагилар нима дер экан деб ўйлайди. Иккинчи томондан, унинг қайғуси, шодлигига ён-атрофдагилар қўшилишади, биргаликда баҳам кўришади, ёрдам беришади. Бундай ҳаёт тарзининг қатор ижобий томонлари бор. Масалан, болаларга ота-оналардан ташқари қўни-қўшни, маҳалла кўз кулоқ бўлиб туради.

Халқимизда қадимий урф-одатлар бор, жумладан, инсонни ҳаёт йўлини турли босқичлари билан боғлиқ. Фарзанд кўрган ота терак эккан, ўз касбини ўргатган, қизларга оналари бичиш-тиқиш, овқат пишириш, уй йиғиштириш каби ишларни ўргатган. Ёшлигидан бошлаб ота-она фарзандларини келажagini ўйлаган.

Тўй ҳам бизни маданиятимизни бир қисми ҳисобланади. Ҳар бир киши тўй қилиш, қариндош уруғ, элу юрт олдига дастурхон ёзишни истайди. «Маҳаллада дув-дув гап» бадий фильмида айнан ана шу миллий характер ажойиб тарзда ифодалаб берилган. Ҳаммининг тилига тушган тўй қилган ота-онадан бахтиёрроқ одам йўқ, дунёда. Биз ҳаммамиз тўйга борганмиз. Одатда тўй зиёфати, хурсандчилик жуда кўп оилалар даромадига қарамай ҳам катта зиёфат бериб тўй қилишни орзу қилади. Бу орзу ўзбек халқининг менталитетига хос.

Бозор иқтисодиёти одамлардан янғича иқтисодий тафаккур, ҳаёт-га, моддий неъматларга нисбатан рационал ёндашишни талаб қилади.

Шу жиҳатдан иқтисодиёт ва унинг ривожланишида миллий анъаналар, маросимлар қандай рол ўйнашини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма халқларда кенг тарқалган, оила тошган даромаднинг каттагина қисми сарфланадиган маросимлар бу – тўйлардир.

Тўйларнинг тури кўп: бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи ва ҳоказолар.

Тўйлар бизни мамлакатимизда маҳалла ва оила фаровонлиги билан боғлиқ. Халқимизга бағри кенглик, меҳмондўстлик билан биргалликда бошқалардан кам эмаслик, «шовла кетса кетсин, обрў кетмасин» хислати одамларга қарз олиб бўлса ҳам элдан қолмайдиган даражада тўй қилиш хос.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида социал ва маънавий жиҳатдан уринтириб қўйди. Одамлар олдида миллий анъаналар билан ўз фаровонлигини таъминлаш ўртасида бирини танлаш зарурияти туғилди. Бу асида рационаллик билан миллий анъана, умумқадриятлар билан бозор талаблари ўртасида мувозанат бўлишини ёки зиддият бўлишини ифодалайди.

Умуман олганда, ҳаддан ташқари чираниб тўй қилиш яхшиликка олиб бормади. Албатта, ҳар ким ўз тошган пулини қандай қилиб сарфлаш ўзининг иши. Лекин ўйлаб қарайлик, ҳар бир оила ўзини маълум даражада еб ичишидан бошқа нарсалардан, айтайлик, овқатдан тийиб, йиғиб-терган маблағини бир кунда сарфлаш тўғрими? Буни энг яхши анъанамизни муаммога айлантириш тўғримикин?

Иқтисодчиларимиз ўртасида тўйларга, турли маросим, ўтказиладиган гап-гаштакларга икки хил қараш мавжуд. Бир гуруҳ иқтисодчилар тўйларни ва бошқа маросимларни иложи борица кам чиқим ўтказиб, маблағни кўпроқ инвестицияларга сарфлаш тарафдори бўлишса¹, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар улар ўзига хос трансакцион харажатлар, келгусида оила учун бошқача кўринишдаги наф тарзида қайтиб келади деган фикрдалар² (II боб, 3-§га қаранг).

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра харажатларни асосий қисми оила учун зарур нарсаларни сотиб олишга эмас, балки бошқа мақсадларга сарфланади. Анъаналарга тўхтаганда уларнинг кўпи Ислом дини билан боғлиқлиги ҳақида тўхтаб ўтиш лозим. Бизни ўтказаётган тўй тантаналаримизда ислом қоидаларига риоя қилинадими? деган савол туғилади. Ўзбек халқининг энг ажойиб хислат-фазилатлари

¹ Турдимов Ж и др. Традиции не должны мешать повышать благосостоянию // Экономическое обозрение, 2004, №12, стр. 54-61.

² Жолдасов А. и др. Апология рациональности традиций // Экономическое обозрение, 2004, №12, стр. 61-64.

катталарни хурмат, кичикни иззат қилиш, яқинларига ғамхўрлик қилишдир. Ислом дини иссонларни сабр-тоқатга, Аллоҳ яратган барча неъматларни асраб авайлашга, турли-туман тўй, маърақалар ўтказганда камтаринликка, исрофгарчилик қилмасликка чақиради.

Бир йилда республикамизда 160–170 минг тўй бўлса, туман, қишлоқларда 2–3 марта арзон, лекин умумий сарф-харажатлар жуда катта суммани ташқил этади. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига қараганда, вилоятларда 528 млрд 500 млн сўм, Тошкент шаҳрида 103,5 млрд сўм, Ўзбекистон бўйича 632 млрд сўмдан кўп маблағ сарфланган. Ўзбекистон учун бу жуда катта суммадир.¹ Тўйларда ортиқча дабдаба масаласи жадидларни ҳам ўйлантирган. Таниқли ёзувчимиз А.Қодирий бу ҳақда шунча вақтдан бери бу масала ўзини долзарблигини йўқотгани йўқ, деб айтган. Бу ерда атрофдигаларнинг фикри асосий рол ўйнайди, у умум қабул қилинган норма бўйича ҳаракат қилишга олиб келади. Яъни кўп қатори бошқалар нима қилса, шунини қилиш керак.

Перулик таниқли олим Эрнандо де Сото «Капитал сири» асарида энг камбағал оилаларда ҳам, албатта, маълум миқдорда жамғарилган пул борлиги, ривожланаётган мамлакатларда унинг миқдори чет эллардан олинаётган ёрдамдан бир неча ўн баробар кўплигини кўрсатиб, бу бойликдан фойдаланиш имконини яратилиши мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатишини асослаб беради. Ана шу маблағдан самарали фойдаланиш, уларни инвестицияга айлантиришдир. Албатта, бизни мамлакатимизда ҳам аҳолининг ҳўлида маблағлар бор, лекин унинг асосий қисми тўй қилиш учун йиғилади. Бу шунчалик даражада асосий мақсадлардан бирига айланганки, уни ифодасини энг кўп такрорланадиган «Илоҳо омин, тошганингиз тўйга буюрсин!» деган дуода ҳам кўриш мумкин.

Албатта, тўйга сарфланган пул ҳам миллий иқтисодиётни ривожланишига хизмат қилади. Қатор соҳалар хизмат кўрсатиш, санъатни ривожланишига туртки беради. Лекин бу пуллارни маълум бир мақсадга инвестиция қилиш мумкин. Қатор иқтисодчи олимларимизнинг фикрича шунча маблағлар тўйга эмас, бизнесга инвестиция қилинганда эди, ундан кўра кўпроқ фойда берарди.

Бизда пулни капитал сифатида жамғаришга ўрганилмаган. Бу энг аввало тажриба йўқлиги ҳамда молия бозорини ривожланмаганлигидан келиб чиқади. Молия бозорида аҳоли маблағини сақлаш ва кўпайтиришнинг турли усулларини таклиф этилади. Лекин бунга

¹ Турдимов Ж и др. Традиции не должны мешать повышать благосостоянию // Экономическое обозрение, 2004, №12, стр. 55.

бизнинг анъаналаримиз ҳам таъсир кўрсатадики, пулни жамғаришни имконини камайтиради.

Ҳаётнинг анъанавий уклад тарзи ишлаб топишган пулнинг қатга қисмини қон-қариндошлик муносабатлари, турли тadbирлар тўй, маърака ва ҳоказоларга сарфлашга йўналтирилади. Тадқиқотчиларнинг сўровнома асосида ўтказган ҳисоб-китобларига кўра турли-туман тантаналар, тўйлар, тadbирларга уй хўжалигида топишган даромаднинг 19,1%, яъни 1/5 қисми кетар экан, ундан кўпроқ фақат озиқ-овқатга 33,6% ташкил этади.¹ Масалан, энг кам меҳмон бўлса никоҳ тўйида 200 та бўлади. Энг қизиғи олинган даромадлардан қатъи назар дастурхон тўкин бўлиши лозим. Ундан ташқари тўйга бориладиган бўлса, албатта, совға-салом кўтариб бориш керак. Одамларни кўз ўнгигада имиджи дастурхон тўкинлиги ва тўйга келган меҳмонлар сонига қарар экан, албатта, ҳар бир киши ўзи ҳақида тўлқинланиб мақтаб гапиришларини истади ва шунга ҳаракат қилади

Гап ота-оналарни фарзандларига яхши тўй қилиб беришларида эмас, балки тўй қилиш ҳаёт мазмунига айланганида. Бу анъана келажакда авлодлар ҳам давом эттирадилар. Қиз болага ёшлигидан уй жиҳозлари йиғилади, қариндош-уруғлар ҳам қараб туришмайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда харажатларни иқтисод қилиш, кам харажат қилишга интилиш турмуш тарзига айланган. У ерда одамлар ҳар нарсани иқтисод қилишга ҳаракат қилишади. Улар фикрича у ёки бу нарсани олиш имкони йўқлигидан эмас, балки ортиқча сарф харажат қийинчиликка олиб келиши мумкинлигини билишади. Ҳар бир киши фақат ўзига ишонади, агар яшаш учун маблағ манбандан маҳрум бўлса, ёрдам берадиган фақат ўзи. Бир қараганда бу шафқатсизлик, лекин у инсоннинг ўзини ҳаракат қилишга, иқтисодий фикрлашга, тўғри қарор қабул қилишни ўрганишга мажбур қилади.

Бизда кўни-кўшни, қариндош-уруғ, маҳалла ҳеч қачон одамни қийин пайтида ёлғизлатиб қўймадилар. Бу ўзбек халқининг энг яхши хислатларидан бири ҳисобланади. Лекин бозор иқтисодиёти ҳар бир инсонни энг аввало, ўзига суянишни ўргатишни зарур қилиб қўяди. Лекин ҳамма айбни исрофгарчиликларни фақат анъанага юклаш ҳам нотўғри, энг асосий жавобгарлик ўз зиммаюзда. Ҳеч ким бизни 400 та эмас, 100 та меҳмон чақирсак жазоламайди. Тўйгача, тўйдан кейинги қатор одатларни камайтириш зарур.

¹ Турдимов Ж и др. А сколько стоит устроить свадьбу? // Экономическое обозрение, 2004, №12, стр. 60.

Давлатимиз ҳам бу масалага алоҳида диққат қаратади, жумладан, Президентнинг махсус фармонида асосан юртимизда тўйлар, турли маросимлар ўтказиш, мусулмонларнинг диний байрамларига, маҳалла фондига катта аҳамият берилмоқда. Миллий анъаналарга ўз фаровонлиги равнақи нуқтаи назардан қараш керак. Албатта, нима қилишни ҳар бир одамнинг ўзи тавлайди, лекин уларни нимани тавлашларига ёрдам бериш керак.

Тўйлар, турли урф-одатлар асосида тантаналар ўтказишга нима сабабдан тўй қилаяпсан ёки тантана, маросим ўтказаяпсан? деб савол берилмайди. Тўй бу байрам. Тўй қилаётган, мен тўй қилиб қариндош уруғларни, қўни-қўшниларни, таниш-билишларни чақираман. Уларни хурсанд бўлиши учун байрам қилиб бераман. Уларнинг тўйида қатнашиш биз учун ҳам байрам, дейди. Кўпчилик, агар мен яхши тўй қилсам, у ҳолда одамлар мени камбағал эмаслигимни билишади, қизларини мени ўғлимга турмушга бериб хавотир олишмайди. Қизларимни турмушга бериш осонлашади. Сабаби, уларга агар зарур бўлса, ёрдам беришимга ишонадилар, деган фикр юритишади. Тўй ўзига хос реклама. Тўй одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ўзига керакли одамлар билан танишиш мумкин ва ҳоказо.

Иқтисодий муносабатлардан ташқари инсоний муносабатлар ҳам борки, улар одамларни бутун бойлигини ифодалаб беролмайди. Инсонларнинг молия капиталидан ташқари ҳозирги замон ибораси билан айтганда «социал капиталга» ҳам эҳтиёжи катта. Одамлар бири-бириникига бориши-келиши, бир-бирлари билан кўришишлари, улар учун пулга қараганда ҳам қадрлироқ одамгарчилик, бир-биридан маънавий озуқа олиш ва бошқаларда ифодаланади. Бунда маълум бир гуруҳ инсонлар социал алоқа билан боғланган. Улар доимо бошқаларга ёрдам берадилар ва улардан ўзлари ҳам зарур бўлганда ёрдам кутадилар. Тўй, тантана ва бошқа маросимлар ҳақидаги одамларнинг фикрини жамлаб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. Тўй бу байрам ҳамда уни бекорга ўтказилмайди. Шу билан бирга турли гап-гаштак, тантана, тўйларга трансакцион харажатлар сифатида қараш мумкин деган фикрда ҳам жон бор.

Маълумки, А. Смит меҳнат тақсимотини тўлиқ амалга оширишда битта тўсиқ борлиги, у ҳам бўлса, талабнинг чекланганли эканлигини кўрсатиб берган. Р. Қоуз ва унинг шоғирдлари, тарафдорлари яна битта тўсиқни аниқладилар. Бу битимларни тузиш ва амалга оширишдаги харажатларнинг кўплигидир. Бундай харажатларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- ахборотларни излаш ва шартнома тузиш харажатлари;
- шартномани бажариш билан боғлиқ харажатлар;

- мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш харажатлари;
- рўйхатдан ўтиш ва иш юритиш харажатлари.

Даромад топишни жуда кўп йўллари бор, лекин жамият учун энг самаралиси битта – ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, сифатни яхшилаш ва маҳсулот турларини кўпайтиришга хизмат қиладигани.

Худди шундай тарзда қўйилган мақсадга эришиш учун ҳар бир киши, оила ўзи сарфлайдиган трансакцион харажатларни ҳисоблайди. Турли тантана, тўй, маросимлар, гап-гаштаклар ўтказиш орқали инсонлар ўртасидаги алоқалар, улар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. «Меҳр – кўзда» дейди доно халқимиз. Лекин шу билан бирга бу номоддий капитал зарур пайтида моддийлашиш имконига эга. Масалан, қуйидаги нарсалар ва хизматларга айланиши мумкин:

- маълум бир муддатта ишлатиб туришга олинган нарса, ижарага олинса анчагина маблағ сарфлашга тўғри келади;
- қўшнидан, қариндошдан олинган қарз, агар банкда расмийлаштирилса анча қимматга тушиши мумкин;
- қўни-қўшни, қариндош-уруғ, таниш-билишнинг зарур бўлганда пул олмай хизмат кўрсатиши;
- ишга жойлашиш, ишда карьера қилиш ва ўсиш ва бошқалар.

Одамларнинг ўзи бу рўйхатни давом эттириши мумкин. Ундан ташқари социал капитал, социал суғурта, кредит уюшмалари ролини ўйнайди.

Шундай қилиб, миллий удумлар, одатларга турли қарашларни ҳисобга олган ҳолда ёндашсак, ҳаммасини меъёрида бўлгани яхши. Ўқувчи-талабаларни уларга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ёндашган ҳолда қарор қабул қилишга ўргатиш зарур.

Хулоса

Халқ донишмандлиги ва одобномасининг нодир саҳифаси бўлган ўзбек халқ педагогикаси халқимизнинг асрлар давомида тўплаган бой тажрибаларини ижтимоий-асосий, ахлоқий, фалсафий, фалсафий-маърифий, эстетик, маънавий, иқтисодий, жисмоний етуклик борасидаги қарашларини, хулосаларини лўнда, донишмандларча ифодалайди. Халқ педагогикасининг ўзига хослиги шундаки, унда ўтмишни унутмаслик, бугуннинг қадрига егиш, эртанги кунга умид асосида тарбия олиб борилади, айни чоғда тарбиянинг ниҳоятда нозик, мураккаб эканлигига диққат қаратилади.

Инсон у туғилган халқнинг маданият, удумлари, она тили, диний қарашлари ва бошқалар таркиб топган муҳитда ўсиб вояга етади,

камол топади, дунёқараши шаклланади. Инсоннинг иқтисодий фаолиятида фақат иқтисодий омилларгина эмас, маънавий омиллар ҳам етакчи ўрин тутади.

Иқтисодиёт ва маънавият ўртасидаги алоқадорлик серқирра ва мураккаб бўлиб, иқтисодиёт маънавият ривожини учун моддий шарт-шароит яратади. Маънавий ва иқтисодий муносабатлар ўртасида оқилона мувозанатни, энг маъқул йўлини топиш борасида Фарб илм-фанида бир-бирига зид бўлган икки хил қараш мавжуд бўлиб, биринчиси марксистик нуқтаи назар, иккинчиси-атоқли немис мутафаккири Макс Вебер исботлаб берган ва машҳур француз социологи Э.Дюркгейм ривожлантирган таълимотдир.

Макс Вебер жамият ҳаётида, жумладан, меҳнатга муносабат жараёнида маънавиятнинг ўрни беқиёс экани протестантлик ахлоқининг замонавий шакли Фарбий Европага хос тараққиётнинг вужудга келиши ва ривожини асосида тушунтириб, Фарбда капитализмни вужудга келишида протестантлик оқимини роли катталигини асослаб беради.

Протестантлик халқнинг ижтимоий аҳволини меҳнат орқали ўзгартиришга монелик қилмади, аксинча, бундай иродани рағбатлантирди. Бошқа динлар ва оқимлар ҳукмрон ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартиришга журъат этолмади, нари борса, инсонни уларни такомиллаштиришга ундади, холос.

Иқтисодий фикрларни ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, ҳар қандай назария миллий илдиизга эга, яъни у миллий иқтисодиётдаги далиллар асосида яратилади. Миллий иқтисодиётда амал қилаётган муносабатларга, иқтисодий алоқаларга таянади. Шу жиҳатдан иқтисодиёт ва унинг ривожланишида миллий анъаналар, маросимлар қандай рол ўйнашини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамма халқларда кенг тарқалган, оила тошган даромаднинг каттагина қисми сарфланадиган маросимлар бу – тўйлардир.

Бир гуруҳ иқтисодчилар тўйларни ва бошқа маросимларни иложи борича кам чиқим ўтқазиб, маблағни кўпроқ инвестицияларга сарфлаш тарафдори бўлишса, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар улар ўзига хос трансакцион харажатлар, келгусида оила учун бошқача кўринишдаги наф тарзида қайтиб келади деган фикр билдирадилар. Улар келтирган далиллар ҳар нарсани меъёрда бўлгани яхшилигини ёшлар онгига сингдиришга ёрдам беради.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Этнопедагогика, мақол, топишмоқ, маънавий омиллар, диний қарашлар, дуализм, протестантлик, ислом дини, нақшбандийлик, истеъмол маданияти, тўй, трансакцион харажатлар.

Тақрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Этнопедагогика иқтисодий таълим-тарбияда қандай ўрин тутади, деб ўйлайсиз?
2. Халқ педагогикасининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
3. Социолог Уильям Самнер нимани этноцентризм деб атаган?
4. Халқнинг таълим-тарбия борасидаги тажрибалари, қарашлари нималарда ифодаланади?
5. Иқтисодий фикрлашни шакллантиришда диний қарашлар қандай рол ўйнайди?
6. Макс Вебер назарияси мазмунини айтиб бераоласизми? Сизнингча у ҳақми?
7. Нақшбандийлик нима сабабдан асосан ғоявий-мафкуравий даражада қолган, амалий эътиқодга айланмаган?
8. Иқтисодий хулқ-атвор ва тавловни шаклланишида миллий анъана ва қадриятлар қандай рол ўйнайди деб ўйлайсиз?
9. Тўйларга, турли маросим, ўтказиладиган гап-гаштакларга сиз қандай қарайсиз? Иқтисодчилар томонидан билдирилган қайси фикрларга қўшиласиз?
10. Гап-гаштак, тўй ва бошқа тантаналарни ўзига хос трансакцион харажатлар дейилишига қандай қарайсиз?
11. Биз гул экамиз, уни совға қиламиз, биламизки, у 3–4 кун ўтгач сўлийтиди, ташлаб юборамиз. Уни ўрнига картошками, пиёзми, ... хуллас бошқа фойдалироқ экин эксак бўлмайми?

VII боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бозор иқтисодиёти унга хос фикрлаш тарзи шаклланишини талаб қилар экан, бу иқтисодий таълимни ҳам мувофиқ равишда ислоҳ қилишни, айниқса, аҳолини иқтисодий саводхонлигини оширишни талаб қилади. Навбатдаги бобда ана шу масалаларни ўрганамиз.

1-§. Иқтисодий таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва узвийлиги

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамиятда мустақил фикрловчи, эркин, комил шахснинг шаклланишини таъминловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир.

Унинг туб моҳияти мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, эски таълим тизимидан мерос қолган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, бозор рақобатларига бардош берадиган кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларини моддий базасини кучайтириш, педагоглар малакасини тубдан ошириш тизимини барпо этиш, ишлаб чиқариш, фан, давлат, жамоат ташкилотлари ўртасидаги боғлиқликнинг янги тизимини яратиш, чет эл таълим тизимининг илғор ютуқларини, замонавий педагогик технологияларни жорий қилишдан иборат. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш таълим тизимини узлуксизлиги кадрлар тайёрлаш миллий моделининг мазмунини ифодалайди.

Таълимни узлуксизлиги фарзандни тутилишидан бошлаб, вояга етиб, умрини охиригача таълим-тарбия олишини ифодалайди.

Таълим узлуксизлиги халқимизнинг «Бешиқдан то қабргача илм изла» нақлига амал қилади. Тивмай ўқиш, изланиш зарурлигини барча халқлар эътироф этишади. Чунончи, рус халқининг «Век живи, век учись, яъни қанча яшасанг, шунча ўқи, ўрган» мақолинининг маъноси ҳам унга ҳамоҳанг.

Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади: мактабгача таълим; бошланғич таълим; умум ўрта таълим; махсус ўрта таълим; касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги

таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим шахснинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш маънавий бой юқори малакали рақобатбардош кадрлар учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат: таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви; таълимнинг инсоншарварлиги; таълимнинг ижтимоийлашуви; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги; таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва улар билан ишлаш.

Таълимда узвийликка эришишдан мақсад малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун асоси эса таълимнинг барча турларини давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими моделини ва унинг фаолият кўрсатиш механизмини камраб олади.

Таълимда узвийлик деганда, бир таълим тури фанлари дастурларининг кейинги таълим турига ўтганда муганосиб равишда ўзгартириб, соддадан мураккабга қараб тўлдириб борилиши тушунилади.

Қайси фанларни таълим турларининг қайси босқичида ўқитилиши ҳам муҳим ва уларни тартибга солиш натижасида узвийлик яратилади. Узвийлик таълим сифатига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Фанлардаги мавзуларнинг тўғридан-тўғри қайтирилиши ҳам, мантиқий узилишлар бўлиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Фанлар ўрта-сидаги узвийлик, айниқса алоҳида аҳамият касб этади.

Олий ўқув юргларида узвийликни таъминлаш мақсадида ўқув режалар тўртта блокка ажратиб тузилган. Ҳар бир блокдаги фанларнинг узвийлиги ҳам ҳисобга олинган. Фанларнинг дастурларини тузишда фанлараро узвийликка эришишга аҳамият берилади. Фанлараро тўла узвийликка эришиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг учун фанлараро алоқаларни кучайтириб бориш ва ўқув методик ишларни такомиллаштириш зарур.

Биз бу ерда таълим ва билим тушунчаларига диққат қаратиб, уларни фарқларини ажрата билишимиз зарур. Чунки таълим ва билим сўзларини кўп ишлатамиз, бу иқтисодий педагогикага ҳам тааллуқли.

Таълим узоқ давом этадиган, барча учун бир хил давом этадиган жараён. Таълимдаги сифатга уни беришда иштирок этадиган кишиларнинг фазилатлари катта таъсир кўрсатади. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Ўқувчи, талаба таълим жараёнида билимга эга бўлади.

Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим: 1) мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид маълумотлар мажмуидир; 2) ўқимишлилик

даражаси, маълумот, эрудицияни ифодалайди¹. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Билим объектив борликдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳада ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Билим индивидуалликка эга. Таълим, дарс берадган, таълимни амалга оширадиганлар савияси турлича бўлиши мумкин, лекин ўқувчи, талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқувчи-талаба таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, кузатади, мушоҳада қилади, тасаввурга эга бўлади, эшитганлари, кўрганларини синтез қилади. Натижада, билимга эга бўлади. Уларнинг иқтидори, фазилатлари турлича бўлар экан, уларда ҳосил бўладиган билим ҳам бир хил бўлади, сифати ҳам.

Таълим билан билимни бир тарозининг икки палласига қўйиб ўлчаш мумкин эмас. Чунки улар икки жараён, икки ҳодисадир. Юқорида айтганимиздек таълимда умумийлик ҳукмрон бўлса, билимда индивидуаллик устуңлик қилади.

Таълимни амалга оширишда уни жорий қилиш базаси, имконияти, шароити, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар катта роль ўйнайди. Ўқувчи, талабаларнинг билим олиши ва унинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун таълимнинг ана шу тамонларига катта эътибор берилади.

Иқтисодий таълим ва тарбиянинг ривожланишини вақт билан босқичлар билан чегаралаб бўлмаслиги унинг узлуксизлигидир.

Узлуксизликни таъминловчи иқтисодиётга йўналтирилган таълим-тарбия тизимидаги марказий сиймо – бу жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг иқтисод фанини, илмини ўрганиб, олган билимини амалда қўллаб, камолга интилиши ижодкорликни таъминловчи омилдир.

Бошланғич иқтисодий билим беришдан тортиб, то иқтисодий маданиятлик даражасигача бўлган жараён ҳар бир шахсни ҳаётий эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Узлуксиз иқтисодий таълимни амалга оширишнинг мақсади иқтисодий таълим беришнинг барча бўғинлари ва босқичларида, айниқса, иқтисодчи ва педагоглар тайёрлашда ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабларини тушуна оладиган хўжалик юритувчи мутахассис сифатида малака ва кўникмага эга бўлган малакали иқтисодчилар тайёрлаш уларни касб узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳисобланади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти, 1981, бет.

Узлуксиз иқтисодий таълимнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг асосий бўғинлари (микро, мезо, макро, мега даражада), миллий иқтисодиёт тармоқлари, иқтисодий хавфсизлик тизими, хизмат кўрсатиш соҳаларида содир бўладиган ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларини илғай оладиган, иқтисодиётни ривожланишини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини билимдонни бўлган мутахассислар ҳамда нафақат ана шу хислатларга, балки иқтисодий таълим тизимини самарали ташкил этувчи иқтисодчи педагоглар тайёрлашдир.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб узлуксиз иқтисодий таълимни амалга оширишни устувор йўналишлари белгиланди.

Иқтисодий таълим-тарбия узлуксизлиги оиладан бошланади. Дастлабки, иқтисодий тарбия оилада ота-она томонидан берилса, кейинчалик мактабгача тарбия муассасаларида, сўнгра мактабга берилади. Мактабда турли фанларни ўқиш жараёнида ҳам иқтисодий билимларга эга бўладилар. Айниқса, меҳнат дарсларида меҳнат билан маҳсулот яратилишини, унинг учун маълум миқдорда ресурслар сарфлаш лозимлигини ўрганишса, жамиятшунослик дарсларида халқ фаровонлигини ошириш учун қандай иқтисодий вазифаларни амалга ошириш лозимлигини ўрганишади.

Ҳозирги кунда умумий таълим мактабларининг 8–9-синфларида «Иқтисодий билим асослари» фанини ўрганиш жараёнида мамлакатимизда моддий ва маънавий жиҳатдан эришиш учун зарур бўлган иқтисодий қонувлар амал қилиши ҳақидаги дастлабки билимларга эга бўладилар.

Кейинчалик академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида уларнинг иқтисодий билимлари янада кенгайди, мустаҳкамланади ҳамда бево-сита меҳнат жараёнида мустаҳкамланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели» сарлавҳали бобида истиқболда ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш режасида «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар-томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституция-вий ҳуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади» деб кўрсатилади.

2-§. Иқтисодий билим ва иқтисодий саводхонлик

Хар қандай жамиятда таълим асосий ўрин тутати. Таълим ҳозирги кунда одамлар, мамлакатнинг маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий ва бошқа жиҳатлардан ривожланишининг асосий компоненти, унсури ҳисобланади. Жуда кўп мамлакатларда таълимни ривожлантириш мамлакатнинг энг муҳим, зарур устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралади.

Давлатнинг таълим сиёсатидаги бош масала малакали ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш, мутахассислар тайёрлашни меҳнат бозори талабларига мослаштиришдир.

Таълимни социал жиҳатдан аҳамияти кўп жиҳатдан иқтисодий жиҳатдан тайёргарлиги билан аниқланади. Булажак мутахассислар иқтисодий масалаларни тушуниши, иқтисодиётдаги турли тенденцияларни аниқлай билиши, амалий фаолиятга тайёр бўлиш лозим.

Иқтисодий таълим стратегияси давлатнинг стратегик мақсадларига бўйсунган ҳолда келиб чиқади. Фаннинг вазифаси – иқтисодни турли хиллигини ҳисобга олган ҳолда объектив қонуниятларини ўрганиш, очиб беришдир.

Таълим тизими ривожланишнинг стратегияси доирасида ривожланиш таълим жараёнининг ўзини, мазмунини ислоҳ қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълимни ислоҳ қилиш фаол, мустақил фикрловчи, юқори малакали, маънавий баркамол кадрларни тайёрлашни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иқтисодий таълимга қуйидаги талаблар қўйилади:

- сифатлилик, яъни ёшлар талаб килинган даражада билим, малакага эга бўлиши;
- барча ёшлар иқтисодий билимларни ўрганиши;
- самарали бўлиш, яъни таълим-тарбияга сарфланган харажатлар албатта максимал самара бериши керак.

✓Иқтисодий билим бир бутун ҳолда – бу реал дунёда иқтисодий ҳодисаларни инсон тамонидан ўрганиш натижасидир.

Илмий билишнинг биринчи босқичида иқтисодий фикрларнинг шаклланиши, уни ривожланишида энг йирик илмий мактабларнинг тутган ўрни ўрганилади. Бирон бир мактаб берилган саволга, масалага аниқ жавоб бермайди, лекин уларни интеграцияси энг асосийси фикрлашга, таҳлил қилишга ўргатади.

Иқтисодий назарияларни ўрганиш жараёнида жамиятни турли соҳалари билан, сиёсий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан ривожланиши

билан боғлиқлигини кўрсатиб беради. Иқтисодий фанни асосий вази-фаси ҳар бир аниқ ҳодисани назарий жиҳатдан тушунтириб бериш уни сабаб-оқибат механизмини ажратишдан иборат.

Ҳозирги иқтисодий фанларнинг ажралиб турувчи хусусияти иқтисодий фаолиятни, уни учта асосий йўналишларини ажратган ҳолда ўрганишидир: турли иқтисодий муносабатлар, алоқалар жараёнида инсоннинг ўзини тутиши, саъй-ҳаракати, танловига эътибор қаратувчи йўналиш, институционал йўналиш ва ишлаб чиқариш.

Биринчисида иқтисодий субъектларни фаолиятига диққат қаратилади. Бу турли туман хўжалик фаолиятининг мураккаб ҳодисалар мажмуини ифода қилиб, уларни 4-босқич: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмолга бўлади. Иқтисодий фаолият юритиш учун ресурслар ва маблағлар зарур. Чекланган ресурслар шароитида танлов муаммоси, ресурсларни самарали ишлатишга эътибор қаратилади.

Институционал йўналишда иқтисодий фаолият мавжуд норма ва қоидалар асосида олиб борилишига диққат қаратилади. Институтлар, иқтисодий муносабатлар ва мувофиқ равишдаги муассасаларни ўз ичига олади.

Учинчи йўналишда ишлаб чиқариш натижаси, иқтисодий ҳодисалар моддий натижаси – ижтимоий маҳсулот ва унинг таркиби динамикасига эътибор берилди.

Иқтисодиётга рақобатбардош интеграцион жараён тарзида қарасак, уни уч йўналиш ёки босқичга бўлиш мумкин: «Иқтисодиётда ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати» нуктаи назардан рақобатдаги устунлик харажатларга кўра аниқланади.

«Инвестициялар ҳаракатга келтирувчи» иқтисодиётда рақобатдаги устунлик ишлаб чиқаришнинг техник самарасига асосланади.

«Инновациялар ҳаракатга келтирувчи» иқтисодиётда, истеъмолчилар учун янги, қадрлироқ бошқалардан ажратиб турувчи товарлар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчилар нисбатан юқори нархда сотиб олишга тайёрликларига асосланади.

Тараққиёт ресурс сифими юқори товарларга қараганда «фан сифими» юқори товарларга талаб ортиб бориши туфайли таълимнинг иқтисодий жиҳатдан қадрини янада ортишига олиб келади. Бу таълимни етакчи омил, мамлакатни ривожланиши, куч-қудрати ва потенциалини аниқловчи омилга айлантиради.

Иқтисодий педагогиканинг бу жараёнда роли иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади билан ҳамбарчас боғланиб кетади. Унинг хизмати шундаки, у ҳар қандай даражадаги масалани ечиш учун назарий концепция ва аниқ таклифлар танлашни жамиятнинг тараққиёт даражасига қараш лозимлиги, бунинг учун эса инсонда етарли даражада иқтисодий тафаккур шаклланган бўлиши зарурлигини ўргатади.

Инсонда иқтисодий тафаккур бирданига шаклланмайди. Унинг иқтисодий баркамолликка эришишини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. **Инсоннинг ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний омили** бошқача айтганда потенциал меҳнат омили сифатида шаклланиши. Бу босқичда инсон капиталига инвестиция ўсиб-улғайишга, камол топишга қаратилади.

Болани ўстириб, улғайтириш, бирон касбни эгаллаши натижасида меҳнат омили сифатида шаклланади. Бу босқичда тарбия оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлирида амалга оширилади.

Меҳнатга лаёқатли ёшга етгани ва касбий таълим олгани иқтисодий фаолият юритишга тайёрланади.

2. **Реал меҳнат омили сифатидаги инсон.** Бу босқичда киши иқтисодий камолотнинг дастлабки босқичида йиғилган билим, малака, кўникмалари асосида зарур неъматлар яратади. Унинг малакавий тайёргарлиги қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча ошади. Ундан вақти-вақти билан малакасини ошириш талаб килинади.

3. **Тадбиркор сифатидаги инсон.** Бу босқичда кишининг иқтисодий фаолияти янги сифат даражасига ўтади. У базис таълим ва тарбия натижасида ўзининг ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, таваккалчилик ва тижоратчилик фазилатларини ривожлантирилиши туфайли ишлаб чиқаришнинг меҳнат омилида тадбиркорлик қобилияти шаклланади. У нафақат ўз иш кучи, меҳнати, балки мулкани ҳам рационал ишлатишни билади. Хусусий мулк эгаси сифатида яқка тартибда, ҳуқуқий шахс сифатида ўз бизнесини юритади, иқтисодий камол топган кишилар тоифасига киради.

4. **Менежер сифатидаги инсон.** У иқтисодий жиҳатдан юқори малака ва тадбиркорлик қобилиятига эга. Корпоратив мулк эгалари мулкдан ва меҳнат омилидан унумли фойдаланиш мақсадида бошқарувчилик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган кишиларни танлайди. У қуйи, ўрта ва юқори поғонадаги менежерлик фазилатига эга бўлган кишилар. Улар иш ҳақи ҳамда акциядорлик жамияти олган фойдадан улуш оладилар. Иқтисодий баркамолликка эришилиши икки йул билан амалга ошади: бизнес билан шуғулланиш ва менежер бўлиб ишлаш.

Фарбда тараққиёт асосларида маънавий жиҳатлар етарли бўлмаганлиги, кишилар ҳаётида маънавий баркамолликдан кўра моддий манфаатлар устунлиги юқори туришига олиб келди. Шарқда эса қадимдан ҳар қандай тараққиёт юксак маънавият, баркамол ахлоқ тамойилларига асосланганини лозим деган ғоялар етакчи бўлиб келган.

Биз учун чуқур иқтисодий билимларни шарқона қарашлар, яъни маънавий қадриятлар билан уйғунлаштириб бориш, таълимнинг муҳим

шарги бўлиши лозим. Чунки комил инсонни фақат чуқур билимлар бериш билан тарбиялаб бўлмайди.

Инсоннинг буюк кашфиётларидан бири пул. Уни кашф этилиши тараққиётда гилдиракни кашф этилиши билан тенглаштирилади. Лекин ҳозирги пайтда ҳамма нарсани инсон ҳаётида пул ҳал қилади деган тушунча устулик қилиб бормокда. Албатта, буни сабаблари мавжуд.

Халқда ҳалол пул, ҳаром пул деган иборалар бор. Пул маънавият нуқтани назаридан бетараф. Унинг ҳалол ёки ҳаромлиги кишиларга уларнинг маънавиятига боғлиқ. Ёшлар онгига ҳамма нарса ҳам пулга сотилавермаслиги, адолат, ғурур, шарқона мурувват қабилар борлиги, қолаверса ҳалол меҳнат билан топилган пул инсонни камолотга етаклашини сингдириш лозим.

Иқтисодиёт бирламчи бўлиб келган, чунки инсон иқтисодий фаолиятсиз яшай олмайди. Биров бировнинг ҳисобига фойда кўриши, яхши яшаш фалсафаси иқтисодий билимлар табиатига ҳам зид. Иқтисод маънавиятга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо маънавиятсизлик инсонни охир оқибат хор қилади.

Иқтисод сиёсатдан ҳам мафкурадан ҳам устувор, бирламчи. Лекин тараққиётнинг ҳозирги даражаси, инсон маънавиятининг ҳозирги ҳолатида ёшларга чуқур иқтисодий билим билан бирга етук маънавий тарбия бериш зарур.

Иқтисодий саводхонлик инсонни иқтисодий фаолият субъекти сифатида қаралган ҳолда уларни келажақда эҳтиёжларини қондириш учун самарали танловни ўрганиш, бунинг учун эса иқтисодий фаолият тузилиши, унда ўзининг ўрнини ҳис этиши, замонавий иқтисодий хулқ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятли бўлиш, ресурсларга тежамкорлик муносабатларини тарбиялашдан иборат.

Иқтисодий таълим берувчи ўқитувчилар эса қўйидаги мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилишлари лозим:

* Миллий мустақиллик халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўрганиш, иқтисодиёт илми ривожига улкан ҳисса қўшган олимларнинг илмий меросидан кенгрок равишда талабаларни хабардор қилиш, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш.

* Замонавий тадбиркорлик сирларини сингдириш, жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларни иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, ҳаётий вазиятлардан энг кам йўқотишлар билан чиқиб кетиш.

Шунинг учун ҳам асосий диққат умумий иқтисодий саводхонликни оширишга қаратилади. Буни амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодчи педагоглар ҳаракати, маҳоратига боғлиқ.

3-§. Иқтисодий саводхонликни оширишнинг асосий йўллари

Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий таълим тарбиянинг барчага баробар тааллуқли ва узлуксиз бўлишини талаб этади.

Турли соҳа мутахассисларини касбий фаолиятида саводхонлик, жумладан, иқтисодий саводхонлик катта аҳамиятга эга. Инсоннинг иқтисодий саводхонлиги унинг умумий саводхонлигининг таркибий қисми ҳисобланади.

Иқтисодий саводхонлик деганда инсоннинг иқтисодий жиҳатдан воқеа ҳодисаларни таҳлил қилиш, унга баҳо бериш ва қарор қабул қилиш, шахсни ўз турмуш тарзини эркин танлаши, танлов оқибатини кўз ўнгига келтира олиши тушунилади.

Инсоннинг дунёқараши ва иқтисодий саводхонлиги бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади. Иқтисодий саводхонлик инсоннинг дунёқарашини шаклланиши ва ривожланишига, аксинча, қарор топган мустақил дунёқараш иқтисодий саводхонликнинг шаклланишига хизмат қилади.

Жамият аъзоларининг иқтисодий саводхонлиги икки: объектив ва субъектив жиҳатларга боғлиқ. Объектив, яъни шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган, балки жамиятда таркиб топган ижтимоий муносабатлар ва институтларга боғлиқ бўлган:

- мамлакатдаги мавжуд таркиб топган иқтисодий муносабатлар;
- бошқарув муносабатларида демократик тамойилларга асосланиш;
- иқтисодга оид ахборотларни олиш имконияти ва эркинлиги;
- жамият тамонидан иқтисодий таълим ва тарбия бирлигини таъминлаш ва уларга табақалашган ёндашув;
- жамият тамонидан иқтисодий саводхонликни иқтисодий-ижтимоий ютуқлар гарови ва шахс манфатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида баҳолаш.

Субъектив ҳар бир шахснинг ўзига, жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ бўлган:

- * иқтисодиётдаги объектив иқтисодий қонунларни билиб олиш ва уларга амал қилиш;
- * қабул қилинган қонунларга амал қилиш;
- * қонуний ва иқтисодий меъёрларни билиш;
- * инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги натижасини англаш;

* ижтимоий-иқтисодий фаоллик кўрсатиши ва бошқалар билан белгиланади.

Иқтисодий таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, диалектик характерга эга.

Ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини шакллантириш учун иқтисодий таълим ва тарбия узвийлигида қуйидагиларни изчил тарзда амалга ошириш лозим:

- иқтисодий билимларни эгаллашга эҳтиёж уйғотиш;
- иқтисодий тафаккурни мунтазам ривожлантириш;
- харажатлар, даромадлар, иқтисодий алоқалар, оила, муассаса, туман, вилоят, давлат бюджети, унинг манбалари ва бошқа иқтисодий категорияларни чуқур ўрганишга йўналтириш;
- иқтисодий таълим ва тарбия беришда педагогика, психология, иқтисодиёт назарияси, фалсафа фанларига таяниш.

Бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий саводхонлигини таъминлаш учун иқтисодий таълим тарбияни узлуксиз равишда ташкил этиш шароитини таъминлаш энг муҳими, бу борада олиб борилаётган илмий-педагогик тадқиқотлар натижасини ўқув жараёнига амалий татбиқ этиш зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар хўжалик юриштирнинг бозор усулларига ўтилиши, иқтисодиётда нодавлат сектор, тармоқларнинг ривожланиши, мамлакатимизни жаҳон иқтисодий тизмига интеграцияси ҳар бир шахсдан ҳар қандай муоммага, масалага уни ечиш учун иқтисодий нуқтаи назардан ёндашишни ҳам талаб қилади.

Инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир қадами танлов билан боғлиқ, танлаш эса харажат талаб қилади. Шундай экан, оптимал, самарали танловни амалга ошириш учун ёшларни иқтисодий саводхонлигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисод нафақат назарий, балки кўпроқ амалий фандир. У бевосита амалиётга таянади, аниқ маълумот, рақамлар ҳисоб-китоблардан фойдаланади. Шунинг учун иқтисодий билимларни ўрганиш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий ҳақиқатларни намоён этиш аниқ иқтисодий жараёнлар асосида амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти жуда мураккаб, ноаниклик унинг доимий йўлдоши. Шунинг учун мунтазам изланиш, ўрганиш, таҳлил қилишни тақоза этади. Инсон бирданига иқтисодий фикрловчи, ишбилармон ёки тадбиркор бўлиб қолмайди. Инсон фаровон ҳаёт кечириш учун жамият томонидан тан олинган меҳнатни бажариши, чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни, топган даромадини рационал сарфлашни билиши керак.

Ёшларда бозор иқтисодиётига хос билим кўникмаларни шакллантириш сўзсиз иқтисодий таълим ва тарбия орқали таъминланади. Шунинг учун мамлакатимиз келажаги тақдири учун масъул бўлган ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, иқтисодий тафаккурини ўстириш педагогикадаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун ёшларга иқтисодий таълим-тарбия бериш билан боғлиқ қатор педагогик вазибалар ҳал этилиши лозим:

- * ёшларда реал иқтисодий ҳаёт ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- * иқтисодий билим олишнинг замонавий методларидан самарали фойдаланиш;
- * иқтисодий билим беришда ўқув амалиётини кучайтириш;
- * ўқувчи талабаларни иқтисодий саводхонлик тушунчаси, унинг иқтисодий педагогик аҳамияти билан таништириш;
- * бўлажак мутахассисларни мустақил иқтисодий таълим олиш ва мушоҳада юритиш усуллари билан қуроллантириш;
- * реал ҳаётдаги ҳодисаларни кузатиш, уларнинг сабабларини тушуниш, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ташқари қўшимча иқтисодий адабиётлар, илмий адабиётлар, даврий нашрлар, маълумотлар ва бошқалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ҳоказо.

4-§. Иқтисодий саводхонлик ва камбағаллик муаммолари

Иқтисодий педагогикада энг муҳим диққат қаратиладиган муомолардан бири камбағалликка қарши курашнинг энг реал воситалари, жумладан, аниқ мутахассисликни чуқур ва атрофлича ўрганишдир.

Миллиардер Фуллернинг онаси ўғлига доимо насиҳат қилиб, камбағаллик айб эмас, балки камбағалликдан чиқиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаслик айб, отанг камбағалликдан чиқиш учун ҳеч қачон ҳаракат қилмади. Ўғлим, бунинг учун сен ҳаракат қилишинг керак дер экан.

Камбағаллик реал ва нисбий бўлиши мумкин. Камбағаллик Ватанимиз равнақи учун тайёрланаётган мутахассисларнинг салоҳияти етарлими, ўзи шундай касб эгалари керакми деган саволларни ҳал қилиш мақсадида кўйилган. Мутахассис ҳеч қандай фойда келтирмаса ёки шундай касб эгасига талаб бўлмаса камбағал яшashi табиий. Аккли, доно, оқибатини ўйлаб иш қиладиган агрофдагилар билан хушмуомала, тadbиркор мутахассис ўзи ва давлат учун фойда келтиради. Халқи бой давлатгина ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олади.

Қашшоқ – бу ўтакетган камбағал, фақир, япаш, ҳаёт кечтириш учун зарур нарсалардан маҳрум киши. Камбағал деганда муҳтожликда

яшобти, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган, бечора кишини тушунамиз.

Инсонга, айниқса, болаликда ижтимоий, иқтисодий нотенглик катта таъсир кўрсатади. Инсонлар табиатан нотенг қилиб яратилган. Уларнинг ақли, хислатлари бир-бирига ўхшамаган, қобилияти жиҳатидан ҳам тенглаштирилиб бўлмайди. Ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан тенглик ҳам хаёлий. Умумжамиат миқёсида тенглик ҳақида орзуларга берилиш, унинг комига тушиб, ўлжасига айланиб қолишга олиб келади. Тенглик фақат маънавий ривожланишнинг энг пастки босқичларигагина бўлиши мумкин.

Мутлақ ва нисбий камбағаллик. Бойлик ва камбағаллик инсон табиатидаги икки қутб ва иккиёқламалиликнинг намоён бўлиши. Албатта, улар инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади. Албатта, улар жамият тараққиёти, жумладан, унинг таркибий қисми сифатида инсоннинг тарбияси билан ўзгаради.

Бойликка интилиш ҳокимиятга интилиш билан чамбарчас боғланган, камбағаллик эса буйсуниш, мутеликка мойиллик билан боғлиқ.

Мутлоқ камбағаллик ёки қашшоқлик инсонни яшаш учун энг зарур бўлган озиқ-овқат, санитар-гигиеник шароит, кийим-кечак, пойафзал кабиларнинг етишмаслигини билдиради.

Нисбий камбағаллик эса моддий жиҳатдан таъминланиш даражаси мамлакатдаги мавжуд ўртача даражадан пастлигини ифодалайди.

Осиёча ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги бойларда камбағалларни эксплуатация қилишга мойиллик, камбағалларда кулчилик психологияси кучли бўлишида ифодаланади. Қуръони каримда ҳам бойликка интилиш қўллаб-қувватланмаган.

Ўқимаган, дунёқараши тор инсонлар бойликни позитив тамонларини кўра олмайди. Камбағалларнинг бойларга нисбатан **нафрат билан қараши**, ҳасад қилиши, аввало бойлик турли нопок йўллар билан топилади, ҳалол меҳнат билан бойиш қийин деган гоё билан боғлиқ. Педагог ёшларга уни ҳар тарафлама тушунтириши, ҳаётдан яхши томонларини олишга, ёмон томонларини олмасликка ўргатиши зарур.

Кейинги йилларда кимни камбағал дейиш керак, уни қашшоқлардан фарқи бор-йўқлиги ҳақида қизгин мунозаралар давом этаяпти. Уларнинг чегараси қаерда, нимага қараб аҳолини ана шундай категорияларга ажратиш мумкин? Асосий қийинчилик минимал истеъмол саватини аниқлаш бўлиб, энг зарур бўлган истеъмолни қондирадиган товарлар ва хизматлар, уларга сарфланадиган харажатлар миқдорини ҳисоблаш катта меҳнат, тадқиқот ўтказиш, кузатиш маълумотлар тўплаш ва ҳоказоларни талаб қилади. Бу мураккаб масала

жаҳон банки экспертлари ёрдамида енгиллаштирилди. Унга мувофиқ ҳар бир мамлакатнинг аҳолиси ҳаёт кечириши учун минимум даражада кунига бир АҚШ долларлик товар ва хизматлар истеъмол қилиши керак. Бундай истеъмол саватчасининг қиймати ҳар бир мамлакат пулининг харид қувватини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Албатта, бундай ёндашув мукамалликдан анча узоқ, кимни камбағал ҳисоблаш керак? деган саволга тўлиқ жавоб бера олмаслигига қарамай, ундан мамлакатлар аҳолисининг ҳаёт кечириш даражасини аниқлашда кенг фойдаланилмоқда. Сабаби ундан жамият миқёсида у ёки бу мамлакат учун энг зарур муҳтож бўлган нарсаларни аниқлаш мумкин.

Охириги 30 йил давомида дунёдаги бошқа ҳеч қайси муаммо қашшоқлик в. о. очарчиликни тугатиш муаммоси каби долзарб ва жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлмаган.

Жамият тараққиётига камбағаллик ва табақаланишнинг ўсиши қай даражада хавфли эканлигини ҳисобга олиб, 2000 йили 160 мамлакат лидерлари инсоният тараққиётининг глобал мақсадларини БМТ нинг минг йиллик Декларациясини қабул қилиб, қўллаб-қувватлашди. Бу декларацияда жаҳон ҳамжамияти 2015 йилга бориб қашшоқликни икки баробар камайтиришни мўлжаллаган.

Мустақил Ўзбекистон ҳам ана шу мамлакатлар қаторидан бўлиб, жамиятни ислоҳ қилишда асосий принцип кучли ижтимоий сиёсат юритишни амалга оширишдан бошлади.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида мамлакатимизда асосий диққат аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетишига, табақаланишни кучайиб кетишига йўл қўйилмагани туфайли оғир зарбаларсиз, талабни кўпайтиришни иқтисодий ўсишни двигатели сифатида қаралгани сабабли аҳоли даромадлари ва истеъмол даражасини кризисга қадар даражага етказиш ва ундан ўзиб кетишга эришилди.

Ҳозирги, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш босқичида давлат асосий эътиборини барқарор иқтисодий ўсишни ва уни сифат даражасини таъминлаш орқали аҳолининг барча қатламлари даромадини ошириш ва турмуш даражасини кўтаришдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар йили эълон қилинадиган инсоният ривожланиши ҳақида доклади (Доклад о человеческом развитии) да охириги йилларда ривожланаётган мамлакатларда қашшоқлик ва очарчиликни камайишига маълум даражада эришилгани, жумладан, Шарқий Осиёда кунига 1 АҚШ долларидан кам бўлмаган даромад олаётган аҳоли ярмига қисқаргани билан ҳали мақсадга етишга жуда узоқлиги таъкидланади. Чунки дунёда ҳар бир тўртинчи

одам кунига 1 доллардан кам даромад олади. 21 мамлакатда очарчилик ҳукм сурмоқда, 54 мамлакат аввалгига нисбатан камбағалроқ бўлиб қолишди.¹

Камбағаллик ҳар бир жамият мамлакат учун хос, лекин унинг даражаси ва кўлами ҳар хил. Ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиши, маданияти ва урф-одатлари ва бошқалар жиҳатидан фарқланади. Камбағаллик даражаси даромад, истемол таркиби ва даражаси орқали намоён бўлади.

Бу жиҳатдан бошқа мамлакатлар ўртасида Ўзбекистон ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

Ўзбекистонда кам таъминланган оилалар бошқа мамлакатларга ўхшаб қашшоқлар эмас. Чунки уларнинг асосий қисмини 9-синф ва ундан ортиқ маълумотга эга, 98 %дан ортигининг уйи ёки кўп қаватли уйларида квартираси бор, 86 % ер участкалари, 87 %да телевизор, 38 %ида музлаткич, 12 %ида автомобил ва бошқа мулк бор.²

Бундай ресурслар жуда кўп кам таъминланган оилаларни яхши даромад топиши учун имконият яратилса бундай ҳолатдан тезда чиқиб кетиши учун муҳим асос бўлади, агарда тезда чиқиб кетиш имкони бўлмаса уларда ўз активлари(ер, узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган маиший товарлар ва ҳоказо)ни сотиб, харажатларини қоплашга тўғри келади. Бундай ҳолатни чўзилиши аввалги ҳолатга келиш учун кўпроқ ресурсларни талаб қилади.

Демак, камбағалликка, қашшоқликка тушиб қолмаслик учун, аввало ҳар бир инсоннинг узи ҳаракат қилиши зарур. «Сендан ҳаракат, мендан баракат дер экан, Аллоҳ бандаларига», – дейди халқимиз.

Агар даромад топиш чекланган бўлса минимал истемолни таъминлаш асосий ўринда туради. Агар даромад топиш субъектив имкониятларга боғлиқ бўлса, камбағаллик муаммосини юмшатишда индивидуал омилнинг аҳамияти ўсиб боради.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун яратилган ҳам индивидуал омил асосий рол ўйнашини тақозо қилади. Бу жиҳатдан аҳолини иқтисодий саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий саводхон киши оғир вазиятдан тезда чиқиб кетиш учун интилади, йўлини топади.

Агарда дунёга машҳур миллиардерларни тарихига назар ташласак, уларнинг асосий қисми камбағал оиладан чиққанлар.

¹ Доклад о человеческом развитии за 2003 г. // Экономическое образование, 2004, №12. С. 39.

² Снижение неравенства как фактор ускорения экономического роста // Экономическое образование, 2004, №12, С. 40.

Масалан, супермаркетлар қироли Сэм Уолтон ўзининг қобилияти ва иқтидори туфайли чакана савдода ҳеч ким кўтарилмаган чўққига кўтарилди, ютуқларга эришди. Ёки Уолт Дисней фақат буюк аниматор, мультфильмлар яратишининг асосчисигина бўлиб қолмай, иқтисодий саводхонлиги туфайли энг кўзга кўринган бадавлат одамга айланди.

Буюк ихтирочилардан Генри Форд автомобил ихтиро қилибгина қолмай уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси камбағалликдан қутилишининг ўзига хос йўлини топган гениал одамлар. Уларнинг барчасини шу даражага етишида иқтисодий саводхонлиги ҳам муҳим рол ўйнаган. Иқтисодий жиҳатдан мушоҳада қилишга уларни энг аввало ҳаёт ўргатган.

Демак, жамиятда унинг аъзоларини даромад топишга интилишини қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий механизм яратилиши билан аҳолини иқтисодий саводхонлиги қўшилса, албатта, ўз мевасини беради.

Хулоса

Таълимда узлуксизлик ва узвийликка эришишдан мақсад малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Узлуксизликни таъминловчи иқтисодиётга йўналтирилган таълим-тарбия тизимидаги марказий сиймо – бу жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг иқтисод фанини, илмини ўрганиб, олган билимини амалда қўллаб, камолга интилиши ижодкорликни таъминловчи омилдир.

Ҳозирги иқтисодий фанларнинг ажралиб турувчи хусусияти иқтисодий фаолиятни, уни учта асосий йўналишларини ажратган ҳолда ўрганишидир: турли иқтисодий муносабатлар, алоқалар жараёнида инсоннинг ўзини тутиши, саъй-ҳаракати, тавловиға эътибор қаратувчи йўналиш, институционал йўналиш ва ишлаб чиқариш.

Иқтисодий саводхонлик деганда инсоннинг иқтисодий жиҳатдан воқеа ҳодисаларни таҳлил қилиш, унга баҳо бериш ва қарор қабул қилиш, шахсни ўз турмуш тарзини эркин тавлаши, тавлов оқибатини кўз ўнгига келтира олиши тушувилади.

Инсоннинг дунёқараши ва иқтисодий саводхонлиги бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади. Иқтисодий саводхонлик инсоннинг дунёқарашини шаклланиши ва ривожланишига, аксинча, қарор топган мустақил дунёқараш иқтисодий саводхонликнинг шаклланишига хизмат қилади.

Иқтисодий педагогикада энг муҳим диққат қаратиладиган муомолардан бири камбағалликка қарши курашнинг энг реал воситалари,

жумладан, аниқ мутахассисликни чуқур ва атрофлича ўрганишдир камбағалликка, қашшоқликка тушиб қолмаслик учун аввало ҳар бир инсоннинг ўзи ҳаракат қилиши зарур. Бу борада унга иқтисодий жиҳатдан саводхонлиги ёрдам беради.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Таълим, узлуксиз таълим, иқтисодий таълим, билим, иқтисодий билим, иқтисодий саводхонлик, иқтисодий фаолият, камбағаллик муаммолари, мутлақ камбағаллик, нисбий камбағаллик.

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Иқтисодий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги деганда нимани тушунамиз?
2. Таълим билан билим ўртасида қандай фарқ бор?
3. Иқтисодиётга рақобатбардош интеграцион жараён тарзида қарасак, уни қандай йўналишларга ажратиш мумкин ва улар қайси жиҳатлари билан фарқланади?
4. Иқтисодий билим билан иқтисодий саводхонлик ўртасида қандай боғланиш бор деб ўйлайсиз, изоҳланг.
5. Инсонда иқтисодий тафаккур шаклланиши ва унинг иқтисодий баркамолликка эришиши жараёнини қандай босқичларга бўлиш мумкин?
6. Иқтисодий саводхонликни оширишнинг қандай асосий йўллари бор? Уларни кўрсатиб бера оласизми?
7. Иқтисодий саводхонлик билан камбағаллик муаммолари сизнингча қандай боғланган. Уни батафсил изоҳлай оласизми?

VIII боб. ОИЛА ВА ОИЛАДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Маълумки, тарбия, жумладан, иқтисодий тарбия ҳам энг аввало оилада амалга оширилади. Иқтисодий тафаккурни шаклланишида ҳам тамал топи оилада қўйилади. Навбатдаги бобда оила, унинг функциялари ва фарзандлар иқтисодий фикрлашини шакллантиришдаги ролини ўрганишга бағишланган.

1-§. Оила ва унинг асосий функциялари

Ҳар қандай жамиятнинг ҳужайраси бу оила ёки уй, хонадон ҳўжалиги бўлиб, айнан уларнинг аҳволи, турмуш даражаси охир-оқибат бутун бир мамлакатнинг ҳолатини, тараққиёт даражасини ифодалайди.

Оиланинг вужудга келиши меҳнат унумдорлигини ўсиши билан боғлиқ. Жамият тараққиётининг маълум бир даврида инсонлар меҳнат унумдорлиги ўсиши туфайли, жамоадан ажралиб чиқиб алоҳида яшаш имкониятига эга бўлганлар. Аёл ва эркак биргаликда яшаб, фарзанд кўриб уларни вояга етказиш, бунинг учун биргаликда меҳнат қилиш, яшаш учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан уй ҳўжалиги вужудга келади. Оиланинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганишда Ф.Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» асари (1888 й.) муҳим ўрин тутди. Оила, хонадон, уй ҳўжалиги бир-бирига яқин маънони билдирувчи синоним тушунчалардир. Оила кўп асрлар давомида тубдан ўзгарди. Лекин унинг энг асосий функцияси: зурриёт қолдириб, уни боқиб, тарбия бериш, касаллик ва бошқа фалокатлардан ҳимоя қилиш қабилар ҳанузгача ўзгаргани йўқ. Ота-оналар ва болалар бир-бирлари учун ҳамма нарсага тайёр, ҳатто ўзларини қурбон қилишдан ҳам қайтмаганлар. Бу ҳақда жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Оила – бу қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис туйғулари орқали боғланган инсон(индивид)нинг социал, маънавий, руҳий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳидир. Оила ўз эҳтиёжларини иложи борича максимал даражада қондиришга ҳаракат қилади ва уни амалга оширади. У ишлаб чиқариш омиллари, ҳеч бўлмаганда меҳнат омили эгаси. У «инсон капитали»ни тақрор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Реал ҳаётда оила мустақил хўжалик юритувчи бир кишидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Анъанавий равишда оила никоҳдан бошланади. Никоҳ жараёни мамлакатнинг тараққиёти, қабул қилинган конституция ва қонунлар, асрлар давомида шаклланган анъана, удумлар асосида амалга оширилган.

Деярли барча мамлакатларда оила қуриш учун бир-бирини танлаш жараёни ўхшаш бўлиб, мавқеи, билими, дини ва бошқа қатор жиҳатлари билан бир-бирига мос келишига эътибор берилади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қозонига яраша қопқоғи», «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан» деган нақл айнан ана шу муносабатларни ифодалайди.

Ҳозирги кунда жуда кўп мамлакатларда никоҳ контракт тузиш асосида амалга оширилмоқда.

Кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида чекланган ресурслардан самарали фойдаланишни турли йўллари яна топган.

Тараққиётнинг дастлабки босқичларида ҳаёт кечиришнинг инсонлар учун энг маъқули биргаликда хўжалик юритишга асосланган уй хўжалиги бўлиб, у оиладаги меҳнат тақсимотига таянади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса, энг аввало, меҳнат тақсимотига боғлиқ.

Оила доирасида ҳар бир томон маълум бир юмушларни бажаришни ўз зиммасига олади. Деярли барча халқларда анъанавий равишда уй юмушларини бажаришни аёллар, оилани моддий жиҳатдан таъминлашни эркаклар ўз зиммаларига олишган.

Ҳозирги тараққиёт бу анъанавий меҳнат тақсимотига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, уни ҳар бир оила эр – хотиннинг ҳислатларидан келиб чиққан ҳолда ечишга ҳаракат қилади.

Оилада ҳар икки томон оила активларини вужудга келтириш ва мустаҳкам моддий асосини яратишдан манфаатдор. Оила ўзига хос инвестицион лойиҳа бўлиб, бир неча йилдан сўнг маълум натижага эришишга қаратилган. Бу жиҳатдан уни ўзига хос бизнесга, инвестицияга ўхшатиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсонларни оила бўлиб яшашлари улар учун рационал бўлиб, бунда ҳар икки томон ўз нафлигини максималлаштиради. Бунинг учун инсон якка яшаганга қараганда никоҳда яшашнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжудлигини ҳисобга олиб, қарор қабул қилади. Уларни энг асосийларига диққат қаратишга тўғри келади.

Оила бўлиб никоҳда яшашнинг муҳим афзалликларидан бири моддий жиҳатдангина эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватловчи, қариганда таянч бўладиган фарзандлардир. Жуда кўпчиликни

Ўйлантирадиган иккинчи томони эса эркинликни, мустақилликнинг чекланиши. Умуман олганда, одамлар ҳеч қачон эркин эмас, чунки унинг фаолияти, ҳаёти бошқаларнинг ҳаракати, фаолияти билан боғлиқ, доимо уни ҳисобга олиш зарур, оилада эса ана шу ҳолат нисбатан тўғридан-тўғри ва кўпроқ бўлса, биргаликда яшагандан сўнг, албатта бир-бирига мослашишни талаб этади.

Оила қарор қабул қилганда оила аъзоларининг фикрини ҳам ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилинади. Одатда, оила аъзолари кўпчилик бўлса қарор қабул қилиш қийинроқ бўлади, узоқроқ муддат талаб этади, сабаби кўпчилик ўртасида бир фикрга келиб, қарор қабул қилиш қийин. Масалан, оддийгина оилали одам машина олиш учун умр йўлдошининг ҳам розилигини олиши керак. Якка киши эса хоҳласа сотиб олаверади. Шунинг учун бир фикрга келиб, тезда қарор қабул қилинса, якка одамга ўхшаш вақт харажати кўп бўлмайди.

Психологларнинг фикрича, ана шундай қарор қабул қилиш вақтига қараб, оиланинг ҳамжиҳатлиги ва мустақамлигига баҳо бериш мумкин.

Оилада нафақат меҳнат тақсимоти, балки ҳокимиятнинг бўлиниши ҳам иқтисодийни самарали юриштири таъминлайди.

Кўпгина товарлар ва хизматлар оила учун ижтимоий неъматлар ҳисобланади. Бундай товарлар ва хизматларни кўшимча оила аъзолари кўпайиши туфайли истеъмол қилиниши камайиб қолмайди. Ҳар оила аъзоси учун алоҳида сотиб олиш шарт эмас. Шунинг учун кўпроқ уларнинг сифатини яхшилаш ёки бошқа мақсадларга сарфлаш мумкин. Уйда бажариладиган ишларни муқобил харажатлар асосида тақсимлаш мумкин.

Ҳаёт кўрсатадики, идеал оила аъзолари бир-бирларини ҳурмат қилади, севади. Дунёқарашини, қадр – қиммат ўлчовини бир бирига яқин кишилар қурган оила энг идеал оиладир. Бундай оилаларда келажақда эл ҳурмат қиладиган комил инсонлар тарбияланадилар.

Реал ҳаётда кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш, лекин бир-бирини севамаган ёки аксинча қаттиқ севадиган, лекин дунёқарашини, маънавий қадр-қиммат ўлчовини жиҳатидан катта фарқ қиладиганлар оила қуриши мумкин. Тадқиқотлар кўрсатадики, кўпинча маънавий жиҳатдан катта-фарқ қилувчилар ўртасидаги никоҳ узоққа чўзилмайди, оила бузилиб кетади. Демак, ёшлар оила қуришда бир-бирларини ана шу фазилатларига диққат қаратишлари лозимлигини уқтириш лозим.

Бозор иқтисодий шароитида оиланинг жамиятдаги роли янада ортади. Оила, яъни уй хўжалиги ниҳоятда мураккаб иқтисодий вазифаларни бажаради. У оилавий бизнес юритувчи, иш кучи-меҳнат омилини тақдор яратувчи – инсон капиталига инвестиция қилувчи,

зарур даражада истеъмол талабини ҳосил қилувчи ва бошқаларни амалга оширувчи субъект ҳисобланади ва ана шу жараёнда кўплаб муаммоларни ҳал қилади.

Ўзбекистонда уй хўжалиги катта аҳамиятга эга. Уй хўжалигида олинadиган даромад ЯИМ ишлаб чиқариш фазалари билан боғлиқ.

2004 йилда уй хўжалиги даромадларида иш ҳақи 26,9 %, трансфертлар 12,9 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш 29,1 %, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад 31,1 % бўлди. Уй хўжалигининг асосий қисми бозорга чиқади ва капиталга айлантиради. Уй хўжалигидан олинadиган даромад ривожланган мамлакатларда 12–15 % ни, тадбиркорлик эса 8–10 % ни ташкил қилади.

Турли тарихий даврларда ижтимоий муносабатларга боғлиқ равишда оила, унинг ўрни ва роли, унинг катта кичиклиги, барқарорлиги, социал статуси ўзгарган.

Оиланинг ижтимоий-иқтисодий статуси бу интеграл кўрсаткич, қайсики давлатнинг ижтимоий-сиёсий қурилиши, хусусиятларини оилавий муносабатлар орқали ифодалайди. Уни ҳуқуқий асослари иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш, инсоннинг ўзлигини намоён қилиш имконияти жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мужассамлашади.

Бозор иқтисодиётида ҳар бир оиланинг ўз манфаатларини кўзлаши юқори даражада бўлсада, оилада қариндошчилик мажбуриятлари, қариндошчилик алоқаларида беғаразлик, ҳолис ёрдам бериш кучли.

Фирмалар, корхона, ташкилотлар ўртасидаги алоқалар эса ички ва ташқи контрактлар орқали амалга оширилади.

Оила – уй хўжалиги фирма, корхоналарга ресурслар етказиб беради. Фирмалар оилани товар ва хизматлар билан таъминлайди. Оиланинг ресурслари эвазига даромадлари истеъмол харажатларига тенг бўлиши керак. Даромад билан харажат тенглиги бутун иқтисодиётга хос.

Оиланинг функциялари

Бозор иқтисодиёти доиравий айланишида оила ёки уй хўжалиги турли-туман функцияларни бажаради. У жамият фаолиятини барча жабҳаларини қамраб олади ва жамиятда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий жараёнларни йўналишини белгилаб беради.

Оиланинг жамиятда тутган ўрни, роли у бажарадиган функцияларда намоён бўлади.

Оиланинг бош функцияси фарзанд туғиб, уни комил инсон қилиб вояга етказишдир. Авлодни давомчиси, иқтисодиёт учун иш кучи ва

меҳнат омилли такрор яратилади. Бошқача иқтисодий термин билан айтганда инсон капиталига инвестиция қилиш жараёни нуқтаи назаридан қараб, уни уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда оиланинг моддий базаси яратилади. Уй хўжалиги юритилиб оиланинг бюджети шакллантирилади. Бизни Ўзбекистонимизда бу жараён кўпинча мустақил эмас, балки ота-онанинг кўмагида амалга оширилади. Ота-она боласини ўйлайди, беминнат ёрдам беради, қўллаб қувватлайди, керак бўлса жонини аямайди. Янги қурилган оилани кўпинча ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ота-онани кўмагига таяниши бир томондан янги оиланинг тажрибасизликдан келиб чиқадиган муаммоларини ечишга ёрдам берса, иккинчи томондан бу жараёни чўзилиб кетиши уларни мустақил равишда муҳим қарорлар қабул қилиши, масъулиятни зиммасига олиши ва уни нагжаси учун жавоб беришни чеклайди. Ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандай туюлиб, ҳаёт кечиришни осон йўлига ўтиб, кейин келажақда қаттиқ қийналиши мумкин.

Иккинчи босқичда оила фарзанд кўриш, фарзандларини тарбиялашни амалга оширилади. Инсон капиталининг табиий асоси яратилади. Фарзанд Аллоҳнинг инсонга берган шундай неъматини у инсонга чексиз бахт, ҳис-туйғу, шодлик олиб келади ва уни бошқа ҳеч қандай неъмат билан таққослаб бўлмайди.

Туғилган фарзанднинг келажақда қандай инсон бўлиши фақат онгни натижаси эмас, балки соғлиқ, билим, ирода, феъл атвор, одат, шароитга ошлашиши, муҳими ижтимоий тарбиянинг мураккаб натижаси бўлиб юзга чиқади.

Ҳар бир ота-она ўз оиласи учун жамият олдида жавобгар. У қонун йўли билан эътироф этилган. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига нисбатан маълум даражада ҳокимият ушлаб туриши, ҳамда ўз оиласи олдида обрўга эга бўлиши керак.

Оила аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган жамиятнинг аъзоси бўлсаларда, ота-оналар ва болаларнинг оилада тутган ўрни тубдан фарқланади: энг аввало, биринчилари оилани бошқарувчилари, иккинчилари эса оиладаги тарбияланувчилардир.

Ҳар бир ота-она билиши, аниқ кўз олдида келтириши керакки, у оилада ҳолаганини қила олмайди. Улар айнан фарзандларини тарбиялаш, вояга етказиш учун масъул. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, фарзанд кўриши мумкин бўлган ҳар бир оилада учтагача фарзанд тарбиялаш оптимал ҳисобланади.

Учинчи босқичда билим, ҳунар ўрғанади, ўз билими, қобилияти, эгаллаган ҳунарини реализация қилишни ўрғанади.

Фарзанд кўриш ва уни тарбиялашда йўл қўйиладиган хато, бошқа йўл қўйилган хато ва камчиликларга нисбатан оғирроқ ва оқибати

аянчли бўлади. Айниқса фарзанд туғиб вояга етказиш даврида ота-онанинг ҳаёт тажрибаси камлиги ҳам катта рол ўйнайди. Бунда, одатда, болага тарбия беришда бобо, бувиларининг ёрдами ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки улар катта ҳаёт тажрибасига эга, ўзлари йўл қўйган хато-камчиликларни фарзандлари такрорламасликлари учун ҳаракат қилишади.

Болаларга ота-оналар инвестиция қилади. Улар катта бўлгач ота – она олдида қарзини узади. Фарзандлар ота-онани қариганда ёлғизлантириб қўймайди, боқади, парваришлайди. Бу жиҳатдан қарасак фарзанд ўзига ҳос «суғурта». Ҳозирги пайтда пенсия, ижтимоий суғурта кабилар мавжудки, айниқса ғарбда кўп ота-оналар фарзандлардан кўра ҳам ана шуларга таянишади.

Умуман олганда, ота-оналар бу муаммога рационал нуқтан назардан ёндашишга ҳаракат қилишади. Бунда бола тарбиялашга сарфланган ҳаражатлар ва ота-оналарнинг маълумотлари катта роль ўйнайди. Сабаби:

1. Ота-она учун фарзандга қараганда ҳам юқорироқ баҳоланадиган нарса борми, йўқми диққат қаратади.

2. Маълумоти юқори бўлган сари аёлнинг фарзанд кўриш эҳти-моли пасаяди.

3. Маълумоти юқори ота-оналар фарзандларни яхши тарбиялаш, бола билиши зарур бўлган нарсаларни уни англаши учун осон тарзда тушунтириб бериш, уларни билим олиш, дунё сирларини ўрганишга қизиқтириш имкониятлари катта.

4. Оила фарзандлари миқдорини, уларни соғлом, билимли, одобли бўлиб етишишлари учун сарфланиши зарур бўлган харажатлар ва ўз даромадларидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар.

Одатда, бу ҳаражатларнинг бир қисмини давлат кўтаради. Булар медицина, маориф, спорт, таълим кабилар бўлиб, унинг иккинчи қисмини оилаларнинг ўзлари сарфлайдилар. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан бирга ана шу харажатларда оиланинг ҳиссаси тобора ортиб боради.

Оила ҳукумат билан ресурсларни назорат қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича рақобатлашар экан, бу борада кўп жиҳатдан афзалликларга эга.

Оиланинг яна бир муҳим функцияси иқтисодиётни капитал билан таъминлашдир. Бунда айниқса оиланинг жамғармасини инвестицияга айланиши муҳим аҳамиятга эга.

Оиланинг муҳим функцияларидан бири уй хўжалигини юри-тиш, товар ва хизматлар яратиш, оилавий бизнес ташкил қилиш ва бошқалар. Оиланинг муҳим функцияси мулк эгаси сифатида инди-

видуал ишлаб чиқаришни ташкил этади. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий бизнес, фермер, деҳқон хўжалигини ташкил этиб фаолият юритади. Уй хўжалигида оила аъзоларининг вақт бюджетини анчагина қисми оила юмушлари учун кетади, кир ювиш, овқат қилиш, уй-жойларни суғуртиб-сидириб озода сақлаш ва ҳоказо. Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг ана шу функциясини аҳамияти янада ортади.

Жамғармани инвестицияга айланиши



Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида оиланинг рекреацион функцияси ортиб бормоқда. Рекреация лотинча бўлиб, дам олиш, иш кучини тиклаш, иш жараёнидаги энергияни тиклаш маъносини билдиради.

Интенсив меҳнат фаолияти, айниқса, ақлий жиҳатдан толиқиш, инсонларга ўз иш қобилиятини тиклаш, соғлигини сақлашни зарур қилиб қўяди. Бунда яшаш муҳити ҳам катта аҳамиятга эга.

Оилани дам олиши, бўш вақтини қандай ўтказаятгани бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар борган сари уларни танлови турли кўнгил очар тадбирларда қатнашиши, саёҳат қилиши, дунё кезиши, ҳуллаас мароқли дам олиш томонга ўзгараётганини кўрсатади.

Оиланинг коммуникатив функцияси ҳам мавжуд бўлиб, у оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушинишга, руҳан мувозанатга эришишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишида ифодаланади.

Инсоннинг ёлғиз яшаши жуда қийин. Шунинг учун ҳам «Ёлғизлик, ягоналик фақат Аллоҳга хос», – дейди халқимиз.

Оиланинг **фелицитологик функцияси**. Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик (итальянча felisite-бахт) функциясидир. Шахсий фаровонликка эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда. Оиладаги руҳий мувозанат, бир-бирини тушуниш, оила аъзоларини ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Уларни мавжуд қобилият, имкониятларини рўёбга чиқаради.

Оиланинг **регулятив функцияси** оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устулик ва обрўни амалга оширишни ифодалайди. Бунга катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қуватлаш назарда тутилади. Бу жиҳатдан ҳар бир оиланинг ўзига хос қонун қоидалари мавжуд ва унга амал қилиш лозим бўлган «давлат» ҳисобланади.

Оиланинг бошқа функциялари ҳам борки, улар педагогика фанида чуқурроқ ўрганилади.

2-§. Оила иқтисодий таълим-тарбия беришнинг асосчиси.

Оиланинг фарзандлар иқтисодий фикрлашини шакллантиришдаги роли

Ота-она болаларнинг биринчи тарбиячисиدير. Бола хулқининг шаклланиши ва унинг умумий камол топишида уларнинг таъсири гоят катта. Бола ўз ота-онасини ҳаммадан яхши, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқадиган ажойиб кишилар деб ҳис этади. Бола қанчалик ёш бўлса, катталар хулқ-атворида шунчалик эргашувчан бўлади. Шунинг учун болага ота-она тарбия берар экан, ундаги дастлабки, иқтисодий тушунчалар ҳам оилада шаклланади.

Маълумки, тарбия методлари:

- сўз орқали тарбиялаш;
- кўргазмалilik;
- амалий намуна;
- рағбатлантириш ва жазо методларидан иборат бўлиб, улар дастлаб оилада қўлланилади. Айниқса, болаларнинг мурғак қалбига

ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустақкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ. Шунинг учун доно халқимиз: «Куш уясида кўрганини қилади», – деб бежиз айтмаган.

Оилада фарзанд тарбияси билан ота-она шуғулланади. Иқтисодий тарбия дастлиб оилада берилади. Бола оилада ота-онасининг уй-рўзгор харажатлари, пулга муносабатлари, пул ҳисоб китобини олиб боришлари, меҳнат қилишга, меҳнат нашидасидан завқланишга, унинг натижасидан қувонишга амалий намуна кўрсатишларига қараб ўрганади.

Мана шу даврда уларда дастлаб иқтисодий тасаввурлар пайдо бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш болалар оилада содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга табиатан тез мослашувчан бўладилар. Демак, ёшликдан тўғри йўналтирилган тарбия, жумладан иқтисодий тарбия келажакда инсоннинг ҳар томонлама камол топишига катта таъсир кўрсатади.

Унда табиат берган фазилатлар асосида тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб каби хислатларга тамал топи оилада қўйилади. Кейинчалик у мактабда, ўрта махсус ўқув юртида қолаверса, олий мактабда ривожлантирилади, камол топади.

Иқтисодий тарбия энг, аввало, оиладан бошланиши зарур. Унинг зарур шартларидан бири эса оилада пулга бўлган муносабатдир. А.С. Макаренко ўзининг «Ота-оналар учун» китобида пулга бўлган уч муносабатни таъкидлайди. Бунда, биринчи оила бошлиғи айтадики: «ҳамма жойда ярамаслик кўпайиб кетди, барча болалар чўнтақларида пул жаранглайди», иккинчи оила бошлиғи эса: «катталар фақат пул санаш билан овора, болалар бундай ярамас нарсалардан узоқроқ тарбияланиши даркор», – дея фикр юритади. Учинчи оила бошлиғи – бухгалтер бу масалага ўз фикрини баён қилади: «Оила – бу хўжалик, пул келади ва сарфланади. Пул бўлгандан кейин тартиб бўлиши лозим, пулни ким ўғирлаб тошган бўлса, палапартиш харажатлар қилиши мумкин. Ҳозир болаларни пул сарфлашга ўргатишнинг айна пайтидир». А.С. Макаренко иқтисодий саводли бухгалтер оиласини «Эталон оила» деб атаганининг ўзи ҳам бу масаланинг қанчалик зарурлигини кўрсатиб турибди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу зарурият янада кучаяди.

Бола тарбияси ва унинг натижаси шахсий ҳам ижтимоий манфаат аҳамият касб этади. Яхши тарбия фақат оила учун қувонч, бахт-саодат руҳий ва иқтисодий бойлик келтириб қолмай, жамият учун ҳам фойда келтиради ва шу туфайли иқтисодий, сиёсий-маънавий аҳамиятга эга.

Мамлакатнинг истиқболи, халқнинг фаровонлиги, илм – тафаккур билан узвий боғлиқ. Билим, янгича тафаккур, аввало, оила муҳитида

шаклланади. Ҳар бир шахс энг аввало оилада шаклланади. Тадқиқотчи педагог ва психолог олимларнинг фикрича, бола ўз умри давомида ўрганадиган билимларни 80 % илгачасини 4–5 ёшгача ўрганар экан. Шу ёшгача у психологик жиҳатдан ҳам шаклланади, қолган умри давомида унча катта бўлмаган ўзгаришлар юз берар экан, ҳоло. Бундан кўриниб турибдики, фарзанд тарбиялаётган ота-оналар инсон шахс бўлиб камол топишида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Оила иқтисодиёти, унинг фаровонлиги, оилада меҳнатга яроқли аъзоларини ишлаганлиги, тадбиркорлик, уларнинг билими, иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган моддий неъматлардан иборат бўлгани боис, ана шу неъматларни яратишда иқтисодий билим муҳим ўрин тутаяди.

Иқтисодий билим шахснинг нафақат ўзи ва оиласига, айни пайтда халқнинг фаровонлигини таъминлашга ҳам ҳизмат қилади.

Бола тарбияси ота-онанинг суҳбати, фарзандлари билан мулоқотида бўлган ўйин ўйнаганда унга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга ошади деб ўйланади. Лекин хўжалиқ юритишда қатнашиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки нафақат ҳалол, яхши одам, балки яхши хўжалиқ юритувчи, хўжайин тарбиялашимиз зарур.

Бола ота-онасини қасрда ишлашини, бу ишнинг қандай машаққатли эканини, қандай қилиб муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ҳис қилиши, билиши керак.

Умуман олганда, бола ота-онаси ишлаб топаётган пул ҳамма нарсани олиш учун зарур нарса эканлигини билан бирга уни топиш учун қаттиқ меҳнат қилишларини билиши зарур.

Энг аввало, болаларни уй юмушларини бажаришга, уй хўжалигидаги бошқа ишларни бажаришга жалб этиш керакки, улар ота-оналари меҳнати қадрига етишига ёрдам беради. Меҳнатни қадрлашнинг муҳим кўриниши тежамкорликдир.

Тежамкорлик жонкуярликни ўзига хос томони, агар жонкуярлик кўпроқ инсонни ўй – ҳаёлида бўлса, тежамкорлик айнан унинг одатида намоён бўлади. Жонкуяр хўжайин бўлиш мумкин, лекин шу билан бирга умуман тежамкор бўлмаслик мумкин. Шунинг учун ёшлиқдан бошлаб оилада ана шу ҳислатни тарбиялаш керак. Бу ҳислатни, энг аввало, овқатланишдан бошланади. Овқатни тўқмай, исроф қилмасдан ейиш, ўйинчоқларни бузмай ўйнаш, кийимларни ифлос қилмасликка одатлантириш лозим. Албатта, бу одатларни тарбиялаш қийин. Лекин оилада, албатта қанчалик қийин бўлса ҳам болада ана шу одатларни шакллантириш керак. Бўлмаса қанча гапирган билан таъсир қилиши қийин.

Доимо болани тежамкорликка рағбатлантириш лозим. Уларыз нафақат ўзини, балки бошқаларнинг нарсаларини ҳам асраб авайлашга, айниқса атроф муҳитни асрашга ўргатиш зарур.

Болада иқтисодий тафаккурни шакллантиришда тежамкорлик, нарсаларни асраб-авайлаб ишлатишга ўргатиш билан бирга, тўғри йўл танлашга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Инсонни бу ҳислатсиз келажақда яхши хўжалик юритувчи, яхши хўжайин бўлиши қийин. Агар одам фақат кўзга ташланиб турган нарсани кўриб, бошқа нарсаларни кўрмаса, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳис қилмаса, тўғри йўл танлашига қийинлашади. Шунинг учун оилада фарзандни ўзини ўраб турган олам, одамлар ва уларни фаолияти, уларни мураккаблиги қизиқтиради. Ана шундай шароитда танлаш эрурияти ҳақидаги дастлабки тушунчага оилада эга бўлади. Шунинг учун ҳам ота-она фарзандига ана шундай ҳолатни тарбиялаш учун танлаши зарур бўлган турли тошшириқларни бериши зарур. Масалан оила эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш, уй хўжалигида бажарилиши керак бўлган ишларни тақсимлаш асосида, уларни оила аъзолари учун вазифа қилиб уларни тез ва сифатли бажарилишларини рағбатлантириши лозим.

Иқтисодий фикрлашни шакллантиришда оилада меҳнат тарбияси алоҳида ўрин тутаяди. Меҳнат қилиш туфайлигина жамият ҳозирги даражага етиб келди. Меҳнат инсоннинг ҳаётида, қолаверса кишилик жамияти тараққиётида асосий рол ўйнашига қадимдан алоҳида аҳамият беришган. Уни кўплаб меҳнат тўғрисида яралган мақоллар, эртаклар, топишмоқлар, ҳикматли сўзлар, ўғитлар ҳамда буюк алломаларимизнинг бизга қолдирган илмий, адабий меросларидан кўриш мумкин.

Беруний қарашларида кишилик эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва уни қондириш асослари, меҳнат ва ҳунарга муносабатлари уйғунлашиб кетади. Унинг фикрича, кишилар ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбур бўлганлар.

Барча қимматли нарсалар инсон меҳнати орқали яратилади. Беруний сўзлари билан айтганда, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон меҳнати билан улуг, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошланган. Билимларни эгаллаш ва ҳунар ўрганиш учун ҳам меҳнат қилиш зарур.

Шунинг учун ҳам таълим тарбия, жумладан, иқтисодий тарбия ҳам меҳнат орқали тарбиялашга ҳеч қандай тарбия етолмайди, унинг ўрнини босолмайди. Меҳнатга тайёрлаш, инсонга меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш нафақат инсоннинг келажаги, қолаверса мамлакатнинг ҳам келажагини белгилайди.

Меҳнат қилиш фақат заруриятдан, оч ва яланғоч қолмаслик учун ҳаракатдангина иборат бўлмай, унинг ижодий бўлиши, у қувонч, ўз ишидан қониқиш, ғурурланишига олиб келишини ҳис қилиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатга ўргатиш туфайли нафақат касб-ҳунар эгаси тарбияланади, балки атрофдаги инсонларга, нарсаларга муносабати ҳам тарбияланади.

Меҳнат инсонни нафақат жисмонан ривожланишига, балки руҳий, маънавий, психологик жиҳатдан ҳам ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Меҳнатга болани ёшлигидан оилада ўргатишдан бошлаш керак.

Иқтисодий фаолиятнинг асосини меҳнат ташкил этар экан, демак, меҳнат иқтисодий тарбиянинг ҳам асосдир. Болага дастлаб оилада ўйинлар орқали, ўйинчоқларини бузмасдан, озода сақлаш, тартибга солиш кабилар ўргатилса, кейинчалик уй хўжалигидаги мавжуд ишларни бажаришга ёрдамлашиш, ҳовли супуриш, сув келтириш, уй жиҳозлари устидан чанг артиш, пол артиш, идиш - товоқлар ювиш, уй ҳайвонларига қараш ва ҳоказолар орқали меҳнатга жалб қилинади. Шаҳарга қараганда қишлоқда болаларни меҳнат билан банд қилиш йўллари кўп бўлсада, ҳар бир оила қаерда яшашидан қатъи назар болаларни банд қилиш учун улар бажарадиган ишларни етарли даражада топиш мумкин. Энг қийини эса дангасаликни йўқотиш.

3-§. Оила даромади, маблағлари, уларни тақсимлаш ва ишлатиш

Иқтисодий раванқ ўз йўлида, асосан иқтисодий тарбия орқали амалга оширилиши барчага аён бўлиб, у энг аввало, юртимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни иқтисодий билим ва тушунчалар билан қуроллантириш, иқтисодий масалаларга қизиқишни уйғотиш, эгалик ҳиссини тарбиялаш, асосий мақсади эса унумли меҳнат қилишга моддий неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланишга, меҳнат натижаларига реал ёндашишга, меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилишга ўргатишдир.

«Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» доно халқимизнинг бу мақоли иқтисодий масалага қай даражада эътибор берилишининг ёрқин мисолидир.

Иқтисодиётда қандай натижага эришиш, тежамкорлик билан бевосита боғлиқ. Демак, болага ёшлигидан бошлаб олада иқтисод, кирим - чиқим, даромад ва харажат ҳақида тарбия бериш лозим. Кейинчалик у оилани юритиш, уни иқтисоди ҳақида қайгуришни ўрганади. Ёшлиқда шаклланган иқтисодий қарағилар болани оила фаровонлигини таъминлаш йўлларини топишни ўрганишга ундайди.

Фарзандлар оила бюджети билан танишганлари маъқул. Уларни оилани молиявий режалари билан таништириш лозим. Фарзандлар ота-онаси нимага муҳтож уни қондириш учун нима қилиш керак, ўзини қандай эҳтиёжлардан воз кечиш, ота-онаси эҳтиёжи учун сарфлаш мумкинлигини ўрганиши керак. Бола хўжалик юритишни дастлабки маълумоти оилада зарур бўлган нарсаларни олиш билан бошланишини ўрганади. Болаларни тежамкорликка ҳам дастлаб оилада ўргатилади.

Оила бюджети Оилада уй хўжалигини юритиш, эҳтиёжларини қондириш учун қилинадиган харажатларни ҳисоблаш, уларни олинадиган даромадларга мослаштиришни талаб қилади. Бошқача айтганда, оила бюджетини шакллантиришни талаб қилади.

Оила бюджети – бу оиланинг даромадлари ва харажатларининг (сметаси) балансиدير. Оила бюджети бу – оиланинг ўз функциялари ва вазифаларини бажаришни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг балансиدير.

Оила бюджети ҳам бошқа барча даражадаги бюджетларга ўхшаб икки қисм: даромадлар ва харажатлардан иборат.

Даромадлар ва харажатлар таркиби турли оилаларда бирмунча фарқланади, асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

Оиланинг даромадлари	Оиланинг харажатлари
1. Иш ҳақи	1. Озиқ - овқатлар
2. Тадбиркорлик даромадлари	2. Кийим-кечак, пойафзал
3. Мулкдан олинган даромадлар (ижара ҳақи, фоиз, дивидентлар)	3. Коммунал тўловлар
4. Давлатнинг трансферт тўловлари (пенсия, стипендия)	4. Узоқ муддат фойдаланиладиган маиший техника ва саноат моллари
5. Соғлиқни сақлаш ва маориф, таълим тизимидаги бепул хизматлар	5. Мебел, уй - рўзгор буюмлари
6. Совға - салом ва бошқалар	6. Транспорт, солиқлар, дам олиш, маълумот олиш, жамғариш, бошқа харажатлар

Оила бюджети харажатларини оила аъзолари билан биргаликда муҳокама қилиб, бу ойда тахминан қанча даромад олинади ва асосан нималарга сарф қилинади. Қайси харажатларни биринчи қилиш керак,

қолган харажатларнинг кетма-кетлигини аниқлаш фарзандларда иқтисодий фикрлашни ривожлантиради. Келгусида даромад топиш ва сарфлашда ана шу оилда олган тажрибасига таянади.

Оила бюджети даромадлари ва харажатлари мамлакатимиз миқёсида аҳоли пул даромадлари ва харажатлари шаклида ифодаланadi.

Мамлакатимиз аҳолисининг пул даромадлари ва харажатлари таркиби ва динамикасини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006 йил		Ўсиш суръати %
	млрд. сўм	солиш. салм. %	млрд. сўм	солиш. салм. %	
Пул даромадлари	9728,6	100	12954,9	100	133,2
Меҳнатга ҳақ тўлаш	2700,2	27,8	3812,7	29,4	141,2
Корхоналардан олинadиган даромадлар. Иш ҳақидан ташқари	28,1	0,3	44,4	0,3	158
Тадбиркорлик даромадлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва мулкдан олинган даромадларни кўшган ҳолда	5492,5	56,4	7135,8	55,1	129,9
Пенсия, нафақа, стипендия ва ижтимоий тўлов	1507,8	15,5	1962	15,2	130,1
Пул сарфлари ва омонатлари	9533	100	12680,7	100	133
Истеъмол сарфлари	7107,7	74,6	9538,9	75,2	134,2
Шу жумладан:					
Товарлар хариди	5479,2	57,5	7358,3	58	134,3
Хизматлар учун тўловлар	1628,5	17,1	2180,6	17,2	133,9
Мажбурий тўловлар ва бадаллар	746,9	7,8	895,6	7,1	119,9
Омонатларнинг ўсиши, валюта сотиб олишни кўшган ҳолда ва бошқалар	1678,4	17,6	2246	17,7	133,8
Даромадларнинг харажатлардан ортиши	195,6		274,2		.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, Республикаимизда 2006 йилда аҳолининг номинал пул даромадлари 2005 йилга нисбатан 33,2 фоизга ўсиб,

12954,9 млрд. сўми ташкил этади. Аҳоли реал даромадининг ошишида асосий омил бўлиб макроиқтисодий шароитининг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги ҳисобланади. Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларининг асосий улушини иш ҳақи ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам пул даромадлари умумий хажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳолининг турмуш даражасини баҳолашда аҳоли жон бошига пул даромадлари ва харажатлари кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. Улар асосида оила асосида оилаларнинг ҳам пул даромадлари ва харажатларнинг ўзгариши тўғрисида ҳам хулоса чиқариш мумкин. Оила қанча бой бўлса, жамият ҳам шунча бой бўлади.

Аҳоли жон бошига пул даромадлари ва харажатлари, минг сўм

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	Ўзгариши %
Истеъмол сарфлари	271,6	360,2	132,6
Мажбурий тўлов ва ихтиёрий бадаллар	28,5	33,8	118,6
Омонатларни ўсиши. Валюта сотиб олишни қўшган ҳолда ва бошқалар	64,1	84,8	132,3
Жами пул сарфлари ва омонатлар	364,3	478,8	131,4
Жами пул даромадлари	371,8	489,1	131,5
Даромадларни харажатлардан ортиши	7,5	10,4	138,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотлари асосида мамлакатимиздаги оилаларнинг даромадлари ортиб, фаровонлик даражаси кўтарилиб бораётганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бунда республикаимиз аҳолисининг иқтисодий тафаккур даражасининг ортиши муҳим рол ўйнайди, десак адашмаймиз.

Оиланинг даромади қанча кам бўлса, топилган даромадни асосий қисми озиқ-овқатга кетиши ва бошқа биринчи даражадаги зарур товар ва хизматлар учун сарфланишини оиладаги болалар билиши, бошқа

сарфлар учун даромад топишни, кўпайтириши зарурлигини англаб етиши лозим.

Оилавий бюджетга энг кўп зарар келтирадиган нарса – бу асосий равишда кераксиз буюмларни сотиб олишдир. Шунинг учун фарзандларга ота-оналар буни тушунтириши, бундай ортиқча харажат қандай натижага олиб келишини айтиб, уларнинг онгига етказиши лозим. Кайковус ҳам «Қобуснома»да ҳалол пул, мол топишдан ҳам уни тўғри сарфлаш қийинлигини таъкидлаб ўтган.

Кўп оилаларда олинган озиқ-овқат маҳсулотлари исрофгарчилигига йўл қўйишади. Иқтисодчиларнинг ҳисоб- китобларига қараганда оила бюджетини озиқ-овқатларга сарфланган қисмини 4 фоиздан 12 фоизгачаси уларни исроф қилиб ташлаб юбориш оқибатида йўқотилар экан. Албатта, қишлоқ шароитида ташлаб юборишга деярли йўл қўйилмайди. Чунки ҳар бир хўжаликда уй ҳайвонлари, парранда боқилади. Лекин шаҳарларда бу исрофгарчиликлар натижасида, нафақат оила бюджети учун йўқотиш, балки чиқиндиларни, кўпайиб, атроф муҳитни ифлосланишига олиб келиши янада нохуш оқибатларни кўпайтиради.

Оиланинг бюджети унинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини, унинг тадбиркорлик фаолиятини фаоллиги, турмуш даражаси маълумоти, турмуш даражаси инвестицион потенциал ва бошқаларни кўрсатади.

Иқтисодиёт ривожланишида аҳолининг жамғармаси муҳим рол ўйнайди. Иқтисодчилар жамғарма – капитал қўйилмаларнинг асосий манбаси деб кўрсатишади. Ундан ташқари, жамғарма «Инсон капитали»га қўйилганинг, яъни соғлом, малакали мутахассис тарбиялашнинг асоси ҳисобланади.

Айниқса, келажақда ўз ишини очадими ёки бошқа мақсадларни амалга ошириш учун оила топган даромад унинг харажатларидан кўп бўлиши керак, яъни маълум миқдорда жамғарма бўлишига эришиш лозим. Одатда, мамлакат миқёсида иқтисодиётда резерв (захира) фонди, барқарорлаштириш фонди ташкил этилади. Жамғарма ҳам оила учун ана шундай фонд бўлиб ҳисобланади.

Одамлар нима сабабдан маблағларини сарфлашади, тушунарли, лекин нима сабабдан жамғарамиз? Унинг сабаблари жуда кўп. Улардан энг асосий 3 та сабабини кўрсатишимиз мумкин:

1. Келажақда кўп маблағ талаб қиладиган нарсани сотиб олиш учун. Одамлар жорий харажатларни деярли ҳар куни қиладилар. Олинган даромад ҳаммаси бир кунда сарфланмайди. Уни маълум бир қисми ой давомида сақланади (нақд пул ёки кредит карточкасида), қатор нарсаларни бир ойлик топилган даромадга сотиб олиш қийин, шунинг учун пул тўшлаш керак.

2. Ҳар эҳтимолга қарши. Инсонлар доимо келажак ҳақида ўйлашади. Келажакда камроқ даромад олишлари мумкин ёки келажакда кўшимча харажатлар қилишга тўғри келади ёки келажакда қанақа кунлар бўлади, қариганда нима бўлади, дея маблағ жамғарадилар.

3. Даромад олиш учун. Жамғарма инвестиция манбаи капитал ўзи нима? У даромад келтирадиган актив, кўшимча даромад топишга интилиши жамғариш учун муҳим стимул бўлиб ҳисобланади.

Жамғарма қандай шаклларда бўлиши мумкин?

Агар мамлакатда молиявий институтлар ривожланмаган бўлса, одамлар жамғармаларини қандай шаклда сақлашади? Биринчи навбатда, нақд пул шаклида. Сабаби унинг ликвидлиги энг юқори, лекин энг катта камчилиги инфляция туфайли қадрлансизланади. Шунинг учун кўшимча одамлар пулини ишончли чет эл валюталарида сақлашга ҳаракат қиладилар. Агар инфляция унча кучли эмас, пул яқин орада сотиб олинishi лозим бўлган нарсага йиғилаётган бўлса, миллий валютада сақланади.

Иккинчидан, қимматбаҳо кўчмас мулк, антиквариатлар шаклида (уй-жой ва ҳоказо), қимматбаҳо зеб-зийнатлар. Улар ҳеч бўлмаса номинал қийматини сақлайди ёки нархи кўтарилади. Уларни сақлаш керак, сақлаш эса кўшимча харажатларни талаб қилади. Ликвидлиди паст, тезда нақд пулга айлантириш қийин.

Учинчидан, капиталга айлантиришга ҳаракат қилиш. Ўз бизнесини очиш (тўғридан-тўғри инвестиция) ёки танишларга фоизга бериш. Бу ерда молия бозори ёки банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг вужудга келиши шахсий жамғармани кўпайтириш, даромад топишнинг янги-янги имкониятларини вужудга келтиради.

Лекин юқори даромад орқасида риск ҳам юқори даражада бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамғармани сақлашнинг турли-туман йўллари мавжуд. Агар қариллик пайтига йиғиш керак бўлса, пенсия фонди, ҳаётни турли ҳодисалардан сугурта қилдириш мумкин, хоҳлаган турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш мумкин. Молия, банк муассасалари аҳолини пулини жамғариш учун кўрсатилаётган хизматлари қулай ва фойдали. Молия институтлари бу пулларни бизнесга йўналтиради, эгасига ҳам даромад олиб келади. Уйда пулни сақлаш, кўриқлаш тапшишларидан ҳоли бўлади.

Ана шу жихатларни оилади фарзандларни кўриши, ўзи иштирок этиши, келажакда ўзи мустақил ҳаёт кечирганда ўз оиласи учун мутахассис сифатида ёки бошқа фаолиятда иқтисодий қарор қабул қилиш, ресурсларни тежаб тергаб ишлатишга ёрдам беради.

Хулоса

Оила – бу қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, руҳий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуру-ҳидир.

Оила ўз эҳтиёжларини иложи борича максимал даражада қондиришга ҳаракат қилади ва уни амалга оширади. У ишлаб чиқариш омиллари, ҳеч бўлмаганда меҳнат омили эгаси. У «инсон капитали»ни тақрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ҳаёт кўрсатадики, идеал оила аъзолари бир бирларини ҳурмат қилади, севади. Дунёқараш, қадр – қиммат ўлчови бир бирига яқин кишилар қурган оила энг идеал оиладир. Бундай оилаларда келажакда эл ҳурмат қиладиган комил инсонлар тарбияланадилар.

Оиланинг жамиятда тутган ўрни, роли у бажарадиган функцияларда намоён бўлади. Инсондаги дастлабки, иқтисодий тушунчалар ҳам оилада шаклланади.

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ Болада иқтисодий тафаккурни шакллантиришда тежамкорлик, нарсаларни асраб-авайлаб ишлатишга ўргатиш билан бирга тўғри йўл тавлашга ўргатиш ҳам ота-она ибрати орқали амалга оширилса кутилган натижани беради.

Оила бюджети – бу оиланинг даромадлари ва харажатларининг (сметаси) балансидир. Оила бюджети бу – оиланинг ўз функциялари ва вазифаларини бажаришни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг балансидир.

Оилавий бюджетга энг кўп зарар келтирадиган, харажатларни кўпайиб кетишига олиб келадиган нарса кераксиз буюмларни сотиб олишдир. Шунинг учун фарзандларга ота-оналар буни тушунтириши, уларда оила бюджети, унинг даромадлари ва харажатлари ҳақида тушунча бўлиши керак.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Оила, оиланинг функциялари, инсон капиталига инвестиция жараёни, иқтисодиётни капитал билан таъминлаш, иқтисодий тарбия, оила иқтисодиёти, меҳнат тарбияси, оила бюджети.

Тақрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Оила деганда нимани тушунамиз? Унинг асосий функциялари нималардан иборат, уларни кўрсатиб бераоласизми?

2. Оила бўлиб никоҳда яшашнинг қандай афзалликлари бор? Уларни кўрсатиб бераоласизми?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг жамиятдаги ролини изоҳланг у қандай тарзда ўзгариб боради, деб ўйлайсиз?
4. Оиланинг бош функцияси нима? Нима сабабдан уни биз бош функция деб атаёмиз?
5. Инсон капиталига инвестиция жараёнини қандай босқичларга бўлиш мумкин ва улар қайси жиҳатлари билан фарқланади?
6. Оиланинг иқтисодий капитал билан таъминлаши қандай кечади, тушунтириб бераоласизми?
7. Оиланинг фарзандларни иқтисодий фикрлашини шакллантиришда қандай рол ўйнашини кўрсатиб бераоласизми?
8. Фарзандларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялашни нимадан бошлаган маъқул, деб ўйлайсиз? Сиз бу ҳақда ўз оилангиз мисолида гапириб бераоласизми?
9. Оилада меҳнат тарбиясига қандай қарайсиз? Сиз ўзингиз оилада қандай юмушларни бажарасиз? У сиздаги фазилатларни шаклланишига қандай таъсир кўрсатди, деб ўйлайсиз?
10. Оила бюджети ҳақида нималарни гапириб бера оласиз? Бюджет сарфларини тўғри режалаштириш қандай рол ўйнайди?

IX боб. МУЛҚДОРЛИК РУҲИНИ ТАРБИЯЛАШ ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Иқтисодий тафаккур иқтисодий таълим-тарбия орқали шакллантирилади. Бу жараёнда мулкдорлик руҳини тарбиялаш алоҳида ўрин тутди.

Навбатдаги бобда нима сабабдан мулкдорлик психологиясини шакллантириш зарурлиги, мулкдорлик ва унинг манфаатлар билан қай тарзда боғлиқлиги, мулкдорларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва бошқа масалаларни ўрганамиз.

1-§. Мулкдорлик психологиясини шакллантиришнинг зарурияти

Ҳар қандай давлат ва жамият юритаётган сиёсати муайян даражада тарбия жараёнига ўз таъсирини ўтказди. Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўли ривожланиши миллий модели ҳам таълим-тарбия жараёни билан узвий боғлиқ.

Айни пайтда тарбиядан кўзланган мақсад кишиларимиз, биринчи навбатда, ёшларни замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти, мақсадини чуқур мулоҳаза қилиш уларда тadbиркорлик билимини бойитиш асосида боқимандалик кайфиятидан бутунлай халос қилишдан иборатдир.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта, унинг дунёқраши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, боринги қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида тақлиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима берганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқдор бўлиш даркор.¹ Ана шундагина келажакка ишонч билан қарайди, ўз билими, салоҳиятини юксалтиришга интилади, эҳтиёж сезади.

Инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайекнинг фикрича, энг юксак шу билан бирга, ҳеч қандай эътироз билдирмайдиган

¹ И.А.Каримов. Инсон манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш – устувор вазифадир // «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил, 8 декабр.

қадрият бу инсонни бошқа одамларга тобе бўлишдан ҳоли қиладиган, лекин фуқоралик жамиятни қонун-қондаларига бўйсундирадиган инсон эркинлигидир.

Бундай эркинликнинг иқтисодий асоси мулк муносабатларидир.

Жамиятнинг тараққиёти иқтисодий муносабатлар, хусусан, мулк муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ, чунки ҳар қандай жамият мулкчиликдан бошланади.

Мулк соҳиби мустақил, эркин. У бировга қарам эмас, чунки у ўз мулкига таяниб фаолият юритади. Мулксиз эса ёлланиб ишлашга ёки бировнинг мулкни ижарага олиб иш юритиши мумкин ёки ночорликдан унга қарам ҳолда ишлаши ёки бировнинг ҳўлига қарам бўлиб қолиши мумкин.

Давлатнинг мулк монополияси ва маъмурий-буйруқбозликка, марказдан режалаштиришга асосланган иқтисодиёт одамларда боқимандалик кайфиятини чуқур илдиз отиши ва хўжайинлик ҳиссини йўқолишига олиб келди.

«Ўтмишдан мерос бўлиб қолган номақбул бир иллат борки, ундан воз кечиш лозим. Яъни инсон жамиятдаги ўз ўрни ва қадрини тўғри тушуниши зарур. У ўзини кичкина бир мурват деб ҳис этиши, ҳамма муаммоларни унинг ўрнига давлат ҳал қилиши керак деб билиши зарарли тушунчадир».¹ Кишининг онгида бундай тушунчанинг ҳукмронлиги унинг ўз мақсади йўлида интилиши, ўз меҳнати билан муносиб ҳаёт кечириш, турмуш шароитини яхшилаш мумкинлиги ҳақидаги тушунчани сўндиради. Айрим кишиларнинг онгида эса давлат бой у бизни боқиб олиши керак деган фикрни ўрнашиб қолишига олиб келади.

Одамларнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқимадаликни енгишга, хўжайинлик ҳиссини қайтадан тиклашга фақат бозор муносабатлари қодирлигини ҳисобга олиб мамлакатимиз иқтисодиётига ўтиш йўлини тавлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, энг аввало, мулкчиликни ислоҳ этишдан ва кишиларда мулкдорлик психологиясини шакллантиришдан бошланди, чунки у барча йўналишдаги ислоҳотлар ва тadbирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Ёшлар ана шуларни тушуниб етишлари ва ўз фаолиятларида қўллашлари лозим.

Маълумки, дастлаб ўзлаштириш биргаликда юз бериб, умумий бўлинмайдиган мулк вужудга келган. У одатда, **ижтимоий мулк** деб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 195-бет.

аталади. У кишилик жамияти тарихида айрим иқтисодчилар фикрига кўра, тахминан 1 млн йил давомида ҳукм сурган. Умумий биргаликда ўзлаштириш – бу жамоага бирлашган барча кишилар томонидан ҳал қилувчи ишлаб чиқариш ресурслари ва бошқа ҳаёт кечириш воситаларига биргаликда тенг эгалик қилишдир. Бу мулк типи қуйидаги хусусиятлари:

а) ишлаб чиқариш ресурсларига тенг эгалик қилиш;

б) умумий биргаликда қилинган меҳнат натижасини биргаликда ўзлаштириш;

в) истеъмол буюмларини тенг тақсимлаш тенденцияси билан характерланади.

Биргаликда ўзлаштириш ўзига хос иқтисодий психологияни ҳам шакллантиради. Яъни:

– бунда жамиятда бойликни текис тақсимлаш ғояси ҳукмрон;

– жамоачилик асосий ўринга чиқади;

– жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ўзаро ёрдам бериш, кўмаклашиш;

– умумий мулк шахсан ҳеч кимга тегишли эмас деган фикрнинг ҳукмронлиги;

– ҳар бир шахс манфаати билан жамият манфаати ўртасида бево-сита алоқанинг йўқлиги.

Мулкчиликнинг ижтимоий типи, яъни биргаликда ўзлаштириш қуйидаги аниқ шаклларда: ибтидоий жамоа, давлат мулки тарзида намоён бўлади.

Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида инсон ҳаёти бутунлай табиатга, атроф-муҳитга боғлиқ бўлган. Меҳнат қуроллари жуда оддий бўлиб, ҳаёт кечириш учун неъматлар излаб топиш катта қийинчиликлар билан амалга ошган. Ҳаёт кечириш жамоа бўлиб яшагандагина мумкин бўлган. Ўз жонини сақлашга интилиш одамларни стихияли тарзда жамоага бирлашишга олиб келган. Жамоалар аввал уруғ жамоаси, сўнгра қабила тарзида таркиб тошган. Жамоага қарашли бўлган ер, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш натижаси тенг тақсимланган.

Жамиятда деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажралиб чиқиши, сўнгра хунармандчиликнинг келиб чиқиши катта ўзгаришларга олиб келди. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, ишчи ҳайвонлардан фойдаланиш нисбатан озчилик учун бошқаларсиз ишлаб чиқариш имкониятини вужудга келтирди.

Биргаликда яшаш, ҳаёт кечириш учун неъматлар излаб топиш ўз иқтисодий аҳамиятини йўқотди. Унинг ўрнига оилавий хўжаликлар вужудга келдики, улар ўз навбатида, кейинчалик хусусий мулк келиб чиқишига сабаб бўлди.

Биргаликда ўзлаштиришнинг турли шакллари узоқ вақт ҳукм сурган.

Ислом қоидаларига кўра барча мулк Оллоҳникидир. Ер, сув ва бошқа неъматлар Оллоҳнинг бандаларига иноятидир. Демак, барча мулкда ҳамманинг ҳақи бор. Шу сабабли, исломда мулкдан жамоа бўлиб фойдаланиш кучли. Уни ҳозир ҳам ҳис қилиш мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳам Осиё, Африка, Лотин Америкасида жамоалар ижтимоий тизимнинг таркибий қисми сифатида мавжуд.

Биргаликда ўзлаштиришнинг давлат мулки шакли давлат келиб чиқиши билан боғлиқ. Давлатнинг ўз вазифаларини адо этиши учун давлат мулки бўлиши, яъни бойликни давлат томонидан ўзлаштириш зарур. Давлат мулкининг миқёси ва ундан фойдаланишнинг мақсади жамият тараққиётида объектив заруратдан келиб чиқиб ўзгариб турган.

Давлат мулки хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиққан.

Масалан, Ўрта Осиё минтақасида X–XIII асрларда дастлабки турк-ислом давлати – Қорахонийларнинг кучли марказлашган давлати ҳукм сурган. Давлат мулки қуйидаги шаклларда:

1. **Амлоки хос** – давлат мулки. Ер ва ер ости бойликлари, моддий кўчмас мулклар ва давлат аҳамиятига оид ашёлар давлат тасарруфида бўлган.

2. **Иқтоъ** – давлат хизматчиларини таъминловчи мулк. Муайян ер майдонлари, моддий-маънавий мулклар ва давлат хазинасининг муайян қисми иқтоъ мулки бўлган.

3. **Вақф** – муайян ижтимоий табақа мулки. Маданий-маърифий бинолар, мадраса ва масжидлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар вақф мулки бўлган.

Шу билан бирга Қорахонийлар давлатида хусусий мулкчилик чекланмаган. Шу сабабли, жамиятнинг барча табақаси ўз мулкига эга эди. Жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланиб кетишига йўл қўйилмаган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бунга давлат мулкидан, чунончи вақф мулкидан гоят самарали фойдаланиш билан эришилган.

Хусусий ўзлаштириш одамларнинг мулкка бойлик орттириш манбаи сифатида қарашидан келиб чиқади.

Хусусий ўзлаштиришга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқидан ташқари, бошқариш, даромад олиш, сотиш, хавфсизликни таъминлаш, мерос қолдириш ва бошқа ҳуқуқлар ҳам киради. Бу ҳуқуқлар моҳияти жиҳатидан жамиятда қабул қилинган тартиб, қонун-қоидаларни ифодалайди. Бу ўз навбатида инсон иқтисодий психологиясини ҳам шунга мувофиқ шакллантиради:

– индивидуал, эгонстик фикр юритиш асосий ўринга чиқади;

- жамият билан ҳар бир алоҳида шахснинг бегоналашуви;
- бошқаларнинг эҳтиёжини қондиришга ўз манфаатини кўзлаган ҳолда (киришилади), қатнашилади;
- хусусий мулк асосида бойлик орттириш кўзланади;
- жамиятда бойликни хусусий мулк асосида табақаланиш гоёси устун бўлади;
- хусусий мулк муқаддас, дахлсиз, инсоннинг табиатига мос тушадиган мулк тарзида тасаввур этилади;
- ўз мулкни иқтисодий реализация қилиш орқали мулк эгасининг шахсий манфаатдорлиги амалга ошади, таъминланади.

Хусусий ўзлаштириш икки турда бўлиб, бир-биридан катта фарқ қилади.

Биринчисида ишлаб чиқариш омиллариининг эгаси ўзи меҳнат қилади, иккинчисида эса ёлланган ишчилар. Мувофиқ равишда хусусий мулкнинг икки тури мавжуд бўлади:

а) барча ишлаб чиқариш омиллариининг ягона эгасига тегишли бўлган мулк ёки индивидуал хусусий мулк;

б) ишлаб чиқаришнинг меҳнат омили билан бошқа омиллар эгаси алоҳидалашган хусусий мулк.

Хусусий мулкнинг биринчи турига деҳқон, хунарманд ва бошқа шунга ўхшаш ўз меҳнат воситалари билан ўзи меҳнат қиладиганлар кирди. Ишлаб чиқариш барча омиллариининг эгаси сифатида яратилган барча маҳсулотни меҳнат омили эгасининг ўзи ўзлаштиради. Ҳар бир киши ўзи меҳнат қилар экан, ўз мулкдан асраб-авайлаб, самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Мулкдан фойдаланиш натижасида фаровон яшаш учун чуқур манфаатдорлик ётади. Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи ўз хўжалиги ва олаётган даромади барқарор бўлиши учун кучи ва маблағини аямай ҳаракат қилади. Бир кишининг ўзида ҳам мулк эгаси, ҳам меҳнатқаш мужассамлашганда ишлаб чиқариш омиллариининг энг самарали фойдаланилади. У эркин, бошқалар томонидан эзилмайди, эксплуатация қилинмайди. Бошқача айтганда, меҳнат омилига тегишли маҳсулот (даромад) бошқа омил эгаси томонидан ўзлаштириб олинмайди.

Хусусий мулкнинг иккинчи турида меҳнат омилидан бошқа омиллар мулк эгасига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш натижаси ҳам унга қарашли бўлади. У нисбатан катта миқдорда мулкка эгалик қилиб, йирик ишлаб чиқариш, яъни йирик хўжалик ташкил этиб, иқтисодий фаолият юритади.

Бунда ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат омили билан бошқа омиллариининг бирикиши икки усул билан амалга оширилади:

- 1) ноиқтисодий, яъни мажбурий меҳнат орқали;

2) иқтисодий йўл билан, яъни иқтисодий рағбатлантириш, ҳақ тўлаш йўли билан меҳнатга жалб қилиш орқали.

XV–XIX асрларда Ғарбий Европада янги социал-иқтисодий тизим: капитализмнинг дастлабки, тарихда «классик капитализм» деб ном олган босқичи қарор топди.

Бу босқичда хусусий капиталистик тадбиркорлик принциплари тўла намоён бўлади. Бош иқтисодий омил яқка хусусий мулк эгаси бўлиб, у корхона эгаси сифатида ишлаб чиқаришни ўзи бошқаради. Шундай хўжалик фаолиятини А. Смит ва Д. Рикардо назарий жиҳатдан ёритиб беришган. Капитализм босқичига ўтилиши билан буюқ тарихий жараён – инсониятнинг индустриал ишлаб чиқаришга ўтиши бошланди. Бу техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда катта сифат ва миқдор ўзгаришларига йўл очди. «Буг асри»дан «Электр асри»га ўтилиши меҳнат кооперацияси масштабининг кенгайиши, капиталнинг тўпланиши ва марказлашувини кучайтирди.

Оқибатда микроиқтисодиёт тамомила янги кўринишга эга бўлди.

Кўшлаб йирик корхоналар ажралиб, ишлаб чиқаришда ҳукмрон макени эгаллашга киришди. Бу йирик корхоналар миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўз маҳсулотини реализация қилиш учун ҳамма имкониятларини ишга солишга киришди.

Йирик саноат капитали билан банк капитали қўшилиб молия капитали вужудга келди. Мулкчиликнинг янги типи: биргаликда қўшилган улushга қараб ўзлаштириладиган мулк келиб чиқди.

Мулкчилик янги типининг шаклланишига кўп жиҳатдан фан-техника инқилоби натижасида янги, катта капитал талаб қиладиган соҳаларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Бунда, биринчидан, алоҳида капиталистларнинг капитали етмаслиги, иккинчидан, рақобатда мағлуб бўлиб, банкрот бўлиши туфайли мол-мулкдан ажралиб қолиш хавфи муҳим роль ўйнади. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, капитализм 100 йил давомида эришган натижалар кишилик жамияти тарихий тараққиётидаги миллион йиллар давомида эришган ютуқлардан салмоқлироқдир. Бундай натижага эришишда мулкчилик психологияси, иқтисодий психология етакчи ўрин эгаллайди.

Мулкчиликнинг янги, учинчи типиди – умумий ва хусусий ўзлаштириш биргаликда амалга ошади. Бундай аралаш ўзлаштиришга қуйидаги сабабларга кўра эришилади:

1. Бу мулк – умумий мулк бўлиб, барча қатнашчилар қўшган ҳисса асосида ташкил топади.

2. Биргаликдаги ҳиссадорлик асосида ташкил топган бу мулкдан умумий мақсад ва ягона бошқарув асосида фойдаланилади. Одатда, ҳар бир ҳисса қўшган мулк эгасига умумлашган мулкни бошқаришда меъёрий имкониятлар берилади.

3. Хўжалик фаолиятини пировард нагжаси ҳар бир кишининг кўшган ҳиссасига кўра тақсимланади.

Бу мулк типи ҳам одамларда маълум иқтисодий психология вужудга келишига таъсир кўрсатади:

- индивидуал-жамоачилик туйғуси;
- умумлашган мулк эгалари мулк ва ундан олинадиган даромад барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар;
- хусусий иқтисодий манфаатдорлик жамоанинг умумий манфаати билан кўшилиб кетади;
- кишиларда ҳар бир кишининг даромади умумий даромадга, умумий муваффақиятга боғлиқлиги ҳақида тушунча пайдо бўлади.

Ҳамкор (улуш асосида биргаликда ташкил топган) мулк куйидаги аниқ шаклларда намоён бўлади:

- акционерлик жамияти (корпоратив) мулки;
- қатнашувчиларнинг пай мулкига асосланган кооператив мулк;
- ширкатлар мулки;
- йирик хўжалик бирлашмалари (ассоциация, иттифоқ ва бошқа шунга ўхшашлар) мулки;
- кўшма корхоналар (миллий ва хорижий капитал билан);
- турли шаклдаги жамоалар мулки.

Агар мулкчиликнинг биринчи типиди мулк умумий, бўлинмайдиган, ҳар бир кишининг индивидуал манфаати умумий манфаатга тўлалигича бўйсундирилган бўлса, учинчи типиди аввалдан бош умумий мулк унинг қатнашчилари хусусий мулкидан ташкил топган. Ҳар бири ўз улушидан манфаатдор.

У иккинчи мулк типидан ҳам фарқ қилади. Агар классик капитализмда ишлаб чиқариш воситаларига яқка капиталистнинг ўзи эгалик қилса, учинчи типда мулк эгаси аноним, яъни барча улуши борларнинг биргаликдаги мулки бўлади.

Учинчи тип мулкнинг энг кенг тарқалган шакли акционерлик жамияти, яъни корпоратив мулкдир. Бу мулк эгалари биргаликдаги мулкдаги ўз улушларини хоҳлаган пайтларида сотишлари мумкин. Шунинг учун мулк ҳажми ўзгармагани ҳолда мулк эгалари таркиби ўзгариб туриши мумкин. Ундан ташқари, индивидуал, яқка капиталистик мулкда капитали мулк эгаларининг ўзи бошқарса, акционерлик жамияти фаолиятини махсус профессионал бошқарувчилар – менежерлар бошқаради. Улар маълум муддатга ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган шартнома (контракт) асосида ишлайдилар. Агар капитал эгасининг капитали ўз маблағини ишлаб чиқаришга кўйиш туфайли кўпайса, акционерлик капитали четдан пул маблағларини, айниқса, банк маблағларини жалб қилиш орқали кўпайтирилади.

Акционерлик шакли ниҳоятда мослашувчан. У турлича ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлиб, ундан алоҳида кишилар манфаати ёки ижтимоий гуруҳлар, ёки давлат манфаати йўлида фойдаланиш мумкин. Бу акциялар назорат пакети кимга тегишли бўлишига боғлиқ.

Назорат пакети кимнинг қўлида бўлишига қараб, акционерлик жамиятлари алоҳида кишилар, бошқа компаниялар, давлат ёки меҳнат жамоаси назоратидами ажратиш мумкин.

Маълумки, мулк ҳақидаги дастлабки тушунча оилада берилади. Болага бировнинг нарсасини эгасидан сўрамай олиш мумкин эмаслиги, ўйинчоқлари, кийим-кечакларини ифлос қилиш ёмон яш экани, уларни эҳтиёт қилиш кераклиги ўргатилади. Кейинги босқичларда эса мулк муносабатлари, турлари ва шакллари, мулкдан самарали фойдаланиш ҳақида тушунчага эга бўлади ва мулкчилик муносабатларида ўзи қатнашади.

2-§. Мулк муносабатлари ва мулкдорлик

Мулкчилик муносабатлари жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик биринчидан, кишиларнинг нарсаларга муносабати, яъни мулк субъектининг объектга муносабати нуқтаи назаридан қаралиши унинг ҳуқуқий жиҳатини кўрсатади, иккинчидан, бойлик хусусида кишилар ўртасидаги муносабат, яъни субъектлар ўртасидаги объектга нисбатан муносабат нуқтаи назаридан қаралиши эса иқтисодий жиҳатидан қараш мумкин. Кишилар буюмларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштириши мумкин, чунки жамиятда ўзганикени ўзлаштириб бўлмайди.

Мулккий муносабатлар юридик қонунларда қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги Қонунда фуқороларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи кафолатланади: ҳамма шаклдаги мулкларнинг тенглиги, мулк дахлсизлигини давлат таъминлаши, мулк ривожига тўсқинлик қилиш ман этилиши қайд этилган. Бу қонунга кўра, мулкдор ўз мулкини руҳсат этилган ҳамма соҳада ишлатишга ҳақли, ҳорижий мулк ҳам давлат ҳимоясига олинади.

Мулкчилик – масъулият билан манфатларни узвий бирлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ана шу тушунчани ёшлар онгига сингдириш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг марказий йўналишини кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрнига мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Хусусий мулк шаклининг қонуний эътироф этилиши тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий кафолатларининг таъминланиши жамият аъзоларининг

узоқ йиллар давомида таъкидланиб келган эркин ва мустақил хўжалик фаолияти юритишга интилиш кўринишидаги иқтисодий манфаатларнинг амалга ошириши учун кенг йўл очиб берди. Мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши давлатнинг мазкур йўналишдаги усул ва аниқ йўналтирилган сиёсати орқали жадал суръатларда амалга ошириб, ўзини ижобий натижаларини кўрсатди. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг нодавлат сектори аҳамиятли салмоққа эга бўлиб борди. 2006 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг 79,4 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат септорида ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусиятлаштириш жараёнларини амалга ошириш муҳим рол ўйнади.

Ислохотларни амалга оширишдан кўйилган мақсадга кўра ҳар томонлама асосланган ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма – босқич амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IV сессиясида сўзлаган нутқида «Жамият демократик тараққиётининг иқтисодий асоси мулкчилик шаклининг кўп хиллиги бўлса, сиёсий асоси мулкдорлар синфининг мавжудлигидир», - деб таъкидлади. Яқин ўтмишда бу фақат умумдавлат мулкчилигини тан олардик. Ривожланган мамлакатларнинг реал тарихий тараққиёти ресурслардан тежаб, самарали фойдаланиш, илғор ва конструктив ғояларни мулкдорлар илгари суриши ва амалга оширишини кўрсатди ва кўрсатмоқда.

Бирор-бир жамиятни мулкдорлик муносабатлари ва мулк шакллари сиз тасаввур қилиб бўлайди. Кишилик жамиятининг ривожланишида мулкчилик муносабатлари асос бўлиб келган. У ҳокимиятчилик масалаларини ҳал этишда ҳам асосий рол ўйнаган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни ҳам мулкчиликни ислох қилишдан бошланди. Мулкчилик тўғрисидаги қонун кишилар онгида эгаллик туйғусини шакллантиришга қаратилган биринчи ҳужжат ҳисобланади.

Биз қураётган ижтимоий йўналтирилган кучли демократик жамиятнинг ҳуқуқий асослари, асосий Қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг асосий ҳуқуқий йўналишларни белгилаб беради.

Конституциямизда жамиятнинг иқтисодий негизини ташкил этувчи мулкчилик муносабатлари, айниқса, шахсларнинг мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга асос яратилди. Конституциянинг

53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади», – деб белгиланиши мамлакатимизда мулк шакллари-нинг хилма-хил бўлишини мустаҳкамлади. Унга асосан янги қонунлар тизими яратилди, мавжуд қонунлар тегишли тартибда қайта кўриб чиқилди. Мулкчилик тўғрисида қонунга ҳам ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Унда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, мулкнинг дахлсизлиги, фуқаролар мулки хусусий мулкдан иборатлиги, ишчи кучини тасарруф этиш, мулкдорнинг тасарруф этиш ҳуқуқи чекланмаслиги каби ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланди.

Қуръони каримда мулкнинг муқаддаслиги ва дахлсизлиги айtilган. Бировнинг мулкни ўғирлашгина эмас, балки шу ҳақда ўйлаш ҳам катта гуноҳ ҳисобланган. Ўғриларга нисбатан қаттиқ жазо чораси кўрилган.

Мулкчилик муаммоси узоқ йиллар давомида жуда кўп соҳанинг билимдонлари, файласуф, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, социолог ва сиёсатшуносларни қизиқтириб келган. Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Авлодлар меҳнати билан яратилган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган.

Олий Мажлиснинг IV сессиясида қабул қилинган «Фуқаролик кодекси» нинг биринчи қисмида мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга кенг эътибор берилган. Унда мулк ҳуқуқига тушунча берилиб, «Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир»¹, – деб белгиланган. Мулк ҳуқуқи мутлоқ бўлиб муддатсиз амалга оширилади.

Мулкдор ким? Мулкдор – бирор мол-мулкка нисбатан ўз ҳоҳишига кўра мулк ҳуқуқини амалга оширувчи шахсдир. У шахс бирон-бир шаклда муайян мулк - кўчмас мулк, ер майдони, меҳнат қуро-лари, кичик корхона эгаси. Мулкдор аввало, бу мол-мулкларга юри-дик, яъни қонуний асосда мулк ҳуқуқини вужудга келтириши, кўлга киритиши лозим. Акс ҳолда мулкни эгаллаган шахс ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотиши мумкин.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига очик, ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, биз уни амалга ошириш йўлида бор имкониятларимизни ишга сол-

¹ Фуқаролик кодекси, 164-модда.

моғимиз зарур. Бозор муносабатлари шаклланишида, аввало, бозорни вужудга келтирадиган ҳаракатлантирадиган куч ким бўлиши ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатдики, ўрта мулкдорлар синфи экан. Буни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга эътибор қаратилди.

«Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзда аҳолиимизнинг менталитети ва дунёқарашини ҳам ўзгартиришга эришган бўлаемиз»¹.

Мулк шакллари хилма-хиллиги, биринчи навбатда, хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланади. Жамиятда иқтисодий ресурсларга эга ўрта мулкдорлардан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси бўлади. Жамиятни мувозанатга эришишини ана шу ўрта мулкдорлар қатлами таъминлайди. «Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликни ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бар-тароф этишнинг кафолати ҳисобланади».²

«Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди».³

«Кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонун ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлса, кейинги қабул қилинган қатор қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни ҳуқуқий тизимини яратилишга олиб келдики, бу ўз навбатида, уларнинг ЯИМдаги улushi 42,6 фоиз ташкил этиши мамлакатда том маъноси билан ана шундай ўрта мулкдорлар синфи вужудга келганидан далолат беради.

3-§. Мулк ҳуқуқи, мулкдорлик ва манфаатлар

Ҳар биримиз биламизки, инсон яшар экан, ҳаёт кечириши учун турли неъматларни ишлаб чиқаради ва истеъмол қилади. Бироқ бир

¹ Каримов И.А. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1998. 27 феврал, 2-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 196-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 197-бет.

неъматни истеъмол қилиш, яъни ундан фойдаланиши учун бу неъмат ундан фойдаланмоқчи бўлган кишининг ўзиники бўлиши керак. Бировнинг нарсасидан эгасидан рухсатсиз фойдаланиб бўлмайди. Демак, бирор неъматдан фойдаланиш учун уни аввало, бутунлай ёки вақтинчалик ўзиники қилиб олиш керак. Ундан ташқари, одамлар ўртасида мана шу жараёнда тушунмовчиликлар, низолар чиқмаслиги учун маълум тартиб, қоидалар белгиланган бўлиши зарур. Одамлар ўртасида неъматларга ўзиники ёки ўзганики тарзда қаралиши мулк муносабатларида намоён бўлади. Мулк муносабатларида мулк ҳуқуқи – (эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф қилиш) муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай жамият мулкчиликдан бошланади. Мулкнинг эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб шахснинг жамиятдаги мавқеи, социал мақоми юзага келади.

Мулк иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида бир бутунликдан иборат бўлиб, ҳар икки жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Мулкчилик ҳуқуқи ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо қилади. Шу сабабли, мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий категория ҳам ҳуқуқий категория. Бу бирликда ҳал қилувчи ролини мулкчиликни иқтисодий томони эгаллайди. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса бунда у фақат ҳуқуқий категория сифатида қолади.

Дастлабки инсонга ҳамма табиатдаги неъматлар бирдай қарашли бўлган пайтда, бор неъматларни истеъмол қилиши оқибатида очликка маҳкум бўлишдан деҳқончилик ва чорвачиликни ўрганиш, яъни ишлаб чиқаришни бошлаш билан йўл топган бўлса, табиатда ресурсларни чекланганлиги, уларни пала-партиш, самарасиз ишлатишдан мулкчилик муносабатлари келиб чиқиши, мувофиқ равишда мулк ҳуқуқларини белгилаш билан йўл тошди. Хусусий мулкчилик ресурслардан энг самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Мулкчилик иқтисодий маънода – кишилар ўртасида мулкни ўзлаштириш, хўжалик юритиш учун ишлатиш жараёнида юз берадиган реал муносабатларни ифодаласа, ҳуқуқий маънода – мулк юзасидан вужудга келадиган алоқалар, қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларда, давлат томонидан белгиланган ва ҳар бир фуқаро учун мажбурий тартибда расмийлаштириладиган йўл-йўриқларда ифодаланади.

Умуман олганда, қонунлар мулкчилик муносабатларини яратмайди. Аксинча, жамиятдаги реал таркиб топган муносабатларни мустаҳкамлайди, холос. Мулкчилик юридик жиҳатдан объектив тарзда таркиб топган ўзлаштириш муносабатларини субъектив ифодаланиши,

бошқача айтганда бу муносабатларни жамият томонидан мустақкамлаш заруриятининг намоён бўлишидир.

Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг «Институционал йўналиш» намояндалари, таниқли америкалик иқтисодчилар, Чикаго университетининг фахрий профессори, Нобель мукофотининг лауреати Рональд Коуз ва Лос-Анжелес университетининг профессори Армен Алчианлар «Мулк ҳуқуқи» иқтисодий назариясига асос солишди. Кейинчалик, бу назария бўйича тадқиқот ўтказиш ва ундан фойдаланишда Й. Барпель, Г. Демец, Д. Норт, Р. Познер ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Улар биз учун ўрганиб қолганимиз мулк тушунчаси ўрнига «Мулк ҳуқуқи» атамасини ишлатадилар. Мулк ҳуқуқи «ҳуқуқ дастаси»да ифодаланади. Уларнинг фикрига кўра, ресурс ўзича мулк бўлмайди, балки ресурслардан фойдаланиш бўйича мулк ҳуқуқиғина уни мулкка айлантиради. Бунда «Хуқуқ дастаси» тўлиқ ёки унинг айрим элементи асосида юзага чиқади.

Тўла ҳуқуқ дастаси куйидагилардан ташкил тошган:

1. Эгалик қилиш, яъни бойлик устидан назорат қилиш ҳуқуқи.
 2. Фойдаланиш ҳуқуқи, яъни нарсаларнинг хоссаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.
 3. Бошқариш ҳуқуқи, яъни нарсалардан ким, қандай фойдаланишини таъминлаш масаласини ҳал этиш, ечиш ҳуқуқи.
 4. Даромад олиш ҳуқуқи, яъни нарсалардан фойдаланишдан келган натижаларга эга бўлиш ҳуқуқи.
 5. Тасарруф қилиш (суверенлик ҳуқуқи), яъни нарсаларни бегоналаштириш, бошқача айтганда, сотиб юбориш, истеъмол қилиш, ўзлаштириш ёки йўқ қилиб юбориш ҳуқуқи.
 6. Хавфсизлик ҳуқуқи, яъни бойликни экспроприация (тортиб олиш) қилишдан, ташқи муҳитдан етказиладиган зиёнлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи.
 7. Ўз бойлигини мерос қолдириш ҳуқуқи.
 8. Нарса соҳиби бўлишнинг муддатсизлиги ҳуқуқи.
 9. Ташқи муҳитга зарар келтирадиган фойдаланиш усулларини таъқиқлаш ҳуқуқи.
 10. Қарзини тўлаш жавобгарлиги ҳуқуқи, яъни нарсадан қарзини тўлаш учун фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш ҳуқуқи.
 11. Бузилган ҳуқуқни тиклашни таъминловчи тартиб ва институтларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш ҳуқуқи.
- Шундай қилиб, мулк ҳуқуқи деганда кишилар ўртасида неъматлар ва ундан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган муносабатларнинг жамият томонидан қабул қилинган (давлат

қонунлари, анъаналар, урф-одатлар, маъмурий фармойишлар) қондалари тушунилади.

Ўзлаштириш учун доимо жамият томонидан белгиланган қоида тусини олган тартиблар бўлган.

Институционализм назариясига биноан мулк муносабатлари ресурсларнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Ресурслар чекланган, камёб бўлмаса, мулк ҳақида гапириб маъносиз. Шунинг учун ҳам мулк муносабатларини моддий ва номоддий ресурслардан ўз хоҳиши билан бемалол фойдаланишга йўл қўймаслик, таъқиқлаш тизими сифатида кўриш мумкин.

Агар ресурслардан фойдаланишга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса у ҳеч кимга тегишли эмас ёки ҳаммага тегишли. Бундай ресурслар мулк бўлмайди.

Ресурслардан фойдаланишда бошқаларнинг тўсқинлик қилиши мулк ҳуқуқи орқали ифодаланаяди. Бундай мулк ҳуқуқини, уни қадрлайдиган, ундан кўпроқ фойда оладиганларга бериш имкониятларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мулкни ўзи учун кераксиз ҳисоблаган ёки самарали фойдалана олмайдиган киши сотади. Натижада энди юқорида кўрсатилган мулк ҳуқуқи дастаси мулкни сотиб олган кишига тааллуқли бўлади.

Мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати иқтисодий томонига нисбатан бўйсундирувчи рол ўйнамайди. Бу шунда кўринадики, ишлаб чиқариш омилларига ҳуқуқий эгаллик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди. Ишлаб чиқариш ресурслари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шунинг учун ҳам мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган, реал кўриниши ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи ўзлаштириш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга ҳар бир кишининг амал қилиши зарурлиги, аксинча, амал қилмаса, уни бузганлик учун жазолашни ифодалайди. Улар биринчидан, ишлаб чиқариш омиллари ва яратилган маҳсулот муайян шахслар(жисмоний, ҳуқуқий)га тегишли эканлигини, иккинчидан мулк эгаларининг қонун билан кўриқланадиган ваколатларини, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулк ҳуқуқи инвестиция, ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий қилиш, айирбошлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Интеллектуал мулкка нисбатан олсак, патентлар, муаллифлик ҳуқуқини инсонларни турли янгиликлар, ихтиролар қилишга ундайди. Меҳнат натижалари ва у билан боғлиқ иқтисодий манфаат, ютуқларни бошқалар томонидан текин ўзлаштириб олинишидан кўрқмай, китоб ёзиш, мусиқа басталаш, компьютер учун дастурлар ишлаб чиқиш ва

ҳоказолар билан шуғулланишни таъминлайди. Мулк ҳуқуқини бошқа муҳим томони у айирбошлашни енгиллаштиради. Мулк ҳужжатига қараб унинг эгаси қонуний эканлигига ишонамиз.

Айнан мулк ҳуқуқи бўлмаса ўз мулкни сақлаш, эгаси эканлигини исботлаш учун ниҳоятда кўп энергия, ресурслар, айниқса, вақт сарфланган бўлар эди. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабалар онгига мулк ҳуқуқини билиш, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини етказиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик ишлаб чиқаришнинг моддий омили билан меҳнат омилини, яъни ишлаб чиқариш омилларининг тенглигини таъминлайди. Бу омиллар эса ишлаб чиқариш жараёнида бири иккинчисисиз фаолият юрита олмайди.

Ҳўжалик алоқаларининг кенг доираси ҳуқуқий муносабатлар характерини олади. Бу муносабат қатнашчилари юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни элтувчи сифатида гавдаланади. Ҳар қандай мулкнинг асосий хусусияти:

1) унинг, албатта, кимгадир тегишли бўлиши;

2) эгасининг мулкни асраб-авайлашга, ундан самарали фойдаланишга интилишидир.

Инсоннинг шахс сифатида ҳамда мулк эгаси сифатида манфаатлари бўлиб, улар бир-биридан фарқланади. Шунинг учун мулкдор билан мулксизнинг манфаати кескин фарқ қилади.

Ҳар бир шахснинг инсон сифатида манфаати унинг ҳаётий эҳтиёжларини ифодаласа, мулкдор сифатида ўз мулкидан фойдаланиб даромад топишни ифодалайди.

Маълумки, кишилар иқтисодий муносабатларга бирон-бир манфаатдан келиб чиқиб киришадилар. Иқтисодий манфаатлар кишиларни ҳаракатга келтирувчи, уларнинг хатти-ҳаракатини, интилишини, ҳуққ-атворини белгиловчи кучдир.

Манфаатлар – бу одамлар эҳтиёжини муносабатлар орқали ифодаланишидир. Мулкчилик ҳам кишиларнинг иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Мулкнинг қандай доирада алоҳидалашувига қараб, манфаатлар ҳам алоҳидалашади: шахсий манфаат, оилавий манфаат, жамоа манфаати, жамият манфаати ва бошқалар.

Ҳар бир киши ўз шахсий манфаатига, оила аъзоси сифатида оилавий, меҳнат қилаётган жамоаси миқёсида манфаатга, яшаётган юртида шу юртнинг фуқароси, жамият аъзоси сифатида манфаатга эга.

Ҳар бир кишининг инсон сифатида эҳтиёжлари мавжуд. Унинг эҳтиёжи, жамиятда тугган ўрни, унинг шахсий манфаатини юзага келтиради. У ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиб манфаатни юзага чиқаради. Бунинг учун у ўз оиласида яшайди, жамоада меҳнат

қилади. Ҳар бир фирма, жамоа, корхона бошқаларидан алоҳидалашган ҳолда хўжалик юритар экан, шу жамоанинг умумий ишловчиларини бирлаштиради. Ҳар бир инсон ўз юртининг фуқароси сифатида умумдавлат манфаатини ифодалайди. Умумдавлат манфаати бутун халқ мақсадининг умумийлигидан далолат беради.

Манфаатлар объектив ҳамда субъективдир. Объективлигига сабаб эҳтиёжларнинг объективлиги, иккинчи томондан, манфаат ҳар бир субъектнинг манфаати сифатида юзага чиқади.

Манфаатлар, шунингдек, бир томондан умумий, иккинчи томондан хусусийдир. Манфаатларнинг умумий бўлишига сабаб шуки, аввало, ҳар бир инсон маълум бир оилادا, мамлакатда, қолаверса, Ер шарида яшайди, меҳнат қилади. Инсонлар учун шундай умумбашарий қадриятлар мавжудки, улар умумий манфаат тарзида намоён бўлади. Масалан: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тарихий ёдгорликларни асраш ва бошқалар.

Манфаатларнинг хусусийлиги ҳар бир субъектнинг ўз манфаати борлигидан келиб чиқади. Бу манфаат айнан унинг мақсадини ифодалайди, бошқаларнинг манфаатидан ажралиб туради ҳамда бошқаларнинг манфаатларига мос тушавермайди.

Инсоннинг шахс сифатида ҳамда мулк эгаси сифатида манфаатлари бўлиб, улар бир-биридан фарқланади. Шунинг учун мулкдор билан мулксизнинг манфаати кескин фарқ қилади.

Ҳар бир шахснинг инсон сифатида манфаати унинг ҳаётий эҳтиёжларини ифодаласа, мулкдор сифатида ўз мулкидан фойдаланиб даромад топишни ифодалайди.

Бу жараёнда барчанинг манфаати доимо бир-бирига мос келавермайди. Натижада манфаат эгалари ўртасида турли низолар-конфликтлар, қарама-қаршиликлар келиб чиқадики, уни бартараф қилишнинг ягона йўли мавжуд мулк ҳуқуқи ва уни амалга ошириш учун қабул қилинган қонун талабларига риоя қилишдир.

Манфаатларга турли жиҳатдан ёндашиш, ҳар бир инсоннинг манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи субъект сифатида иқтисодий фаолият жараёнида, ўзини қандай тугиши мумкинлигини аввалдан тахмин қилишга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётининг муҳим томони, афзаллиги ҳам шундаки, бозор иштирокчилари бозор муносабатларига ўз манфаатларидан келиб чиқиб киришадилар. Ўз манфаатларини кўзлаш, амалга ошириш учун ҳаракат бошқаларнинг манфаатини ҳам ўйлашга мажбур қилади. Бирор турдаги товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ўз манфаатини кўзлаб бирон товар ишлаб чиқарар экан, уни сотиш учун иложсиз равишда харидор манфаатини ҳам ўйлашга мажбур. Чунки

унинг нафлилиги, яъни истеъмом қиймати, нархи харидорни қониқтирмаса харидор товарни сотиб олмайди. У харидор манфаатига мослашади. Бу эса бошқаларнинг ҳам манфаатини таъминлашга олиб келади.

Мулк эгасининг мақсадини амалга ошириш натижасида мулк иқтисодий реализация қилинади. Мулкнинг иқтисодий реализация қилиниши мулк эгасининг манфаати амалга ошганда ифодаланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати амалга ошуви шарт, яъни ўз манфаати йўлида ишлата олиш имконига эга бўлиши керак. Масалан, автомобил эгаси ўз машинасини ижарага бериш, гаровга қўйиш, ўзи минивиши ва бошқа имкониятларга эга бўлиши керак. Агар шундай имкониятлар бўлмаса мулк формал бўлади.

Мулкнинг шакли ҳамда миқёсига қараб унинг реализацияси ҳам ҳар хил усуллар орқали юзага чиқади: ўз мулкни капитал сифатида ишлатиб бошқалар меҳнатини қўллаб ёки ўз меҳнати билан тadbиркорлик қилиб даромад олиш; ўз мулкни ижарага бериб ижара ҳақи, пул шаклидаги мулкни қарзга бериб фойз, мулкни қимматга сотиб даромад олиши; ёлланиб ишлаш орқали ўз мулки бўлган иш кучидан даромад, яъни иш ҳақи олиш.

Шундай қилиб, турли иқтисодий фаолият орқали мулк юзага чиқиб, ўз эгасига даромад – наф келтиради. Ўз мулкни ишлатиб қандай даромад топиш мулк эгасининг салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мулк тежамкорликни юзага келтиради. Мулк эгаси ўз мулкни асрайди, авайлайди, тежаб-тергаб ишлатади. Агарда мулк эгаси учун ўз қадрини йўқотса, уни зарур бўлган бошқа кишига сотиб юборади. Кўпчилик мулк соҳиби бўлгандагина жамият бойлигини сақлаши ва кўпайтириши мумкин. Демак, мулк ҳуқуқи жамият тараққиётида қандай рол ўйнаши ва унинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келишини ўқувчи-талабалар онгига етказиш ва уни чуқур ўрганишга йўналтириш лозим.

3-§. Мулк эгаларида маънавий бойликни шакллантириш

Инсонларнинг иқтисодий фаолияти маълум бир шароитда ёки муҳитда юз беради. Унинг асосини икки: ижтимоий ва табиий муҳит ташкил қилади. Табиий муҳит шу ерда истиқомат қилаётган кишиларга мавжуд, табиатан берилган имкониятни ифодаласа, **ИЖТМОИЙ** муҳит эса **биринчидан** – мулкчилик муносабатлари, иккинчидан эса жамиятнинг ижтимоий қурилишига боғлиқ бўлади.

Жамиятдаги мавжуд мулкчилик муносабатларига кўра:

- кишининг жамиятда тутган ўрни;
- яратилган маҳсулотдаги хиссаси;
- жамият ҳаётидаги роли ва бошқалар шаклланади.

Хусусий мулк табақаланишини кучайтиради. Шунинг учун жамиятдаги ҳаддан ташқари табақаланишни чеклаш учун давлат ижтимоий муҳит яратиши лозим. Қатор неъматлардан, масалан, ўрмон, дам олиш зоналари, кўриқхона, сув ресурслари, ижтимоий транспорт ва ҳоказолардан барча фойдаланиши учун имкон яратиши зарур.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши, яъни қурилиши қонунчиликка асосланган бўлиши зарур, яъни ҳуқуқий нормалар ишловчи фуқаролар, ишсизлар, турли сабабларга кўра ишламаётганларни ҳимоя қилиши, ижтимоий қонунчиликка кўра ижтимоий суғурта, пенсия, нафақа, ёрдам ва бошқа тўловларни жорий қилиши, шунингдек жамиятнинг социал муҳитини яхшилаши керак.

Жамият ижтимоий муҳити уй-жой таъминоти, коммунал ва маънавий хизмат, меҳнат шароити, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда ўргача дунёда 100 нафар меҳнатга қобилиятли киши 70 нафар бола ва қарияларни таъминлайди.

Жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш учун кўпчиликни мулкдор, мол соҳибига айлантириш зарур.

Тадбиркорлик, кичик бизнес орқали хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитини яратилиш жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳам янгиланишини мазмуни моҳиятини белгилаб берадиган асосий вазифа ўрта синф мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этилади.

Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати амалга ошириши керак. Мулкдорнинг иқтисодий манфаати унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётининг эҳтиёжи бўлиб, унинг саъй-ҳаракати, феъл-атвори, иқтисодий фаолияти сабабини юзага чиқаради.

Мулк эгаси ўз манфаатини тўлароқ амалга ошириши учун уни ўзи бажараётган ишини, касбини пухта эгаллаган бўлишини ҳам тақозо қилади.

Мулк тежамкорликка ундан асраб, авайлаб фойдаланишга олиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, эгаси йўқ буюмга ҳеч кимнинг жони ачимади. Мулк йўқ жойда моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга интилиш ҳам бўлмайди. Эгасиз ресурслар талон-тарож қилинади.

Мулкнинг ҳуқуқ бу бойликни тасарруф эта билиш, ресурсларни ишлатишини назорат қилиш, жасорат, фойда – зарарни ўз зиммасига олиш ҳуқуқидир.

Мулкдор манфаати бу фақатгина тирикчилик эҳтиёжи эмас. Бу мулкни миқёси, ҳажмига қараб унинг кишилар ўртасида обрў-эътиборга орттиришини ҳам ўз ичига олади. Бунда турли хайрли ишлар қилиш; мактаб, йўл, кўприк, касалхона ва бошқалар қуриши, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва ҳоказолар.

Иқтисодий мўжизаларга эришган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, қаерда маънавият, илм-фан, техника ривожига эътибор берилса, ўша ерда ижтимоий юксалиш рўй беради, иқтисодиёт тез ва самарали ривожланади.

Маърифатсизлик пулшарастликни, шафқатсизликни келтириб чиқаради, меҳр-оқибатни сўндиради. Маънавий камбағаллик моддий камбағаллик каби тезда кўзга ташланмайди, сезилмай оз-оздан йиғлиб боради ва маънавий қашшоқликка олиб боради. Маънавий қашшоқлик эса моддий камбағалликдан бир неча баробар оғирроқдир.

Аждодларимиз тарихий тажрибаларга таянган холда инсон ҳаётда мўл-кўл моддий неъмат эгаси бўлиш, ундан истаганча фойдаланиш билан бирга, маънавий неъматлардан баҳраманд бўлмоғи, бўлганда ҳам, моддий неъматларга қараганда ҳам кўпроқ озиқланмоғи лозим деган хулосага келганлар. Шу тариқа жисмоний ва маънавий уйғунлик мужассам бўлган идеал инсон юзага келиши кутилган. Заковатли аждодларимиз инсоннинг ўзини такомиллаштирмай туриб, у юзага келтирган жамиятни идеал даражага кўтариш мумкин эмас, деб ўйлаганлар. Инсонни ўз нафсининг қули бўлиб қолиши яхшилиқка олиб келмаслигини кўрсатганлар. Бу фикрлар аждодларимиз яратган адабий, фалсафий, тарихий асарлар орқали бизгача етиб келган.

Мулк эгаларида маънавий бойликни шакллантириш учун ёшларни аҳлоқ-одоб тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз, у етакчи ўринда бўлиши лозим. Жамиятдаги барча ютуқ ва камчиликлар инсоннинг маънавий камолотига бориб тақалади. Аҳлоқ ва одоб тарбиясига эътиборсиз қараган жамиятнинг келажаги ачинарли бўлиб, бундай жамиятда моддий бойликлар қанчалик кўп бўлмасин унинг келажаги порлоқ бўла олмайди, маънавий қашшоқлик охир-оқибат уни инқирозга юз тутишига олиб келади. Шу сабабли ҳам жамият равнақини таъминлаш учун ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол бўлишига диққат қаратиш, бунинг учун эса аҳлоқ ва одоб тарбиясини мукамаллаштириш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, бу масалага алоҳида диққат қаратилган. Дастурнинг «Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар» бобида ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданияй тарихий анъналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали

ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида мамлакат аҳолиси орасидаги маъри-фий ишлар такомиллаштирилиб борилиши таъкидланган.

Хулоса

Ҳар қандай давлат ва жамият юритаётган сиёсати муайян даражада тарбия жараёнига ўз таъсирини ўтказади, Айни пайтда тарбиядан кўзланган мақсад кишиларимиз, биринчи навбатда, ёшларни замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти, мақсадини чуқур мулоҳаза қилиш уларда тadbиркорлик билимини бойитиш асосида боқимандалик кайфиятидан бутунлай халос қилишдан иборатдир.

Мулк соҳиби мустақил, эркин. У бировга қарам эмас, чунки у ўз мулкига таяниб фаолият юритади. Мулксиз эса ёлланиб ишлашга ёки бировнинг мулкни ижарага олиб иш юритиши мумкин ёки ночорликдан унга қарам ҳолда ишлаши ёки бировнинг кўлига қарам бўлиб қолиши мумкин.

Одамларнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқимандаликни енгитшга, хўжайинлик ҳиссини қайтадан тиклашга фақат бозор муносабатлари қодирлигини ҳисобга олиб мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, энг аввало, мулкчиликни ислоҳ этишдан ва кишиларда мулкдорлик психологиясини шакллантиришдан бошланди, чунки у барча йўналишдаги ислохотлар ва тadbирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади, инсоннинг иқтисодий психологиясини ҳам шунга мувофиқ шакллантиради:

Жамият демократик тараққиётининг иқтисодий асоси мулкчилик шаклининг кўп хиллиги бўлса, сиёсий асоси мулкдорлар синфининг мавжудлигидир

Жамият демократик тараққиётининг иқтисодий асоси мулкчилик шаклининг кўп хиллиги бўлса, сиёсий асоси мулкдорлар синфининг мавжудлигидир Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзида чуқур ўзгаришларга олиб келади.

Иқтисодий манфаатлар кишиларни ҳаракатга келтирувчи, уларнинг хатти-ҳаракатини, интилишини, хулқ-атворини белгиловчи кучдир.

Ҳар бир кишининг инсон сифатида эҳтиёжлари мавжуд. Унинг эҳтиёжи, жамиятда тутган ўрни, унинг шахсий манфаатини юзага

келтиради. У ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиб манфаатни юзага чиқаради Мулк тежамкорликни юзага келтиради. Мулк эгаси ўз мулкни асрайди, авайлайди, тежаб-тергаб ишлатади. Агарда мулк эгаси учун ўз қадрини йўқотса, уни зарур бўлган бошқа кишига сотиб юборади. Кўпчилик мулк соҳиби бўлгандагина жамият бойлигини ақлаши ва кўпайтириши мумкин.

Мулкдор манфаати бу фақатгина тирикчилик эҳтиёжи эмас. Бу мулкни миқёси, ҳажмига қараб унинг кишилар ўртасида обрў-эътиборга орттиришини ҳам ўз ичига олади. Бунда турли хайрли ишлар қилиш; мактаб, йўл, кўприк, касалхона ва бошқалар қуриши, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва ҳоказолар мулк эгаларида маънавий бойликни шакллантириш учун ёшларни ахлоқ-одоб тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз, у стакчи ўринда бўлиши лозим

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Мулкдорлик психологияси, иқтисодий психология, ўзлаштириш, биргаликда ўзлаштириш, хусусий ўзлаштириш, мулкчилик, мулкдорлик, манфаат

Тақрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Нима сабабдан мулкдорлик психологиясини шакллантириш зарур?

2. Нима сабабдан эркинликнинг иқтисодий асоси – мулк муносабатлари бўлишига сабаб нима?

3. Ўзлаштиришнинг қандай шакллари мавжуд ва у нималарга боғлиқ? Унга мос равишда одамларда қандай психология шаклланади?

4. Мулк ҳақидаги дастлабки тушунча қерда берилади? Сизнингча, бунда нималарга эътибор бериш керак?

5. Нима сабабдан мулкчилик – масъулият билан манфаатларни узвий бирлиги ҳисобланади?

6. Нега мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфини қарор топishiга алоҳида диққат қаратилмоқда?

7. Нима учун хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланади?

8. Манфаатлар нима ва у мулкчилик муносабатлари билан қандай боғлиқ? Бу ҳақда ёшлар нималарни билиши керак?

9. Мулк эгаларида маънавий бойликни шакллантиришнинг зарурияти нимада?

Х боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ВА ИҚТИСОДЧИ- ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ, АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАРИ

Ёшларда иқтисодий тафаккурни шакллантиришда, уларга иқтисодий таълим-тарбия беришда иқтисодчи-педагогларнинг хизмати катта. Айниқса, уларнинг касбий ва ахлоқий хислатлари, дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур боб ана шу масалаларни ўрганишга бағишланган.

1-§. Иқтисодий таълим ва тарбияда замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурияти

Ҳозир мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий рақобат – фан, техника ва технология соҳасидаги рақобатга айланди. Демак, рақобат интеллектуал моҳият касб этиб, таълим соҳасидаги рақобатга айланмоқда, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам бутун дунёда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга, бунинг учун эса ўқув жараёнини самарали ташкил этишга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Нега бугунги кунга келиб, педагогик технологияга қизиқиш шунчалик даражада ортди, дарс жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга даъват қилиш кучайди? деган савол туғилиши табиий. Албатта, бунинг қатор сабаблари бор: **биринчидан**, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотлар тизими, тури, ҳажмининг тобора кўпайиб бораётганлиги; **иккинчидан**, ўқитувчи қанчалик билимли, маҳоратли бўлишига қарамай, қанчалик тиришмасин ўрганилаётган мавзу бўйича барча билим, ахборотларни тўлиқ бера олиш имкони йўқлиги; **учинчидан**, техник воситалар (ТВ), видеомангитафон, компьютер ва бошқа замонавий техника ва технологиялар, жумладан ахборот технологияси (АТ)ни яратилиши уларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш имконини яратди. **тўртинчидан**, бозор иқтисодиётига ноаниқлик доимий йўлдош, шу билан бирга ресурслар чекланган, эҳтиёжлар эса чексиз. Улар инсонни танлаш муаммосига дуч қилади ва ҳар бир кишидан ҳар қадамда мустақил танлаш ва қарор қабул қилишни талаб қилади. Тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, таълимни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарур.

Бунинг учун ўқувчи, талаба ва ўқитувчи фаолиятини тўғри йўлга қўйиш зарур.

1. Ўқитувчи таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, таълим усуллари, методлари ва воситаларини яхши эгаллаган бўлиши, талабанинг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўлга йўналтира олиши ҳазим.

2. Ўқитувчи таълим жараёнини юқори даражада, самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, таълим натижасини олдиндан қайд этиши, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурий таълим воситалари, шарт-шароитларини тайёрлашга эришиши керак.

3. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу бўйича таълим мақсадларини аниқ топшириқларга айлантириши зарур.

4. Таълим-тарбия жараёни натижаларини ҳолисона ва объектив баҳолаш, талабаларнинг билим ва малакаларини эгаллаш жараёнини назорат қилиш ва баҳолашга эришиш.

5. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажмуий ёндашиш.

6. Ўқув жараёни учун зарур моддий-техник базанинг яратилиши ва бошқалар талаб қилинади.

Юқорида келтирилган ва келтирилмаган талабларга жавоб берадиган тарзда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг ягона йўли замонавий педагогик технологияларни қўллаш ҳисобланади.

Бугунги кунда педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўл – аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунгазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг фаол хатти-ҳаракатини таъминлаш орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Ривожланган давлатларда, одатда, биринчи навбатда, педагогик технологияга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашиш ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда «Таълимни ривожлантириш масалалари» бўйича Халқаро Комиссия ташкил топди. Бу комиссия замонавий технология-таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи кучдир, деб баҳоланди.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан бири таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни ўқитишни жадаллаштириш саналади.

Муҳими шундаки, Президентимиз И.А.Каримов томонидан миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди ва унинг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Республикамызда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга доир кенг қўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий-назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўшланди.

Хўш педагогик технология нима? Уни амалиётга қандай жорий қилиш мумкин?

«Технология» тушунчаси фанга 1872 йилда кириб келди. У грекча икки сўздан – «techné» ва «logos» сўзларидан - маҳорат, санъат, ҳунар ва сўз, таълимот, фан, сўзларидан ташкил топиб, «ҳунар фани» маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, технология деганда, субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида унда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Одатда, технология ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилган. Технология деганда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар, ярим фабрикаларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари, усуллари тушунилган. Фан-техника тараққиёти туфайли технология ҳам такомиллашиб борган.

Патент, лицензиялар сотиладиган ва сотиб олинладиган бўлгач, технология деганда тайёр маҳсулот олиш учун хом ашё, материалларга ишлов бериш усуллари, бажарадиган ишларнинг кетма-кетлиги ва қандай тарзда бажарилиши ҳақидаги ҳужжат ҳам тушуниладиган бўлади. Масалан, саноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот, айтиқлик, детални лойиҳалаганда қандай материалдан тайёрланади, шакли қандай бўлади, бунинг учун стандарт белгилари, чизмалар ва улардаги ўлчамларни аниқлаш ва бошқа талаблар акс эттирилади. Тараққиёт «Технология»ни фан сифатида ҳам ўрганишни объект зарур қилиб қўйди. У фан сифатида физик, химик, механик ва бошқа қонуниятларни аниқлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали усуллари ўрганиш, янгилекларни топиш ва тажрибада синашни ўрганади. Лойиҳада акс эттирилган хом ашё ва унга ишлов бериш операциялари оғишмай бажарилса белгиланган стандартдаги маҳсулот тайёрланади, яъни маҳсулот сифати юқори даражада қафолатланади.

XX асрда физика, кимё, энергетика, биология, математика, информатика ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянган технологиялар технологик инкилобни келтириб чиқарди. Фан-техника тараққиёти яратилган техника ва технологияларни тушунадиган уларни ишлата оладиган, кўрсатилган технология бўйича маҳсулот ярата оладиган кадрлар тайёрлашни ҳам объектив зарур қилиб қўйди. Мутахассис кадрларнинг қай даражада билим олиши, кўникма маҳоратига эга бўлиши таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини кўп жиҳатдан қандай ташкил этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўплаб педагоглар ўқувчи талабаларга нимани ўқитиш, ўргатиш керак, қандай ўқитиш, ўргатиш керак? деган савол қўйиб, унга жавоб топиш учун тинимсиз изланишлар олиб борадилар. Педагог олимлар ва амалиётчилар ишлаб чиқариш технологиясини назарда тутган ҳолда ўқув жараёнини ҳам «технологиялаштиришга», яъни ўқитишни натижасини кафолатланган ўзига хос технология жараёнга айлантиришга уринадилар. Натижада педагогикада янги йўналиш – педагогик технология, хусусан, ўқитиш ва тарбиялаш технологияси пайдо бўлди.

Педагогик технология – бу таълим самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган ҳамда педагогика назарияси ва амалиётининг барча соҳалари билан ўзаро боғлиқ бўлган ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, унга ёндашувлар, тизимлар, концепциялар, тенденциялар, ғояларнинг фанлараро ўзаро бирикиб ягона мажмуа тарзида ифодаланишини билдиради.

Қатор йиллардан бери, педагогик технологияга ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинди. Бу тушунча XX асрда пайдо бўлди ва 1940-1950 йилларда «таълим технологияси» тарзида қўлланилиб, мазмунан ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланишни англаган. Атама дастлаб АҚШда қўллана бошлади. Кейинчалик «таълим технологияси» ўрнига «дастурлаштирилган таълим» атамасидан фойдаланиш кенг ёйилди. Сўнгра педагогик технология- лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода эта бошлади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунча янгича талқин этила бошланди.

Педагогик технология деярли ярим аср давомида тадрижий равишда ривожланди ва ҳозирги даражага етди. Бу даврда ўқитиш «оғзаки – аудиовизуал – дастурлаш - мультимедиа – гипермедиа» кетма – кетлиги бўлиб алмашинди.

Педагогик технологияни «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулот» – маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараёни амалга ошириш, яъни ўқитиш

жараёнини қўйилган мақсадга кўра изчил кетма-кетликда, турли восита, методларни қўллаш, мақсадни топишириқлар орқали ифодалаш, олинган билимни синаш ва баҳолаш орқали самарали таълим натижасига эришишнинг ишончлилигини таъминловчи педагогик фаолият деб таърифлаш мумкин.

Педагогик технология атамасига ҳар бир дидакт олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифлар ичида энг мақсадга мувофиқи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология – таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолият йўналишларини аниқлайди. Бу ерда изланишнинг моҳияти – педагогик тизимни ташкил этувчи элементларни ўрганиш асосида модернизация қилишдан иборатдир. Сабаби, ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш у ёки бу педагогик тизимни акс эттиради. Демак, ПТ – амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

Унда, педагогик тизим моҳияти нимадан иборат? Педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларини шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади. Бинобарин, ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгариши шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйди. Демак, миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинапти. Фақат давлат буюртмасигина таълим ва тарбиянинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб беради ёки таълим учун педагогик технологиянинг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Педагогик тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини кўрсатади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсад эса педагогик технологиянинг бош бўғини ҳисобланиб, у педагогик тизимнинг қолган элементларини, ўз навбатида, янгилаш заруратини келтириб чиқаради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди, яъни таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар

даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифа, деб белгилади. Демак, таълим-тарбия мақсади янгиланди, унга мос ҳолда мазмуннинг янгилалиши табиийдир.

Таълим мазмуни давлат таълим стандартлари(ДТС), ўқув дас-турлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазму-нини ишлаб чиқиш каби шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилди.

Шундай қилиб, педагогик технологияда дидактик масалаларнинг ўз ечимларини топиши – миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичидир.

Замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёнини илмий асосда қуришга йўналтирилган, ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчи-ларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

2-§. Дидактика ва унинг асосий тамойиллари

Дидактика (юнон-didaklikos – ўқитадиган, ўргатадиган) – педаго-гиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид соҳаси, таълим ва тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойил-ларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

У талабаларнинг билим олиш, ўзлаштириш ва қўникмалар ҳосил қилиш жараёнига хос таълим принциплари, услублари ва ўқув жара-ёнини ташкил қилишга оид ҳамма масалаларни ўрганади.

Дидактика «нима?» ва «нима учун?» ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланса, методика эса у билан узвий боғлиқ ҳолда «қай тарзда?» ва «нималар ёрдамида ўқитиш?» лозим масалалари билан шуғулланади.

Дидактика ва методиканинг мақсади: таълим бериш, ўқитиш, ўргатишни амалга оширишдир.

Дидактика термини дастлаб XVII асрда чех педагоги Я.А.Ко-менский томонидан ишлатилган. У «Буюк дидактика» асарида (1657 йил) дидактика-нинг асосий масалаларини ишлаб чиққан. XIX аср ўргаларидан педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганила бошланди. Ўзбекистонда дастлаб жадид мактабларида дидактиканинг тамойилларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда дидактика соҳаси аввалги эришил-ган ютуқларни сақлаб қолгани ҳолда янгиликлар билан бойитилиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда дидактикага тарбиядан алоҳида ҳолда қаралмайди. У ёшларни тарбиялашдаги умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқади.

Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши дидактика принциплари, услублари ва ташкилий шаклларининг ҳам ўзгаришига, ривожланишига сабаб бўлади.

Барча фанларни ўрганишда дидактик принциплар муҳим ўрин тутadi.

Дидактик принциплар дарс мазмуни ва дарсни ташкил этишга тегишлидир. Дидактик тамойилларга ўқитиш ва ўқиш жараёнида қойдалар сифатида риоя қилиниши зарур.

Улар бир-бирига боғланиб кетади, қуйидаги принциплар ўқитиш ва ўқиш жараёнини самарали ташкил қилиш бўйича қойдалар бўлиб, улар узоқ вақт давомдаги тажрибага асосланган.

Таълим бериш (дидактика)нинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

▪ **Фаоллик тамойили**

Инсон таълим олишининг ҳақиқий, чинакам моҳияти ўзининг ақлий фаолияти натижасида билимнинг янги-янги сир-асрорларини мустақил равишда англаб олишидир.

Талаба, ўқувчи ўз ҳаракати билан фанларни яхшироқ ўрганади ва ўзлаштиради. Ўқув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг ўзлари фанга қизиқсин, уни билишга ҳаракат қилиб, интилсин. Бунинг учун ўқувчи-талабалар дарсга фаол қатнашиши лозим.

▪ **Назария билан амалиётнинг бир-бири билан боғлиқлиги**

Назарий билим доим касб-ҳунар амалиёти билан боғланиши лозим. Амалий таълим ҳам ўз навбатида назарий билимларга асосланган бўлиши керак.

▪ **Кўргазмалилик**

Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин тарзда тақдим этиш тилнинг тушунарлилигини ва таълим жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланишни, бевосита иш ҳолатида ва реал объектларда ўқитишни талаб қилади. Дарслар кўргазмали куруллар ёрдамида берилса, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари осонлашади.

▪ **Тушунарлилик**

Ўқув материалининг мазмуни шундай таянган ва тузилган бўлиши керакки, ўқувчилар уни ўзларидаги билимлар билан боғлай олишсин ва уни тушунишда қийналмасин. Яъни ўқув материалининг мазмуни, шунингдек, ўқитувчининг тили ва фикрларини ифодалаш

усули ўқувчи-талабанинг билим савиясига мос келиши лозим. Лекин бу илмий терминлардан фойдаланилмайди, дегани эмас.

▪ **Намуналардан фойдаланиш**

Ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим намуналарни танлашга ҳаракат қилиш керак. Яхши модел, амалиётдан олинган типик мисоллар, турлича маҳсулотлар ҳам олинган натижанинг сифати қандай бўлишини аниқ кўрсатади.

▪ **Илмийлик**

Ўқув материалининг мазмуни ҳақиқий ва илмий жиҳатдан тасдиқланган ёки илмий тадқиқотлар асосида синалган бўлиши керак. Шунингдек, фаннинг янги ютуқлари ва кашфиётларини ўзида акс эттириши лозим.

Ўқитувчининг тахминига ёки субъектив фикрига асосланган материал қўлланилмаслиги керак.

▪ **Билимларни қўллаш**

Ўқувчи-талабалар олган билимларини амалда қўллаш олиши керак. Шунинг учун бу билимлар қўлланилган ва амалий вазиятда синалган бўлиши зарур. Бундай амалий вазиятлар ўқитувчи томонидан яратилиши лозим.

▪ **Натижаларни мустақкамлаш тамойили**

Ўқишдаги муваффақиятлар тан олинishi ва баҳоланиши керак. Бу ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида доимий алоқа бўлишини талаб қилади. Натижалар эса махсус «Баҳолаш варақалари» да қайд қилиниши керак.

Дидактик тамойиллар ўқитувчи фаолиятининг йўл-йўриги сифатида ҳизмат қилади, алоҳида олганда эса тушунарлилик принципини қўллаб-қувватлайди.

Ўқитишнинг асосий қоидалари:

- тушунарлидан – тушунарсизга;
- яқиндан - узоққа;
- осондан - қийинга;
- аниқдан - мавҳумга;
- умумийдан - хусусийга, умумлаштирилгандан яккага;
- хусусийдан - умумийга.

Ўқиш ва ўқитиш дидактик хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ. Дидактик хатти-ҳаракатларга ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши, уни ўтказиш ва баҳолаш фаолияти киради.

Бу фаолият куйидаги саволларда ўз ифодасини топади:

1. Кимлар ўқитади?
2. Кимларни ўқитиш керак?
3. Ўқитиш орқали қандай мақсадларга эришиш мумкин?
4. Мақсадга эришиш учун нимани, қандай ўқитиш керак?

5. Назарий ва амалий дарсларда қайси методларни қўллаб дарс ўтиш керак?

6. Назарий ва амалий дарсларни қандай шароитда ўтказиш керак?


7. Ўқишни қандай ташкил қилиш керак?

8. Кўзланган мақсадга эришишни текшириш учун натижалар қандай баҳоланади?

Дарс беришнинг шакллари, услублари турли-туман. Мақсад, ўти-лаётган дарс ҳар бир талабанинг онгига етиб борсин. Бу ерда ҳал қилувчи ролни дидактик саккизбурчак ва ўқув жараёнининг мазмуни ўйнайди.

Дидактик саккизбурчак

Ўқиш(ўрганиш)нинг мақсади



Схемадан кўришиб турибдики, ўқув жараёнини қандай ўтиши қўйилган мақсад билан уни амалга ошириш бирлигидан иборат.

Ўқитувчи, дарс берувчи сифатида ҳар сафар қандай қилиб, қайси усул билан дарс ўтсам қўйилган мақсадга эришаман деб ўз олдига савол қўйиб, ўйлаб кўрса, дарс ўтишнинг айнан мавзуга мос келадиган услубини топиши мумкин.

Дарс ўтишнинг услубини танлаш қуйидагиларга боғлиқ:

Ўқитиладиган гуруҳнинг дарсга тайёргарлик даражаси;

Ўрганиладиган предмет;

Дарсда ўтиладиган мавзу;

Ўтиладиган мавзунинг мазмуни;

Дарс ўтишда қўллаш мумкин бўлган техник воситаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Дарсни қандай ўтиш борасида аниқ бир қарорга келишда, асосий мўлжал олишда дарсни нимага қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар:

- мақсадга эришиш мўлжалга олинадиган бўлса, дарс жараёнида қандай мақсадларга эришиш кераклигини аниқ белгилаб олиниши лозим;

- дарсда қатнашадиганлар мўлжалга олинса, талабалар (ўқувчилар) гуруҳи кимлардан иборатлигига эътибор қаратилади;

- ўтиладиган мавзу, унга ажратилган вақт мўлжалга олинса, қандай ўқув материални талабалар онгига етказиш зарур ва унга қанча вақт ажратилганига диққат қаратилади;

- ўқув воситалари мўлжалга олинса, қўлимизда қандай ўқув воситалари бор ва улардан қай даражада фойдаланишимиз мумкинлигини ҳисобга оламиз;

- талабалар (ўқувчилар)нинг дарсга фаол ёки пассив қатнашуви мўлжалга олинса, қандай дарс ўтиш услубларини қўллаш кераклигини тавлаимиз;

- дарсни ташкил этиш мўлжалга олинса, қандай ташкилий шарт-шароитлар мавжудлигини ҳисобга оламиз;

- ўзлаштиришни назорат қилиш мўлжалга олинса, қандай тартибда талабалар билими назорат қилинади ва баҳоланади, диққат ана шунга қаратилади.

Билим олиш даражасини тасвирлаш учун АҚШ педагоги Бен-жамин Блум томонидан 1956 йил эълон қилинган «Таксономия целей обучения» часть 1. «Когнитивная сфера» (Taxonomy of Educational Objectives: Handbook 1: Cognitive Domain) китобида таълим мақсадларини қатъий белгиланган мезонларини ишлаб чиққан. Ундан ўтиладиган дарснинг мақсадини режалаштиришда, аудиторияда амалий иш бажариш ёки назорат иши учун саволлар, тест тайёрлашда фойдаланиш мумкин. «Таксономия» (юнонча taxis – жойлашиш, таркиб, тартиб ва nomos – қонун) мураккаб тузилишга эга реалликни таснифлаш ва тизимга солиш ҳақидаги назария бўлиб у нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва хосиятларига кўра иерархик тарзда таснифлаш ва тизимлаштиришни англатади. XX асрнинг 60-70 йилларидан иерархик, бири иккинчисига бўйсинувчи, уни қамраб олувчи объектлар-таксонлар, таксономик категориялар тизими ҳақидаги таълимот сифатида кўрила бошланди.

Б. Блумнинг фикрича, билим олиш (когнитив)¹ даражаси маълум иерархия тарзида жойлашиб, ҳар бир босқич аввалгисига қараганда мураккаб ҳамда аввалги босқичларни ҳам ўз ичига олади. Яъни билим ҳар бир янги поғонага кўтарилар экан, албатта, аввалги босқични ҳам тақрорлаш лозим бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Билиш, олинган билимни ёдда сақлаш. Бу эслаш қобилияти ёки дарсда ўтилган, ўқиганларни керак бўлганда эслаб, ёдга тушириш қобилияти. Бунда аввалги дарсларда ўтилган тушунча, тенденция, умумлаштирилган хулоса қабиларни эслаб ёдга солиш кўзда тутилади. У дарснинг дастлабки мақсади.

2. Тушуниш. Талабаларнинг дарсда эшитганлари, ўқиганлари, кўрганлари маъносини тушуниши. Қонувлар, тенденциялар, тушунчалар, ғоялар маъносини тушуниб, уларнинг ўзгариши нимага олиб келишини кўз ўнгига келтира олиш қобилияти. Лекин тушуниш учун аввал олинган билимни ёдда сақлаш керак.

3. Олинган билимни қўллаш. Ғоя, принцип, концепцияларни янги вазиятларда қўллаш иқтидори. Бунда энг аввало билганларни ёдга тушириб, уни янги вазият билан таққослаш керак.

4. Таҳлил қилиш. Бу – воқеа-ҳодисаларни бўлақларга бўлиш, улар ўртасида мантқиқ алоқаларни аниқлашни талаб этади. Таҳлил қилиш (анализ) иқтисодий воқелик, жараёнларни, у ёки бу шаклда индукция ёки дедукция услубини қўллашга таянади. Таҳлил қилиш учун эса олган билимни ёдга тушириш, муаммога тушуниш, уни қўллай билиш керак.

5. Синтез қилиш. Билим олиш ва фикрлашнинг бу босқичида алоҳида таркибий қисмлар ва турли манбалардан олинган ахборотни бир бутун ягона тизимга келтириш қобилияти намоён бўлади. Бунинг учун ёдга тушириш, масалага тушуниш, уни қўллай билиш, таҳлил қила билиш зарур.

6. Баҳолаш. Бу – билишнинг юқори босқичи бўлиб, талабанинг қўйилган масалага ўз фикри, нуқтаи назарини билдириш қобилиятини ифодалайди. Бунда у ёки бу муаммони ечишнинг турли йўллари шаклланади. Унинг қайси бири тўғри, самарали, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги баҳоланади. Одатда, баҳолаш мезонларидан фойдаланилади. Бу мезон ўқитувчи томонидан қўйилиши ёки уни талабаларнинг ўзи белгилаши мумкин. Баҳо бериш учун, аввало олган билимни ёдга тушириш, масалани тушуниш, янги вазиятда билганларини қўллай билиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиш керак. Талабага берилаётган топшириқ, ана шу билишнинг олти босқичидан

¹ лот. *cognito* - билим маъносида.

қайси босқичига тўғри келишини аниқлашда қўлланиладиган асосий даъватлар қуйидаги сўзлар ҳисобланади:

1. Аниқланг, тасвирланг, санаб чиқинг, ёдга туширинг, кўрсатинг.
2. Таққосланг, фарқини кўрсатинг, тушунтиринг, гапириб беринг, мисоллар билан изоҳланг, ўзгартириб, ифода қилинг.
3. Қўлланг, тузинг, намойиш қилинг, фикрни давом эттиринг, чуқурлаштиринг, лойиҳасини тузинг, ишлаб чиқинг, ечинг.
4. Таҳлил қилинг, категорияларга, бўлақларга бўлинг, тасвирланг, фарқини кўрсатинг.
5. Ишлаб чиқинг, тузинг (яратинг), тенденцияни, қонуниятини аниқланг, умумлаштиринг, тавсия қилинг, таърифлаб беринг.

Тингланг, ечинг, баҳоланг, муҳокама қилинг.

Билишнинг босқичларига кўра, талабанинг фикрлаш доираси, қобилиятини ҳисобга олиб, тошпирик, вазифа бериш керак. Ўқитишнинг тури услубларини қўллашдан асосий мақсад, талабалар билимини юқори босқичларга олиб чиқишдир. Агар педагог қўлида билимга чанқоқ талабалар, фан мақсадига мос мазмундаги дастур, дарслик ва қўлланмалар мавжуд бўлса, у дидактик жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятининг ташкилий шаклларида самарали фойдаланиб янги педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма-кет жорий этиши мумкин. Шу боисдан, ўқитувчи маҳоратига кўн нарса боғлиқлиги, унинг педагогик тизимда тугган ўрни ҳақида батафсил тўхталиш зарураги туғилади.

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада, маълум вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида ҳулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимда белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратини илимий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равишда кенгайтириб бориши зарур.

3. Ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараёни амалга ошириш билан таниш бўлиши керак: бубиринчидан, жадаллаштириш ва табиатан монандлик талабидир. Жадаллаштириш дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бирмунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараёни қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияга бу талабни аниқлаб берувчи омил – талаба(ўқувчи)ларнинг маълум фаолиятни ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчидан, ўқув-тарбиявий жараёни шундай ташкил этиш лозимки, бунда мумкин қадар талабаларнинг кенг доирада тажриба

эгаллашга имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий малакасини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин. Бу талабни аниқлаб берувчи омиллар: талабаларнинг ўқишга бўлган хоҳиши, ўқув меҳнатига муносабати ва соғлом психо-физиологик фаолияти кабилардир..

4. Ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шаклларидан фойдалана олиши керак. Ўқитишнинг ташкилий шакллари тўғри танланиши педагогик тизим элементларининг маълум қонуният асосида бир-бирлари билан боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва энг мақбул бўлган ташкилий шакллар топил-таълимда расмиятчиликни йўқотишга йўл очади.

5. Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориши лозим. Бу тўғрида олинган ахборотлар эса педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имкониятини беради ёки тизимдаги қайси элементнинг мазмунига тузатиш киритиш керак эканлигини аниқлайди.

Дарс беришнинг мазмуни шу фанда мужассамлашган объектив реаллик билан аниқланади. Методика (услугият) фаннинг ўқув жараёнидаги ҳаракати, ривожланиш шаклидир. Фан билан уни ўқитиш ўртасидаги фарқ шундаки, фан бевосита объектив реаллик бўлиб, унинг ривожланиш қонуларини ифодалаш билан бирга, ўқув предмети сифатида ана шу жараёни бевосита тасвирлайди. Умуман олганда, ўқитиш, илм бериш объектив дунёни билишни шу фан эришган ютуқлар даражасига кўтаради. Фан доимо ривожланиб янги кашфиётлар, билимлар билан бойиб боради. Ўз навбатида, талабаларга билим бериш жараёнида улар онгига ушбу кашфиётлар сингдириб борилади.

3-§. Таълимда ахборот технологиялари

Миллий дастурни рўёбга чиқаришда таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш» малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидандир. Янги аср-информацион технологиялар асри бўлади. Шу билан бирга, жаҳон миқёсидаги ақл-заковатнинг бирлашуви асри бўлади.

Замонавий педагогик технология моҳият-эътибори жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар ҳам бош-

қалари қатори ўз хусусий соҳасига, методлари ва воситаларига эгадир. Бироқ замонавий педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёнини ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос хусусияти – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Замонавий педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятлари вужудга келади. Ахборотлаштириш ўқув-тарбиявий жараёни технологиялаштириш-даги инқилобий бурилиш ва унинг муҳим босқичидир.

Ахборот технологияси педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб, у таълим жараёнида техник воситаларнинг мукамаллашган замонавий тури сифатида қўллана бошланди.

Ахборот технологиялари – бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар замиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

– ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;

– воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, аниқ, табиий-илмий, техникавий, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;

– ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий-тарзда ва динамик равишда янгилаш.

Ахборот технологияларининг ривожланишида икки ахборот инқилоби ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Биринчи инқилоб китоб босишнинг пайдо бўлиши билан рўй берди ва телефон, телеграф, радионинг ихтиро қилиниши билан чуқурлашди. Иккинчи инқилоб электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ)нинг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши, ЭХМ локал тармоқларининг яратилиши, ахборот ресурсларини бошқа-

риш тизимларининг ташқил этилиши билан боғлиқдир. Айниқса, компьютерни ихтиро қилганиши ахборот технологияларини янги босқичга олиб чиқди. Бу ўз навбатида зарурдастурлар билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Чунки махсус дастурларсиз уларни ўқитувчининг яқин кўмақдошига айлантириб бўлмайди.

Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократизациялашни талаб этади. Чунки бусиз қўлланган ҳар қандай педагогик технология кутилган самарани бермайди.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология авторитар технологияга қарама-қарши бўлиб, педагогик жараёнда ҳамкорлик, таълим олувчилар шахсини ҳурмат қилиш орқали шахснинг таҳсил олиши, ижод билан шугулланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришига қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратади. Мазкур жараёнда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан ҳамкорликда ягона таълим жараёнининг субъекти – таълим-тарбия вазифаларини ҳал этади.

Ахборот технологиялари: компьютерлар ва ахборот-коммуникация воситаларининг таълим жараёнида қўлланилиши, талабаларнинг улар билан бемалол ишлаш олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришини баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали етказилаётган маълумотни зарурат бўлганида, қайта - қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ўқувчи-талабаларга масаланинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзигагина хос бўлган тушунтириш услуги, методик ёндашуви мавжуд. АКТ воситаларидан фойдаланиш педагогик жараёнлар ичидаги самарасиз услубиётларга барҳам беради.

Тўртинчидан, ахборот технологиялари билим, ахборотларни схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммалар, мультимедиа орқали ифодалашга кенг имконият яратади. Шунингдек, ўқув-ҳужжатли фильмлардан кенг фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчи-талабаларнинг образли хотирасини анча жонлантириб, уларнинг эслаб қолиш қобилиятини кучайтиради ўрганилаётган масалага диққат қаратишга ундайди.

Бешинчидан, ахборот воситаларидаги маълумотларни кичик ҳажмли дискет, дискларга ёзиб олиш ва улардан зарур пайтда фойда-

ланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди. Уларни керакли миқдорда қўпайтириш мумкин.

Уларнинг ҳаммаси ёшларнинг онгини ўстиради, уларда техник воситалардан фойдаланиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Замонавий педагогик технологияларнинг мазмунини ифодаловчи асосий белгиларидан бири – ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш бўлиб, унинг нақадар самаралилиги, биринчидан, ўқув жараёнида қўллаш учун мавжуд дидактик материалларга, иккинчидан, педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олишларига боғлиқ.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараёни компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш қуйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

– таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;

– таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;

– таълим-тарбия жараёнида янги ўқув-техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

Булар, ўз навбатида, қуйидаги муаммоларни келтириб чиқаради.

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон-ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уларни амалда қўллаш хусусиятларини белгилайди;

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;

3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, ҳисоблаш техникасидан ҳам фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқиладиган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири-компьютер технологиялари анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила бошланганлигидир. У

Ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича бу технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Шунингдек, техник ва дастурли ахборот технологиялари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

ЭХМ тармоқлари. Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭХМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалган. ЭХМ локал тармоқлари унча катта бўлмаган фазода амалга оширилади ва ахборот хизмати турли тармоқларининг интегратори бўлади. Улар ташкилотлардаги барча ахборот технологиялари воситаларини бирлаштиради ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади. ЭХМ глобал тармоқлари эса, ахборотни катта масофаларга узатилишини амалга ошириш имконини беради.

Йўлдошли алоқа тизимлари. Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ҳамда телевидение дастурини узатиш учун ишлатилмоқда.

Сунъий интеллект тизимлари. Сунъий интеллект элементли АКТнинг бошқаларидан фарқи шундаки, оддий АКТлари фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади. Информатиканинг алоҳида йўналиши-сунъий интеллектдир. Одам ақлий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли-техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон почта – бу корреспонденциялар алмашиши учун почтага ўхшаш ахборот узатиш ва ишлаб чиқишнинг электрон усулларида фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш ҳамда электрон почта ёки қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, у хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

Электрон почта асосида аҳолига электрон газета ва журналлар каби ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилган. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида электрон нашрлар борган сари кўп ўрин эгалламоқда. Бу жараён компакт оптик дисклар кенг тарқалиши билан тезлашди.

Телеконференциялар – замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширилишига мисол бўла олади. Телеконференцияларни ўтказиш учун қуйидаги аппаратуралардан фойдаланилади: терминаллар, телевизия камералар, график дисплейлар, катта намоёиш экранлари. Шунингдек, телеконференциялар орқали долзарб масалалар муҳокамасини тезкорлик билан ташкил этиш, муҳокама учун исталган расми материаллардан фойдаланиш, долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш, халқаро маъ-

лумотлар банкларидаги исталган ахборотдан фойдаланиш каби имкониятлар юзага келади.

Бугунги кунга келиб, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида виртуал стендлардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хўш, виртуал стенд деганда нимани тушунамиз?

Виртуал стенд – ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Виртуал стендлар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «букоришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш ва ҳоказолар билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтирилади.

Ўқитишнинг замонавий ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало, ўқитувчи(педагог)нинг технологиясидир. Ўқувчи-талаба замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни тапқил қилади, ўқувчи-талабалар билимини назорат қилади ва унинг вазифаси таълим мазмунини такомиллаштириш учун компьютерлаштиришнинг энг юқори даражасидаги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш заруриятига боғланади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида «компьютерлаштиришнинг концепцияси» яратилиши лозим.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш гоиларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳали тадқиқ қилинмаган янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу ахборотни тайёрлаш ва уни таълим олувчига узатиш жараёни бўлиб, унинг амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, уларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги ва старли миқдорда ахборот билан таъминлаш;

– ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ва кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тизимида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш бўлмоқда. Шу муносабат билан, ҳатто «мультимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишда кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишни билдиради. Мультимедиани қўллаган ҳолда энг муҳим нарса ўқувчи-талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи(педагог)нинг вазифаси ахборотни беришдан иборат эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи ҳамдир.

4-§. Иқтисодчи-педагог маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш, республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш кўп жиҳатдан педагогларнинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқ. Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб ва қийин фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Хусусан, қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, донишмандлар зиммасига ишониб топширилган. Чунки ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этиш, мазмуни нафақат шахс камолотини балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам доимо бу масалага алоҳида диққат қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни-нинг 5-моддаси 7 бандига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида фаолият олиб боришларига йўл қўйилмайди.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан,

бундай гоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Педагогнинг ижодий потенциаллари унинг ўз ижодкорлик сифатларини шакллантиришга интилишида, педагогик одобининг намоён бўлишида, қобилияти ва касбий малакасини такомиллаштиришида, қўйилмаган вазиятларда топқирлик қила олишида, ўқувчи-талабаларни қизиқтириш сари моҳирлик билан етаклай олишида кўринади.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларни ишлаб чиқиш қобилиятини доимо ривожлантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқитувчи иқтидорли ҳисобланади. Педагогик ижодиёт-ўз моҳиятига кўра, одамнинг янги билимларни ҳосил қилиш ва такомиллаштириш буйича ижодий ишнинг касбий, махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижасида янгиликнинг асосий намоён бўлиш шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларнинг ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усулларининг методик ва назарий жиҳатдан мукамал ишлаб чиқиши, ихтиро этилиши ва такомиллашуви ҳамда улардан самарали фойдаланишда кўринади.

Кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экологик маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага эга бўлган, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрларнинг тайёрланиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омиллардан бири бўлиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология (атроф-муҳит), компьютер техникаси ва эпмонавий технологиялар устувор бўлган ва миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ривожланиши ва энг асосийси таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Бугунги кун мутахассиси ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидойи, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислиги, иқтисодчиликдан ташқари, хорижий тиллардан бирини билиши ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши шарт.

Шу даражада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун мураббийнинг ўзи юксак даражада малака ва касбий маҳоратга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мутахассис тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари;
- таълим оловчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати ва ҳ.к.

Умумлаштирилган моделнинг доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «қиёфа»сини ифодалайди. Идеал иқтисодчи-педагог модели қуйидаги чизмада ифодаланган бўлиб, унда қабул қилинган таълим стандартлари ҳамда унга келажакдаги касби томонидан қўйиладиган талаблар акс эттирилган.

Иқтисодчи-педагог таълим йўналишини танлаган талабалар иқтисодчи сифатида иқтисодий фанларни чуқур билиши, олган билим ва кўникмаларини қўллай билиши зарур бўлса, педагог сифатида иқтисодий фанларни ўқувчи-талабалар онгига етказиш маҳоратига эга бўлиши лозим. Демак, касб таълими йўналишини танлаган талабалар бошқаларга нисбатан ҳам машаққатли, ҳам фахрли мутахассисликни тавлаганлари уларга кўшимча масъулият юклайди.

Ўқитувчилик-катта санъатдир. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Шунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлод учун чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб борувчи, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан пухта қуроллантирилган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат тўғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки унинг негизда изланиш ва ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Касбий билим ва кўникмалар

1. Фундаментал умумий ва махсус билимлар.
2. Таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳияти, структураси ҳақидаги билимлар.
3. Психологик-педагогик билимлар.
4. Антропологик билимлар тизими.
5. Методологик билимлар мажмуи.
6. Бир бутун педагогик жараёнининг қонуниятлари ҳақидаги билимлар.
7. Психологик-педагогик технология асослари ҳақидаги билимлар.
8. Тадқиқот ва тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳақидаги билимлар.
9. Психологик-педагогик ташхис қилиш кўникмалари.
10. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш кўникмалари.
11. Коммуникатив кўникмалар.
12. Ташкилотчилик кўникмалари.
13. Рефлексив кўникмалар.

Ўқитувчилик касбий ахлоқий қисми шунда. Дарс тилиб кетади.

1. Фуқаролик, ижтимоий маънавий ахлоқий қисми.
2. Инсонпарварлик, маънавий ахлоқий қисми.
3. Болаларга ва педагогик касбига муҳаббат.
4. Маънавий-ахлоқий сифатлар.
5. Ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик.
6. Интеллигентлик.
7. Умумий ва педагогик маданият.
8. Оптимизм.
9. Мулоқот санъати, мулк маданияти.
10. Педагогик интуиция. Янгилик қисми.
11. Эмоционал турғунлик.
12. Меҳнатсеварлик.
13. Ижтимоий ва педагогик кадрларга йўналтирилганлик.
14. Педагогик йўналтирилганлик.
15. Фаоллик.

ТАЛАБА ШАХСИ

Педагогик қобилият

1. Интеллектуал қобилиятлар.
2. Билимларни амалиётда қўллаш қобилияти.
3. Ташкилотчилик қобилияти.
4. Тадқиқотчилик қобилияти.
5. Мустақил таълим олиш қобилияти.
6. Ижодий қобилият.

Ўз устида ишлаш

1. Ўз-ўзини билиш.
2. Ўз-ўзини бошқариш.
3. Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш.
4. Ўз ички имкониятларини амалга ошириш.
5. Ўз-ўзини рефлексия қилиш.

Бу жараёнда илгор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илгор тажрибалар билан бойитиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ёки талабалар ўртасида ўзаро жонли тил мулоқоти, фикр алмашув муносабатлари, самимий ҳурмат ва асосий мақсадга эришишда яқин ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насихаттуйлликдан иборат бўлган, расмиёт учун юзаки ўтказиладиган дарс

(маъруза) ва бошқа ўқув машғулотлари ўқувчи, талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, ғоявий жиҳатдан етарли озиқлантирмайди.

Ҳар бир ўқитувчи ўз қобилиятини дарс беришда намоён қилиб, маъруза ва нутқда ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Маълум бир мавзунинг ёритишда ўқитувчи ўзи яхши билган ёки ўзининг илмий изланишлари билан боғлиқ бўлган, лекин шу мавзуга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган саволга кўп вақт ажратиб, қолган саволларни кўриб чиқиш учун вақт етмай қолиши мумкин. Бу – мавзунинг баён қилишда дидактиканинг изчиллик принципларини бузилишига олиб келади.

Шу сабабли, ўқув машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланимайди. Бу касбни танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, ўз юрти ва дунёдаги реал воқеликни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Узлуксиз таълим тизимида дарс ва бошқа турдаги барча ўқув машғулотларини мукамал ташкил қилиш-ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтказилган машғулотлар ёшлар онгида узоқ сақланади, уларда имон-эътиқод ва мафқуранинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўқитувчининг илмий савияси унинг ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати ва, энг аввало, сифатли дарс бера олишида кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва бошқа турдаги машғулотларнинг сифати белгилайди.

Ўқитувчи махсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумотига методик тайёргарликка, шунингдек, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахс саналади. Замонавий иқтисодчи-педагог қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак. Ўқитувчи:

1. Жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчи-талабаларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.

2. Кучли ва кенг қамровли билимга эга бўлиши, илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тивимсиз ишлаши ва изланиши лозим.

4. Гапириб туриб, ўйлашни билиши керак. Ўқитувчилик касбининг, меҳнатининг, маҳоратининг ўзига хослиги ҳам шунда. Дарс беришда фикрлаш, ўйлаш ва гапириб жараёни кўшилиб кетади. Аввал ўйлаб олиб, кейин сўзлашга фурсат бўлмайди.

5. Педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инobatта олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

6. Бир психологик ҳолатдан бошқа ҳолатга осон ўта олиши керак. Ўқитувчининг ишончли далиллари, илмий, асосли мулоҳазалари, унинг фикрларини талабаларга таъсирини бир неча марта оширади. Ўзига ишончи эса кенг доирадаги билими, ўз фикрини илмий асослаб бера олиш қобилиятига эга бўлишда шаклланади.

7. Методик мукамаллик ва сайқалланган касбий маҳоратга, таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва бошқалардан унумли фойдалана олиш, ўқувчи-талабаларнинг муносабатини, улардаги ўзгаришни тўғри аниқлаши учун кузатувчилик қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Аудиториянинг психологик ҳолати (сукунат, шовқин ва ҳоказолар) ни тез илғаши зарур.

8. Ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.

9. Юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёқатига эга бўлиши, педагогик техника нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари (мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши, ногизик санъати - маъруза ўқиш қобилиятига, имло саводхонлиги, нутқ маданиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида талабаларни ўз фикрига маҳлиё қилиш, ўзини қандай тутишни билиш қобилияти бўлса, у ҳақиқий талант соҳибидир. Буюк файласуф, «биригчи муаллим» Аристотель ҳар бир сўзни қандай айтишни аввал соатлаб ойнага қараб, машқ қилган экан.

10. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (содда, озода бежирим кийиниш; таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг турли хил диққатини кўп жалб этувчи безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиш) эга бўлиши лозим.

11. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрناق бўла олиши лозим. Юксак ахлоқий ва инсоний фазилаатларга эга бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабаларини ўзида акс эттира олган қиёфаси унинг ўқувчи-талабалар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди. Узлуксиз таълим тизи-

мида амалга ошириладиган ислохотларнинг икки муҳим кўрсаткичи – сифат ва самарадорлик айнан ўқитувчининг салоҳияти ва касбий маҳоратига узвий алоқадордир. Ўқитувчининг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиш, ҳунар сирларини содда усулда ўргата олиш, ҳаётий тажрибалари асосида тарбияловчилик, шогирдлар эҳтиёжлари ва ютуқ-камчиликларини идрок эта олувчанлик, шахсий намуна бўла олишлик ва бошқаларни ўз ичига олади.

Одатда, кўпчилик ўқитувчилар шахсни ўргатиш ва тарбиялашдаги вазифасини ўз ўқув фани доирасида ўқувчини тегишли билим ва кўникма ҳамда малакалар билан қуроллантириш, уларда таҳлил қилиш, умумлаштириш ва қиёслаш сифатларини шакллантиришда фўрадилар. Ваҳоланки, ўқитувчининг меҳнати ва унинг педагогик фаолияти кенг қамровлидир. У ўқитишнинг учта муҳим ижтимоий функцияси-таълим бериш, тарбиялаш ва шахсни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини бажаришга масъулдир.

Иқтисодий ҳаётнинг янги қирралари, муаммолари уларни ечиш йўлларини ўрганиш жараёнида бетўхтов чуқурлашиб боради. Ўқув жараёнида янги методлар қўлланилади, янги ўқув курслари киритилади. Иқтисодий фанлардан дарс беришни маънавий, назарий томондан юқори босқичга кўтариш кўп жиҳатдан таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўқув шакллари, методлари, талабаларни иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганишлари бераётган воқеликка жамият тараққиёти ва жаҳон миқёсидаги жараёнлар бирлиги нуқтан назаридан қарашни ўрганишлари билан боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз иқтисодий фанларнинг ролини ниҳоятда ошишига олиб келди. Ўз навбатида, бу фанларни ўқитиш замон талабига жавоб бериши зарур. Бунинг учун эса ҳар бир ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндалиши, ўз устида муттасил ишлаб, изланиши, малакасини ошириши ва юқорида келтирилган фазилатларга эга бўлиши лозим. Шундай қилиб, иқтисодчи педагоглардан нафақат иқтисодиётни, балки иқтисодий билимларни ўқувчи-талабалар онгига етказиш маҳоратига ҳам эга бўлишлари талаб қилинади.

Келажакка қадам қўяётган ёшлар!

Сиз олган диплом эмас, балки сизнинг бажарган ишингиз, уни қандай бажаришингиз муҳим. Диплом сиз ишга ёлланаётган пайтда сизни малакангиз ҳақида гувоҳлик бериб, ишга қабул қилиниш масаласини ечиши мумкин. Лекин ишга қабул қилинган кунингиздан бошлаб, сиз келажакда қандай тарзда олга силжишингиз бажарган ишингизга, унинг натижасига боғлиқ. Сизга иш берувчи сизни дипло-

мингизга мазкур ишни сиз тезда ўзлаштириб оласиз, уни муаммоларини билиб, уларни ечиш йўлларини топасиз. Кундалик ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни енгасиз. Янги метод ва воситаларни топасиз. Корхонанинг самарадорлигини оширишга ёрдам берасиз деган ҳужжат тарзида қарайди.

Тўла самарадорликка эришгач, янги ўзгаришлар учун ҳаракат қилиш керак. Ўзгаришлар тараққиёт эмас, лекин тараққиёт ўзгаришларсиз амалга ошмайди.

Хулоса

Ҳозир мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий рақобат – фан, техника ва технология соҳасидаги рақобатга у эса интеллектуал моҳият касб этиб таълим соҳасидаги рақобатга айланмоқда. Шу туфайли, бутун дунёда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга, бунинг учун эса ўқув жараёнини самарали ташкил этишга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Педагогик технологияни «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулот» – маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараёни амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган мақсадга кўра, изчил кетма-кетликда, турли восита, методларни қўллаш, мақсадни топшириқлар орқали ифодалаш, олинган билимни синаш ва баҳолаш орқали самарали таълим натижасига эришишнинг ишончлилигини таъминловчи педагогик фаолият, деб таърифлаш мумкин.

Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши дидактика принциплари, услублари ва ташкилий шаклларининг ҳам ўзгаришига, ривожланишига сабаб бўлади.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш муҳим омил сифатида алоҳида ўрин тутди. .

Ўзлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкин. Шу даражада рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун мураббийнинг ўзи юксак даражада малака ва касбий маҳоратга эга бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мутахассис тайёрловчи педагогга қўйилдиган замон талаблари мажмуини белгилайди.

Инсон мавжуд имкониятлар орқали эришиши мумкин бўлган нарсалардан кўра интилишлари орқали кўпроқ ютуққа эришади. Педагог ана шунини ёшлар онгига сингдириши лозим.

Асосий таянч тушунчалар ва атамалар

Замонавий педагогик технология, дидактика, дидактик тамойиллар, дидактик жараён, таксономия, билишнинг босқичлари, ахборот технологиялари, педагогик маҳорат

Такрорлаш ва мунозара учун саволлар

1. Ёшларга иқтисодий таълим ва тарбия беришда нима сабабдан замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарур?

2. Замонавий педагогик технологиянинг мазмуини тушунтириб бера оласизми?

3. Дидактика нима? Унинг асосий тамойилларининг мазмуини тушунтириб бера оласизми? Дидактик саккизбурчак нималарни ифодалайди, ва унинг иқтисодий таълим-тарбиядаги ролини қандай изоҳлаш мумкин?

4. АҚШ педагоги Бенжамин Блум таксономияси нимани ифодалайди?

5. Б. Блум таксономияси бўйича билишнинг босқичлари қандай фарқланади?

6. Дидактик жараённи тапшил қилишда ўқитувчининг роли қандай?

7. Таълимда ахборот технологиялари ролини кўрсатиб бера оласизми?

8. Иқтисодчи-педагог маҳоратига қўйилдиган асосий талабларни айтиб бера оласизми?

9. Сизнингча, иқтисодчи-педагог қандай фазилатларга эга бўлиши керак? У ўзи дарс ўтаётган фанни яхши билиши керакми ёки дарс ўтишни яхши уддалаши керакми?

Абстракт тафаккур – ўрганилаётган объектнинг бирор белги-сини, асосий томонига диққат қаратиб, қолган иккинчи даражали томонларини ҳисобга олмасдан ўрганиш.

Авторитар педагогика (авторитар педагогик технология) – таълим-тарбия жараёнига раҳбарликда ўқитувчининг обрўсига асосланиш, унга ўқувчиларнинг кўр-кўрона, сўзсиз итоат этишлари. Бунда ўқувчиларнинг эркин ва мустақил фикрлашлари, шундай ҳаракатлар қилишлари чекланган бўлади.

Авторитет – шахснинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан кадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

Алгоритмлаш – педагогик технология таркибий бўлаклари (модуллари)нинг ўзаро жойлашувини ҳамда педагогик технология жараёнларини амалга ошириш кетма-кетлиги тартиби (қоидаси)ни белгилаш жараёни.

Амалий тафаккур – реал ҳаётда синаш, кузатиш, тажриба тўплаш жараёнида юз бериб назарий тафаккур билан таққосланади. У мақсад қўйиш ва уни режалаштириш, амалга ошириш билан боғлиқ.

Аккредитация – фаолият юритишга ишонч билдириш ва мувофиқ равишда берилган ҳужжат, яъни фаолият даражасининг қўйилган мезон ва талабларга жавоб беришини давлат томонидан эътироф этилиши.

Амалий тафаккур – реал ҳаётда синаш, кузатиш, тажриба тўплаш жараёнида юз бериб, назарий тафаккур билан таққосланади. У мақсад қўйиш ва уни режалаштириш, амалга ошириш билан боғлиқ.

Ахборотни асимметрик тарқалиши – бозорда қатнашувчи субъектларнинг ахборот олишдаги тенг имкониятини, бузилиши, шу ахборотдан манфаатдор айрим субъектларнинг бошқаларга нисбатан устун мавқега эга бўлишлари тушунилади.

Ахборот технологиялари – бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахлоқ – шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қондалари, ижтимоий онг шаклларида бири.

Бефарқлик (иктисодий маънода) – товар ва хизматларнинг ҳар қандай тўплами харидор учун бирдек наф келтириши кўзда тутилган тушунча.

Билим – таълимнинг узликсизлиги воситасида бериладиган маъхум тушунчага эга бўлган ҳодисадир Билим: 1) мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид маълумотлар мажмуи; 2) ўқимишлилик даражаси, маълумот, эрудиция, 3) шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Бихевиоризм – психологик-педагогик концепция бўлиб, инсонга технократик тарбия бериш нуктаи назаридан ёндашади. У инсон ҳақидаги фандаги эришилган ютуқларга асосланиб, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, қобилияти, сазй-ҳаракати ва танловига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиди ва бунда ғамонавий методлардан фойдаланади, У инсонда иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантириш масалаларига алоҳида диққат қаратган йўналиш бихевиоризм ҳисобланади.

Вазифа – қўйилган мақсадни амалга ошириш босқичларининг мазмуни.

Герменевтика – фикрни, қарашларни, ёзилган матнни шарҳлаш ва уни талқин қилиш принциплари ҳақидаги таълимот. Талқин қилиш – демак, ниманидир мазмунини, моҳиятини очиб беришдир.

Давлат таълим стандартлари – узлуксиз таълимнинг муайян босқичида тайёрланаётган кадрларнинг минимал даражада эга бўлиши лозим бўлган билим ва кўникмалар.

Дарс – бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Диалектик метод – фақат зиддиятни эмас, балки қарама-қаршиликлар бирлигини ҳам ифодалашни бир-бири билан қарама-қарши ҳодисаларни бир бутун ҳолда кўриш имконини берадиган, кишилик жамияти тараққиётини иқтисодий фикрлаш тарзининг ўзгаришини, инсонларни тарбиялаш жараёнини ўрганиш методи.

Дидактика (юнон-didaklikos – ўқитадиган, ўргатадиган) – педагогиканиннинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид таркибий қисми. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Дидактика «нима?» ва «нима учун?» ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланади.

Дунёқараш – шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ҳамда фикр-ўйлар тизими.

Инновация – янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.

Интеллект – инсоннинг умуман билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти; тушуниш, мулоҳаза, тафаккур, ақл.

Интуитив тафаккур – аниқ босқичларни йўқлиги билан характерланади. У барча муаммоларни қисқартириб идрок қилишга асосланган. Одатда бу тафаккурни «кўнглимга келди, уни бажардим» дея ифодалаймиз.

Иқтисодий маданият – маданиятнинг иқтисодий фаолият жараёнида намоён бўладиган шакли, кишиларнинг иқтисод соҳасидаги фаол оммавий иштирокини, билимлари, малака ва ишбилармонлиги, онги ва тафаккурининг ривожланганлиги даражасини акс эттиради. У инсоннинг иқтисодий соҳадаги фаолияти самарасини, жамиятда тўпланган иқтисодий тажрибани умумлашган ҳолда намоён этади.

Иқтисодий педагогиканинг объекти – иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш натижасида иқтисодий қарашлари ривожланаётган ўқувчи, талабалар.

Иқтисодий фаолият – инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни тирикчилик, ҳаёт кечирлишини таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи.

Касбий билимдонлик – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги.

Касб-ҳунар коллежи – ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти.

Касбий-педагогик мулоқот – педагог ва тарбияланувчининг ўзаро узлуксиз, доимий ҳамкорлик ижтимоий-психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айирбошлаш, тарбиявий таъбир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларни ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик – бўлажак мутахассиснинг психологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

Классификатор – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати бўлиб, унда саккизта таълим: ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, фан, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот хизматлари йўналиши билим соҳалари кўзда тутилган.

Когнитив – атроф одам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш, дифференцияловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

Кузатиш – бирор (педагогик ва бошқа) ҳодиса, жараён бўйича аниқ фактлар, далиллар, ахборот олиш мақсадини кўзлаган идрок этишнинг шакли.

Кўникма – шахснинг ўрганиш натижасида кўлга киритган муайян фаолиятни ташкил эта олиш, бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилияти; онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турга: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларга бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишига олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

Малака – шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида маълум бир фаолиятни янги шароитдаги янгилликлар билан бирга, самарали бажариш қоби-

лияти, шахснинг маълум касбга яроқлилиқ, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалари йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмасликни қайта таъёрлаш ва малака ошириш орқали тўлдирилади. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади.

Малака амалиёти – ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникама ва ўқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум лқуни, қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган қисми.

Мафкура – ғоя ва қарашлар тизими, муайян гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усули ва воситалари тизимидур.

Мақол – халқ яратган ғоят ихчам, чуқур маъноли гаплар.

Мақсад – фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

Мақтов – фойдали иш қилган шахсни, жамоани оғзаки тақдирлаш.

Маҳорат – шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникама ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгалланган билим, кўникама, малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

Меъёрий нафлилик – қўшимча истеъмол қилинган маҳсулотдан қўшимча олинадиган нафга айтилади.

Миллий ғоя – бирон бир мамлакат халқи (халқлари)нинг туб манфаатларини ифода этадиган энг илгор, инсонпарвар фикрлар мажмуаси.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни, инсоннинг бирон бир фаолият юритишга йўналтирувчи, ундовчи ички ҳис-туйғу бўлиб, у эҳтиёж, хоҳиш, қизиқиш, интилиш бўлиши мумкин.

Мотивация – биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, ундайдиган туйғу.

Муаммоли вазият – ҳаётдаги ёки ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

Муқаррарлик эффекти – одамларни юз бериши муқаррар натижани, ҳодисани ноаниқликка қараганда жуда юқори баҳолашлари.

Нафлилик – харидорнинг ўз эҳтиёжини қондириш нуқтаи назаридан берган индивидуал субъектив баҳоси.

Одат – кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

Органик рационализм – органик (табiiй, узвий) рационаллик, яъни рационалликнинг заиф шакли концепсиясида асосий диққат инсоннинг ўзини тутиши, саъй-харақатларида расмий ва норасмий қондаларга риоя қилишига қаратиладиган йўналиш.

Педагог – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

Педагогика – ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

Педагогиканинг назарий вазифаси – илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогик жараён – таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамойиллари – педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиб беради.

Педагогик малака – муайян тонфадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик маҳорат – педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик технология – «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулотни» – маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараёни амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган мақсадга кўра изчил кетма-келликда турли восита, методларни қўллаш орқали самарали таълим натижасига эришишнинг ишончлилигини таъминловчи, қафолатловчи педагогик фаолият.

Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Риск – яхшилик билан тугашига умид қилинган таваккалчилик, ноаниқ фаолият, муваффақиятли натижага хавф солувчи хатар, зарар келтириши мумкин бўлган фаолият

Таксономия – (юнонча taxis – жойлашиш, таркиб, тартиб ва nomos – қонун) мураккаб тузилишга эга реалликни таснифлаш ва тизимга солиш ҳақидаги назария бўлиб, у нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва ҳосиятларига кўра иерархик тарзда тавсифлаш ва тизимлаштиришни англатади.

Тарбия – 1. Болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик. 2. Иш-хунар, одоб-ахлоқ ўргатишга ва умуман кишининг гоёвий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими. 3. Парвариш, қаров: 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтирмоқ; 2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ; 3) парвариш қилмоқ.

Таҳлилий тафаккур – ҳар бир ходиса, воқеа, жараёни чуқур атрофлича ўрганиш асосида хулоса чиқаришни ифодалайди. Аналитик, яъни таҳлилий фикр юритувчи инсон мақсадни аниқ қўяди ва уни амалга оширишнинг моҳиятини аниқ тасаввур қилади.

Таълим – 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш гоёвий-ахлоқий, кадр, малака, кўникма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим;

3) ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим воситалари – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроли, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нуқти, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар.

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Таълим дастури – ўқув фанларининг бақалаврият йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражада тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати.

Таълим мақсади – таълим беришдан (олишдан) кўзланган муддао.

Таълим мазмуни – 1) ўқитиш жараёнида эгаллаш лозим бўлган билим, кўникма, малакалар маъноси, ҳажми ва характери. 2) шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараш, одоби, ҳуққи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

Таълим сифатини назорат қилиш – ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.

Таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларнинг билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа-ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур тушунча, ҳуққ, ҳулоса шаклларида намоён бўлади.

Тушунча – атроф-муҳитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим хусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

Тўла рационализм – одам фаолият юритиши учун атрофлича ахборотга эга ва ундан ўз фаолиятида фойдаланиб, максимум даражада натижага эришади, деб қараладиган йўналиш

Фан – табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар системаси.

Фаолият – 1) онгли мақсадга кўра бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитни кишилар тамонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этиш.

Халқ педагогикаси ёки этнопедагогика – бу этник гуруҳлар миллат, халқнинг асрлар давомидаги тарихий ҳаёти давомида эришган эмперик тажрибалари асосида болага таълим-тарбия бериш ҳақидаги фан.

Чайқовчилик – бир товарни сотиб олиб шу бозорни ўзида маълум вақтдан сўнг юқори баҳода сотиб фойда олишни билдиради, яъни чайқовчилик баҳоларни вақт оралигидаги фарқига асосланади.

Чекланган рационализм – хўжалик юритиш жараёнида қарор қабул қилиш учун ахборотлар етарли эмас, чекланган, бунда турли қийинчиликлар туфайли зарур ахборотларни тўплай олмаслик, етарли даражада таҳлил қила олмаслик, қолаверса инсоннинг билиш қоби-ляти, иқтидори даражаси имкон бермаслиги мумкинлигига диққат қаратувчи йўналиш

Шахсий фазилат – шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эгаллик қилиш эффекти – одамларнинг ўзларида борини, уларга тегишли бўлмаган нарсага нисбатан юқори баҳолашлари, афзал кўришларини ифодалайди. «Осмондаги турнадан қўлдаги читтак яхши» нақли айнан ана шу эффектни ифодалайди.

Эътиқод – шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив фаолияти.

Ўзлаштириш – тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши.

Ўрганиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўргатиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

Ўқитиш сифатини назорат қилиш – талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Ўқитишнинг меъёрий муддати – таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат.

Ўқув дастури – бўлажак мутахассис шахсига қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмуни ва уни ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштиришни ташкил этишни ақс эттирган ҳужжат.

Ўқув фани – таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган ҳамда ўзида муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган манба.

Қизиқиш – шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли, инсоннинг у ёки бу нарсага, ишга диққат-эътибор қаратиши, ихлос қўйиши, агар у бажарадиган иш бўлса бажаришга астойдил киришиши, ҳуллас инсон эҳтиёжининг намоён бўлишини ўзига хос шакли бўлиб, у кишида ижобий ҳис-туйғу уйғотади.

Ғоя – инсон тафаккурда вужудга келадиган, ижтимоий кучга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикр.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Ўзбекистон Республикаси қонунлари**
 - 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон", 2005 й.
 - 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
 - 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
2. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари**
 - 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида». Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
 - 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» // «Халқ сўзи» газемаси, 2006 йил, 6 октябрь.
3. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**
 - 3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори (1998 йил, 5 январ). Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
 - 3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори (1998 йил, 5 январ). Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
 - 3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (1998 йил, 28 январ) Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
4. **Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**
 - 4.1. И.А. Каримов «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т. Ўзбекистон, 1992.
 - 4.2. Каримов И. А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: Ўзбекистон, 1993.
 - 4.3. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
 - 4.4. Каримов И.А «Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа» // «Тошкент оқшоми» газетаси, 1998 й., 27феврал.

- 4.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- 4.6. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» 1998.
- 4.7. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т.: Шарқ, 1998.
- 4.8. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 4.9. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрел. Т.: «Ўзбекистон». 1999.
- 4.10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ», 1999.
- 4.11. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз // Тошкент оқшоми, 2002 йил, 15 феврал.
- 4.12. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдири // «Тошкент оқшоми» газетаси, 2003 йил, 18 феврал,
- 4.13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидири. Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 4.14. Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздири» // «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил, 13-феврал.
- 5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари**
- 5.1. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.

Махсус адабиётлар

6. Дарсликлар

- 6.1 Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳоликбердиев К. Педагогика.Т.: Ўқитувчи, 2001.
- 6.2. Пронина Е.Н., Лукашевич. В.В.»Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов. Издательство «Элит», Москва 2004.
- 6.3. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.: Профессиональное образование, 1997.
- 6.7. Benjamin Bloom et al., eds., Taxonomy of Educational Objectives, Handbook J: Cognitive Domain (New York: Mk. Kay, 1956).
- 6.8. Silber K, H. Some implicational of the history of Educational Techology: we re all in this together. In: J. W. Brown and S. N. Brown. Educational Media Yearbook, Littleton, Colorado: Librares Unlimited, 1981.

7. Ўқув қўлланмалар

- 7.1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Тошкент, 2003
- 7.2. Бим-Бад Б.М. Педагогическая антропология. Курс лекций. Изд-во УРАО, 2003.

7.3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1999.

7.4. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технология: Назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. - Т.: «Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти», 2001.

7.5. Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения. – М.: «Педагогика», 1990.

7.6. Райзберг Б.А. Психологическая экономика, Учебное пособие. М.: Инфра-М, 2005.

7.7. Рахимов С, Машарипов И. Миллий истиқлол гоёси. Т.: Иқтисод-молия, 2005 йил.

7.8. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2003.

7.9. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. ТМИ, 2003.

7.10. Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. Т. Фан, 2000.

7.11. Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. М. «Новости» 1992.

7.12. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Т.: 2002.

7.13. Ҳасанов С., Дустжонов Г., Мирхамидлов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш долзарб муаммолари. Т.: Iqtisod va moliya, 2006.

8. Монографиялар, мақолалар

8.1. Автономов В.С. Модель человека в экономической науке. СПб. Экономическая школа, 1995.

8.2. Беккер Г. Экономический анализ и человеческое поведение. THESIS, М, 1993, т. I, вып. 1.

8.3. Бернулли Д. Опыт новой теории измерения жребий. В книге «Теория потребительского поведения и спроса». Санкт-Петербург, 1993.

8.4. Вебер Макс. Избранные произведения. М.: «Прогресс», 1990.

8.5. Жолдасов А. и др. Апология рациональности традиций // Экономическое обозрение, 2004, №12.

8.6. Жўраев Т. Янгича иқтисодий тафаккур // «Ўзбекистон овози» газетаси, 2004 йил 21 декабр.

8.7. Турдимов Ж. и др. Традиции не должны мешать повышать благосостояние // Экономическое обозрение, 2004, №12.

8.8. Уильямсон О. Экономические институты капитализма. СПб Лен-издат, 1996.

8.9. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М.: 1994, с. 230.

8.10. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: Янги гоёлар, ютуқлар. Т.: Шарқ, 2002.

8.11. Қобуснома. Т.: Ўқитувчи, 1973.

8.12. Қодирова З.Р. Янгича иқтисодий тафаккур ва халқаро муносабатлар // Халқаро муносабатлар // 2004, №2.

Луғатлар

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти, 1981.

Фалсафа. Қомусий лугат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, Шарқ, 2004.

9. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўплами

9.1. Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 10-12 ноябр, 2003 йил. Т.: 2003.

9.2. «Ахборот коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш. Тажриба, муаммо ва истиқболлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманининг маърузалар тўплами. 28 апрел, 2004 йил. Т.: 2004.

9.3. «Маънавият, илм-фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари 3-4 ноябр, 2004 йил. Т.: 2004.

9.4. «Илм-фан ва замонавий тафаккур ижтимоий-иқтисодий тараққиёт гаровидир» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари, 22 май 2007 йил. Т.: 2007.

10. Газета ва журналлар

10.1. Касб-ҳунар таълими. 2004-2006 йил сонлари.

10.2. Халқ таълими. 2006 йил сонлари.

11. Статистик маълумотлар тўплами

11.2. Социально-экономические показатели Республики Узбекистан за 2006г. – Т.: 2007.

Интернет сайтлари

11.4. <http://www.rbcnet.ru> «Экономика и Жизнь».

11.5. www.school.edu.ru.

11.6. www.inter-pedagogika.ru.

КИРИШ.....	3
<i>I боб. ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ</i>	
1-§. Фаннинг вужудга келиши, мақсади ва асосий вазифалари.....	5
2-§. Иқтисодий педагогиканинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.....	9
3-§. Иқтисодий педагогика фани предметини ўрганиш методлари..	14
<i>II боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ</i>	
1-§. Марказий Осиёда энг қадимги даврда ижтимоий, иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий таълим-тарбия масалалари.....	19
2-§. IX-XV асрларда Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида иқтисодий таълим-тарбиянинг тугган ўрни.....	23
3-§. XIX аср охири ва XX бошларида Туркистонда иқтисодий таълим-тарбияга оид қарашлар.....	29
<i>III боб. И.А. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ</i>	
1-§. Иқтисодий ғоя ва уни англаш зарурияти. И. Қаримов барқамол авлодни тарбиялашда иқтисодий билим ва кўникмаларнинг ўрни ҳақида.....	37
2-§. И. Қаримов иқтисодий ислоҳотлар ва янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш ҳақида.....	41
3-§. Ёшларга иқтисодий таълим-тарбия беришда И.А. Қаримов асарларидан фойдаланиш.....	46
<i>IV боб. ИҚТИСОДИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ</i>	
1-§. Иқтисодий хулқ-атворнинг психологик ва педагогик асослари.....	61
2-§. Иқтисодий хулқ-атворни шакллантириш таълим мақсадларидан бири сифатида.....	68
3-§. Иқтисодий педагогика фанининг атамалари ва уларнинг шахс хулқ-атворини шакллантиришдаги ўрни.....	78
4-§. Маржинализм: нафлилик ва харидор танлови назарияси. Иқтисодий хулқ-атворнинг шаклланиши.....	92
5-§. Инсонларнинг хулқ-атворига кўра қутилаётган нафлиликка муносабатини шаклланиши ва таваккалчилик хатари.....	101
6-§. Иқтисодий педагогикада ахборотни асимметрик тарқалиши ва унинг истеъмолчи танловига таъсирини ўрганиш.....	109
7-§. Бозор иқтисодиётида чайқовчилик, уни инсон хулқ-атвори билан боғлиқлиги ва иқтисодий педагогикада ўрганиш зарурияти.....	115

**У боб. ИҚТИСОДИЙ ТАФАҚҚУР ВА ИҚТИСОДИЙ
МАДАНИЯТ**

1-§.	Иқтисодий тафаққур ва унинг шаклланиши.....	124
2-§.	Иқтисодий тафаққур ва амалиёт.....	127
3-§.	Иқтисодий тафаққурнинг иқтисодий маданиятни шаклланишига таъсири.....	131

**VI боб. ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКАДА ЭТНОПЕДАГОГИК,
ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ОМИЛЛАР**

1-§.	Этнопедагогиканинг иқтисодий	139
2-§.	Иқтисодий фикрлашни шакллантиришда диний қарашлар. Макс Вебер назарияси.....	143
3-§.	Иқтисодий хулқ-атвор ва танловни шаклланишида миллий анъана ва қадриятлар	151

**VII боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

1-§.	Иқтисодий таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва узвийлиги.....	160
2-§.	Иқтисодий билим ва иқтисодий саводхонлик.....	164
3-§.	Иқтисодий саводхонликни оширишнинг асосий йўллари.....	168
4-§.	Иқтисодий саводхонлик ва камбағаллик муаммолари.....	170

**VIII боб. ОИЛА ВА ОИЛАДА ИҚТИСОДИЙ
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ**

1-§.	Оила ва унинг асосий функциялари.....	176
2-§.	Оила иқтисодий таълим-тарбия беришнинг асосчиси. Оиланинг фарзандлар иқтисодий фикрлашгани шакллантиришдаги роли.....	183
3-§.	Оила даромади, маблағлари, уларни тақсимлаш ва ишлаштириши.....	187

**IX боб. МУЛҚДОРЛИК РУҲИНИ ТАРБИЯЛАШ ИҚТИСОДИЙ
ТАРБИЯНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ**

1-§.	Мулқдорлик психологиясини шакллантиришнинг зарурияти..	195
2-§.	Мулк муносабатлари ва мулқдорлик.....	202
3-§.	Мулк ҳуқуқи, мулқдорлик ва манфаатлар.....	205
3-§.	Мулк эгаларида маънавий бойликни шакллантириш.....	211

**X боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА ИҚТИСОДЧИ-
ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ, АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАРИ**

1-§.	Иқтисодий таълим ва тарбияда замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурияти.....	216
2-§.	Дидактика ва унинг асосий тамойиллари.....	221
3-§.	Таълимда ахборот технологиялари.....	228
4-§.	Иқтисодчи-педагог маҳоратига қўйиладиган асосий талаблар..	234
	ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ (глоссарий)	243
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	250

Д.ТОЖИБОЕВА, Н. ХЎЖАЕВ, Г. АВАЛОВА

ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2008

Муҳаррир:	М. Миркомиллов
Тех. муҳаррир:	А. Мойдинов
Мусахҳиҳа:	С. Бадалбоева
Компьютерда саҳифаловчи:	А. Шахамедов

Босишга рухсат этилди 07.04.08. Бичими 60x84¹/₁₆.
«Times Uzb Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 16,5. Нашр табағи 16,0.
Алади 400 . Буюртма № 39 .

«Fan texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»да
чоп этилди
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор, 171.